Annotation: As a result of studying the birds three categories of eggs: 9-month, 11-month and 14-month-old, carrying out experiments on the basic parameters: the weight comparison, the shape and the ratio of the component parts of eggs, identified a number of indicators. In the selection of eggs for incubation to calibrate - the important process. The experiments revealed that the chickens from the age of 9 months of obtaining eggs ellipsoidal higher than oval eggs compared with bird 11- and 14 months of age by 3.3% and 6.6% respectively. Weight of eggs 9-month-old chickens to 2,3-6 g less than the egg weight 11- and 14-month-old chickens; in terms of color, shape, purity and surface roughness shell chicken eggs floor maintenance is much higher and better. Comparison of indices showed that yolk of the egg 9-month-old chickens is 0.48 hectares, and eggs 11- and 14-month-old chickens - 0.43 hectares; the protein part of the index is a ratio of 0,07-0,11.

Ключевые слова: кросс, негосударственный, «Декалб», «Ломанн LSL классик», разведение, зоогигиена, фирма. Батарея, комбикорма, стандарт, живой вес, технология, стандарты.

Введение. Птицеводство - одна из основных отраслей животноводства, и имеет большое значение в обеспечении населения диетическим птичьим мясом и яйцами. В последнее время увеличивается количество частных негосударственных птицеводческих хозяйств, а также увеличивается интерес населения к этой отрасли.

Завозимые на территорию государства перспективные кроссы кур яичного направления на сегодняшний день позволяют получать на птицеводческих предприятиях и в негосударственных хозяйствах яичную продукцию, соответствующую стандартам. Наиболее широко в получении яичной продукции в хозяйствах используются такие кроссы кур, как «Ломанн броун-классик», «Ломанн LSL классик», «Деклаб», «Хайсекс», «Хайлайн». Такие показатели, как сохранность кроссов кур, рост и развитие, период созревания, яйценоскость, качество яиц, соответствуют требованиям времени.

В настоящее время селекцией кур яичного направления и обеспечением мирового рынка кроссами кур занимаются ведущие фирмы «ЛОМАНН ТАРЦУХТ» И «ХЕНДРИКС ДЖЕНЕТИКС».

Материалы и способы.

Цель исследования: Получение яиц, пригодных для инкубации, от начальной родительской линии кросса кур «Ломанн LSL классик», «Родонит-3», проведение калибровки, инкубация, выведение птенцов из яиц, рост и развитие птенцов, период созревания, сохранность, яичная производительность кур и экономические показатели.

Задачи исследования: Создание в дехканских, фермерских и малых птицеводческих хозяйствах групп на основе аналогов начальных линий кроссов кур «Ломанн LSL классик», «Родонит-3», оценка качества полученных яиц, изучение их пригодности к инкубации, проведение калибровки яиц, инкубация яиц, содержание и уход за птицей, рост и развитие птенцов, создание полноценного кормления на основе произведённых в самом хозяйстве кормов, кормление, изучение производительности кур, рекомендация разведения кроссов, наиболее пригодных для производства на основании определения экономических показателей.

Место и объект исследования: Изучение производительности начальной родительской линии кроссов «Ломанн LSL классик», «Родонит-3», сравнение показателей производительности этих кроссов в условиях расположенных в Самаркандской области предприятий «Охалик Ломанн парранда», ООО «Каттакурган ориён парранда», Пастдаргомского Фермерского хозяйства «К-Эльдор».

Используемые методы: Особо важно изучение наследственности, обеспечение мелких дехканских, фермерских и вспомогательных птицеводческих хозяйств наследственными птенцами, формирование стада кур, содержание, кормление, использование подходящих для хозяйства кроссов и изучение их экономических показателей. Изучение на практике живого веса кур, определение живой массы специально отведённых для опыта 25 голов кур путём взвешивания на весах.

Взвешивание яиц на электронных весах, определяющих вес вплоть до 1 гр. Изучение производительности кур с их 38-недельного возраста.

Основы опыта и использованные в исследовании методы проверок. Обеспечение необходимой температуры, влажности, свежего воздуха и переворачивания яиц на 45 градусов для полноценного развития зародыша в яйце.

Таблица 1

Вес инкубационных яиц, г, n-20

Размеры яиц кур	М-/± m	Ъ	С
Мелкие	56,0 -/+ 0,41	1,80	2,80
Средние	58,2 -/+ 0,23	1,69	2,81
Крупные	61,0 -/+ 0,19	0,92	1,65

Как видно из данных таблицы, вес мелких яиц 56,5г, вес средних яиц 58,2 г, вес крупных яиц 61,0г, мелкие куриные яйца легче, чем средние и крупные соответственно на 2,2г и 5г. При подсчёте веса средних и крупных куриных яиц коэффициент изменчивости имеет заметную разницу.

Таким образом, если в мелком яйце содержание белка 33,1г, то в среднем и крупном яйце его содержание составляет 34,3г и 35,3г соответственно, то есть в среднем и крупном яйцах по сравнению с мелким белка больше на 1,2г и 2,2г соответственно. А вес скорлупы среднего яйца по сравнению с весом скорлупы мелких и крупных яиц больше на 0,3г, то есть 12,09%.

Таблица 2

Относительность составляющих частей инкубационных яиц, n-20

Размеры яиц кур	Вес яйца	Составляющие части яиц					
		белок		желток		скорлупа	
		г	%	г	%	г	%
Мелкие	56,0	33,1	58,82	16,2	28,88	6,7	12,3
Средние	58,2	34,3	58,71	16,7	29,20	7,0	12,19
Крупные	61,0	35,3	60,55	16,3	27,96	6,7	11,49

Вероятность появления слабых цыплят из крупных яиц по сравнению с маленькими и средними яйцами больше от 1,1% до 0,4%. А вот появление здорового потомства из мелких и средних яиц составляет соответственно 79,3% и 81,3%, а из крупных яиц 77,7%, что на 1,6% и 3,6% меньше.

Таблица 3

Показатели роста цыплят

Недели роста	«Ломанн LSL классик».				«Родонит-3»			
	Живой вес, г X \pm S-	Дневной рост, г	Абсолютный рост, г	Относительный рост, %	Живой вес, г X \pm S-	Дневной рост, г	Абсолютный рост, г	Относительный рост, %
1-день	35,85 \pm 0,24	-	-	-	38,25 \pm 0,66	-	-	-
1-неделя	72,15 \pm 0,40	5,19	36,30	101,26	74,5 \pm 0,36	5,18	36,25	94,77
4-недели	255,85 \pm 0,88	8,75	183,70	254,61	273,65 \pm 0,66	9,48	199,15	267,32
8-неделя	621,25 \pm 0,85	13,05	365,40	142,82	680,7 \pm 1,03	14,54	407,05	148,75
12-неделя	957,7 \pm 1,16	12,02	336,45	54,16	1040,15 \pm 1,14	12,84	339,45	49,87
16-неделя	1166,8 \pm 1,30	7,47	209,10	21,83	1329,8 \pm 0,86	10,34	289,65	27,85
20-неделя	1410,65 \pm 65	13,55	243,85	20,9	1639,5 \pm 0,75	11,05	309,5	23,27

На протяжении периода не было замечено значительного увеличения живого веса цыплят «Родонит-3» и «Ломанн LSL классик». Лучшим результатом оказался вес цыплят «Родонит-3»: в недельном возрасте на 2,35г, в 8-недельном возрасте на 58,75г, в 12-недельном возрасте 82,30г и в 20-недельном возрасте 228,85г. У цыплят «Ломанн LSL классик» был выше средний дневной прирост в возрасте 16-20 недель.

Таблица 4

Живой вес кур. Г (X \pm S-)

Возраст, недель	«Ломанн LSL классик».	«Родонит-3»
30	1728,20 \pm 9,68	1912,15 \pm 14,67
40	1735,45 \pm 10,60	1951,35 \pm 15,39
50	1762,9 \pm 9,80	1981,9 \pm 11,3
80	1775,80 \pm 8,45	2093,40 \pm 15,82

Таким образом, за период 30-80 недель живой вес кур «Родонит-3» увеличился на 181,25г или на 9,48%, а живой вес кур «Ломанн LSL классик» - на 46,8г или на 2,75%. То есть живой вес кур «Родонит-3» превысил живой вес кур «Ломанн LSL классик» на 317,6г или 17,88%

Яйценоскость кур

Показатели	Куры	
	«Ломанн LSL классик»	«Родонит-3»
Яйценоскость, шт	297,7+/-0,72	290,2+/-1,58
Вес яиц, г	61,7+/-0,28	63,0+/-1,41
Масса яиц, кг	18,36	18,28

Как видно из таблицы, яйценоскость кур «Ломанн LSL классик» превышает яйценоскость кур «Родонит-3» на 6,8 штук, т.е на 2,34%. Вес яиц кур «Родонит-3» больше веса яиц кур «Ломанн LSL классик» на 1,3г. А общая масса яйца кур «Ломанн LSL классик» больше на 0,08 кг, чем масса яйца «Родонит-3».

Выводы: Обеспечение стандартными показателями микроклимата для содержания цыплят и кур германской компании «Ломанн Тарцухт», рекомендованные «Свердловским Государственным Заводом Разведения», оказали положительное влияние на продуктивность и здоровье птиц.

Мелкие птицеводческие, дехканские, фермерские и частные хозяйства могут использовать для разведения цыплят «Ломанн LSL классик» и «Родонит-3», конечно в зависимости от своих возможностей и при условии обеспечения условий содержания, микроклимата и полноценного кормления, требуемых для данных кроссов.

Литература:

1. Азимов Д. «Применение нетрадиционных кормов», ж. «Птицеводство». №6, 2009г, с.41
2. Алимардонов А.Ш. «Услужий кумак махсулдорлик демак». ж. «Зооветеринария», 2014г. 11 ноября
3. Винфрид Бониц, Дитмар Флок ««Ломанн Тирцухт» - надёжный партнёр российских птицеводов» ж. «Птицеводство». №7, 2003г, с, 28-29
4. Рахмонов Л.К. «Паррандаларни асраш ва озиклантириш технологиясининг узига хосликлари» ж. «Зооветеринария», 2012г, №2, с.32-34

УДК: 638.144.5.

ВЛИЯНИЕ СЕЛЕНОВОЙ ПОДКОРМКИ НА ПРОДУКТИВНОСТЬ ПЧЕЛ

Махмадиёров О.А.

Самаркандский сельскохозяйственный институт

Аннотация: Проведен опыт по определению максимально безопасных доз семян для пчел в определенной зоне. При стационарном содержании пчел в горной зоне нужно меньше вносить селен для подкорма.

Annotation: The experience of determining the safest doses of seeds for bees in a certain zone has been carried out. At stationary maintenance and bees in a mountain zone it is necessary to bring less selenium for additional feeding. Key words: selenium, zotez, fibrosis, ration, uclevod, combi, trioovit, nayar, dust, toxicity.

Ключевые слова: Селен, зотез, фиброз, рацион, пчеловод, комбикори, триовит, найар, пыльца, токсичность.

Препараты с селеном в качестве добавок к кормам при кормлении домашних животных и птиц стали применяться с 1970 года, что позволило эффективно бороться с эксеудасивным диатезом, фиброзом поджелудочной железы, вывести из организма тяжелые токсикоэлементы, повысить выживаемость молодняка, повысить удои, приросты, яйценоскость кур. В частности, включение селеносодержащей добавки (0,25-0,35 мг селена на 1 кг сухого рациона) в корма

способствовало повышению среднесуточных приростов бычков на 5-15 %, снизить расходы кормов на 1 кг прироста на 4-14 % [1].

Дефицит селена в кормах вызывает нарушение в обмене белков, жиров, углеводов и приводит к возникновению многих заболеваний. Особенно страдают из-за недостатка селена интенсивно растущие и беременные животные. Однако избыток селена опасен для организма. Максимально безопасным уровнем селена для крупного рогатого скота считают 0,3-0,4 мг на 1 кг сухого вещества. Дальнейшее его повышение приводит к снижению продуктивности животных, а при избытке селена в рационе (более 0,6 мг/кг) наблюдаются хронические отравления в результате нарушения синтеза ряда аминокислот в организме животного. [2].

В опытах на цыплятах-бройлерах в рационы вводили 0,3 мг на 1 кг комбикормов, что позволило повысить среднюю живую массу на 9 %. [3].

Комбикормы для птицы содержат 60-80 % зерна, комбикорма для скота 30-60% зерна. Это говорит о том, что, давая скоту и птице комбикорм, содержащий дробленое зерно, они уже получают некоторое количество селена в виде органического соединения [3,4].

Только в одном случае были испытаны влияние препарата селена на физиологическое состояние медоносных пчел. [5].

Но в нем не указано влияние селена на продуктивность пчелиной семьи.

В публикуемых научных журналах мы не нашли процесс аккумуляирования селена в цветках, которые опыляются насекомыми, в частности, пчелами. Поэтому были проведены опыты на медоносных пчелах.

Подкормку, состоящую из сахарного сиропа, для опытных пчел вводили селеносодержащий препарат «Триовит», рекомендованный медициной для людей, живущим или работающим в загрязненной окружающей среде, подверженным физическим и умственным перегрузкам, работающим с компьютером, пожилым людям, курильщикам. Опыты были проведены в течение 2014-2016 на пасеках НИИЖПР Ташкентской области Республики Узбекистан. Одна капсула триовита содержит 10 мг каротина, 40 мг витамина Е, 100 мг витамина С и 50 мг селена. Вводили препарат с сахарным сиропом в течение двух месяцев, в дозе: одна капсула в течение 30-35 дней на 1 улей. В опытных семьях в конце опыта содержалось в среднем по 4,3 кг пчел в каждом улье.

В результате производственного опыта установили, что у опытных семей отмечалось улучшение активности жизнедеятельности пчел, увеличилась продолжительность их жизни и продуктивность на 8-12%, а также их расплода.

Проводятся научно-исследовательские работы по определению максимально безопасных доз селена для пчел в определенной зоне, либо в промышленной, либо в горной. В горной местности при стационарном содержании пчел, где чистый воздух, вероятно нужно меньше вносить селен. Проводятся опыты по влиянию селена на расплод пчел.

Кроме того, в составе товарного меда будет содержаться небольшое количество органического селена, который повысит иммунную сопротивляемость организма человека, снизить вероятность развития онкологических и сердечно-сосудистых заболеваний и катаракты.

Необходимо отметить, что содержание пчел в промышленной зоне, в зоне интенсивного земледелия, требует особого наблюдения за поведением и здоровьем пчел. Бывают случаи, когда садоводы, не предупреждая пчеловодов, обрабатывают цветущие сады ядохимикатами или вводят повышенные дозы минеральных удобрений под овощи и бахчи до их цветения. Пчелы, собирая нектар и пыльцу, приносят в ульи загрязненные вещества, пестициды, которые проникают в организмы насекомых, что в последствие приводит их гибели и расплода пчел.

В мировой печати известны ряд случаев полного исчезновения пчел на пасеке. Ученые предполагают, что, когда в организм пчел попадают токсические вещества (дефолианты, ядохимикаты, пестициды, тяжелые металлы), то пчела сначала теряет память, ориентацию, а потом погибает вдали от улья. К примеру, в одной из провинции южной части Китая полностью исчезли пчелы и другие дикие насекомые - опылители. В результате того фермерам приходится опылять фруктовые деревья трудоемким ручным способом, заменяя бесплатный труд маленьких пчел (из Интернета).

Накопление тяжелых металлов (свинца, кадмия) и других токсических веществ в окружающей среде создают высокую степень экологической напряженности. Поэтому необходимо исследователям различных областей науки искать все возможные пути уменьшения воздействия вредных веществ на животных, птиц и пчел, а уже через их продукцию на человека. В частности, введение селеновых препаратов различными способами (и в почву при возделывании зерновых, орехов, миндаля, подсолнечника, в корма для животных) в некоторой степени уменьшает вредные воздействия токсических веществ на организм человека, животных, пчел.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Легошин Г.П., Дзюба Н.Ф. и др. Влияние селеносодержащей добавки «Сел-Плекс» на эффективность откорма и мясную продуктивность черно-пестрых бычков. Ж. «Зоотехния», №11, 2008, с.14-16.
2. Суслова И.В., Иванова И.В. Дуборезов В.М. Оптимальный уровень селена в рационах откармливаемых бычков. Ж. «Зоотехния», №10, 2008, с. 17-18.
3. Перепелкина Л.И. Селен в рационе цыплят - бройлеров. Ж. «Зоотехния», №9, 2008, с.18-19.
4. Папатьян Т, Голубкина Н. Селен в кормах сельскохозяйственной птицы. Ж. «Птицеводство», №10, 2008, с.45-46.
5. Строгов В.В., Радионова Т.Н. Физиологическое состояние пчел при подкормке селеном. Ж. «Пчеловодство», 2009, №9, стр. 17-18.

УДК:338.1:658.14

ИННОВАЦИЯ: ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Пардаев М.Қ.- СамИСИ

Пардаева О.М.- СамҚХИ

Аннотация: Хозирги замон талаби инновацион технологиялар ва улардан тўғри фойдаланиш ҳисобланади. Агарда тушунчалар тегишли тарзда таснифланмаса ҳар қандай вазиятда ҳам нафақат назарий масалаларни, балки амалиётга жорий қилишдаги ҳолатларни ҳам чалқашликка олиб келиши мумкин. Шу туфайли инвестицияларни таснифлаш лозим, деган хулосага келдик. Тадқиқотимиз натижасида инновацилар бир неча белгилари мавжудлиги аниқланади.

Annotation: At the present time, the demand for innovative technologies and use them properly. If the concepts are properly classified in any case, not only theoretical issues, but in practice can lead to making conditions too confusing. As a result, we came to the conclusion that the classification of investments. As a result of innovative research in a number of traits.

Калит сўзлар: Инновация, инвестиция, махсус конструктор ихтирочилар, хусусий мулк, товарларни такомиллаштиришга қаратилган инновация, техника ва технологияни такомиллаштиришга қаратилган инновация, бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган инновация.

Keywords: Innovation, investment, aimed at improving the design of inventors, private property, goods, technology and innovation aimed at improving the technology innovation, aimed at improving the management of innovation.

Инновациянинг турларини тўғри тушуниш ва уларнинг таснифи бўйича концептуал йўналишларини аниқ белгилаш учун уларни таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, охириги пайтларда инновация масаласи иқтисодий адабиётларда шу даражада кўп ёритилмоқдаки, уларнинг ўзлаштириб улгуриш қийин бўлмоқда. Аммо уларнинг барчасида битта тенденция кўзга ташланмоқда. Бунга турли кишилар турли нуқтаи назардан қараши оқибатида, назарий жиҳатдан бир тизимга келтирилмаган. Бу эса ўз навбатида инновациянинг таснифини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Бизнинг фикримизча, инновацияларни бир қанча белгилари бўйича таснифлаш лозим. Тадқиқотларимиз натижасида ушбу белгиларнинг 7 та эканлиги аниқланди. Чунки, инновацияни яратувчиларининг манфаати, ундан фойдаланувчилар манфаати билан фарқ қилади. Ёки инновацияларни жорий қилишда ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам инобатга олишни тақозо қилади. Инновация вақт нуқтаи назаридан ҳам фарқ қилади. Шу туфайли инновацияни қуйидаги белгилар бўйича ушбу таснифи келтириш мумкин:

1. Инновацияни яратувчилари бўйича таснифи.
2. Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлаш.
3. Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи.
4. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш.
5. Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш.
6. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш.
7. Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш.

Инновациянинг турларини ушбу белгилар бўйича алоҳида ҳар бирини қисқача қараб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, биринчидан, ушбу масала иқтисодий адабиётларда етарли даражада қаралмаган бўлса, иккинчидан, ушбу тушунчанинг ҳозирги кундаги аҳамиятидан келиб чиқиб, уни кечиктириб бўлмайдиган масала сифатида қараш лозимдир. Учинчидан, иқтисодиётимиз ҳам инновацион иқтисодиётга ва шу омил эвазига ривожланиш босқичига тўлиқ ўтмоқда. Ушбу ҳолатлар, таъкидланганидек, ҳар бир гуруҳни қараб чиқишни тақозо қилади.

1. Инновацияни яратувчилари бўйича таснифи муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инновацияларни қимлар яратиш ҳам унинг амалиёти ва назарияси учун муҳимдир. Ушбу ҳолат келажакда қайси соҳа ходимларига кўпроқ таяниш мумкинлигини ҳам кўрсатиб беради. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, инвестициялар асосан учта тоифа одамлар (мутаратувчанлик хассислар, олимлар, конструктор-ихтирочилар) томонидан яратилар экан. Шунини эътироф этиш керакки, ҳар қандай ишларида маълум даражада рағбат бўлиши керак. Бу ақида бевосита инновацияни яратиш ва уни амалиётга жорий қилишга ҳам дахлдордир. Шу нуқтаи назардан ушбу белгиси бўйича инновацияни қуйидаги турларга бўлишни лозим, деб топдик:

- илмий ходимлар томонидан яратилган инвестиция;
- тажрибали амалиётчилар томонидан яратилган инвестиция;
- махсус конструктор-ихтирочилар томонидан яратилган инвестиция;

Бир қисм инновациялар асосан мустақил тадқиқот олиб бораётган илмий ходимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари томонидан яратилади. Бунга давлатнинг бюджети билвосита сарфланади. Булар инновацияларни асосан илмий фаолияти давомида яратадилар. Бундай ихтироларни ҳам қўшимча рағбатлантириш механизмини ўйлаш ва амалиётга жорий қилиш йўллари ҳам осонлаштириш керак, деб ўйлаймиз.

Давлат буюртмаси билан, маълум миқдорда грантлар ажратиш натижасида ишланган инновациялар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни Мувофиқлаштириш марказига топширилади ва қолган қисми давлатнинг ихтиёрига ўтади ва унинг амалиётга тадбиғи билан асосан давлат ташкилотлари шуғулланади. Буларнинг кўпи тажриба майдони етарли бўлмаганлиги туфайли амалиётда кенг қўлланилмасдан қолиб кетиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Яна бир жиҳат, мазкур ихтирочиларнинг жараёнларни такомиллаш-тириш бўйича таклиф ва ишланмалари асосан амалиётга синаб кўриш натижасида амалга оширилади ва самарадорлиги ҳам тез кўзга ташланади. Аммо ҳамма соҳада ҳам махсус ихтирочилар ва конструкторлик марказлари фаолият кўрсатмайди. Шу туфайли умумий тарзда мазкур иш билан илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари шуғулланади. Бироқ, улар амалиётдан айри ҳолда фаолият олиб борганлиги туфайли бир мунча қийинчиликларга дуч келиши мумкин.

Шундай қилиб, инновацияни яратувчилари бўйича таснифлаш ҳам унинг қим томонидан ва қандай яратилаётганлигини аниқ белгилашда катта аҳамиятга эга экан.

Яна бир йўналиш инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлашдан

иборатдир.

Хусусий мулк устуворликни эгаллаган демократик бозор муносабат-лари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардош-лигини таъминлаш ҳам устувор вазифалар қаторидан жой олади..

Шуни инобатга олиш лозимки, инновацияларни рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан таснифлашда, унга бир қанча йўналишларда ёндошиш мумкин. Биринчидан, давлатнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган инновациялар, Иккинчидан, кохоналарнинг, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган инновациялар. Учинчидан ҳар бир товар (иш, хизмат)нинг рақобатбардош-лигини таъминлашга қаратилган инновациялар. Биз мазкур ҳолатда хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласига эътиборни қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, инновацияларни хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан учта гуруҳга бўлиш мумкин экан. Буларга:

- товарларни такомиллаштиришга қаратилган инновация;
- техника ва технологияни такомиллаштиришга қаратилган инновация;
- бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган инновация киради.

Юқорида келтирилган инновацияларни хўжалик юритувчи субъект-ларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ушбу масала нафақат ички, балки ташқи бозор учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Товарларнинг (иш, хизматларнинг) сифати ўз-ўзидан ошиб қолмайди. Бунинг учун янги илғор техника ва юқори технологияларни жорий қилишни тақозо қилади.

Учинчи йўналиш инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифлашдан иборатдир.

Ҳар қандай фаолият маълум маънода манфаатдорликка асосланган. Ҳозирги шароитда хўжалик юритувчи субъектлар асосан хусусий мулкка ва тадбиркорликка асосланган. Юзаки қарайдиган бўлсангиз, ушбу субъектлар фақат мулкдорнинг манфаатигагина хизмат қилса етарлидек туюлади. Аммо Фвқат шу билан чегараланиб қолишнинг имконияти йўқ. Шу туфайли ҳар қандай янгиликка асосланган инновация ҳам бир қанча манфаатлар муштараклиги ва мувофиқлигини таъминлаши лозим. Шу нуқтаи назардан инновацияни бешта гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- мулкдор (инвестор) манфаатини ифода этувчи инновация;
- ихтирочилар манфаатини ифода этувчи инновация;
- давлат манфаатини ифода этувчи инновация;
- жамият манфаатини ифода этувчи инновация;
- меҳнат жамоаси манфаатини ифода этувчи инновация.

Инновациянинг манфаатдорликни ифода этиши билан боғлиқ кўрсаткичлар ўртасидаги яқинлик, ҳар қандай жамиятда, ҳар қандай миллат ва ҳудудда мавжуд.

Яна бир йўналиш инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлашдан иборат.

Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай янгилик амалиётга жорий қилинсагина тегишли самара бериши мумкин. Инновацияга маълум даражада харажат қилинади. Бу эса, уни амалиётга жорий қилиб, иш самарадорлигини ошириш эвазига қопланади ва мулкдорга тегишли даражада фойда олишини таъминлайди. Пировардида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақамлиги ошади ва рақобатбардошлиги таъминланади. Шу туфайли, инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлашни ҳам

мақсадга мувофиқ, деб топдик ва уни икки гуруҳга бўлишга қарар қилдик:

- амалиётга жорий қилинган инвестициялар;
- амалиётга жорий қилиниши кўзда тутилган инвестициялар.

Инновацияни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ кўрсаткичлар ўртасида ҳам боғлиқлик мавжуд.

Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари

нуқтаи назаридан таснифлаш ҳам ҳозирги шароитда муҳим йўналишлардан биридир.

Ҳозирги шароитда инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш албатта керак. Чунки, кенгайтирилган ишлаб чиқариш қанчалик тез амалга оширилса, шунчалик иқтисодийнинг ўсишига эришилади. Шу туфайли кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг бир фаазани тезлаштириб, қолган қисмини шунчаки қолдириб бўлмайди.

Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолдаги таснифлаш мумкин.

Инновацияни таснифлашнинг яна бир йўналиши тармоқлар бўйича таснифлаш бўлиб ҳисобланади. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш ҳам ушбу ишнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайди. Чунки ҳар бир тармоқ ўзига хос хусусиятга эга. Бу хусусиятлар уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошиш лозимлигини тақозо қилади. Масалан саноатга жориқ қилиниши мумкин бўлган инновацияни қишлоқ хўжалиги корхоналарига жорий қилиш мумкин эмас. Ёки савдо соҳасига мўлжалланган инвестицияларни молиявий соҳага ёки хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқларига жорий қилиб бўлмайди. Шу туфайли ушбу гуруҳ инновацияларни қуйидагича бўлишни тавсия қиламиз:

- саноатга мўлжалланган инвестиция;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган инвестиция;
- транспорт соҳасига мўлжалланган инвестиция;
- савдо соҳасига мўлжалланган инвестиция;
- молиявий соҳага мўлжалланган инвестиция;
- хизматнинг бошқа соҳаларига мўлжалланган инвестиция.

Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлашда уларнинг бир-бири билан боғлиқлигини ифодалаш мумкин.

Яна бир муҳим йўналишлардан бири инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлашдир. Бу ерда вақт жуда катта аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш ҳам объектив заруратдир. Ушбу тушунчани вақт нуқтаи назаридан қуйидаги учта гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- қисқа муддатли инвестиция;
- мавсумий инвестиция;
- узоқ муддатли инвестиция.

Инновацияни вақт нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолдаги таснифлашда уларнинг боғлиқлигини қуйидагича тасвирлаш ҳам мумкин.

Кўришиб турибдики, инновацияни бир қанча йўналишларда таснифлаш мумкин экан. Биз тавсия қилган мазкур таснифлар биз томонимиздан илк бор ишлаб чиқилди. Ушбу таклифларни олимлар ва мутахассислар ҳукмига ҳавола қилиш мақсадида ушбу иш ёзилди. Инновацион жараёнларни кўрсаткичларда ифодалаш, уни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг фикримизча ушбу иқтисодий категорияни қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодалашни тавсия қиламиз.

1. Корхонанинг умумий маҳсулотига инновацион маҳсулотнинг улуши (И_{н.у}). Буни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$И_{н.у} = И_{нм} * 100 / M ;$$

Бунда: И_{нм} - инновацияни жорий қилиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат) ҳажми;

M - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (хизматнинг) умумий ҳажми.

2. Инновациянинг самарадорлиги (И_{н.с})ни ифодаловчи кўрсаткич. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$И_{н.с} = И_{нм} / И_{н.х};$$

Бунда: И_{н.х} - инновацияга кетган харажатлар суммаси.

3. Инновацион маҳсулотнинг энергия тежамкорлиги (И_{н.эт}). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$И_{н.эт} = И_{нм.э} / A_{м.э} ;$$

Бунда: И_{нм.э} - инновацион маҳсулотга кетган энергия;

Ам.э - анъанавий маҳсулотга кетган энергия.

4. Инновацион маҳсулотнинг таннархининг камайиш даражаси (Ин.тк). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

Ин.тк = Инм.тн / Ам.тн ;

Бунда: Инм.тн - инновацион маҳсулот таннарихи;

Ам.тн - анъанавий маҳсулот таннарихи.

Мазкур кўрсаткичларга амалий маълумотларни қўллаб, таҳлил қилиш натижасида инновациянинг жорий қилиниши самарадорлигига баҳо бериш мумкин бўлади. Ҳар бирига таъсир қилувчи омилларни аниқлаб, уларни яхшилаш бўйича ички имкониятлар аниқланади ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилади. Шу тариқа мамлакатимиз иқтисодиётини 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган инновацион иқтисодиётга айлантириш йўллари ишлаб чиқилади.

УДК: 001.895:338.436.33

АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Хамраева С.Н.

Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти

Аннотация: Илмий мақолада аграр соҳани барқарор ривожлантиришда ва инновацион фаолиятни жадаллаштиришда инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг объектив зарурлиги асослаб берилган. Шунингдек, республикада инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш учун мавжуд шарт-шароитлар ва таъсир этувчи омиллар таҳлил қилиниб, аграр соҳада инновацион инфратузилмани ривожлантиришдан олинган самара ва унинг турлари аниқлаб олинган. Тадқиқот натижасида инновацион инфратузилмани шаклланиши ва ривожланишининг концептуал модели ишлаб чиқилган, истиқболда агротехнопаркларни ривожлантириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Abstract: The science article sustainable development of the agricultural sector and innovation in accelerating the development of innovative infrastructure, the need for objective reasons. As well as for the development of innovative infrastructure and existing conditions, and analyzes the factors that affect the agricultural sector to be innovative in the development of infrastructure and its effect has not been determined. As a result of innovative research infrastructure in the formation and development of the conceptual model was developed, the prospects for the development of agro-industrial parks, science-based recommendations.

Калит сўзлар: инновацион инфратузилма, агротехнопарк, инновацион марказ, қишлоқ инфратузилмаси, инновацион маҳсулот.

Keywords: innovative infrastructure, agro-industrial parks, innovative centre, rural infrastructure, innovative product.

Кириш. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг жаҳон тажрибаси кўрсатишича, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг асосий шартларидан бири бўлиб, юқори даражада техник жиҳозланганлик, илғор технологияларни қўллаш хизмат қилади, яъни инновацион фаолият - ривожланган мамлакатлар иқтисодий стратегияси асосидир. Ҳисоб-китобларга кўра, иқтисодий ўсишнинг 30% меҳнат харажатларини ошиши, 40% - меҳнат унумдорлигини ошиши ҳисобига таъминланади ва 30% эса инновацион технологияларни қўллаш ҳисобига таъминланар экан (Карташов, 2012).

Ҳозирги даврда бутун иқтисодиётда бўлганидек аграр соҳасида ҳам илм- фан ва ишлаб чиқариш ўртасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи тизим яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги “Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази”, унинг таркибига кирувчи илмий тадқиқот институтлари, вазирлик таркибидаги олий таълим муассасаларидаги илмий

бўлинмалар шулар жумласига киради. Юқорида номи қайд этилган муассасалар томонидан фундаментал ва амалий аҳамиятга молик бўлган илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, яъни инновацион фаолият ҳам улар зиммасига юклатилган. Аммо ҳозирги кунда аграр соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида яратилган инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши даражаси анча паст бўлиб, бу борада тегишли давлат ташкилотлари томонидан қатор ишларни амалга ошириш лозим (Нурматов, 2013).

Материаллар ва методлар. Мақолада инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот олиб борган республика ва хорижий мамлакатлар олимларининг илмий изланишлар натижаларини ўрганган ҳолда эмпирик, анализ ва синтез, солиштирма таҳлил каби методлардан фойдаланилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Инновацион инфратузилмага технополис, инновацион-техник (технологик) марказлар, технопарклар, бизнес-инкубаторлар, трансфер-технологиялар марказлари, инновацион фаолият учун кадрларни тайёрлаш марказлари, венчур фондлар ва бошқа таълим муассасалари киради.

Агротехнопарклар бошқа тармоқларда ташкил этилган технопарклардан фарқли равишда уларнинг фаолияти қишлоқ хўжалигида ҳам асосий ишлаб чиқариш воситаси, ҳам меҳнат предмети ҳисобланган ер билан боғлиқ, шунингдек, тирик организмлар, яъни қишлоқ хўжалиги экинлари, чорва моллар билан ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқа шу каби воситалар билан чамбарчас боғлиқ, бу эса унинг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Аммо шу билан бирга ушбу хусусият агротехнопаркларнинг фаолиятини бошқариш тизимига камроқ таъсир этади. Қишлоқ хўжалигида технопарклардан қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш технологияларини ўзлаштириш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Агротехнопарклар ўз таркибига қуйидагиларни камраб олади:

- Агротехнопарк жойлашган ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмаси (турар жойлар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, маиший ва маданий объектлар);

- Агротехнопаркларнинг инновацион лойиҳалари жорий этилиши лозим бўлган ҳудуднинг маҳаллий администрацияси;

- Аграр соҳадаги яқунланган илмий-техник ишланмаларнинг ижрочилари ҳисобланган илмий-тадқиқот институтлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа ижрочилар;

- Аграр соҳадаги янги технология ва инновациялар эгаларининг вақтинчалик илмий жамоалари;

- Аграр соҳа учун юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқараётган вазирлик ва аграр соҳа тизимидаги турли хил конструкторлик бюролар ва заводлар;

- Агротехнопаркнинг илмий-техник маркази.

Аграр соҳада агротехнопаркларни ташкил қилиш ва уларда тугалланган илмий ишланмаларни жорий этиш бўйича инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бир қатор вазибаларни ҳал этиш имконини беради:

- Танлов асосида ишлаб чиқаришга илмий-техник ишланмаларни жорий этиш мақсадида илмий ташкилот ва аграр соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ўзаро манфаатдор ҳамкорликни таъминлайди;

- Аграр соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарда (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларида) яқунланган илмий-техник ишланмаларни жорий этиш, ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш ва серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муддатларини анча камайтиради;

- Агротехнопарк объектларида юқори технологиялар, машина ва ускуналарни жорий этиш учун турли хил инвесторларнинг молиявий воситаларини концентрациялаш.

Инфратузилма хизматларининг тизимлилиги инновацион жараёнларни мажмуавий қўллаб-қувватлашни назарда тутди: тижорат банклари инновацияларни шакллантириш ва жорий этиш жараёнини молиялаштиради ва кредит билан таъминлайди; консалтинг, суғурта, аудиторлик фирмалар инновацион бозорни, яъни унинг салоҳияти, сезувчанлигини баҳолашади; инновацион марказ, трансферт технологиялар маркази орқали илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграциялашув юзага келади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, аграр соҳада инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш жараёни мажмуавий ва кўп жиҳатли характерга эга. Унинг шаклланиши ва ривожланишига, биринчидан, макроиқтисодий омиллар таъсир этадиган бўлса, иккинчидан, инфратузилма элементларининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади (1-расм).

Аграр соҳада инновацион инфратузилмани ривожлантиришга макро ва мезодаражада таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. ўз олдига аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олган давлатнинг инновацион сиёсати;
2. инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва инновацион сиёсатни амалга оширишда мавжуд бўлган инновацион салоҳиятдан унумли (рационал) фойдаланиш;
3. қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, тадқиқотчилар ва таълим соҳалари ўртасида ҳақорликни доимий равишда яхшилаб бориш;
4. инновацион инфратузилма объектлари (инновацион марказ, агротехнопарк, бизнес-инкубаторлар) орқали давлат томонидан аграр соҳада инновацион жиҳатдан салоҳиятли ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш;
5. инновацион инфратузилма объектларига нисбатан солиқ тортишда ва кредит ажратишда имтиёзлар қўллаш;
6. ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон шароитида уларни жорий этиш.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, аграр соҳада инновацион инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириб боришда давлатнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқда инновацион инфратузилманинг ривожланишига таъсир этувчи ички омилларга инновацион-технологик, маркетинг, иқтисодий, ташкилий, махсус ва бошқа омилларни айтиб ўтиш мумкин.

Муълумки, жамиятда ҳар қандай фаолиятнинг ривожланишининг иқтисодий асосини манфаат ётади ва биз ўз тадқиқот ишимизда аграр соҳада инновацион инфратузилмани ривожлантиришда давлат, аграр соҳа ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар (фермер ва деҳқон хўжаликлар) кўрадиган самарасини таҳлил қилиб чиқдик. Бизнинг фикримизча, инновацион инфратузилманинг самарасини тўртта субъект томонидан оладиган субъектлар нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ: давлат ва ҳудудий ҳокимият (ҳукумат), аграр соҳадаги хўжалик юритувчи субъектлар (фермер ва деҳқон хўжаликлар, инновацион инфратузилма хизматларининг истеъмолчилари) ҳамда инновацион инфратузилма объектлари раҳбарлари.

Хулосалар. Инновацион инфратузилмани ривожлантиришда асосий устуворликни юқори қишлоқ хўжалиги технологияларни жорий этиш ҳамда фан, таълим ва юқори ривожланган ишлаб чиқаришни интеграциялашувга қаратилган. Инновацион инфратузилма субъектлари ҳисобланган технопарклар, инновацион марказ, бизнес-инкубаторлар ва шу каби инновацион ташкилотлар фаолияти деҳқончиликда ресурстежовчи замонавий технологияларни қўллашга, рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, чорвачилик соҳасига, ветеринар медицина, ем-хашак ишлаб чиқаришга илғор инновацияларни жорий этиш йўналтирилган.

Шундай қилиб, аграр соҳада инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали илм-фан, давлат ва тадбиркорлик ўртасида янги алоқаларни шакллантиради, давлат-хусусий ҳамкорлик механизми эса аграр соҳада инновацион инфратузилмани ривожлантиришга таъсир этувчи восита бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Баркер А. Алхимия инноваций. Пер. с англ. - Москва: Вершина, 2013. - С.79
- Васильев Ю.П. Развитие инновационной деятельности в США или как удвоить ВВП / Учебное пособие. - Москва: Экономика, 2005. - С.139.
- Карташов Е.Ф. Модернизация сельскохозяйственного производства на основотрансфера инновационных технологий // Фундаментальные исследования. - 2012. - №11 (часть 2) - с.493-497.
- Монастырский Е.А., Чистякова Н.О. Структурно-функциональная модельподсистемы «Инфраструктура» в региональном инновационной системе.// Инновации, № 6, 2007, с. 58-69.

ОТМДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ЎРНИ**Урдушев Х.**

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасалари (ОТМ)да таълим сифатини оширишда талабаларни илмий-тадқиқот ва ижодий ишларга жалб этишнинг илмий-назарий асослари ўрганилган, талабаларни илмий-тадқиқот ва ижодий ишларга жалб этишнинг шакл ва методлари тадқиқ қилинган.

Annotation. In this paper researched theoretical and scientific basics of attracting students to scientific, research and creative activities, new forms and methods of attracting students to scientific, research and creative works in increasing quality of education in high education institutions.

Таянч сўзлар. Таълим сифати, илмий-тадқиқот, ўқув режа, ижодкорлик ва илмий ёндошувлар, кўникма, малака, янги билимларни эгаллаш, ўқув-тадқиқот ва илмий-тадқиқот ишлари, мустақил таълим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устивор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган. Жумладан бу қарорда “... олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга жалб этиш” энг муҳим вазифалардан бири этиб белгиланди [1].

Методлар ва усуллар. Ҳозирги даврда олий таълим тизимини ривожланишида талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти тобора долзарблашиб бормоқда ва у малакали мутахассислар тайёрлашни асосий комонентларидан бирига айланиб бормоқда.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолияти олинган билимларни, индивидуаллашувни, ижодкорлик қобилиятларини намоён бўлишини, шахснинг шаклланишини тўлиқ тарзда намоён қилиш имкониятларини беради.

Таълимнинг барча босқичларида: талабаларнинг ижодий фикрлашларини, тадқиқотчилик қобилиятларини ривожлантирмасдан туриб таълимни ривожлантириш ва ривожланган меҳнат бозорини мутахассис сифатида эгаллаб бўлмайди. Шу боисдан замонавий мутахассис нафақат фундаментал ва махсус билимларни эгаллашлари, шу билан бирга амалий мазмундаги масалаларни ижодий ечиш кўникмаларига эга бўлиши, ўз малакасини доимо ошириб бориши, тезкор ўзгарувчи шарт-шароитларга мослашувчан бўлиш каби талаблар юзага чиқади. Бу барча сифатлар ОТМда амалга оширилиши лозим. Бу иш талабаларни ўқув жараёнларида илмий тадқиқот ишларига фаол қатнашишларини таъминлаш асосида амалга ошириш юқори самара беради.

ОТМда талабаларнинг илмий фаолияти бир томондан битирувчида керакли компетенцияларнинг шаклланишига ёрдам берса, бошқа бир томондан эса - бозорнинг инновацион ривожланишини таъминлаш бўйича талабларига мос келади.

Россиялик олимларнинг фикрича “бакалавр ва магистрларнинг илмий-тадқиқот ишларида қатнашуви зарурият ва малакали мутахассислар тайёрлашнинг ажралмас қисми сифатида қаралади ва таълим жараёнининг: *таълим-тарбиявий, илмий ва амалий* бирлиги мужассамлашган уқлик тузулмасидан иборат бўлади [2-5].

Бу ерда эгалланадиган малака ва кўникмалар фундаментал ва амалий фанларга оид, шунингдек фан ва техниканинг ривожланаётган етакчи йўналишларидаги долзарб масалаларини ҳал қилиш (ечиш)га қаратилади.

Анъанавий тарзда талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари ўзида иккита компонентни мужассамлаштиради, булар: ўқув режалари доирасида амалга ошириладиган **ўқув-тадқиқот ишлари**; ўқув режалари доирасидан ташқарида олиб бориладиган **илмий-тадқиқот ишлари**.



Расм.

Бу ерда талабаларнинг ўқув режалари доирасида амалга ошириладиган ўқув-тадқиқот ишларига амалий, семинар, лаборатория, курс иши ва лойиҳаси, маъруза дарсларига тайёргарилиқ кўриш, уй вазифаларни мустақил бажариш каби ишлар назарда тутилади (Расм).

Талабаларнинг ўқув режалари доирасидан ташқарида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари: фанларнинг ажратилган мавзулари бўйича мустақил ишларини, битирув малакавий ишларини ёзиш, илмий фан тўғаракларда, талабалар илмий жамиятларида, илмий ва корпоратив ҳамкорлик шартномаларида қатнашиш, илмий ва оммабоп тезислар тайёрлаш, илмий мақолалар ёзиш ва эълон қилиш каби ишлар билан амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишлари назарда тутилади.

Демак, талабаларнинг илмий-тадқиқотчилиқ фаолияти **иккита йўналишда** амалга оширилади, булар:

- бакалавр ва магистрларнинг илмий - тадқиқот ишларини бажаришга тайёрлаш (тадқиқотчилиқ, лойиҳалаштириш, кашфиётчилиқ каби фаолиятларнинг услуб ва услубиятларини билиш, ўрганиш, бажариш, кўникмаларни шакллантириш);

- талаба ва магистрларнинг ОТМларида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларида бевосита иштирок этиши.

ОТМларида талабаларнинг **ўқув - тадқиқотчилиқ тизими** жараён сифатида қуйидагиларни ўзида мужассамлаштиради:

- илмий тадқиқот ишларини (ИТИ) илмий-методик асосларини ўрганиш, илмий моделлаштириш методлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва олинган тадқиқот натижаларини самарадорлигини баҳолай олиш, илмий муҳит ва меҳнат қилишга интеграллашув;

- режалаштириш усулларини ўзлаштирилиши, илмий изланувчанлик ва тадқиқотчиликнинг индивидуал шаклланганлиги, илмий муҳокамалар ўтказа олиш имкониятлари, илмий хабарлар, маърузалар билан чиқиш техникаларини такомиллашуви;

- турли туман илмий ахборотлар массивлари билан ишлаш услублари ва процедуралари билан, илмий адабиётлар ва чоп қилинган ва электрон шаклдаги бошқа манбалар билан танишиш; ўргатувчи турли хил дастурий таъминотлар ва катта массивли ахборотларни статистик қайта ишловчи компьютер дастурий воситаларни ўзлаштирилиши;

- эмпирик тадқиқотларни бажаришни амалий қадамларини амалга ошира олиш, илмий жамоаларда ишлашга мослашувчанликнинг кўникма, малака ва тажрибаларини шаклланиши;

- нутқ маданиятини такомиллаштирилиши, оммавий чиқишларда илмий асосланганлик тамойилини мужассамлашуви, илмий маслаҳатлар бера олиш, муҳокамалар юрита олиш маҳоратларини такомиллашуви;

- талафуз имкониятлари, чет тилларида мақсадга йўналтирилган илмий чиқишларни маҳоратли кўникмаларни эгалланилиши;

- илмий-тадқиқот ишлари масалаларини ечишда компьютер техникаси ва технологияларидан фойдалана олиши;

- амалдаги стандарт талаблари ва қоидаларига биноан нашр этишга тайёрланадиган қўлёзмаларини тайёрлай олиши, тезислар ва илмий докладлар тузиш, илмий мақолалар ёзиш, уларни белгиланган тартибларда расмийлаштириш, илмий ҳисоботлар ёзиш ва расмийлаштириш малака ва кўникмаларига эга бўлиши.

ОТМларида талабаларнинг илмий - тадқиқот ишларини ташкиллаштириш қуйидагиларга ажратилади:

- бакалавр ва магистрларнинг **ўқув-тадқиқот** ишлари - ўқув жараёнига киритилган илмий - тадқиқот ишлари;

- бакалавр ва магистрларнинг ўқув жараёнидан ташқарида бажариладиган *илмий - тадқиқот* ишлари: **ўқув жараёнини тўлдирувчи** илмий - тадқиқот ишлари ва ўқув жараёни билан **параллел тарзда олиб борилувчи** илмий - тадқиқот ишлари

ОТМларида талабаларнинг ўқув тадқиқот ишлари турли хил даражаларда ўтказилиши мумкин [3-6]:

- ўқув гуруҳларида;
- танланувчи гуруҳлар бўйича (бу гуруҳлар талабаларни қизиқишлари ва хоҳиш истакларига кўра танлов фанлари ёки факультатив курслар асосида шакллантирилади);

- алоҳида талабалар билан.

ОТМларда талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш иккита йўналишга ажратиб кўрсатилади: **биринчиси** - талабаларни бўлажак мутахассис-амалиётчилар ва бўлажак илмий ходимлар сифатида тайёрлаш жараёнини барча босқичларида амалган оширилади; **иккинчиси** - ўқув режасидан ташқаридаги фаолиятларида бажарилади

ОТМларнинг иктидорли талабалари **илмий-тадқиқот лойиҳаларига** ҳам жалб этилишлари мумкин. Илмий-тадқиқот ишларини лойиҳалаштириш иш режаларини ёритиш жараёнида, лойиҳа ишларини бажариш учун масъул бўлган жавобгар шахслар гуруҳлари аниқланади. Лойиҳада қатнашувчилар сони лойиҳа мақсадлари ва бажариладиган илмий-тадқиқот ишларининг кўлами билан белгиланади. Бу жараёнда команда билан ишлашнинг қуйидаги қоидаларига амал қилинади:

- гуруҳдаги жавобгарлик иерархиядан фарқли ўлароқ, масалаларга кўра тақсимланади;
- гуруҳ аъзолари, илмий раҳбар каби, талабалар ҳам муаммоларни ечиш даврида биргаликда фаолият кўрсатадилар;

- қатнашувчиларнинг ҳар бири бир-бирларидан муҳим бўлган ахборотларни сир тутмайдилар;

- илмий-тадқиқот ишининг натижалари таҳлил қилиб борилади ва эркин тарзда муҳокама қилинади;

- илмий - тадқиқот ишининг натижалари буюртмачи манфатлари ва қизиқишларига зид бўлмаслиги лозим.

Хулоса. Демак, ОТМ таълим - тарбиявий, илмий ва амалий бирликларнинг мужассамлашуви асосида ривожланади ва такомиллашиб боради. Талабаларнинг илмий-тадқиқотлари: ўқув режалари доирасида амалга ошириладиган **ўқув-тадқиқот ишлари** ва ўқув режалари доирасидан ташқарида олиб бориладиган **илмий-тадқиқот ишларига** ажратилади.

Маъруза, амалий, семинар, лаборатория дарсларига тайёргарлик кўриш, уй вазибаларни мустақил бажариш, топшириқларни қайта ишлаш, танланган мавзуга оид тақдимотлар тайёрлаш, курс иши ёки курс лойиҳасини бажариш каби ишлар талабаларнинг **ўқув-тадқиқот ишларига**; фанда ажратилган мавзулар доирасида мустақил таълим рефератларини ёзиш, тақдимотлар тайёрлаш, фан илмий тўғаракларида қатнашиш, талабалар илмий жамиятлари, илмий семинарларда қатнашиш, тезислар ва илмий-оммавий мақолалар ёзиш, илмий ва корпоратив ҳамкорлик лойиҳаларида иштирок этиш, битирув малакавий ишларини ёзиш каби ишлар эса талабаларнинг **илмий-тадқиқот ишларига** мансуб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Zarafshon газетаси. 2017-йил 22-апрель, 50 (22850)-сон.

2. Урдушев Х., Мавлянов М. ОТМда таълим сифатини ошириш масалалари: талабаларни илмий-тадқиқот ишларга жалб этиш ҳақида/Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг натижалари ҳамда истиқболдаги вазибалар // Профессор-ўқитувчиларнинг илмий мақолалар тўплами. II-қисм. Самарқанд: Mehribon Poligraf Servis. 2017.-169-173 б.

3. Урдушев Х., Қаландаров Р. ОТМда таълим сифатини ошириш масалалари: талабаларни ўқув тадқиқот ва илмий-тадқиқот ишлари ҳақида/шу тўплам. -173-177 б.

4. Митрофанов А.С. Инновационная деятельность учащейся молодежи: монография. -М.: РГУИТП, 2011. - 401с.

5. Бережнова Л. Н., Богословский В. И. Научно-исследовательская работа студента как гуманитарная технология: Учебное пособие. - СПб.: ООО «Книжный Дом», 2007. - 208 с.

6. Чупрова Л. В. Научно-исследовательская работа студентов в образовательном процессе вуза // Теория и практика образования в современном мире: материалы междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, февраль 2012 г.). — СПб.: Реноме, 2012. -С. 380-383.

FARMER XO`JALIKLARI FAOLIYATIDA INNOVATSION JARAYONNI BOSHQARISH MEKANIZMINI RIVOJLANTIRISHDA JAHON TAJRIBASI

Siddiqov Z.T., – dotsent (TDAU), Mustafayev S.A., – assistant (TDAU)

Hozirgi vaqtda jamiyat va davlatning intellektual, ilmiy-ijtimoiy, iqtisodiy va ma'naviy jihatdan rivojlanish asosini ilm-fanning uyg'un holda muntazam taraqqiy ettirib borilishi tashkil qilmoqda. Ishlab chiqarish sohasiga zamonaviy texnologiyalar tatbiq etilishi ham, mazkur jarayonning uzviylik kasb etishi bo'yicha qilinayotgan qat'iy sa'y-harakatlar davomidir. Albatta, ushbu holat ayniqsa, xorijiy davlatlar tajribasida eng murakkab masalalarni yechishda ko'proq tatbiq etilmoqda. Aksariyat mamlakatlar ushbu jihat hisobidan iqtisodiyotdagi pasayish holatini to'xtatib qolish bilan bir qatorda, ichki va tashqi bozorni raqobatbardosh mahsulotlar bilan to'ldirishga erishmoqdalar. Jumladan, qishloq xo'jaligida ekstensiv imkoniyatlardan foydalanish, ma'lum darajada innovatsion muhitning shakllanishi agrar sohaning ham texnologik darajasi rivojlanishiga olib kelmoqda. Bugungi kunda respublikamiz fermer xo'jaliklarini innovatsion rivojlanishidagi ba'zi o'zgarishlar yetarli darajada emas. Buning asosiy sabablaridan birini malakali kadrlar yetishmasligi bilan izohlash mumkin. Faol innovatsion faoliyat bilan shug'ullanayotgan qishloq xo'jaligi korxonalar ulushi ularning umumiy soniga nisbatan 0,5-0,6 foizdan oshmayapti. Bunga, sohada innovatsion loyihalarning yetishmasligi, ba'zi holatlarda

umuman yo'qligi, aksariyat xo'jaliklarda yuqori malakali kadrlar hamda moliyaviy resurslarning yetishmasligi ham asosiy sabab bo'lmoqda.

Ma'lumki, dunyoning aksariyat mamlakatlarida mahsulot ishlab chiqarish hajmining ko'payishi asosan, ilmiy va innovatsiya yangiliklaridan samarali foydalanish hisobiga amalga oshirilmoqda. Jumladan, Germaniyada yalpi ichki mahsulot (YaIM) o'sishi 100 foiz innovatsiya hisobiga to'g'ri kelmoqda. Tayvanda esa, korxonalarining innovatsion tadbirkorligi hisobiga 78 foiz bandlik va YaIMning 45 foizi ta'minlanishiga erishilmoqda. Jahon tajribasi shuni ko'rsatmoqdaki, bugungi kunda rivojlanishning innovatsion yo'liga muqobil teng keladigani yo'q. Yangi turdagi mahsulotlarni yaratish, joriy qilish, shuningdek, texnologik jarayonlarni yangilab borish, aholi bandligini ta'minlash, mahsulot eksport hajmini ko'paytirish, sifatini yaxshilash kabi jihatlar bugungi kunda mahsulot yetishtirish hajmini ko'paytirishning asosiy omiliga aylanib bormoqda. Bularning barchasi qishloq xo'jaligi korxonalarini ishlab chiqarayotgan mahsulotlarni ichki va xalqaro bozordagi raqobatbardoshligi hamda ijtimoiy-iqtisodiy holatning me'yoriy darajada bo'lishini belgilab beradi. Shuning uchun ham, mamlakatning bundan buyon ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining asosiy sharti samarali innovatsion siyosatga bog'liq bo'lib qolmoqda.

O'zbekistonda innovatsion jarayonning o'ziga xos xususiyatlaridan biri bu, uning ko'p tarmoqliligi bo'lib, innovatsiyani moliyalashtirishning asosiy manbalari – respublika byudjeti va mahalliy byudjet hisoblanadi. Shunga e'tibor berish kerakki, bu borada so'nggi yillarda byudjet mablag'larining ulushi kamayib bormoqda, xo'jalik sub'ektlari mablag'laridan moliyalashtirish esa aksincha, ko'payib bormoqda. Qishloq xo'jaligida faoliyat yuritayotgan fermer xo'jaliklarida zamonaviy texnika-texnologiyalarni joriy qilish ishtiyoqi bor, ammo, bunga o'z mablag'larini ishlatish, banklar kreditlaridan foydalanish bo'yicha bilimlari va tajribalari yetishmayotganligini qayd etishgan. Qishloq xo'jaligi samaradorligini oshirish omillari oxir-oqibatda investitsiya va innovatsion jarayonlarga borib taqaladi. Bunday holatdan chiqishning asosiy yo'li - zamonaviy ilm-fan va texnika taraqqiyoti imkoniyatlaridan to'laroq foydalanishdan iborat. Bu yalpi ichki mahsulot o'sishini ta'minlaydi, jumladan, yetakchi mamlakatlarda fan va texnikaning rivojlanish imkoniyatlarini ishga solish hisobiga YaIM o'sishi 50 foizdan 95 foiz oralig'ida tebranmoqda. Respublika agrar ishlab chiqarish sohasida faol innovatsion faoliyat bilan shug'ullanayotgan korxonalarining ulushi ularning umumiy soniga nisbatan 0,5-0,6 foizni tashkil qilmoqda. Buning asosiy sabablari – innovatsion loyihalarning yetishmasligi, ba'zi holatlarda umuman yo'qligi, aksariyat xo'jaliklarda malakali kadrlar va moliyaviy resurslar yetishmasligi bo'lmoqda. Mamlakat agrar sektor strategiyasi innovatsiyaga asoslansagina sohaning barqaror rivojlanishi ta'minlanishi mumkin. Bu yo'nalish milliy iqtisodiyotning ustuvor omili sifatida davlat dasturlarida o'z ifodasini topishi lozim. Endilikda, davlatlarning boy yoki kambag'al, industrialashtirilgan yoki agrar mamlakatlar deb baho berilishi urfdan qolib, uning o'rniga xom ashyo yetishtiruvchi yoki tovar mahsulotlari yetishtiruvchi, texnologiyalar ishlab chiqaruvchi, bilimlar yaratuvchi (shu jumladan, yuqori texnologiyalar), deb baho berishga o'tib borilmoqda. Oxirgi guruhga kiruvchilar esa, dunyoda yetakchi davlatlar hisoblanadi.

Texnologiyalar joriy qilish muntazam takomillashtirilib borilmoqda va bu jihat turli mamlakatlarda turlicha amalga oshirilmoqda. Jumladan, AQShda federal davlat miqyosida olib borilayotgan ilmiy tadqiqot va tajriba konstruktorlik ishlari natijalari nodavlat korxonalarini orqali amalga oshiriladi.

Ular ilmiy tadqiqot va tajriba konstruktorlik ishlari tizimida asosiy bo'g'in hisoblanadi. Federal hukumat shular orqali eng yaxshi ilmiy tadqiqot tashkilotlari, iste'dodli olimlarni ish bilan ta'minlaydi va ularning oldiga ilmiy tadqiqot va tajriba konstruktorlik ishlari bo'yicha vazifalar qo'yadi. Germaniyada avval AQSh tajribasidan foydalanilgan, keyinchalik esa, Angliya, Frantsiya, Yaponiyada qo'llanilayotgan ilmiy tadqiqot tajribalari qabul qilingan. Ammo, 1980 yildan esa, hududiy investitsion fondlar tashkil qilish va ish hajmlari ko'proq kichik va o'rta korxonalariga o'tkazilishiga alohida e'tibor qaratila boshlandi. Bunday innovatsion markazlar ijro va qonunchilik tashkilotlari, unga aloqador bo'lgan xususiy tizimlar bilan tashkil qilina boshladi. Yaponiya va janubiy-sharqiy Osiyo mamlakatlari innovatsion faoliyat resurslarini, istiqbolli yuqori texnologiyaga asoslangan yangiliklarni oxirgi bozorga chiqarish oldidan sotib olishga qaratdilar. Bu esa, ularga yangiliklarning oxirgi bosqich ishlarini yakunlab, joriy qilish

imkoniyatini yaratib berdi. Yaponiya yiliga 1500 ta litsenziya sotib olish hisobiga ushbu yangiliklarni yaratish uchun ilmiy tadqiqot ishlariga AQShga nisbatan 100 marotaba kam sarf-xarajat qilgan va import qilinayotgan mahsulotlarni shu litsenziyalar orqali ishlab chiqarishga tatbiq etish hisobiga kamaytirgan. Shu hisobidan Yaponiya AQShdan 30 yillik orqada qolishini tenglashtirib olgan, bir qator mahsulot turlari bo'yicha esa, ilgari ham ketishga erishgan. Hozirda Yaponiya tajribasidan ko'p mamlakatlar samarali foydalanmoqda, bizda ham ushbu tajribalarni o'rgangan holda, joriy qilish yaxshi natija berishi mumkin. Bu holatda sotib olish uchun o'zidagi ilmiy ishlanmalar natijalaridan olinayotgan mablag'lar bo'lishi talab etiladi. Shuning bilan bir qatorda, litsenziyalar sotib olishning ham, bir qator muammolari va qiyinchiliklari mavjud. Bularning asosiylari moliyalashtirish va korxonalarining ilg'or texnologik uskunalarni joriy qilishga texnik jihatdan tayyor emasligi, kadrlar malakasi yetishmasligi hamda innovatsion jarayonni boshqarish darajasi pastligi hisoblanadi. Agrosanoat majmuida innovatsion boshqarish samaradorligini oshirishda, shu jumladan, qishloq xo'jaligida ASMning texnik va texnologik jihatdan modernizatsiyasiga qaratilgan davlatning maqsadli dasturlari va agrar sektor istiqboliga qaratilgan fundamental va ommaviy tadqiqotlarga asoslangan innovatsion dasturlar roli oshib boradi. Bugungi kunning eng muhim vazifalaridan biri – yakunlangan ilmiy tadqiqot natijalarini joriy qilish mexanizmini mutlaqo qaytadan ko'rib chiqishni taqozo etmoqda.

УДК:338.1:633.51

PAXTACHILIKDA RESURLARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI

Muratov Sh. A., Hasanov Sh. T., Pardayev H.A.
Samarqand qishloq xo'jalik instituti

Annotatsiya. Mazkur ilmiy maqolada hozirgi kunda qishloq xo'jaligida yer resurslaridan foydalanishning umumiy holati, hamda Samarqand viloyati fermer xo'jaliklarida paxta xom-ashyosini yetishtirishda resurslar hissasi, muhimlik darajasi va ulardan foydalanish holati baholangan. Tahlilda fermer xo'jaliklarida paxtachilikda ishlab chiqarish jarayonida qatnashgan resurs(yer, suv, mineral va organik o'g'itlar, yoqilg'i moylash materiallari va mehnat sarfi)ning miqdor ko'rsatkichlari so'rovnoma usulidan foydalanilgan holda Cobb-Douglas ishlab chiqarish funksiyasi foydalanilgan. Tahlil natijasida paxtachilikda marjinal hosildorlikka ega bo'lishda resurslardan foydalanish holati, ularning ishlab chiqarishdagi hissasi va muhimligi ko'rsatib o'tilgan.

Аннотация. В данной научной статье оценено общее состояние использования земельных ресурсов в сельском хозяйстве, а также анализирована доля ресурсов в производстве хлопка-сырца. В анализе использовано изучение участия вводимых ресурсов в производстве хлопка, для анализа данных использована функция производства Cobb Douglas, собранных при помощи опроса. В результате анализа указано состояние использования ресурсов маржинальной урожайности хлопка и роль в производстве.

Annotation. In this investigation analyzed the current overall conditions of usage land resources in agriculture. Furthermore, it is assessed the state of resource use and priority the cultivation of cotton by private farmers in Samarkand province. There are analysed the inputs (land/ha, irrigation water/m³, mineral and organic nutrients/ton, fuel and lubricants/ton and labour force/man days) by Cobb-Douglas production function, which collected data by questioner form cotton produced farmers in the area. Results from the analysis is that it is identified the resource usage condition of marginality and contribution and priority in the cotton production.

Kalit so'zlar: Cobb-Douglas ishlab chiqarish funksiyasi, resurslar hissasi, resurslar samaradorligi, marjinal hosildorlik

Ключевые слова: Производственная функция Cobb-Douglas, эффективность ресурсов, маржинальный урожайность

Key words: Cobb-Douglas production function, contribution of the inputs, efficiency of inputs, marginal productivity

Kirish (Introduction). Mamlakatimizda jami foydalanishdagi yerlar 44410,3 ming gektarni tashkil etib, shundan sug'oriladigan yerlar 4313,1 ming gektarni yoki umumiy yer maydonining 9,7 foizini tashkil qiladi. Shuningdek, fermer xo'jaliklarining umumiy maydoni 3,9 mln.gektarni tashkil etib, 1496 ta suv iste'molchilari uyushmalari(SIU) tomonidan suv xo'jalik xizmatlariko'rsatilmoqda[6].

Hozirgi kunda davlat strategik ahamiyatiga ega bo'lgan qishloq xo'jaligidagi asosiy ekinlar paxta va g'alla yetishtirish asosan fermer xo'jaliklari tomonidan amalga oshirilsa, qishloq aholisi uchun asosiy daromad manbalaridan hisoblangan oziq-ovqat ekinlarining katta qismi dehqon xo'jaliklarida ishlab chiqariladi. Yani, qishloq xo'jalik mahsulotlarini ishlab chiqarish tarkibida dehqon xo'jaliklarining ulushi 64% ni, fermer xo'jaliklarining ulushi - 34% ni, qishloq xo'jaligi korxonalar ulushi 2% ni tashkil etadi[4]. Bunda jami qishloq xo'jaligi ekin maydonlarining 1,5 foizi qishloq xo'jalik korxonalariga, 7,3 foizi dehqon xo'jaliklariga va 91,2 % fermer xo'jaliklari hissasiga to'g'ri keladi.

Mamlakatda paxta va g'alla asosiy ekin turi[4] bo'lib, ularni yetishtirish fermer xo'jaliklari hissasiga to'g'ri kelishi bilan bir qatorda fermer xo'jaliklarida foydalaniladigan jami ekin maydonlarining 47% paxta va g'alla ekin maydonlariga to'g'ri keladi.

Qishloq xo'jaligida paxta xom ashyosi mamlakat iqtisodiyotida xorijiy valuta tushumining manbalaridan biri hisoblanadi. Mamlakat aholisining yillik o'sishi sur'ati so'ngi 10 yilda o'rtacha yillik 1,3 foizni tashkil etishi mavjud tabiiy resurslarning holatini inobatga olgan holda qishloq xo'jaligini tarkibiy o'zgartirish, ya'ni paxta hosildorligini oshirish, resurslardan samarali foydalanish hisobiga paxta ekin maydonlarini optimallashtirish; mamlakatda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash maqsadida donekinlari, sabzavotchilik, bog'dorchilik, uzumchilik uchun ajratilgan maydonlarnikengaytirishamalga oshirilmoqda. Paxta xom ashyosining xalq xo'jaligidagi ahamiyatidan kelib chiqqan holda kelgusida fermer xo'jaliklarida bu sohada ishlab chiqarish samaradorligini oshirish talab etiladi. Bunda paxta hosildorligini oshirishda ishlab chiqarishga bevosita qatnashadigan resurslardan foydalanish holatini tahlil etish orqali ularning samaradorligi va ishlab chiqarish imkoniyatlarini iqtisodiy baholash zarur. Yuqordagi muammolardan kelib chiqib ilmiy ishning maqsadini quyidagicha belgilandi. Paxtachilikda marjinal hosildorlikni oshirishda resurslar hissasini baholash va ulardan foydalanishda muhimligi va bog'liqligini ilmiy asoslangan holda xulosa va takliflar berish.

Material va metodlar (Materials and methods) Mazkur ilmiy ish Samarqand viloyati fermer xo'jaliklar misolida o'rganilgan. Samarqand viloyatida 14 ta tuman, 2 ta yirik shaxar bo'lib, Zarafshon daryosi Samarqand shahri atrofida ikkiga - Oqdaryo va Qoradaryoga ajralib Navoiy viloyati Xatirchi tumani yaqinida yana birlashadi. Sug'oriladigan ekin maydonlarining kattaligi bo'yicha viloyatda Pstdarg'om, Payariq, Narpay va Kattaqo'rg'on tumanlari eng yirik tumanlar hisoblanadi. Oqdaryo, Ishtixon, Paxtachi, Urgut va Bulung'ur tumanlarining sug'oriladigan ekin maydoni 15-20 ming oralig'ida bo'lib, ular o'rtacha tumanlar qatoriga kiradi. Qo'shrabot, Nurobot, Samarqand va Tayloq tumanlarining sug'oriladigan ekin maydonlari 1942-8889 gektar atrofida bo'lib, bu tumanlat eng kichik guruhga kiradi.

Agroiqlim bo'yicha sug'oriladigan hudud 2 qismga bo'linadi: hududning katta qismi tipik bo'z tuproqlar, kichikroq qismi och tusli bo'z tuproqlar mintaqasiga to'g'ri keladi. Yog'ingarchilik davri mart va aprel oylarida (105-120 mm) ko'p bo'ladi. Bu holat bir tomondan ekinlarni ekishni qiyinlashtirsa, ikkinchi tomondan urug'larni yaxshi o'sib-unib chiqishini taminlaydi[5].

Ilmiy ishda Samarqand viloyati tuman(Ishtixon, Kattaqo'rg'on, Narpay, Payariq va Pstdarg'om)larida paxta va g'allachilikda ixtisoslashgan 37 ta fermer xo'jaliklarining ishlab chiqarish faoliyati, resurslaridan foydalanish holati to'g'risida ma'lumotlar so'rovnoma asosida olindi(1-chizma).

Mazkur ilmiy ishda qishloq xo'jaligida resurslardan foydalanish samaradorligini tahlil etishda parametrik metoddan foydalanildi. Parametrik uslub tadqiqotda foydalanilayotgan ko'rsatkichlar o'rtasidagi bog'lanishlarni aks ettiruvchi ishlab chiqarish funktsiasini yaratish hisoblanadi. Ushbu ishlab chiqarish funktsiyasi chizig'i ko'rsatkichlarning o'rtacha miqdoridan o'tib, funktsiya chizig'idan tashqarida yotgan ishlab chiqarish imkoniyatlari nuqtalarini yoki chetlanishlarini imkon qadar kamaytirish yoki "normal" taqsimlashga etibor qaratiladi[6].



- Tumanlar:**
 1 – Bulung'ur
 2 – Jomboy
 3 – Ishtixon
 4 – Kattaqo'rg'on
 5 – Narpay
 6 – Nurobod
 7 – Oqdaryo
 8 – Payariq
 9 – Pasdarg'om
 10 – Paxtachi
 11 – Samarqand
 12 – Tayloq
 13 – Urgut
 14 – Qo'shrabot

1-chizma. Samarqand viloyat tumanlarining joylashuvi

Qishloq xo'jaligida ishlab chiqarish omillarini baholashda, ulardan foydalanish samaradorligini tahlil etishda $y = a_0 x_1^{a_1} x_2^{a_2}$ ishlab chiqarish funktsiyasidan foydalandik. Bunda a_0 , a_1 va a_2 ishlab chiqarish funktsiyasining parametrlari hisoblanadi. Dastlab 1929 yilda Amerikalik iqtisodchilar Kobb va Douglas tomonidan ushbu ishlab chiqarish funktsiyasi ishlab chiqilganligi uchun Kobb-Douglas ishlab chiqarish funktsiyasi deb ataladi.

Kobb-Douglas ishlab chiqarish funktsiyasi orqali fermer xo'jaliklarida 1 gektar hisobiga paxta ishlab chiqarish natijasi va resurslar sarfi fizik miqdorda olinib tahlil etildi. Bunda paxta xom-ashyosi ishlab chiqarish uchun resurslardan foydalanish holati va paxtachilikda resurslar hissasi, shuningdek ularning muhimligi darajasi baholandi.

Fermer xo'jaliklarida ishlab chiqarishga sarflanadigan resurslar va ulardan olinadigan mahsulot samaradorligini tahlil etishda quyidagi funktsiya ishlab chiqildi.

$\ln H_{\text{hosildorlik}} = \ln I_{\text{intercept}} + \alpha \ln S_{\text{suv}} + \beta \ln O_{\text{organik}} + \lambda \ln K_{\text{mineral}} + \mu \ln Y_{\text{YoMM}} + \nu \ln M_{\text{mehnat}} + E_{\text{xatolik}}$
 Bunda: Y - ekinhosildorligi miqdori(kilogram);

W - suv sarfi (m^3);

O - organik o'g'it sarfi (kilogram);

K - mineral o'g'it sarfi (kilogram);

Y - YoMM sarfi (kilogram);

M - mehnat sarfi(kishi/soat)

E - standard xatolik

α , β , λ , μ va ν - foyda yoki daromad(hosildorlik)ning elastikligi(suv, organik, mineral, YoMM, mahnat sarfi).

Ushbu ishlab chiqarish funktsiyasi regression tahlil vositasida omillar baholanadi.

Tahlil va natijalar (Analysis and results) Paxta hosildorligining o'zgarimas qaytim ko'lami (constant returns to scale) ishlab chiqarish funktsiyasidan foydalanib baholandi. Baholash shakli sifatida Kobb-Duglas funktsiyasidan foydalandi. O'zgaruvchilar sifatida suv, organik va mineral o'g'itlar, yoqilg'i va mehnat sarfi miqdor ko'rsatkichi olindi.

Paxta hosildorligi funktsiyasi uchun baholash natijasi 1-jadvalda ko'rsatilib o'tildi.

1-jadval

Paxtachilikda ishlab chiqarish funktsiyasi tahlili

O'zgaruvchilar	Koeffitsiyent	Standard xatolik	t-Stat
Y-intercept	0.803	0.872	0.921
Ln_Suv	-0.091	0.094	-0.970
Ln_Organik o'g'it	0.134	0.049	2.745
Ln_N Mineral o'g'it	0.287	0.109	2.621
Ln_Yoqilg'i	0.174	0.138	1.262
Ln_Mehnat sarfi	0.564	0.103	5.470
Fermer xo'jaliklar soni	37		
R ²	0.869		

Unga ko'ra, paxta hosildorligining oshishiga organik va mineral o'g'itlar hamda mehnat sarfi hisssasi ijobiy bo'lsasuv va yoqilg'i resurslarining hisssasi ijobiy deb bo'lmaydi. Shuningdek, biz fermer xo'jaliklari paxta ishlab chiqarishda organik va mineral o'g'itlar hamda mehnat sarfidan samarali foydalanilgan deb ayta olmaymiz. Shu o'rinda, biz suv va yoqilg'i resurslaridan ham fermer xo'jaliklari samarali foydalanilgan deb ayta olmaymiz.

T-Statistika tahlil natijalariga ko'ra, paxta hosildorligini oshishida organik (2.745) va mineral (2.621) o'g'itlar hamda mehnat sarfi (5.470) ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Fermer xo'jaliklari tomonidan ushbu resurslardan foydalanishda tafoutlar mavjud. Ya'ni, qaysiki fermer xo'jaliklari qishloq hududlariga, chorvachilik va parandachilik fermer xo'jaliklariga yaqinroq joyda joylashgan bo'lsa yoki fermer xo'jaliklari chorvachilikka ixtisoslashgan bo'lsa ular ko'proq organik o'g'itlardan samarali foydalanishgan va aksincha. Shuningdek, mineral o'g'itlar foydalanishda tafoutlarning kattaligi esashartmomada ko'rsatilgan miqdorda mineral o'g'itlar yetkazib berilmagan yoki yetkazib berilgan mineral o'g'itlar to'g'ri maqsadda foydalanilmagan bo'lishi mumkin. Fermer xo'jaliklarida paxta hosildorligini 1 birlikka oshirishda ishlab chiqarishga sarflanadigan resurslardan mehnat sarfini 56.4 foizga oshirish talab etiladi. Ya'ni, mehnat sarfini oshirish paxta ishlab chiqarishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Paxtachilikda ushbu resursdan foydalanishda sezilarli daraja (T-stat)da katta tafout mavjud.

Fermer xo'jaliklari tomonidan paxta xom ashyosini davlat buyurtmasi asosida ishlab chiqishi SIU xizmati tomonidan suv resurslarini o'z vaqtida etkazib berishga katta e'tibor qaratilgan. Chunki, fermer xo'jaligi paxta ekinini ko'proq sug'orish hosildorlikning oshishiga olib keladi, deb o'ylashgan. Ammo, tahlillar shuni ko'rsatadiki, paxtachilikda suv sarfini oshirish marjinal hosildorlikning oshishidahissasi yo'q. Paxta hosildorligini oshishiga organik va mineral o'g'itlar hamda mehnat sarfi muhim ahamiyatga ekanligini ko'rishimiz mumkin. Bu resurslardan ko'proq foydalanishi marjinal hosildorlikka erishishda ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Xulosa va takliflar (**Conclusion/Recommendations**) Mamlakatimiz iqtisodiyotida paxta xom ashyosi muhim ahamiyatga ega ekanligidan kelib chiqqan holda kelgusida paxta hosildorligini oshirishda bevosita ishlab chiqarishda qatnashadigan resurslardan oqlona, samarali foydalanish talab etiladi. Ilmiy ishni o'rganishda paxta hosildorligining oshishida resurslar hisssasi, ularning muhimligini baholashda qo'yidagi xulosalarga keldik:

- paxta hosildorligini oshishida suv va yoqilg'i resurslarining hisssasi yo'q;
- paxta hosildorligini oshishida organik va mineral o'g'itlar, mehnat sarfining hisssasi va muhimligi yuqori.

Ushbu xulosada kelib chiqqan holda kelgusida paxtachilikda resurslardan samarali foydalanilga holda hosildorlikni oshishida quyidagi takliflarni beramiz:

- paxtachilikda organik va mineral o'g'itlar hamda mehnat sarfidan foydalanishni oshirish;
- paxtachilikda suv sarfidan ekin talabidan kelib chiqqan holda foydalanish.

Foydalanilgan adabiyotlar (References)

1. Hasanov, Sh. Cheklangan resurslardan foydalanish samaradorligining metodologik masalalari. Monografiya. Toshkent, 2013. 166 b.
2. Murtazyayev O. Paxtachilik agrosanoat majmuasi samaradorligini oshirish muammolari. Toshkent: Fan nashri, 2005.
3. Nazirbay Ibragimov, Steven R. Evett, Yusupbek Esanbekov, Bakhtiyor S. Kamilov, Lutfullo Mirzaev, John P.A. Lamers. Water use efficiency of irrigated cotton in Uzbekistan under drip and furrow irrigation. //Agricultural water management 90 (2007)112-120.
4. Coelli, T.J., Prasada Rao D.S., O'Donnell Ch. J., Battese G.E., "An Introduction to efficiency and productivity analysis" NY USA, Springer. 2005 pp. 311-312.
5. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining ma'lumotlari
6. www.samarkand.uz - Samarqand viloyat hokimining rasmiy veb sayti.
7. www.agro.uz - O'zbekiston Respublikasi qishloq va suv xo'jaligi vazirligi ma'lumotlari

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДАГИ ИННОВАЦИОН ИМКОНИЯТЛАР

Саламов И.С., Назарова М.Ш., Казакова З.С.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 5 октябридаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармонида келтирилган талабларни ва бажарилиши керак бўлган юмушларни ўрганиш натижалари мавзумиздаги асосий йўналишларга асос бўлди. Самарқанд вилоятида 2016 йилда сабзавот экинлари майдони 73 508 гектарга етказилиб, ялпи ҳосил 1 767 944 тоннани ташкил қилди. Рентабеллик даражаси эса 32,3 фоиз бўлди. Илмий мақоламизда хориж мамлакатлари билан мавжуд алоқалар янада яхшиланаётганлиги, жумладан Жанубий Кореянинг тўғридан тўғри Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган инвестиция миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошганлиги, Самарқанд вилоятида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва сотишдаги инновацион имкониятлар, охириги йиллардаги иқтисодий таҳлил натижалари, хулоса ва таклифлар, адабиётлар руйхати берилган.

Аннотация: Результаты требований и дел, которые должны были исполниться, приведенные в Указе Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева от 5 октября 2016 года “О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата”, явились основанием основных направлений темы. В 2016 году в Самаркандской области земли, отведенные овощеводству, достигли 73 508 гектаров площади, валовой урожай составил 1 767 944 тонны. Степень рентабельности достиг 32.3%. В нашей статье приведен перечень улучшений отношений существующих связей с иностранными государствами, в том числе об увеличении инвестиций Южной Кореи в Узбекистан более 7 миллиардов долларов. Инновационные возможности Самаркандской области выращивать и продавать овощную продукцию, результаты последних экономических анализов, выводы и предложения, список использованной литературы.

Abstract: To provide, the developing of prudence activity, protecting every sides of private property and improving of erudite circumstances by quality measures obtained and would make duties results the main bases of our topic concern to order of the president of the republic of Uzbekistan Sh. M. Mirziyoyev on 5 october 2016. In Samarkand region vegetables area increased to 73508 hectare in 2016, gross product reached 1 767 944 tons. The degree of profitability have been 32.3 %. In our scientific article there have been more improving the existent relationship with other foreign countries including, Southern Korea of quantity of investment more than 7 billion USA dollar to Uzbekistan economics. Growing of vegetables and innovation opportunities of selling in Samarkand region, last years results of economic analysis, conclusion and suggests, list of reference are given.

Калит сўзлар: сублимация, инновацион технологиялар, комбайн, хориж тажрибалари ва ҳ.о.

Кириш: Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 августдаги «Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 2016 йил 15-16 июл кунлари Ўзэкспомарказда халқаро мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича кўргазма ўтказилганлиги, 2016 йил 24-31 октябрь кунлари эса, Тошкентда Х-Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ташкил этилганлиги, 1-Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ҳам мазкур ҳужжат асосида

ташкил этилдики, бу янги савдо йўлакларини очиш, экспорт географиясини кенгайтиришга хизмат қилиши кутилган эди, ҳақиқатда ҳам шундай бўлди. Ярмарка эндиликда ҳар йили анъанавий равишда икки босқичда ўтказилади, бошлаб вилоятларда, кейин республикада. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Туркменистон, Қозғистон, Россия Федерациясига қилган давлат ташрифлари натижалари, вилоятларимизга бўлаётганлиги мамлакатимиз тараққиётини истиқболда янада равноқ топишига хизмат қилади. Ушбу фармонлар ва вазирлар маҳкамасининг қорорларини янада мустаҳкамлаш, келгисида бу йўналишда хориж компанияларини жалб қилиш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини уларга бўлган талабини қондириш, ортиқчасини хориж мамлакатларига экспорт қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш асосида меҳнатга яроқли аҳолимизни бандлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бўлганлиги учун хориж мамлакатлари билан мева-сабзавот, полиз, узум маҳсулотларига савдо-сотиқ шартномалари тузиш жараёнлари ривожланмоқда.

Материаллар ва методлар: 2016 йилнинг 8-10 ноябрь кунлари эса Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида I-Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси бўлиб ўтган эди. Бу кўргазмада маҳсулотлар ҳажмини ошириш билан биргаликда уларни ишлаб чиқариш субъектлардан сотиб олиш жараёнларини тўғри ташкил этиш, сифатли сақлаш, мамлакатимиз ичидаги саноат корхоналарини хом ашё билан доимий таъминлаш, асосий ва захирадан ташқари ортиқча маҳсулотларни хориж мамлакатларига реализация қилишнинг инновацион йўналишлари жорий қилинди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 9-январ кунидаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида эса Агрофирмаларни тузишни ташкил этиш ҳақида вазифалар қўйилган эди. Унда 40 дан зиёд мамлакатдан 100 дан ортиқ компаниялар қатнашди. Кўргазмада 150 дан ортиқ мева-сабзавот, узум, полиз ва узум маҳсулотлари қўйилди. Хитойнинг “Jiujiu Silk” компанияси раҳбари Жу Лие ўз интервьюсида “Ярмаркада иштирок этиб, Ўзбекистон нафақат мева-сабзавот етиштириш, балки уни бирламчи ва чуқур қайта ишлаш бўйича бой тажрибага эга эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Намойишга қўйилган маҳсулотнинг ташқи кўриниши, сифати, қадоқланиши бизга жуда маъқул. Мазасига эса таъриф йўқ. Шахсан менга олма, анор, хурмо ва узум жуда ёқди. Тадбир давомида ҳамкорлик алоқаларини ўрганиш, катта миқдорда мева-сабзавот маҳсулотлари сотиб олиш юзасидан шартномалар имзолаш ниятидамиз”-деди. 2016 йилга келиб, четга маҳсулот чиқариш-экспорт қилиш ҳажми Республикаимизда охириги 5 йилда 167 мартага ошиб унинг таркибидаги тайёр товарлар миқдори 68,5 фоизни ташкил қилди. 2015 йил якуни билан бу кўрсаткич 70 фоиздан ошди. Илмий-амалий изланишларимизни мева-сабзавотчиликка ихтисослашган айрим туманлар мисолида ўргандик. Мақолани тайёрлашда монографик, таққослаш, статистик ва бошқа усуллар ёрдамида таҳлил қилганмиз.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Жанубий Кореянинг Ўзбекистонда хорижий сармоя билан ишлаётган **449 та Қўшма корхонаси** мавжуд бўлиб, 79 та ваколатхонаси аккредитация қилинган. 2013 йилги икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 2,1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган эди. 2015 йилдаги икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 1,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Мисол: Жанубий Кореянинг “**Хендонимкон**” номли Ўзбекистондаги корхонаси Ўзбекистон пахтасини қайта ишлаб Корея бозорида сотмоқда. Ўзбекистоннинг пахта толаси Жанубий Корея бозорларидаги пахта савдосининг 60 фоизини эгаллади. У давлат билан 100 дан ортиқ шартномалар тузилган бўлиб 2016 йилнинг 17 августида эса 9,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги шартнома имзоланди. 2017 йилда Муғулистон ва Веъетнам мамлакатлари вакиллари билан ҳам мева сабзавот, полиз, узум маҳсулотларига экспорт шартномаси тузилди. Жомбой туманидаги “Мароқанд мева-сабзавот” фермер хўжалигида Помидорнинг “**Хайсон**” нави экилди. Ундан ҳар бир гектаридан 95 тоннадан ҳосил олинди. Помидор маҳсус хориж комбайни билан бир кунда 5-6 гектар майдондаги ҳосилни йиғиб олди. Бир қисм маҳсулот хорижга экспорт қилинди. 2016 йили вилоятимизда сабзавот ҳосилдорлиги 241 центнерни ташкил қилди. 1 767 944 тонна сабзавот етиштириш ва инновацион тизимлар орқали маҳаллий ва кам бўлсада хориж мамлакатлари истеъмолчиларига етказиб бериш учун

сарфланган харажатлар сўммаси 731 571 миллион сўмни ташкил этди. Етиштирилган сабзавотларни сотишдан олинган ялпи пул тушуми 968 227 миллион сўм, олинган фойда сўммаси 236 656 миллион сўм бўлди. Самарқанд вилояти сабзавотчиларининг эришган ютуғи шундаки, сабзавотчилик тармоғидаги рентабеллик даражаси 32,3 фоизни ташкил қилди. Вилоятдаги туманлар ичида энг кўп сабзавот майдонига эга бўлган туман **Булунғур туманидир**, 2016 йилда бу туманда сабзавот майдонлари 14 603 гектарни ташкил қилиб, олинган ялпи ҳосил 349 848 тонна, харажатлар 145 274 миллион сўм, ялпи пул тушуми 192 416 миллион сўм, олинган фойда 47 142 миллион сўм, рентабеллик даражаси эса 32,5 фоиз бўлди. Самарқанд вилоятидаги хўжаликларда сабзавотчиликдан олинган фойда миқдори 2015 йилда 215 411 миллион сўмни, рентабеллик даражаси 33,9 фоизни ташкил қилган эди. Ўтган 2015 йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сифимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Самарқанд вилоятида **картошка** етиштиришда рентабеллик даражаси 2016 йилда 32,0 фоизни ташкил қилди, 2015 йилда эса, бизнес режадаги 27,8 фоиз ўрнига 33,7 фоизга етказилган эди, бизнес режага нисбатан 5,9 пунктга кўп бўлган. Самарқанд вилоятининг мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туман ва хўжаликлари фаолиятини иқтисодий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, **Булунғур туманида** етиштирилган сабзавотлар майдонининг 1 гектарига сарфланган жами харажатлар миқдори 9 949 минг сўм, ялпи пул тушуми эса 13 177 минг сўм бўлди, **1 гектардан олинган фойда** сўммаси 3 228 минг сўм ёки рентабеллик даражаси 32,5 фоизни ташкил этди. 2016 йилда Булунғур туманида **1 тонна сабзавот** маҳсулотларини **сотиш баҳоси** 550 минг сўм, унинг таннархи эса 415 минг сўм ёки 32,6 фоиз рентабеллик даражасига эга бўлди. Сабзавот майдони жиҳатидан Булунғур туманидан кейинги ўринда турадиган 7 541 гектарга эга **Самарқанд туманида** 1 гектар сабзавот майдонига сарфланган жами **харажатлар** миқдори 9 889 минг сўм, **ялпи пул тушуми** эса 13 081 минг сўм бўлди, **1 гектардан олинган фойда** сўммаси 3 192 минг сўм ёки рентабеллик даражаси 32,3 фоизни ташкил этди. 2016 йилда Самарқанд туманида 1 тонна сабзавот маҳсулотларини **сотиш баҳоси** 600 минг сўм, унинг **таннархи** эса 454 минг сўм, 1 гектардан олинган фойда 146 минг сўм ёки 32,2 фоиз рентабеллик даражасига эга бўлди

Хулоса ва таклифлар: **Хулоса:** 1. Сабзавот йиғадиган техникалар етарли миқдорда таъминланмаган. 2. Самарқанд вилоятининг **Булунғур** туманидаги сабзавот майдони вилоятдаги жами сабзавот майдонининг 19,9 фоизини ташкил қилади. Тумандаги ялпи ҳосил вилоятдаги жами сабзавот ялпи ҳосилининг 19,9 фоизини ташкил қилди. Икки кўрсаткич ҳам бир-бирига тўғри келади.

Таклифлар: 1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва бошқа товарларни истеъмолчиларга буюртма столлари орқали етказиш бўйича 1989-1991 йилларда фаолият кўрсатган ва товар айланмасини 1,3-1,5 баробарга ошишига имконият берган “буюртма столи” фаолиятини тиклаш ва такомиллаштиришда Жанубий Корея мамлакати тадбиркорлари билан **қўшма корхона ва қўшма** инновацион **лойиҳалар** тузишдик имкониятларни жойларда амалга ошириш керак; 2. Сабзавотчиликка ихтисослашган фермер, деҳқон хўжаликларини бугунги ва истикболда фаолият кўрсатишини эътиборга олиб ташкил этиш, жойларда завод ва цехларнинг қувватларидан самарали фойдаланиш имкониятларини яратиш зарур; 3. Сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириш учун Жомбой туманидагидек помидорни йиғиштирадиган инновацион маҳсус хориж комбайнига ўхшашини маҳаллий заводларимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. 4. Наманган вилоятининг Тўракурғон туманида тадбиркор томонидан ихтиро қилинган инновацион занжирли кичик трактор ва унинг аравасини маҳаллий заводларимизда ишлаб чиқаришга буюртмани беришни йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 5 октябридаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони.

2. Самарқанд вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг 2014-2016 йиллар ҳисоботлари.

3. Саламов И.С., Назарова М.Ш., Хожиев Ё.П. Сабзавот-полиэтикада инновацион техника ва технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорликни оширишдаги имкониятлари. СамҚХИда Жанубий Кореянинг Кангвон Миллий университети билан ҳамкорликда “Қишлоқ хўжалигида ҳудудий инновацион тизимлар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2015 йил 3-4 июнь, 297-300-бетлар. “Mehribon poligraf servis” МСНҲ Босмаҳонасида чоп этилди. Самарқанд шаҳри, М.Қошғарий кўчаси, 85-А уй. Самарқанд-2015.

4. Интернет маълумотлари ва бошқа манбалар.

УДҚ. 338.1

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ КўПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Тагаев А.С., Маджидова М.Т.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Аннотация. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир соҳада бўлгани каби қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш давр талаби бўлиб қолмоқда. Бу борада ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири бу етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини халқ истеъмолига узлуксиз таъминлаш ҳамда экспорт қилишдир.

Annotation: Under the condition of market economy increasing the export capability of fruit and vegetable products in agricultural sector are requiremet of present day. One of the main direction of social and economic policy of government is continuously ensuring export of produced fruit and vegetable products to public consumption.

Калит сўзлар. Экспорт, Роқабат, Стандарт, Маркетинг.

Кириш. Бозор иқтисодиётида ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг жадал тараққий топиб бораётгани ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш имконини яратаяпти. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Материаллар ва методлар. Илмий тадқиқот ишини назарий жихатдан ёритишда мамлакатимиз олимларининг илмий тадқиқот ишларидан ва соҳага оид ташкилотлар статистик маълумотларидан фойдаланилди. Бундан ташқари мевачилик ва сабзавотчилик тармоғидаги ўзгаришлар ҳақидаги натижалардан олинган маълумотлар статистик кузатиш усуллари орқали тўпланиб, таҳлил қилинди ва уларнинг натижалари акс эттирилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Аҳолини узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда Ўзбекистон Республикаси 1-президентининг 2016 йил 5 мартдаги “2016-2020 йилларда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом-ашё базасини янада ривожлантириш, уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2505-сонли қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинаётган иқтисодий ислохотлар замирида, энг аввало, мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хомашё билан таъминлаш, маҳсулотларнинг рақобатдошлигини юксалтиришдек улкан мақсадлар мужассамдир.

Бу борада ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири бу етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини халқ истеъмолига узлуксиз таъминлашдир. Зеро, Республикаимиз қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш асосида юқори қўшилган қийматга эга бўлган сифатли рақобатдош озиқ-овқат маҳсулотлари

ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмларини ошириш ҳамда турларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги хомашёсини янада чуқур қайта ишлаш бўйича хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда янги ишлаб чиқаришларни қуриш ва амалдагиларини модернизация қилиш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича замонавий савдо-логистика марказлари ва музлатиш қувватларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимдир. Жумладан, 2020-йил охирига қадар Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, музлатиб сақлаш омборлари, замонавий қадоклар чиқариш линияларини яратишга қаратилган 254 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан замонавий ускуналар билан жиҳозланган 76 та қайта ишлаш корхонасини ташкил қилиш, 155 та музлатиш камераларини қуриш ва 23 та қадок чиқариш ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш режалаштирилди. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини жорий йил 18% дан деярли 30% га етказиш режалаштирилди.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмларини 6,6 фоизга, жумладан, мева-сабзавот 11,2 фоизга, картошка 9,7фоизга, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,9 фоизга ўсиши таъминланди. Шу билан биргаликда Республикамизда мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг ўрни бекиёсдир. 2016 йил халқаро мева-сабзавот ярмаркасида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 2 миллиард АҚШ долларида зиёд бўлган 270 та шартнома имзоланди. Экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг 27 фоизини сабзавотлар, 25 фоизини узум, 20 фоизини мевалар, 17,6 фоизини қуритилган ва қайта ишланган маҳсулотлар, 8,4 фоизини дуккакли маҳсулотлар, 2 фоизини қовун ташкил қилади. Республикамизда 2017 йил январь ойида 31 минг тонна янги ва қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилди. Бу 2016 йилга нисбатан 89 фоиз кўпдир. Мева, сабзавот, полиз ва дуккакли маҳсулотларни экспорт қилиш натижасида Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келган валюта тушуми 2016 йилга нисбатан икки баробар ўсиб, 42,5 миллион долларни ташкил этди. Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда олиб борилган сай ҳаракатларга қарамай хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган. Натижада етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг 650 миллион долларлик маҳсулоти экспорт қилинмай қолди.

Республикамизда мева сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тизимини ошириш борасида эришилган натижалар ҳамда мавжуд муоммаларни таҳлил этиш асосида бу соҳани ривожлантиришга оид қуйидаги тавсияларни берамиз:

- Янги технология ва стандартларни халқара меъёр даражасида жорий этиш.
- Етиштирилган тайёр маҳсулотларни экспорт қилишда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш.
- Мева-сабзавот маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш.
- Бозорларни ўрганувчи маркетинг хизматларини ривожлантириш.

Хулоса: Ушбу тавсияларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини, унинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашини натижада аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасининг кўтарилишини таъминлайди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигида мевачилик, сабзавотчилик соҳасининг ривожланишига ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт қилиниши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 16 Январь 2017

2. Ўзбекистон Республикасининг 2012-2020 йилларга инновацион ривожланиш Концепцияси.

3. Исмоилов А, Муртазаев О. «Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти». Т-, Молия 2005

УДК: 338.1

СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР

Турсунов О. М., Мирзаев Дж. А.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация. Сув хўжалиги тизимида маҳаллий ва хорижий инвестицияларнинг киритилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уни амалга ошириш стратегияларини шакллантириш ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун, мақолада бу тизимга киритилаётган инвестициялар ва амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатимиз сув хўжалиги тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган давлат дастурлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Сув хўжалиги тизими, инвестиция, инвестицион лойиҳалар, инвестициялаш, хорижий инвесторлар.

Кириш. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бўлган сув хўжалиги тизимини ривожлантиришда мавжуд ички имкониятлардан самарали фойдаланишни илмий-амалий ва иқтисодий жиҳатдан тадқиқ қилиш, ундаги интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, сув хўжалиги тизимини инвестицион ва инновацион таъминоти яъни тизим учун қулай инвестицион муҳитни яратиш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни, шунингдек техника ва технологияларни жалб қилиш, юқори малакали кадрлар салоҳиятини шакллантириш, улар қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш ва уларни такомиллаштириш, бу фаолият билан шуғулланувчи иқтисодий субъектларининг ташкилий ва иқтисодий алоқаларини тартибга солиш, шунингдек, истиқболли инвестицион лойиҳаларни тизимнинг корхона ва ташкилотлари фаолиятида амалга оширилишини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида сув хўжалиги тизимини янада ривожлантириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу муаммоларнинг ижобий ечимини топилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан ҳисобланган сув хўжалиги тизимини янги ривожланиш йўлига ўтишига муҳим асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонида мувофиқ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланган. Унга кўра қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Унга кўра 2017-2021 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришишда:

• 734,9 км магистрал, туманлараро, хўжаликлараро коллекторларни, 348,3 км ёпиқ-ётиқ дренаж тизимларини, 6 дона мелиоратив насос станцияларини, 79 дона мелиоратив тик кудуқларни, 131 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларни куриш ва реконструкция қилиш;

- 14537,2 км очик коллаторларни, 1330,5 км ёпик-ётик дренаж тармоқларини, 15 дона мелиоратив насос станцияларини, 791 дона мелиоратив тик кудукларни, 2277 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоатларини таъмирлаш ва тиклаш;

- 500 км каналларни, 74 км суғориш лоток тизимини, 106 дона гидротехник иншоотларни, 10 км босимли сув қувурларини, сифими 625 млн. метр кубга тенг бўлган сув омборларини куриш ва реконструкция қилиш ҳамда 0,5 км қирғоқбўйи минтақасини химоялаш;

- 142 дона мелиоратив техника ва жиҳозларни сувхўжалигида ихтисослашган пудрат ташкилотларига лизинг орқали етказиш;

- 2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини танқидий ўрганиш;

- коллектор-дренаж ва ирригация тизимларини, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сув билан таъминланганлик даражасини комплекс ўрганиш натижасида 2018-2022 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Материаллар ва методлар. Сув хўжалиги тизимининг инвестицион ва инновацион таъминотини ташкил қилиш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш самарадорлигини ошириш илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш ҳамда унинг натижаларини амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ. Бунда учта муҳим йўналиш асосан махсус дастурлар: илмий изланишлар, илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижаларини амалиётга жорий қилишдан иборат. Илмий изланишлар, фундаментал ва амалий натижалардан иборат бўлиб, ўз ичига назарий усул ва услубий тадқиқотларни олади. Илмий тадқиқотлар дастури фундаментал ва амалий натижаларни ўз ичига олиб, илмий ривожланишнинг янги йўналишларини белгилаб беради. Бундай дастурларнинг амалга оширилиши ишлаб чиқариш технологияси ва сув хўжалиги тизимини ривожлантиришни такомиллаштириб боради. Бу такомиллаштириш фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижасида юзага келади.

Натижалар ва уларнинг тахлили. Республика сув хўжалиги тизимидаги ташкилотлар томонидан сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш, давлат сув хўжалиги тизимининг замонавийлаштирилишини таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш учун охириги йилларда Давлат дастури доирасида маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан кўплаб инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 2015-йилда Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган мелиоратив тадбирларни бажариш учун жами 350,4 млрд сўм ажратилиб, мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва куриш ишларига ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши натижасида 845,4 км коллектор дренаж тармоқлари, 189 дона вертикал дренаж кудук, 51 гидротехник иншоот, 1071 дона мелиоратив кузатув кудуклари, 298,2 км ёпик-ётик дренаж тармоқлари реконструкция қилинди ва қурилди.

Ана шу мақсадлар учун 2016-йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларида: Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган мелиоратив тадбирлар учун жами 422,0 млрд сўм 2015-йилга нисбатан 71,6 млрд сўм ёки 20,4 % кўп ажратилиб, мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва куриш ишларини бажаришга йўналтирилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши натижасида 851,7 км очик ва 317,1 км ёпик-ётик коллектор-дренаж тармоқлари, 242 дона вертикал дренаж кудуклари, 71 дона гидротехник иншоотлар, 1080 дона мелиоратив кузатув кудуклари реконструкция қилинди ва қурилди.

Манзилли рўйхатга кўра, 2016 йилда жами 290 та устувор лойиҳаларда, шу жумладан 43 та йилдан йилга ўтувчи лойиҳаларда жами 16 минг 44,4 км узунликда очик ва 1021,3 км узунликда ёпик-ётик коллектор-дренаж тармоқлари, 8 дона мелиоратив насос станциялари, 555

дона вертикал дренаж қудуқлари, 33 дона сув ўлчаш иншоотлари, 2175 дона қувурли ўтиш жойлари, 1178 дона назорат қудуқлари таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди. Шунингдек, 290 та мелиоратив объектлардан 239 тасида таъмирлаш-тиклаш ишлари тўлиқ якунланиб, Давлат қабул қилиш комиссиясига топширилди.

Республика бўйича жами 153 та устувор лойиҳа, шу жумладан 69 та йилдан йилга ўтувчи лойиҳалар доирасида 357,5 км узунликдаги каналлар, 76,7 км узунликда лотоклар, 129 дона гидротехник иншоотлари, насос станцияларининг 12,7 км узунликдаги босимли қувурлари, 8,3 м³/сек қувватли насос станциялари, 9,6 км узунликдаги қирғоқ ҳимоя ишлари бажарилди. Амалга ошириладиган тадбирлар 319 минг гектар ер майдонларининг сув таъминоти яхшиланишига замин яратади.

Хулоса. Сув хўжалиги бош бошқармаси ва унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ирригация тизимларини ҳавзалар бўйича бошқариш принциплари асосида ер усти сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва барча даражаларда сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш, давлат сув хўжалиги тизимидан фойдаланилишини ва унинг замонавийлаштирилишини таъминлаш, илгаридан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш республикамиз сув хўжалиги тизимини маоддий-техник базасини мустаҳкамлашга, ер ости ва усти сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, шунингдек суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 07.02.2017. ПФ-4947.
2. Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. - II-жилд. - 608 бет.
3. Томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш тўғрисида қўлланма- ШГК мажмуаси. - Қарши, 2012.
4. www.lex.uz

UDK:338:636

QORAMOLLAR BOSH SONI DINAMIK TAHLILI

Nurullayev U.U., Mavlyanov M.T.
Samarqand qishloq xo'jalik instituti

Annotasiya. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning Harakat stategiyasini amalga oshirishda prognoz ko'rsatkichlarni aniqlash muhim ahamiyatga ega. Ushbu maqolada Samarqand viloyatida qoramollar bosh sonining hozirgi holati tahlil etilgan va kvadratik trend madelidan foydalanilgan holda 2017-2021 yillardagi ularning bosh soni prognoz (bashorat)i ishlab chiqilgan.

Annotation. The determination of the forecast indicators plays an important role in implementation of Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 years. In this sense, we understand not only macroeconomic forecasting, but same microeconomic forecasting. With the help of these forecasts, organizational processes can be developed. Our research provides a statistical analysis of state and method of forecasting number of cattle in the Samarkand region in 2017-2021. Further, with the help of these indicators it is planned to develop a feeding base, economic organizational processes, optimal feeding ration, etc.

Kalit so'zlar. Trend, eksponential, prognoz, eksponential silliqlash, dinamik qatorlar, tahlil.

Kirish. Bugungi erkin bozor iqtisodiyoti sharoitda aholining turmush darajasini yuksaltirish va oziq-ovqat xavsizligini ta'minlashda chorvachilik tarmog'ini samarali tashkil etish nihoyatda muhim

masaladir. Shuning uchun ham sut va go'sht mahsulotlariga bo'lgan talabni qondirish chorvachilik tarmoqlarining maqsadga muvofiq samarali joylashtirilishi, Respublikada mehnat taqsimoti ijobiy hal etilishiga bevosita ta'sir etadi. Ma'lumki, erkin bozor sharoitida har qanday ishlab chiqarishning kelajagi, rivojlanish istiqboli birinchi navbatda ishlab chiqarish jarayoniga jalb qilingan resurslarning samaradorligi bilan bog'liq bo'ladi. Xo'jaliklarda mahsulot ishlab chiqarishni rivojlantirish deganda, birinchi navbatda, qoramollar bosh sonini oshirish orqali mahsulot ishlab chiqarish hajmini bozor talablariga moslashtirish uchun qoramollar zotini yaxshilash va ozuqasining tarkibini oshirish bilan birga sifatli xizmat ko'rsatish lozim.


Respublikamizda 2015 yilda qoramolchilikni rivojlantirish bo'yicha qabul qilingan dasturlarga asosan qoramolchilik yo'nalishida 2262 ta loyihalar ishga tushirildi va ularda 64 ming bosh qoramollarni parvarish qilish yo'lga qo'yildi hamda 8.2 mingta yangi ish o'rinlari yaratildi. Ushbu maqsadlar uchun jami 213 mlrd so'mlik bank kreditlari yo'naltirildi. Bugungi kunda chetdan 9 ming 850 bosh naslli qoramollar olib kelindi. Amalga oshirilgan chora-tadbirlar natijasida 2015 yil yakuni bilan qoramollar bosh soni 646 ming boshga ko'paydi. Islohatlar natijasida jami qoramollar bosh soni 11641 mln boshga yetdi, go'sht yetishtirish 2033,4 ming tonnaga, sut ishlab chiqarish 9027,8 ming tonnaga yetkazildi.

Ilmiy ishning maqsadi - Samarqand viloyatida eksponential silliqlash usulidan foydalanib qoramollar bosh sonining hozirgi holati va uning istiqbolda bosh sonini ilmiy asoslangan holda prognoz(bashorat)ini ishlab chiqish.

Material va metodlar. Ushbu maqoladagi materiallar Samarqand viloyatining yillik statistik to'plami ma'lumotlari asosida olindi. Bunda viloyatda 1991-2016 yillar davomida yirik shoxli qoramollar bosh soni (ming bosh) o'zgarishi tahlil etildi [3]. Ushbu yillarda olingan ma'lumotlarni "Eksponential silliqlash usuli"dan foydalanilgan holda dinamik qatorning kvadratik formadagi trend tenglamasi ishlab chiqildi (mualliflar tomonidan MINITAB dasturiy paketida).

$$y_t = 628,9 + 8,26t + 0,9566t^2 \quad (1)$$

Ushbu aniqlangan trend tenglamasi statistik ma'lumotlar dinamikasi trendi bilan solishtirish natijasida kvadratik model trendining ko'rinishi ishlab chiqildi (1-rasm).



1-rasm. Samarqand viloyatida 1991-2016 yillarda yirik shoxli qoramollarning kvadratik formadagi trendi.

Viloyatda 1991-2016 yillarda yirik shoxli qoramollar bosh sonining dinamik o'zgarishi 1999-2003 yillar oralig'ida haqiqiy va prognoz(bashorat) soni sezilarli darajada o'zgaragan.

Quyidagi 1-jadvalda haqiqiy qiymatlarning (yirik shoxli qoramollar bosh soni, ming bosh) hisoblangan qiymatdan chetlanishlari keltirilgan.

Samarqand viloyatida mavjud qoramollar bosh sonining hisoblangan prognoz(bashorat) chetlanishi

T/r	Yillar	Mavjud qora molar bosh soni, y_t	Qora mollar bosh sonining prognoz(bashorat)i, \hat{y}_t	Qora mollarning haqiqiy sonidan hisoblangan sonining chetlanishi, $y_t - \hat{y}_t$
1	1991	610,1	638,12	-28,02
2	1992	642,8	649,25	-6,45
3	1993	663,5	662,29	1,21
4	1994	691,2	677,25	13,95
5	1995	708,2	694,12	14,09
6	1996	733,1	712,90	20,20
7	1997	771,2	733,59	37,61
8	1998	781,7	756,20	25,50
9	1999	782,1	780,72	1,38
10	2000	794	807,16	-13,16
11	2001	790,2	835,51	-45,31
12	2002	807,4	865,77	-58,37
13	2003	876,7	897,95	-21,25
14	2004	965,5	932,03	33,47
15	2005	976,8	968,04	8,76
16	2006	996,9	1005,95	-9,05
17	2007	1045,5	1045,78	-0,28
18	2008	1104,5	1087,52	16,98
19	2009	1118,2	1131,17	-12,97
20	2010	1191,3	1176,74	14,56
21	2011	1216,8	1224,22	-7,42
22	2012	1285	1273,61	11,39
23	2013	1331,9	1324,92	6,98
24	2014	1407,5	1378,14	29,36
25	2015	1425,2	1433,28	-8,08
26	2016	1465,8	1490,32	-24,52

Manba: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi yillik statistic to'plami. Toshkent 2016 yil

$y_t = a_0 + a_1 t + \frac{a_2 t^2}{2}$ kvadratik model uchun prognoz $\hat{y}_{t+1} = \hat{a}_0 + \hat{a}_1 t + \frac{\hat{a}_2 t^2}{2}$ ko'rinishda bo'ladi.

$\hat{a}_0, \hat{a}_1, \hat{a}_2$ baho parametrlar izlanayotgan parametrlarni mos eksponensial o'rtachalar bilan bog'lovchi quyidagi tenglamalar sistemasidan topiladi:

$$\begin{cases} S_t^1(y) = \hat{a}_0 - \frac{1-\alpha}{\alpha} \hat{a}_1 + \frac{(1-\alpha)(2-\alpha)}{2\alpha^2} \hat{a}_2; \\ S_t^2(y) = \hat{a}_0 - \frac{2(1-\alpha)}{\alpha} \hat{a}_1 + \frac{(1-\alpha)(3-2\alpha)}{\alpha^2} \hat{a}_2; \\ S_t^3(y) = \hat{a}_0 - \frac{3(1-\alpha)}{\alpha} \hat{a}_1 + \frac{3(1-\alpha)(4-3\alpha)}{2\alpha^2} \hat{a}_2. \end{cases}$$

Bunda, $0 < \alpha < 1$ silliqlash parametri (α ning qiymati birga yaqin bo'lsa qatorning oxirgi hadlari, 0 ga yaqin bo'lsa barcha hadlari olinadi). Yuqoridagi tenglamalar sistemasidan quyidagilarni hosil qilamiz:

$$\hat{a}_0 = 3[S_t^1(y) - S_t^2(y)] + S_t^3(y);$$

$$\hat{a}_1 = \frac{\alpha}{2(1-\alpha)^2} [(6-5\alpha)S_t^1(y) - 2(5-4\alpha)S_t^2(y) + (4-3\alpha)S_t^3(y)];$$

$$\hat{a}_2 = \frac{\alpha^2}{(1-\alpha)^2} [S_t^1(y) - 2S_t^2(y) + S_t^3(y)].$$

Boshlang'ich shartlar quyidagi formulalar orqali topiladi:

$$\begin{aligned} S_{t-1}^1(y) &= a_0 - \frac{1-\alpha}{\alpha} a_1 + \frac{(1-\alpha)(2-\alpha)}{2\alpha^2} a_2, \\ S_{t-1}^2(y) &= a_0 - \frac{2(1-\alpha)}{\alpha} a_1 + \frac{(1-\alpha)(3-2\alpha)}{\alpha^2} a_2, \\ S_{t-1}^3(y) &= a_0 - \frac{3(1-\alpha)}{\alpha} a_1 + \frac{3(1-\alpha)(4-3\alpha)}{2\alpha^2} a_2. \end{aligned} \quad (2)$$

$\alpha = 0,5$ deb olib (2) boshlang'ich shartlardan 1991 yil uchun $S_0^1(y) = 623,49$, $S_0^2(y) = 620,02$, $S_0^3(y) = 618,45$ qiymatlarni topamiz. So'ngra bular asosida 1992 yil uchun $S_1^1(y)$, $S_1^2(y)$, $S_1^3(y)$ qiymatlari orqali \hat{a}_0 , \hat{a}_1 , \hat{a}_2 koeffitsiyentlarni aniqlaymiz. Bu jarayonni davom ettirib 2-jadvaldagi natijalar olindi.

2-jadval

<i>T</i>	<i>Yillar</i>	$S_t^1(y)$	$S_t^2(y)$	$S_t^3(y)$	\hat{a}_0	\hat{a}_1	\hat{a}_2	\hat{y}_t	$\hat{y}_t - y$
1	1991	623,49	620,02	618,45	628,86	8,21	1,90	638,01	-27,91
2	1992	616,80	618,41	618,43	613,59	-5,60	-1,59	607,20	35,60
3	1993	629,80	624,10	621,26	638,35	12,84	2,86	652,62	10,88
4	1994	646,65	635,38	628,32	662,14	21,82	4,22	686,07	5,13
5	1995	668,92	652,15	640,24	690,56	28,92	4,86	721,91	-13,71
6	1996	688,56	670,36	655,30	709,91	26,07	3,15	737,56	-4,46
7	1997	710,83	690,59	672,94	733,66	26,71	2,59	761,66	9,54
8	1998	741,02	715,80	694,37	770,01	34,66	3,78	806,56	-24,86
9	1999	761,36	738,58	716,48	784,81	24,46	0,67	809,60	-27,50
10	2000	771,73	755,16	735,82	785,54	9,66	-2,76	793,82	0,18
11	2001	782,86	769,01	752,41	793,98	7,00	-2,74	799,61	-9,41
12	2002	786,53	777,77	765,09	791,38	-1,03	-3,92	788,38	19,02
13	2003	796,97	787,37	776,23	805,02	5,75	-1,54	810,00	66,70
14	2004	836,83	812,10	794,17	868,36	41,72	6,80	913,49	52,01
15	2005	901,17	856,63	825,40	959,00	77,78	13,30	1043,43	-66,63
16	2006	938,98	897,81	861,60	985,13	53,60	4,97	1041,21	-44,31
17	2007	967,94	932,88	897,24	1002,44	33,64	-0,57	1035,80	9,70
18	2008	1006,72	969,80	933,52	1044,29	38,53	0,64	1083,14	21,36
19	2009	1055,61	1012,70	973,11	1101,83	51,19	3,31	1154,68	-36,48
20	2010	1086,91	1049,80	1011,46	1122,76	33,99	-1,25	1156,12	35,18
21	2011	1139,10	1094,45	1052,96	1186,90	52,53	3,15	1241,01	-24,21
22	2012	1177,95	1136,20	1094,58	1219,83	42,06	0,13	1261,95	23,05
23	2013	1231,48	1183,84	1139,21	1282,12	55,15	3,01	1338,78	-6,88
24	2014	1281,69	1232,76	1185,99	1332,76	54,29	2,15	1388,13	19,37
25	2015	1344,59	1288,68	1237,33	1405,08	67,34	4,57	1474,70	-49,50
26	2016	1384,90	1336,79	1287,06	1431,39	44,06	-1,62	1474,64	-8,84

Natijalar. Yuqoridagi usulni 2017 yil uchun, olingan natija bo'yicha 2018 yil uchun va hokozo 2021 yil uchun Samarqand viloyatida yirik shoxli qoramollar bosh sonini prognoz qilishga qo'llab 3-jadvaldagi natijalar olindi.

Samarqand viloyatida yirik shoxli qoramollar bosh sonining (2017-2021 yillar) uchun prognozi.

Prognoz qilingan yillar	2017	2018	2019	2020	2021
Yirik shoxli qoramollar bosh sonini (ming bosh)	1503,01	1536,4	1567,06	1595	1620,22

Xulosa. Samarqand viloyatida 1991-2016-yillarda yirik shoxli qoramollarning bosh soni dinamikasi asosida ishlab chiqilgan pragnoz madeliga ko'ra 2017-2021 yillarda qoramollar bosh sonining o'sish tendensiyasi saqlanib qolmoqda. Bu ko'rsatkichlar viloyatda qoramolchilik sohasida mavjud imkoniyatlarni ratsiyanal tashkil etish orqali ishlab chiqarish uchun qulay bo'lgan sharoit, meyyordagi ozuqa bazasi, zooveterinariya xizmatlaridan samarali foydalanish, nasildor qoramollar sonini oshirish bo'yicha chora tadbirlarni ishlab chiqish orqali 2021 yilda qoramollar bosh sonini 1620.22 ming boshga yetishini ta'minlash mumkin bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Sh. Mirziyoyev. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shahsiy javobgarlik-har, bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Toshkent-“O'zbekiston”-2017 yil.
2. В.П.Носко. Эконометрика. М.:Издательский дом «Дело», 2011 г.
3. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi yillik statistic to'plami. Toshkent 2016 yil

УДК:338.1:635.7

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК АСОСЛАРИ

Зубайдуллаев А.А.

Самарқанд кишлок хўжалик институти

Аннотация: Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши ва макроиқтисодий ҳамда фаол таркибий сиёсатнинг давом эттирилиши жорий даврда мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни ўтказиш мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланишига қарамай у ўз самарасини 2004 йилларга келиб кўрсата бошлади. Буни биз охириги йилларда ЯИМ ўсиш даражасидан, унинг таркибидаги ижобий ўзгаришлардан ва миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган чет эл инвестицияларининг салмоғини кундан-кунга ошиб бораётганлигидан кўришимиз мумкин.

Калит сўзлар: Иқтисодий ислохотлар, тўлиқ макроиқтисодий барқарорлик, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг йиллик ўсиши, модернизация, ташқи қарз кўрсаткичи, самарадорлик кўрсаткичлари, инвестициялар.

Аннотация: Первый Президент Республики Узбекистан на совещании Совета Министров от 15 января 2016 года определил основные приоритетные направления программы экономического развития страны и продолжение макроэкономического роста, активную структурную политику, дать возможность сохранить высокие темпы роста экономики и сохранение макроэкономической стабильности. Начало экономических реформ хотя начался с 1991 года, но его положительные результаты были замечены только по итогам 2004 года. Мы можем наблюдать эти положительные черты экономики в высоком и стабильном росте ВВП страны, в улучшении структурных преобразований экономики, в солидном удельном весе вложенных иностранных инвестиций в развитие экономики страны.

Ключевые слова: экономические реформы, полная макроэкономическая стабильность, среднегодовой прирост ВВП, модернизация, показатели внешнего долга страны, показатели эффективности, иностранная инвестиция.

Annotation: The First President of the Republic Uzbekistan on counsel of the Advice Minister from January 15 2016 has defined the main priority macroeconomics of the growing, active structured politician, enable to save the high rate of growth an economy and conservation macroeconomics stabilities. The beginning of economic reforms, although it began in 1991, but its positive features of the economy in the high and stable growth of the country's GDP, in improving the structural transformations of the economy, in the proportion of foreign investments in the development of the country's economy.

Key words: economical reforms, lack of Animal Feed, food ration, modernization, gross domestic products, indicators of efficiency.

Қириш: Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётни ривожланиши мамлатнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан танланган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг ўзбек модели асос қилиб олинганлиги ўзини оқлаб, мамлакатда ўтказилган иқтисодий ислохотлар тез орада ўз самарасини берди. Кўп муддат ўтмай мамлакат ўз ривожланиш даражасини ғалла ишлаб чиқариш мустақиллиги, саноат корхоналари маҳсулоти салмоғининг ЯИМ даги ўсиши, аҳоли жон бошига даромадларнинг ошиши, айниқса ЯИМ нинг йиллик ўсиш даражаларида намоён бўлди ва бугунги кунга келиб Ўзбекистон иқтисодиёти юксалиб бораётган мамлакатлар сирасига кирди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда 2017 йил бошида мамлакатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари асос қилиб олинди.

Материаллар ва методлар: Юритилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устивор йўналишларни амалга ошириш мустақилликнинг дастлабки 25 йилида ўз самарасини берди, буни биз мамлакатда мустақиллик йилларида яратилган Ялпи Ички Маҳсулот таҳлилида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистонда ЯИМ ўсиш динамикаси

Йиллар	ЯИМ млрд.сўм	1991йил 100%	Олдинги йилга нисбатан,%	Ўртача йиллик аҳоли сони, млн.киши
1991	0.0615	100	99.5	20.9
1995	302.8	81.6	99.1	22.7
2000	3255.6	98.6	103.8	24.7
2005	15923.4	127.9	107.0	26.2
2010	62388.3	192.5	108.5	28.6
2014	144867.9	263.4	108.1	30.8
2015	171369	284.4	108.0	31.3
2016	199325.1	306.6	107.8	32.1

Манба: Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами, Тошкент-2015

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Республикамиз иқтисодити 2004-2005 йилларга келиб Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг йиллик ўсиши 107 фоизни ташкил қила бршлади ва охириги 10-12 йил ичида шу юқори ўсиш даражасидан пасайгани йўқ.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва модернизация сиёсати қуйидаги ижобий натижаларга олиб келди.

1.Тўлиқ макроиқтисодий барқарорлик ва миллий иқтисодиётимизни юқори ўсиш суръатлари таъминланди:

- инфляция даражаси йилига 7-8% дан ошмаган ҳолда сақланиб қолинмоқда;
- миллий валютаамизбарқарорлиги тобора ўсиб бораётган олтин валюта захираси (ОВЗ) билан мустаҳкамланиб келинмоқда. Фақат 2014 йилнинг ўзида ОВЗ 1.6 млрд. АҚШ долларига ўсди;

- Ўзбекистон Республикасининг жами давлат ташқи қарзи бугунги кунда Ялпи ички маҳсулотнинг 18.5% дан ошмайди, ички қарзлари эса мавжуд эмас. Бундай жами ташқи қарз кўрсаткичи жаҳон банкининг барча асосий мезонлари бўйича “жуда ўртамиёна” деб тавсифланади;

- 2002 йилдан бери бюджет камомати Ялпи ички маҳсулотнинг 1% дан ошмаган бўлса, 2005 йилдан бери профицит билан ижро этиб келинмоқда;

- реал ЯИМнинг ўсиш даражаси охириги 9-10 йил мобайнида 8% дан юқори бўлиб келмоқда, жумладан 2009 йилда - 8.1%ни, 2010 йилда - 8.5% ни, 2011 йилда - 8.3% ни, 2012 йилда - 8.2% ни, 2014 йилда - 8.1% ни, 2015 йилда - 8.0% ни ва 2016 йилда 7.8% ни ташкил этди.

2. Иқтисодий таркибий ислоҳ этиш ва модернизациялаш туфайли нафақат экспорт ҳажмини юқори суръатларда барқарор ўсишига, балки унинг таркибини сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилди:

- 2016 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторининг улуши 81.3 фоиз бўлиб, улгуржи ва чакана савдо, ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса қарийб 100%и нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилмоқда;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1991 йилда 1.5% ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 56.9% га етди;

- хизмат кўрсатиш секторининг ЯИМ даги улуши 1991 йилда 16.3% дан 2016 йилда 49.5% га етди;

- 1991-2016 йиллар мобайнида ЯИМ да саноат улуши 2.3 баравар, яъни 11% дан 25.7% га ўсди;

- 1991 йилда экспорт таркибининг қарийб 90% ни хом-ашё маҳсулотлари ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда қарийб 72% ни тайёр маҳсулотлар ташкил этишига эришилди.

Мана шу ютуқларимиз замирида нафақат ўз маблағларимиз, балки чет эл инвестицияларининг ҳам улуши анчагинани ташкил этади. Айниқса, Корея Республикаси Ўзбекистон давлати мустақиллигини биринчилар қаторида тан олиб, 1991 йилнинг ўзидаёқ дипломатик алоқаларни йўлга қўйишга эришилган. Ҳозирги кунга келиб бу ҳамкорлик ўз ижобий самарасини бермоқда, қолаверса Корея давлати Ўзбекистонда асосий инвесторлардан бирига айланиб улгурган.

2012-2014 йиллар давомида Корея давлатининг мамлакатимиз номолиявий активларига киритилган инвестициялари миқдори 288023 млн.сўмдан 1696755 млн.сўмга етди ёки бошқача қилиб айтганда 5.9 бараварга ошди, бу мамлакатимизга жалб қилинган ўша даврдаги жами чет эл инвестицияларининг 24.2 фоизини ташкил қилган.

Жами чет эл инвестицияларининг 67.7 % и саноат, 14.5 % и транспорт соҳасига, 8.7% и алоқа ва 2.3 % и қишлоқ хўжалигини ва 6.8 % и бошқа тармоқларни ривожлантиришга тақсимланган.

Натижада саноатда ўсиш 2012 йилда -107.9 % ни, 2013 йилда - 109 % ни ва 2014 йилда - 108.3 % ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида 2012 йилда - 107.2 % ни, 2013 йилда - 106.9 % ни ва 2014 йилда 106.9 % ни ташкил қилган. Мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси шу давр ичида экспортда, 103.7% ни ташкил қилиб, ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эга бўлганмиз.

Хулоса ва тақлифлар: **Хулоса:** 1.Макроиктисодий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, таҳлил қилинган йилларда мамлакатимиз макроиктисодий кўрсаткичларипасайган эмас, балки иқтисодий юқори ўсиш суръатлари таъминланди. 2.Ўзбекистон Республикасининг жами давлат ташқи қарзи бугунги кунда Ялпи ички маҳсулотнинг 18.5% дан ошмайди, ички қарзлари эса мавжуд эмас. 3.2016 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторининг улуши 81.3 фоиз бўлиб, улгуржи ва чакана савдо, ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса қарийб 100%и нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилмоқда. 4.Кичик бизнес хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ да улуши бирнеча бараварга ошиб, ҳозирги кунда 56.9 % ни ташкил этади. 5. ЯИМ да саноат корхоналарининг улуши 2.3 бараварга ошиб, 11% дан 25.7 фоизга етган. 6. Хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш натижасида Корея давлатининг мамлакат иқтисодиётига киритган маблағлари 5.9 бараварга ошди.7.Мустақилликнинг дастлабки

йилларида экспорт таркибини 90% ини хом-ашё маҳсулотлари ташкил қилган бўлса, бугунги кунда қарийб 72% ни тайёр маҳсулотлар ташкил қилади.

Таклифлар:

1. Президентимиз ташаббуси билан бошланган 2017-2021 йиллардаги Ҳаракат дастурини амалга оширишга барчани фаол иштирок этишига эришиш.

2. Чел эл инвестициялари ва технологияларидан кенг қамровли фойдаланишни амалга ошириш.

3. Иқтисодий ўсишни янада давом эттириб, ривожланган давлатлар ривожланиш даражасига эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995 йил.

2. “2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Тошкент, 7 феврал 2017 й.

3. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами, Тошкент-2015.

4. Интернет сайтлари маълумотлари ва бошқа манбалар.

УДК: 333+633.11

G'ALLACHILIKDA RESURSLARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI

Muratov Sh.A., Hasanov Sh.T., Nurullayev U.U.

Samarqand qishloq xo'jalik instituti

Annotatsiya. Mazkur ilmiy maqolada Samarqand viloyati fermer xo'jaliklarida g'alla ishlab chiqarishga sarflangan resurslar hissasi, muhimlik darajasi va ulardan foydalanish holati baholangan. Tahlilda fermer xo'jaliklarida g'allachilikda ishlab chiqarish jarayonida qatnashgan resurs (yer, suv, mineral va organik o'g'itlar, yoqilg'i moylash materiallari va mehnat sarfi)ning miqdor ko'rsatkichlari so'rovnoma usulidan foydalanilgan holda Cobb-Douglas ishlab chiqarish funktsiyasi fodalaniilgan. Tahlil natijasida g'allachilikda marjinal hosildorlikka ega bo'lishda resurslardan foydalanish holati, ularning ishlab chiqarishdagi hissasi va muhimligi ko'rsatib o'tilgan.

Annotation. This scientific article is assessed share of resources spent on the production of wheat, and significantly in Samarkand farmers. Analysis of wheat production in farmers participating utilizing resources (land, water, mineral and organic fertilizers, fuel and labor) in the quantity survey method using by Cobb-Douglas production function is. As a result of the analysis of margin wheat yield to be able to use the resources and the importance of the contribution of the production process are.

Kalit so'zlar: Cobb-Douglas ishlab chiqarish funktsiyasi, resurslar hissasi, resurslar samaradorligi, marjinal hosildorlik.

Kirish (Introduction). Hozirgi kunda mamlakatimiz qishloq xo'jaligida strategik ahamiyatiga ega bo'lgan asosiy ekinlar paxta va g'allayetishtirish asosan fermer xo'jaliklari tomonidan amalga oshirilib kelinmoqda. Ammo, qishloq xo'jalik mahsulotlarini ishlab chiqarish tarkibida dehqon xo'jaliklarining ulushi 64% ni, fermer xo'jaliklarining ulushi - 34% ni, qishloq xo'jaligi korxonalar ulushi 2% ni tashkil etadi. Bunda jami qishloq xo'jaligi ekin maydonlarining 1,5 foizi qishloq xo'jalik korxonalariga, 7,3 foizi dehqon xo'jaliklariga va 91,2 foizi fermer xo'jaliklari hissasiga to'g'ri keladi.

Mamlakatda paxta va g'alla asosiy ekin turi bo'lib, ularni yetishtirish fermer xo'jaliklari hissasiga to'g'ri kelishi bilan bir qatorda fermer xo'jaliklarida foydalaniladigan jami ekin maydonlarining 47% paxta va g'alla ekin maydonlariga to'g'ri keladi.

Qishloq xo'jaligida ishlab chiqarish natijasi tarmoqqa kiritilayotgan resurslardan, ya'ni yer-suv, mehnat va kapitaldan samarali foydalanishga bog'iq. Qishloq xo'jaligini barqaror rivojlanishini taminlanmaslik, avallo, qishloq xo'jaligi uchun asosiy ishlab chiqarish vosita hisoblanadigan yer

resurslarining unumdorligining pasayishi, shurlanishi va ifloslanishi, suv resurslaridan foydalanishda tanqisliklarni keltirib chiqaradi. Hozirgi kunda O'zbekistonda jami sug'oriladigan yerlarning qarib 49 foizi turli darajada sho'rlangan bo'lib, buning qarib 18 foizi kuchli va o'rta darajada sho'rlangan yerlar, hamda 23 foizidan ortig'i esa tuproq sifatipast yerlar toifasiga kiradi.

Mamlakatimiz dehqonchiligi sug'orishga asoslanganligi uchun katta miqdordagi suv resurslarini talab etadi. Lekin bu talab ichki suv resurslari bilan atigi 40 foizgagina qondirilmoqda. Hozirgi davrda qishloq xo'jaligida 42-46 mlrd m³ suv resurslaridan foydalanilmoqda. Bunday tabiiy cheklangan resurslar(yer va suv)dan foydalanish yomonlashuvi qishloq xo'jaligi mahsulotlar hosildorligi pasayishiga, ishlab chiqarish xarajatlarining ortishiga olib keladi. Natijada, qishloq xo'jaligida yetishtiriladigan mahsulotlar miqdori aholining oziq-ovqat mahsulotlariga bulgan talabini qondirishda qiyinchiliklar tug'diradi. Shuning uchun, ishlab chiqarishga sarflanadigan resurslardan ilmiy asoslangan tarzda, to'g'ri va samarali foydalanishni tashkil etish qishloq xo'jaligining barqaror rivojlanish omilidir.

Ilmiy ishning maqsadi - g'allachilikda marjinal hosildorlikni oshirishda resurslar hissasini baholash va ulardan foydalanishda muhimligi va bog'liqligini ilmiy asoslangan holda xulosa va takliflar berish.

Material va metodlar (Materials and methods). Mazkur ilmiy ish Samarqand viloyati fermer xo'jaliklar misolida o'rganilgan. Samarqand viloyatida 14 ta tuman, 2 ta yirik shaxar bo'lib, Zarafshon daryosi Samarqand shahri atrofida ikkiga - Oqdaryo va Qoradaryoga ajralib Navoiy viloyati Xatirchi tumani yaqinida yana birlashadi. Sug'oriladigan ekin maydonlarining kattaligi bo'yicha viloyatda Pasdarg'om, Payariq, Narpay va Kattaqo'rg'on tumanlari eng yirik tumanlar hisoblanadi. Oqdaryo, Ishtixon, Paxtachi, Urgut va Bulung'ur tumanlarining sug'oriladigan ekin maydoni 15-20 ming oralig'ida bo'lib, ular o'rtacha tumanlar qatoriga kiradi. Qo'shrabot, Nurobot, Samarqand va Tayloq tumanlarining sug'oriladigan ekin maydonlari 1942-8889 gektar atrofida bo'lib, bu tumanlar eng kichik guruhga kiradi.

Agroiqlim bo'yicha sug'oriladigan hudud 2 qismga bo'linadi: hududning katta qismi tipik bo'z tuproqlar, kichikroq qismi och tusli bo'z tuproqlar mintaqasiga to'g'ri keladi. Yog'ingarchilik davri mart va aprel oylarida (105-120 mm) ko'p bo'ladi. Bu holat bir tomondan ekinlarni ekishni qiyinlashtirsa, ikkinchi tomondan urug'larni yaxshi o'sib-unib chiqishini taminlaydi.

Samarqand viloyati tuman (Ishtixon, Kattaqo'rg'on, Narpay, Payariq va Pasdarg'om) larida paxta va g'allachilikka ixtisoslashgan 37 ta hamdag'alla va meva-uzum, sabzavot, polizchilikka ixtisoslashgan 10 ta (Bulung'ur, Tayloq va Urgut) fermer xo'jaliklarining ishlab chiqarish faoliyati, resurslaridan foydalanish holati to'g'risida ma'lumotlar so'rovnoma asosida olindi (1-chizma).



1-chizma. Samarqand viloyat tumanlarining joylashuvi

G'allachilikda ishlab chiqarish omillarini baholashda, ulardan foydalanish samaradorligini tahlil etishda $y = a_0 x_1^{a_1} x_2^{a_2}$ ishlab chiqarish funktsiyasidan foydalandik. Bunda a_0 , a_1 va a_2 ishlab chiqarish funktsiyasining parametrlari hisoblanadi.

Kobb-Douglas ishlab chiqarish funktsiyasi orqali fermer xo'jaliklarida 1 gektar hisobiga g'allachilikda olingan hosildorlik va sarflangan resurslarni fizik miqdorda olinib tahlil etildi. G'alla ishlab chiqarish uchun resurslardan foydalanish holati va ishlab chiqarishga sarflangan resurslar hisssasi, shuningdek ularning muhimligi darajasi baholandi.

Fermer xo'jaliklarida g'alla ishlab chiqarishga sarflangan resurslardan foydalanish samaradorligini tahlil etishda quyidagi funktsiya ishlab chiqildi.

$$\ln H_{\text{hosildorlik}} = I_{\text{intercept}} + \alpha \ln S_{\text{suv}} + \beta \ln O_{\text{organik}} + \lambda \ln K_{\text{mineral}} + \mu \ln Y_{\text{YoMM}} + \nu \ln M_{\text{mehnat}} + E_{\text{xatolik}}$$

Bunda: Y - ekin hosildorligi miqdori (kilogram);

W - suv sarfi (m^3);

O - organik o'g'it sarfi (kilogram);

K - mineral o'g'it sarfi (kilogram);

Y - YoMM sarfi (kilogram);

M - mehnat sarfi (kishi/soat)

E - standard xatolik

α , β , λ , μ va ν - foyda yoki daromad(hosildorlik)ning elastikligi(suv, organik, mineral, YoMM, mahnat sarfi).

Ushbu ishlab chiqarish funktsiyasi regression tahlil vositasida omillar baholanib g'alla hosildorligini oshishida ulagning muhumligi aniqlandi.

Tahlil va natijalar (Analysis and results)

G'allachilikda resurslardan foydalanish samaradorligini baholash shakli sifatida Kobb-Duglas funktsiyasidan foydalandi. O'zgaruvchilar sifatida suv, organik va mineral o'g'itlar, yoqilg'i va mehnat sarfi miqdor ko'rsatkichi olindi.

G'alla hosildorligi funktsiyasi uchun baholash natijasi 1-jadvalda ko'rsatilib o'tildi. Unga ko'ra, g'alla hosildorligining oshishiga organik va mineral o'g'itlar hisssasi ijobiy bo'lsa, suv, yoqilg'i va mehnat sarfi hisssasi ijobiy deb bo'lmaydi.

1-jadval

G'allachilikda ishlab chiqarish funktsiyasi tahlili

O'zgaruvchilar	Koeffitsiyent	Standard xatolik	t-Stat
Y-intercept	0.521	2.528	0.206
Ln_Suv	0.107	0.111	0.958
Ln_Organik o'g'it	0.292	0.039	7.389
Ln_N_Mineral o'g'it	0.785	0.172	4.551
Ln_Yoqilg'i	0.138	0.430	0.319
Ln_Mehnat sarfi	-0.141	0.311	-0.452
Fermer xo'jaliklar soni	47		
R ²	0.669		

Shuningdek, fermer xo'jaliklaridag'alla ishlab chiqarishda organik va mineral o'g'itlar samarali foydalanilgan deb ayta olmaymiz. Shu o'rinda, biz suv, yoqilg'i va mehnat sarfi ham fermer xo'jaliklari samarali foydalanilgan deb ayta olmaymiz.

T-Statistika tahlil natijalariga ko'ra, g'alla hosildorligini oshishida organik (7.389) va mineral (4.551) o'g'itlar ijobiy ta'sir ko'rsatgan. Fermer xo'jaliklari tomonidan ushbu resurslardan foydalanishda tafoutlar mavjud. Ya'ni, qaysiki fermer xo'jaliklari qishloq hududlariga, chorvachilik va parandachilik fermer xo'jaliklariga yaqinroq joyda joylashgan bo'lsa yoki fermer xo'jaliklari chorvachilikka ixtisoslashgan bo'lsa ular ko'proq organik o'g'itlardan samarali foydalanishgan va aksincha. Shuningdek, fermer xo'jaliklari tomonidan g'alla ekin maydoniga ushbu o'g'itdan

foydalanish usuliga ham bog'liqdir. Ya'ni, fermer xo'jaliklari organik o'g'itlardan foydalanishda shudgorlashdan oldin va ekinlarni sug'orishda "sharbat" usulidan foydalanishadi. Aksariyat fermerlar g'alla ekinini ekishda yerlarni shudgorlanmagan paxta ekin maydonlariga ekish ham organik o'g'itlardan foydalanishda ular o'rtasida katta tafoutni keltirib chiqargan bo'lishi mumkin. Shuningdek, mineral o'g'itlar foydalanishda tafoutlarning kattaligi esa shartmomada ko'rsatilgan miqdorda mineral o'g'itlar yetkazib berilmagan yoki yetkazib berilgan mineral o'g'itlar to'g'ri maqsadda foydalanilmagan bo'lishi mumkin. Fermer xo'jaliklarida g'alla hosildorligini 1 birlikka oshirishda ishlab chiqarishga sarflanadigan ushbu resurslar hisobiga mos ravishda 29.2:78.5 foizga oshirish talab etiladi. Ya'ni, ushbu resursning oshishi g'alla ishlab chiqarishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Fermer xo'jaliklari tomonidan g'alla xom ashyosini davlat buyurtmasi asosida ishlab chiqishi SIU xizmati tomonidan suv resurslarini o'z vaqtida etkazib berishga katta e'tibor qaratilgan. Chunki, fermer xo'jaligi g'alla ekinini ko'proq sug'orish hosildorlikning oshishiga olib keladi, deb o'ylashgan. Ammo, tahlillar shuni ko'rsatadiki, g'allachilikda suv sarfini oshirish marjinal hosildorlikning oshishida hissasi yo'q. G'alla hosildorligini oshishiga organik va mineral o'g'itlar muhim ahamiyatga ekanligini ko'rishimiz mumkin. Bu resurslardan ko'proq foydalanishi marjinal hosildorlikka erishishda ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Mamlakatimiz aholisini non va non mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirish, oziq-ovqat havfsizligini ta'minlashda g'alla ekin maydonlaridan intensive foydalanilgan holda hosildorlikni oshirish muhim ahamiyatga ega. Ilmiy ishni o'rganishda g'alla hosildorligining oshishida resurslar hissasi, ularning muhimligini baholashda qo'yidagi xulosalarga keldik:

- g'allahosildorligini oshishida suv, yoqilg'i va mehnat sarfining hissasi yo'q;
- g'alla hosildorligini oshishida organik va mineral o'g'itlarsarfining hissasi va muhimligi yuqori.

Ushbu xulosada kelib chiqqan holda kelgusida g'allachilikda resurslardan samarali foydalanilgan holda hosildorlikni oshishida quyidagi takliflarni beramiz:

- g'allachilikda organik va mineral o'g'itlardan foydalanishni oshirish;
- g'allachilikda suv sarfidan ekin talabidan kelib chiqqan holda foydalanish;
- mehnat sarfini kamaytirish.

Foydalanilgan adabiyotlar (References)

1. Ahmedov, A. Suv resurslaridan foydalanishning iqtisodiy samaradorligi. //Agro ilm - O'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2012. -№4(24), -47b.
2. Prenov, A. Suv ta'minotiga mos ravishda qishloq xo'jaligi ekinlari tarkibini takomillashtirishning iqtisodiy mohiyati. //Agro ilm - O'zbekiston qishloq xo'jaligi, 2013. -№4(28), -80-b.
3. Hasanov, Sh. Cheklangan resurslardan foydalanish samaradorligining metodologik masalalari. Monografiya. Toshkent, 2013. 166 b.
4. Murtazyaev O. Paxtachilik agrosanoat majmuasi samaradorligini oshirish muammolari. Toshkent: Fan nashri, 2005.
5. Nosirov B., Sayfuddinova N. Qishloq xo'jaligida yerdan samarali foydalanish omillari. //O'zbekiston qishloq xo'jaligi 2012. - №3, 43-b.
6. Sattorov J. Yer resurslarining meliorativ holati, unumdorligini yaxshilash, ulardan samarali foydalanish va muhofaza qilish. Agro-ilm O'zbekiston qishloq xo'jaligi, 2014. -№1(29),-53-54-b.
7. Timothy J. Coelli, D.S.prasada Rao, Christopher J. O'Ponnell, George E.Battese. An Introduction to Efficiency and Productivity Analysis. Secound Edition, 2005. Spring.
8. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining ma'lumotlari
9. www.samarkand.uz - Samarqand viloyat hokimining rasmiy veb sayti.
10. www.news.uzreport.uz -Uzreport axborot agentligi ma'lumotlari.
11. www.agro.uz - O'zbekiston Respublikasi qishloq va suv xo'jaligi vazirligi(MAWR) ma'lumotlari.

Акбаров Х., Сафарова Л.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Annotation.In this article we are talking about the development of the educational and research system of students of higher educational institutions. Studying the effectiveness of independent work of students and increasing their knowledge.

Аннотация. Мақолада ОТМларида талабаларнинг ўқув - тадқиқотчилик тизими ва уларни такомиллаштириш ҳақида сўз боради

Key words. Scientific studies, stages of education, principle, educational, and research activities, the scientific-research work..

Таянч сўзлар. Илмий фаолият, таълим босқичлари, тамойил, ўқув-тадқиқот ишлари, илмий-тадқиқот ишлари.

ОТМда илмий фаолиятнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратиш ва талабаларни илмий фаолиятга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилинмоқда. Европа давлатлари ўқув жараёнларининг баъзи бир

афзалликларидан максимал (юқори) даражада самарали фойдаланиш лозим, яъни булар сирасига: талабалар билимини назорат қилиш шакллари (шу жумладан, мустақил тайёргарлик жараёнида олинган билимлар) ва ўқув машғулотларини олиб бориш, талабалар билимини баҳолашни кенгайтириш, ахборот технологияларини таълимга тадбиқ этиш орқали

ОТМда талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари: амалий, семинар, лаборатория, курс иши ва лойиҳаси, лаборатория ишларига тайёргарлик кўриш ва бажариш, уй вазифаларини мустақил бажариш, ёзиш, қайта битирув малакавий ишлар ...

ОТМда талабаларнинг ўқув-тадқиқот ишлари: амалий, семинар, лаборатория, курс иши ва лойиҳаси, лаборатория ишларига тайёргарлик кўриш ва бажариш, уй вазифаларини мустақил бажариш, ёзиш, қайта ишлаш каби ишлар

ахборот очиклигининг юқори даражасини киритиш мумкин. Қайд этиш жоизки, таълимнинг уч босқичли тизимига ўтгандан сўнг гап асосан ушбу тизимда ўқув жараёнини ташкил қилиш, таълим сифатини таъминлаш ва

ОТМда илмий фаолиятга (илмга) нисбатан катта эътибор қаратиш ҳақида боради.

Ўқув жараёнида таълимнинг илгари ҳаракатлантириш тамойили ва олий таълим муассасаси битирувчиларнинг амалий тайёргарлигини чуқурлаштириш таъминланган бўлиши зарурлигини таъкидлаш жоиздир. Битирувчи ўз кўникмаларини ривожлантириш, малака ва маҳоратини ошириш, бўлажак касбининг ижтимоий моҳияти ҳамда аҳамиятини англаш қобилиятини ўз ичига олувчи умуммаданий ва касбий компетенцияга, шунингдек, ўз касбий фаолиятини бажаришга бўлган юқори қизиқишларга, педагогик ва ташкилий-бошқарув фаолиятига эга бўлиши лозим.

Методлар ва усуллар. Талабалар илмий-тадқиқот ишининг асосий мақсади тадқиқот ишларини олиб боришни кўникма ва малакаларини эгаллашлари ва уларни такомиллаштириб боришдан иборат бўлади. Бу ерда эгалладиган малака ва кўникмалар фундаментал ва амалий фанларга оид, шунингдек фан ва техниканинг ривожланаётган етакчи йўналишларидаги долзарб масалаларини ҳал қилиш (ечиш)га қаратилади. Анъанавий тарзда талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари ўзида иккита компонентни мужассамлаштиради, булар: ўқув режалари доирасида амалга ошириладиган **ўқув-тадқиқот ишлари**; ўқув режалари доирасидан ташқарида олиб бориладиган **илмий-тадқиқот ишлари** [1-3].

Бу ерда талабаларнинг ўқув режалари доирасида амалга ошириладиган ўқув-тадқиқот ишларига амалий, семинар, лаборатория, курс иши ва лойиҳаси, маъруза дарсларига тайёргарлик кўриш, уй вазифаларни мустақил бажариш каби ишлар назарда тутилади.

Талабаларнинг ўқув режалари доирасидан ташқарида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари: фанларнинг ажратилган мавзулари бўйича мустақил ишларини, битирув малакавий

ишларини ёзиш, илмий фан тўғаракларда, талабалар илмий жамиятларида, илмий ва корпоратив ҳамкорлик шартномаларида қатнашиш, илмий ва оммабоп тезислар тайёрлаш, илмий мақолалар ёзиш ва эълон қилиш каби ишлар билан амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишлари назарда тутилади. Демак талабаларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолияти иккита йўналишда амалга оширилади, булар:

ОТМларида талабаларнинг **ўқув - тадқиқотчилик тизими** жараён сифатида қуйидагиларни ўзида мужассамлаштиради:

- илмий тадқиқот ишларини (ИТИ) илмий-методик асосларини ўрганиш, илмий моделлаштириш методлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва олинган тадқиқот натижаларини самарадорлигини баҳолай олиш, илмий муҳит ва меҳнат қилишга интеграллашув;

- режалаштириш усулларини ўзлаштирилиши, илмий изланувчанлик ва тадқиқотчиликнинг индивидуал шаклланганлиги, илмий муҳокамалар ўткази олиш имкониятлари, илмий хабарлар, маърузалар билан чиқиш техникаларини такомиллашуви;

- турли туман илмий ахборотлар массивлари билан ишлаш услублари ва процедуралари билан, илмий адабиётлар ва чоп қилинган ва электрон шаклдаги бошқа манбалар билан танишиш; ўргатувчи турли хил дастурий таъминотлар ва катта массивли ахборотларни статистик қайта ишловчи компьютер дастурий воситаларни ўзлаштирилиши;

- эмпирик тадқиқотларни бажаришни амалий қадамларини амалга ошира олиш, илмий жамоаларда ишлашга мослашувчанликнинг кўникма, малака ва тажрибаларини шаклланиши;

- нутқ маданиятини такомиллаштирилиши, оммавий чиқишларда илмий асосланганлик тамойилини мужассамлашуви, илмий маслаҳатлар бера олиш, муҳокамалар юрита олиш маҳоратларини такомиллашуви;

- талафуз имкониятлари, чет тилларида мақсадга йўналтирилган илмий чиқишларни маҳоратли кўникмаларни эгалланилиши;

- илмий-тадқиқот ишлари масалаларини ечишда компьютер техникаси ва технологияларидан фойдалана олиши;

- амалдаги стандарт талаблари ва қоидаларига биноан нашр этишга тайёрланадиган қўлёзмаларини тайёрлай олиши, тезислар ва илмий докладлар тузиш, илмий мақолалар ёзиш, уларни белгиланган тартибларда расмийлаштириш, илмий ҳисоботлар ёзиш ва расмийлаштириш малака ва кўникмаларига эга бўлиши.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Урдушев Х., Мавлянов М. ОТМда таълим сифатини ошириш масалалари: талабаларни илмий-тадқиқот ишларга жалб этиш ҳақида/Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг натижалари ҳамда истиқболдаги вазифалар //Профессор-ўқитувчиларнинг илмий мақолалар тўплами. II-қисм. Самарқанд: Mehribon Poligraf Servis. 2017.-169-173 б.

2. Митрофанов А.С. Инновационная деятельность учащейся молодёжи: монография. -М.: РГУИТП, 2011. - 401с.

3. Чупрова Л. В. Научно-исследовательская работа студентов в образовательном процессе вуза // Теория и практика образования в современном мире: материалы междунар. науч. конф. (г. Санкт-Петербург, февраль 2012 г.). — СПб.: Реноме, 2012. -С. 380-383.

УДК:378.147.89

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Турдиметов Ш.М.

Гулистон давлат университети доцент

Ўрта махсус ва касб ҳунари таълимида педагогик технологияларни қўллашда фаннинг ўзига хослиги ва мавзуларнинг мазмунига эътибор қаратиш лозим. Масалан, ижодий ишларни таҳлил қилинадиган мавзули ишларда “Танишув” технологияси, мавзудаги кетма-кетликларни муҳокама қилиш учун эса “Чархпалак” услубини қўллаш яхши самара беради.

Ушбу мақолада коллеж ва академик лицейлар учун биология фанидан “Табиий ва сунъий экосистемалар” мавзусини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш юзасидан таклифлар келтирилган. Мазкур мавзуда экосистема ҳақида умумий тушинча, унинг ривожланиши, тавсифи ва асосий тушинчалар берилган. Шунингдек, Марказий Осиё регионининг экосистемасининг ўзига хос жиҳатларига таъриф берилган. Табиий экосистема билан сунъий экосистемаларнинг фарқи, таркибий қисмлари ҳақида маълумотлар берилган.

Мавзунинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда “3x4” технологиясидан фойдаланиб ўқитиш тавсия этилмоқда. Ушбу машғулот давомида талабалар аниқ бир муаммони яқка ҳолда фикрлаб ҳал этиш, ечимини топиш, кўп фикрлардан керагини танлаш, танлаб олинган фикрларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо юзасидан аниқ бир тушинча ҳосил қилишга, шунингдек, ўз фикрларини маъқуллай олишга ўрганади.

Аввало, гуруҳдаги ўқувчилар 4-5 нафардан иборат 4 та гуруҳчага бўлинади. Ўқитувчи дарснинг мақсад ва ўтказилиш тартиби билан ўқувчиларни таништиради ва ҳар бир кичик гуруҳга А-3 форматидаги қоғознинг юқори қисмида ёзуви бўлган варақларни тарқатади. Гуруҳларга тарқатилган варақларга тахминан қуйидаги ёзувларни ёзиш мумкин:

1. Экосистема тушинчаси, уларнинг турлари ҳақида маълумот.
2. Марказий Осиё региони экосистемасининг ўзига хослиги.
3. Табиий экосистемаларга нималар қиради? Изоҳланг.
4. Сунъий экосистемалар, уларнинг табиий экосистемалардан фарқи.
5. Сунъий экосистемалардаги асосий муаммолар ва уларнинг ечими.

Ўқитувчи юқорида келтирилган тахминий саволларга фақат учта фикр, яъни учта сўз ёки сўзлар бирикмаси, ёки учта гап билан давом эттиришлари мумкинлигини уқтиради ва буни амалга ошириш учун вақт белгилайди.

Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган фикрни ёзиб давом эттирадилар. Учтадан фикр ёзилганидан сўнг гуруҳ аъзолари ўрнидан туриб соат мили йўналиши бўйича жойларини ўзгартирадилар, яъни 1-гуруҳ 2-гуруҳнинг, 2-гуруҳ 3-гуруҳнинг, 3 гуруҳ эса 4-гуруҳнинг ўрнига ўтадилар. Агар аудитория кичик гуруҳларнинг жойларини алмаштиришга мосланмаган бўлса, у ҳолда ўқувчиларни жойларини алмаштириш ўрнига гуруҳларга тарқатилган материалларни алмаштириш орқали, уларни дастлабки олинган гуруҳларга қадар алмаштирилиши мумкин.

Янги жойга келган гуруҳ аъзолари шу ерда қолдирилган тарқатма материаллардаги фикрлар билан танишиб, унга яна учтадан ўз фикрларини ёзиб қўядилар. Гуруҳ аъзолари яна юқоридаги каби жойларини ўзгартирадилар, шу тариқа кичик гуруҳлар ўз жойларига қайтиб келгунларига қадар жойларини алмаштириб, тарқатма материалларга ўз фикрларини қўшиб борадилар.

Ўз жойларига қайтиб келган кичик гуруҳлар тарқатма материалда тўпланган барча фикрларни диққат билан ўқиб, уларни умумлаштирган ҳолда битта яхлит таъриф ҳолатига келтирадилар.

Ҳар бир гуруҳ ўзларига берилган топшириқ ва уларга бошқа гуруҳ томонидан қўшилган фикрларни танқидий кўриб чиқадиладар. Масалан, сунъий экосистемаларга берилган маълумотлар ичида ўзлари билдирган фикрларга қўшилган фикрларнинг нечоғлик тўғри ёки хато эканлигини таҳлил қиладилар. Сунъий экосистемаларга дарсликдан ташқари берилган фикрлар билан бойитилганлигига ҳам аҳамият қаратилади. Ҳар бир кичик гуруҳнинг муаллифлик таърифлари гуруҳ аъзоларидан бири тақдимот қилади.

Гуруҳ аъзолари томонидан ўтказилаётган тақдимотлар давомида ўзларининг таърифлари ва кичик гуруҳлар томонидан билдирилган фикрларни умумлаштирадилар. Ўқитувчи ҳар бир фикрга муносабатни билдиради, изоҳ беради, уларни баҳолайди, сўнгра машғулотни якунлайди.

Машғулотни бундай ташкил этиш натижасида ўқувчиларда табиий ва сунъий экосистемалар юзасидан эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга ўрганадилар. Дарс давомида экосистема тушинчасининг пайдо бўлиши, унинг ўлчамлари, турлари ва биосистемалар ҳақидаги тушинчалар дарсликдаги ва ундан ташқари берилган маълумотлар билан

бойитилади. Бунда дарс ташкил этилишидан аввал берилган топшириқлар муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари табиий ва сунъий экосистемаларнинг ўхшашлик ва фарқларини ўрганишда жамоа бўлиб ишлаш, изланиш, фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушинча ҳосил қилиш кўникмасига эга бўладилар.

Табиий ва экосистемалар экосистемаларни яхшилаш юзасидан ўтказилаётган тақдиротлар натижасида ўқувчилар жамоага ўз фикрини ўтказиш, уни маъқуллаш, қўйилган муаммони ечишда ва мавзуга умумий тушинча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларни қўллаш олишга ўрганадилар.

Ушбу мақолада касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда биология фанидан фақат бир мавзу юзасидан педагогик технология асосида ўқитиш услубияти баён этилди. Ушбу услубдан фойдаланиб, бошқа мавзу ёки фанларда ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳар бир саволларга турлича фикрлар билдирилиши натижасида мавзулараро ва фанлараро боғлиқликка эришиш имконияти яратилади.

УДК: 63:631.5

ОРГАНИК ДЕҲҚОНЧИЛИК - ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ КЕЛАЖАГИ

Раҳимов А.Р., Мўминов К.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Abstract. The article presents information on the role of organic agriculture, its possibility for increasing soil fertility, and its impact on human health, unlike traditional farming, agro-technological methods for the production eco-friendly products in the fight against weeds and pests of agricultural plants.

Аннотация. Мақолада органик қишлоқ хўжалигининг аҳамияти, унинг тупроқ унумдорлигини ошириш ва инсон саломатлигида тутган ўрни, анъанавий деҳқончиликдан фарқи, экологик тоза маҳсулот етиштиришда қўлланиладиган агротехнологик тадбирлар, бегона ўтлар, касаллик ҳамда зараркунандаларга қарши курашиш тадбирлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Органик қишлоқ хўжалиги, экологик тоза маҳсулот, ГМО, ФАО.

Мамлакатимизда аҳолининг озиқ-овқат таъминотини янада мустаҳкамлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, инсон организми учун фойдали ва турли хил микроэлемент ҳамда витаминларга бой экологик тоза маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Маълумот ўрнида айтиш керакки бугунги кунда юртимизда БМТ нинг қишлоқ хўжалиги бўлими (ФАО) билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасида мақбул қишлоқ хўжалиги амалиётини жадаллаштириш ва органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун институционал имкониятларни ошириш” лойиҳаси амалиётга изчил татбиқ этиб келинмоқда.

Юртимизда етиштириладиган мева-сабзавотлар инсон саломатлиги учун фойдали микроэлементлар, озиқ-овқат рационада ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги, кўп йиллик анъанавий деҳқончилик айнан органик маҳсулот етиштиришга мослашгани ва бу борадаги ишларни давом эттириш зарурлиги кўрсатмоқда.

Органик қишлоқ хўжалиги - атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан, биологик хилма-хилликни асрайдиган, экологик циклларга асосланиш ва маҳаллий шароитларга эътибор қаратиш бўйича қабул қилинган, экотизимни яхшилайдиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган, инсонлар саломатлигини муҳофаза қиладиган ишлаб чиқариш тизими ҳисобланади.

Шу сабабдан, бугунги кунда Ўзбекистонда ўсимликларнинг табиий хусусиятларини инобатга олган ҳолда пестицид, гербицид ва органик ўғитларни меъёрида ишлатиш,

истеъмолчиларга ғамхўрлик тарзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишда кимёвий воситаларни минималлаштиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Албатта, бутун дунё бўйича истеъмолчи ва бозорлар томонидан ортиб бораётган қизиқиш, Ўзбекистон фермерлари ва тадбиркорлари олдида янги экспорт имкониятларини очади.

Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда дунёдаги 170 дан ортиқ давлатда 43 миллион гектардан зиёд майдонда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, ана шундай маҳсулотлар олди-сотдиси йилига 80 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Органик усулда етиштирилган маҳсулотларнинг жаҳон бозорларида фаолият юритиши ва органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кафолат тизими салмоқли роль ўйнайди. Бу тизим, муайян стандартларни, шунингдек инспекция қиладиган ва сертификатлаш билан шуғулланадиган компанияларни қамраб олган бўлиб, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш жараёнининг пировард маҳсулот даражасига қадар, шу жумладан уни рисоладагидек ўраш ва тамғалаш ишларини ҳам ўз ичига олган ҳолда, органик стандартларга мувофиқлигини таъминлайди.

Ҳозирги кунда республикамизда органик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар ва етарлича асослар мавжуд. Масалан, зарарловчи моддалар (пестицидлар) билан зарарланмаган экин майдонларининг етарли экани, таморқа хўжаликларининг органик маҳсулотларни экспорт қилишлари натижасида аҳоли даромадини ошириш имкониятининг мавжудлиги, агрологистика тизимни ривожлантириш натижасида аҳоли бандлигини ошириш имкониятининг юқорилиги ва генетик модификацияланган организмлардан (ГМО) ҳоли минтақаларнинг борлиги шулар жумласидандир.

Маданийлашган жаҳон иқтисодиёти фани ва амалиётида органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга табиий атроф-муҳитни сақлашнинг асосий усуллари билан бири сифатида қаралмоқда. Чунончи, ривожланган мамлакатларда органик қишлоқ хўжалиги - нафақат етиштирувчилар, балки, тадбиркор-бизнесменлар учун ҳам қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтиришда муқобили бўлмаган йўналиш ҳисобланади. Зеро, мамлакатда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт географиясини кенгайтириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда ушбу соҳадаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий актларни яратиш ва давлат стандартларини ишлаб чиқиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракат стратегияси ишлаб чиқилиб, унинг 3-йўналиши 3.3-банди қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унга кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби йўналишлар белгилаб берилган.

Ўзбекистонда мақбул қишлоқ хўжалик амалиётини жадаллаштириш ва органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш натижасида мамлакатда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан Жаҳоннинг йирик озиқ-овқат бозорларига расман ва тўғридан-тўғри киришга имконият яратиш билан бирга, чет эл валюталари (бошқа давлатларнинг воситасисиз) киримининг сезиларли даражада ошишига ҳамда экспорт географиясининг кенгайишига олиб келади. Бу ўз навбатида, республикамиз иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳолини ижтимоий ҳаёти даражасининг ошишига ижобий таъсир кўратади, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ҳам оширади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида муайян тажриба тўплаган Ўзбекистон 2001 йилда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (ФАО) аъзо бўлди. Шу тариқа, мамлакатимиз халқаро илғор тажрибаларни ўрганиш, ўз имкониятларини намойиш этиш, долзарб масалаларни ҳал қилиш йўллари билан биргаликда ишлаб чиқиш учун янги, кенг камровли имкониятларга эга бўлди.

2014 йилда “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусида бўлиб ўтган Халқаро конференцияда ҳам шу ҳақда сўз юритилди. Конференцияда мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот

етиштирилаётгани, аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келаётгани ва бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўп экани таъкидланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳар йили дунёнинг 80 давлатига 180 дан ортиқ турдаги сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқда.

2015 йил Римда бўлиб ўтган БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (ФАО) аъзо давлатларни уларнинг очарчиликка барҳам бериш бўйича саъй-ҳаракатлари учун мукофотлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиб, мукофотланган 14 мамлакатдан бири бўлди.

Ўзбекистонга ушбу нуфузли мукофотнинг топширилиши тарихий воқеадир. Ҳолбуки, мустақилликка эришиш арафасида мамлакатимиз асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, буғдой, ёрма, гўшт, сут маҳсулотлари, тухум ва шакарни четдан олиб келишга мажбур эди. Бугунги кунда Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжини нафақат мустақил таъминламоқда, балки юртимизда ишлаб чиқарилган товарларни экспорт қилаётир.

Агар ўтган асрнинг 90-йиллари бошида мамлакатга доннинг 80 фоиздан ортиғи ташқаридан олиб келинган бўлса, ҳозирги вақтда импорт улуши умумий истеъмолнинг 5 фоизидан ошмайди.

Ушбу ютуқларга эришиш тарихи воқеаларга бойдир. Мустақил тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимиз ўз умрини ўтаб бўлган маъмурий режалаштириш-таксимлаш тизимидан тўлиқ воз кечди. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўли танланди. Чунончи, бу борада фермер хўжаликлари ташкил этилди, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатлари такомиллаштирилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг ташкилий тузилмалари жорий этилди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланди.

Органик экин майдонларининг аксарияти океан бўйи минтақасида жойлашган. Австралия, Янги Зеландия ва Тинч океани оролларида жойлашган давлатларда 12 миллион гектардан ортиқ майдонда табиий усулда деҳқончилик қилинади. Европада 10 миллион, Лотин Америкасида 8,4 миллион гектар ер органик қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Бундай деҳқончилик учун Осиёда фақат уч миллион, Африкада эса бир миллион гектар ер ажратилган.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, табиий деҳқончиликни ривожлантириш бўйича АҚШ бошқа давлатлардан орқада. Аммо, бу мамлакатда органик маҳсулотлар савдоси йилдан йилга кенгайиб бормоқда. 2011-йилда бундай савдо ҳажми 31,5 миллиард долларни ташкил қилган.

Лаура Рейнолдс маълумотида кўра, органик маҳсулот гувоҳномасини берувчи ташкилотлар сони ортгани сари бундай деҳқончиликка қўл ураётганлар сони ҳам кўпаймоқда. Бугунги кунда АҚШда ҳам, дунёда ҳам органик маҳсулот етиштириш урфга айланмоқда. Бундай товарларнинг бозори чакқон экан, унга қизиқиш билдираётган деҳқонлар сафининг кенгайиши аниқ. Масалан, АҚШда энг тез ривожланаётган бозорлардан бири бу органик озиқ-овқат савдоси ҳисобланади. Бундан ташқари, иқлим ўзгариши оқибатларига қарши курашда ҳам табиий деҳқончилик усуллари қўл келмоқда.

Органик фермерлик турли усуллари қамраб олади. Улар тупроққа куч беради. Натижада тупроқ сувни ўзида узоқроқ ушлаб туради. Бу иқлим ўзгаришидан азият чеккан худудлар учун жуда фойдали. Одатда, иқлим ўзгариши оқибатида қурғоқчилик, ҳавонинг исиб кетиши каби ҳолатлар кузатилади. Бундай кескин иқлим ўзгаришига экинларнинг бардош бериши қийин. Лекин, ер органик усулда ишланса ва экинлар парвариш қилинса, деҳқонлар кескин об-ҳаво шароитида ҳам ҳосилдан айрилмайди, аксинча, у юқори бўлади.

Органик қишлоқ хўжалиги бу кимёвий ўғит ва пестицидларсиз деҳқончилик қилиш дегани. Кимёвий ўғитлар ўрнига деҳқонлар турли табиий усуллари қўллайди.

Масалан, экинларни алмашлаб ёки навбатлаб экишга қатъий риоя этиш, тупроқ муҳитига доимий равишда чириган гўнг ва компост солишади ёки ернинг қувватини оширадиган экинлар экилади.

Маълум майдонда бир турдаги экинларни сурункасига узоқ вақт экиш бу далада шу тур ўсимликлари учун хос бўлган касалликлар, зараркунандалар ва бегона ўтларнинг сонини ошиб кетишига олиб келади. Алмашлаб экиш таъсирида эса, тупроқда турли касалликлар ва хашоратлар миқдори кескин камаяди.

Маълумки, турли экинларнинг илдизи тупроқда турлича ривожланади. Шу туфайли экинлар ердан озик элементларини ҳар хил ўзлаштиради. Масалан ғалла экинлари тупроқдан кўп миқдорда фосфор, илдиз мевалилар эса калийни, дуккаклилар фосфор ва калийни, ғўза эса азот ва фосфорни кўп ўзлаштиради. Шу туфайли, тупроқда сурункали бир хил экин экиш оқибатида озик моддаларнинг бир томонлама камайиш жараёни содир бўлади. Бундай жараён сурункали давом этиши натижасида тупроқ унумдорлиги кескин пасаяди.

Алмашлаб экиш натижасида бегона ўтлар миқдори 30-50 % гача камаяди, ўғитлар самарадорлиги 30-40 % ошади, ҳар бир гектар экинмайдонига сарфланаётган сув 10-25 % гача тежалади.

Алмашлаб экиш даласига дон-дуккакли ўсимликлар ва дуккакли ем-хашак экинларни киритиш тупроқ муҳитида биологик азот миқдорини ошишига олиб келади. Масалан, 3 йиллик беда 10-11 т/га илдиз қолдиғи ва 300-500 кг соф биологик азот тўплайди. Шу туфайли тупроқнинг структураси, сув-физик хоссалари, сифими, зичлиги, тупроқнинг озик, ҳаво, иссиқлик, сув режимлари ва микроорганизмлар фаолияти яхшиланади.

Органик ўғитларни (чириган гўнг, компост) доимий равишда асосий ва қўшимча ўғит сифатида тупроқ муҳитига киритиш тупроқ унумдорлигини ошириш билан биргаликда, унинг механик-физик хоссаларини ҳам яхшилайди.

Зараркунанда ва бегона ўтларга қарши курашда ташкилий-хўжалик, агротехник, физик-механик ҳамда биологик усуллардан кенг ва самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Биологик усул келажакда энг истиқболли ва ривожланадиган усулдир. Сабаби, кейинги пайтларда экологик вазиятнинг бузилиб кетиши сабабли кимёвий воситалар анчагина чекланиб қўйилмоқда. Бунинг ўрнига, безарар ва самарали воситалардан бири сифатида биологик усул қўлланилади.

Экиладиган ўсимлик навларини танлашда, айниқса, янги навлар яратишда уларни экиладиган ҳудудда қандай зараркунанда ва касалликлар кўпроқ учрашини ҳисобга олиш лозим.

Ўсимликларни кимёвий усулда ҳимоя қилишнинг ҳам айрим қулайликлари бор, яъни зарарли организмларга тез таъсир этиши, қўллашнинг қулайлиги, яхши механизациялашгани ва ҳ.к. Лекин, шу билан бирга бир қатор камчиликлари ҳам борки, бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бундай камчиликларга атроф-муҳитни ифлослантириши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларида пестицидлар қолдиқларини тўпланиши, зарарли организмларда қўлланилаётган пестицидга нисбатан чидамлилигини ошиши, иссиққонли ҳайвонлар, фойдали хашоратлар учун захарлилигидир.

Ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши чидамли навларни яратиш ўсимликларни ҳимоя қилишни кимёвий воситаларини қўллашни 5-15 мартагача ҳам камайтиришга имкон беради.

Кейинги йиллар давомида маданий ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш тадбирлари тизими ишлаб чиқилди. Бу тизим ҳар бир ўсимлик учун алоҳида бўлиб, турли ҳудудлар табиий шароитини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Ҳимоя қилиш тизимининг энг мукаммали, ўсимликларни уйғунлаштирилган (интегрирланилган) ҳимоя қилиш тизимидир. Ўсимликларни уйғунлаштирилган (интегрирлашган) йўли билан ҳимоя қилинганда зарарли организмларни йўқотиш энтомофагларни максимал равишда сақлаган ҳолда олиб борилади. Бу тизимни қўллашдан мақсад ўсимликларни ривожланишига қулай шароит яратиб, уларни зарарли организмлар таъсирига бардошлигини оширишдир, шунингдек, бунда зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган шароит вужудга келтиришдан ва карантин қилинадиган объектларнинг четдан келтирилишига йўл қўймасликдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтганда, органик деҳқончилик - табиий муҳитни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини бус-бутун сақлашда, тупроқ таркибида органик моддалар миқдорини

кўпайтириб, унумдорлигини оширишда, агроэкосистемада тупроқ хосса-хусусиятларини яхшилаб, унинг сув ва шамол эрозиясига чидамлилигини оширишда, ер остки ва ер устки сувларини турли кимёвий бирикмалар (пестицид, гербицид, минерал ўғитлар) қолдиқлари билан ифлосланишини, ўсимликларнинг касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларини йўқотишда, уларнинг зарарли таъсирини камайтиришда, тупроқдаги озик элементларини ювилиб кетишини олдини олишда, кам энергия сарфлаб юқори иқтисодий самарадорликни ҳамда экологик соф маҳсулот етиштиришни таъминловчи келажаги порлоқ деҳқончилик тизими ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистонда озик-овқат хавфсизлиги. UNDP. 2010.
2. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. <http://xs.uz/index.php/rasmij/item/1321->
3. Озик-овқат хавфсизлиги: 2025 йилда озик-овқатнинг мавжуд бўлиши, унинг етарлилиги ва сифати. UNDP. 2015
4. <http://www.uzlidep.uz>

УЎК: 631.52+631.6+633.11+633.3\

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИНИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИДА КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ СЕЛЕКЦИЯСИ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Бобомирзаев П.Х., Ғайбуллаев Ғ.С., Худайбердиева Ш.А.
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация. Мақолада дала тажрибаларида суғориладиган ерлар учун интенсив типдаги кузги буғдой навлари яратиш селекцияси бўйича конкурс нав синови, назорат, селекцион ва дастлабки ашё яратиш питомникларида буғдойнинг жаҳон коллекцияси намуналари, Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти ва халқаро CIMMYT, ICARDA ташкилотларидан келтирилган буғдой нав ва нав намуналарининг тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Abstract: This paper presents the selection of winter wheat to create varieties of intensive type in the irrigated field experiments conducted in the years 2014-2016 nurseries competitive strain testing, control, selection and creation of primary materials using samples of the world collection of wheat and varieties, the variety of the given samples UzRIPI, international organization CIMMYT, ICARDA.

Калит сўзлар: юмшоқ буғдой, қимматли буғдой, конкурс нав синови, назорат, селекцион ва дастлабки ашё яратиш питомниги, дурагай, нав, тизма, ҳосилдорлик, касаллик, оксил, клейковина.

Кириш. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, озик-овқат дастурини амалга ошириш бўйича изчил сиёсат олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳам чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, фермер ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги туфайли ўтган йили мўл ҳосил етиштирилди - 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо етилди. Такидлаш керакки, бундай мўл ҳосил асосан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди. Мамлакатимизда буғдойдан гектаридан ўртача 55 центнер ҳосил олингани, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 центнерни ташкил этгани, ҳеч шубҳасиз,

фермерларимизнинг улкан ютуғидир. Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошқоқ дон етиштиришни 16,4 фоизга ошириб ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш кўзда тутилмоқда [1;2-б.].

Республикада ғаллачилик барқарор ривожланмоқда суғориладиган ерларда кузги буғдой ҳосилдорлиги ошиб бормоқда. Шу билан биргаликда кузги буғдой етиштиришда фермер хўжаликларида муаммолар мавжуд. Сўнгги йилларда етиштирилаётган буғдойнинг асосий қисми сифати бўйича 3- синфга топширилмоқда. Дон сифати кучли ва қимматли ҳисобланган интенсив буғдой навлари Давлат реестрида жуда кам [4;432-б., 5; 77-б.]. Шунинг учун ирсияти 1 ва 2-синфга талабларига жавоб берадиган буғдой навларини яратиш ғаллачиликдаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Материаллар ва методлар. Дала тажрибалари Самарқанд вилоятидаги “Узуновул далалари” фермер хўжалик даласида олиб борилди.

Нав ва нав намуналари 11 октябрь кунлари оптимал муддатларда экилди. Конкурс нав синови питомнигида ҳар бир нав 25 м², назорат питомниги ҳар бир пайкал катталиги 15 м², коллекция питомнигида ҳар бир нав намунаси 1 м² майдонгача 2-такрорланди. Экин меъёри 1 м² га 400 дона уруғ. Стандарт нав сифатида Краснодарская-99 нави олинди. Тажрибалар ва ундаги кузатишлар, ҳисоб-китоблар ва таҳлиллар қабул қилинган услублар асосида ўтказилди. Клейковина миқдори ГОСТ 13586-1-68 бўйича аниқланди. Дон таркибидаги оксил азотни Келдаль усулида аниқлаб олинган кўрсаткич 5,7 га кўпайтириш йўли билан аниқланди [3;145-б.]. Тажриба натижалари В.А.Доспехов (1986) услуби бўйича математик таҳлил қилинди [2; 361-б.].

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Тажрибаларимизда суғориладиган ерларда тадқиқотлар учун ашё сифатида тажрибада-2015 йил 11 октябрда кузги интенсив типидagi Ўзбекистон Республикаси давлат реестрига критилган ва истиқболли юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг 68 та конкурс нав синови питомнигига, халқаро ташкилотлар ICARDAдан келтирилган юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг 193 та, CIMMYT дан 98 та нав намуналари ҳамда маҳаллий Ўсимликшунослик ИТИ дан олинган 63 та нав намуналари жами 354 та коллекция питомнигига, селекция питомнигига эса, 28 та нав намуналари ва контрол питомнигида 64 та буғдой тизмалари экилди. Намуналаридан ажратилган қимматли биологик ва хўжалик белгиларига эга нав намуналари частиштирилган ҳамда олинган F₁ авлод дурагайлар шунингдек олдинги йиллар олинган F₂, F₃, F₄ дурагайларини танлаш учун питомникларга жойлаштирилди ва танлаш, частиштириш, кузатиш ишлари олиб борилди ва ўрганиш давом эттирилмоқда.

2016 йилда тажрибада кузги юмшоқ ва қаттиқ буғдой 68 та навлари конкурс нав синовида навларнинг касалликларга чидамлиги, тезпишарлиги ўсиши, ривожланиши, занг касаллигига, ноқулай омиллар қишга, ётиб қолишга чидамлиги, ҳосилдорлиги аниқланди ва ўрганилди. Ўрганилган навлар орасида Яксарт, Чиллаки, Амира, Марс-1, Жайхун (Замин1), Шердор, Шавкат, Туркистон, Бобур, № 34, №36, № 19, № 7, № 26, № 27 ва № 28 навлари эртапишар навлар гуруҳига кириши ва уларни барчаси Россия ва бошқа хорижий давлатлардан келтирилган навларга нисбатан 5-19 кун эрта пишиши аниқланди. Кеч пишар навлар гуруҳига Купава (Россия), Крупинка (Россия), Макуз 3 (Ўзбекистон), Олмос (Ўзбекистон) ва Тробус (Германия) навлари ажратилди.

2016 йилда ўрганилган навлар орасида стандарт Краснодарская 99 нави нисбатан гектаридан Амира-246 4,0 ц/га, Асп 2 ц/га, Таня 2,5ц/га, Жасмина 7 ц/га, Фарбома 5 ц/га кўпроқ ҳосил берганлиги аниқланди.

Шуни қайд этиш керакки янги ўрганилган №7, № 27, № 19, Жасмина, №23 ва қаттиқ буғдойнинг Олмос, Бахт ва Александровка навлари касалликларга, ётиб қолишга чидамлиги ва ҳосилдорлиги бўйича яхши кўрсаткичларни намоён қилди.

Умуман олганда буғдой навларининг вегетацияси 2016 йилда 2015 йилга нисбатан қисқа бўлиши, занг касаллиги билан нисбатан кўп зарарланиши, шунингдек ҳосилдорлик эса йил ноқулай келиши ҳисобига кам бўлиши қайд этилди.

Ўрганилаётган нав намуналар ичида эртапишар, маҳсулдор ва касалликка чидамли нав намуналари аниқланди. Тажриба натижасида қуйидаги эртапишар нав намуналари ажратилди:

6720м/NPA-38/Wpm/3/69/48/, SEKSAKA7/3/SHUNA 2/N 303/HEB, BONA 1/FNGKAAG 15/MASSIRA, BEBWAH-12/JEMAMRA-8, REYNA-27, AUBARA-16/2*SOMANAMA-3, HUBARA-3/SHUNA-4, 6755 (Франция), 140 (Ҳиндистон), 4788 (Туркия), 6845 (Покистон), 2383 (Ҳиндистон), I-8, IX-7, IX-10, I-15, I-14, IV-3, IX-13, II-7, III-3.

Ун шудринг касаллигига чидамсиз нав намуналари SEKSAKA7/3/SA NA-2/N3732/ACR, KNIDER-4, QAFZAH-23/СМАНА3, XIII-43A, 183 (Ҳиндистон), 60 (Франция), IV-12, VI-8 ва X-13 аниқланди. Энг яхши маҳсулдор қуйидаги нав намуналари танлаб олинди: AVNAHIR-20(СНБЕК), AUBARA-3/SHUAA-4, НАМАМ-4/ANCL-2, 8927 (Ҳиндистон), 8383 (Япония), X-3, VI-7, VI-14, III-10.

Жаҳон буғдой коллекцияси нав намуналарини ўрганиш натижасида селекция учун ажратилган дастлабки ашё, суғориладиган ерлар учун маҳсулдор, дон сифати кучли ва қимматли буғдой талабларига жавоб берадиган, занг касалликларига, табиатнинг ноқулай омилларига (ётиб қолишга, қишга) чидамли 20 дан ортиқ нав намуналари ажратилди.

Дурагай питомникда Республикамиз суғориладиган ерларида кузги муддатларда экиш учун Давлат реестрига критилган кузги буғдой навлари ва истиқболли навлари 2016 йил май ойида чатиштирилган буғдой F₀ авлод дурагайлари 15 та комбинациялар ♀ Амира х Краснодарская 99 ♂, ♀ Ҳосилдор х Фарбома ♂, ♀ Туркистон х Жасмина ♂, ♀ Пошана х Уманка ♂, ♀ Звезда х Гром ♂, ♀ Селянка х Аср ♂, ♀ Аср х Виктория ♂, ♀ Старт х Яксарт ♂, ♀ Сила х Гром ♂, ♀ Масквич х Таня ♂, ♀ Яксарт х Таня ♂, ♀ Санзар-4 х Добрая ♂, ♀ Макуз-3 х Олмас ♂, ♀ Бахт х Крупинко ♂, ♀ Карлик-85 х Крупинко ♂ чатиштириб олинди.

Буғдой донининг биокимёвий таркиби, оксил ва клейковина миқдори, сифати ва нонбоплик сифатини баҳолаш натижаларига кўра янги яратилган буғдой навлари ва дурагайлари ичидан қуйидаги номердаги дурагай тизмаларида 2/3б, 7/3ж, 8/3 ж, 3/4 в, 4/3 г, 4/5 г, 2/3 б, 4/1 г, 3/2 в ва 1/2 а N миқдори, оксил миқдори, клейковина миқдори кучли буғдой талабларига жавоб бериб фақатгина 100 г ундан ёпилган нон ҳажми, см³ талабларига кўра бошқа нав ва дурагайларга нисбатан пастроқ кўрсаткичга эга бўлди.

Лойиҳа ижрочилари томонидан яратилган интенсив типдаги кузги юмшоқ буғдойнинг Жасмина навига муаллифлик гувоҳномаси олинди (28.03.2016, № 549). Фарбома нави эса, 2017 йилдан истиқболли нав сифатида Давлат реестрига киритилди ва Амира навлари синовдан ўтмоқда. 3 та тизма 2017 йилда конкурс нав синовидан ўтказиш учун тайёрланди.

Конкурс нав синовидан 2 та №7, №27 нави Давлат нав синовига топшириш учун тайёрланди.

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ўрганилганда стандарт Краснодарская 99 ст навига нисбатан янги яратилган юмшоқ буғдой Жасмина, Фарбома, Амира навлари 1 гектар майдондан олинган ялпи маҳсулотни сотишдан олинган даромад, шартли соф даромад ва рентабеллик даражаси юқори ҳамда 1ц доннинг таннархи эса паст бўлиши аниқланди.

Хулосалар. Тажрибаларимизда кузги интенсив типдаги юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг 68 та конкурс нав синови питомнигига, халқаро ташкилотлар ICARDAдан 193 та, СИММУТ дан 98 та ҳамда маҳаллий Ўсимликшунослик ИТИ дан олинган 63 та нав намуналари жами 354 та коллекция питомнигига, селекция питомнигига эса, 28 та нав намуналари ва контрол питомникда 64 та буғдой тизмалари экилди. Намуналаридан ажратилган қимматли биологик ва хўжалик белгиларига эга нав намуналари чатиштирилган ҳамда олинган F₁ авлод дурагайлар шунингдек олдинги йиллар олинган F₂, F₃, F₄ дурагайлари танлаш учун питомнигига жойлаштирилди ва танлаш, чатиштириш, кузатиш ишлари олиб борилди.

Тажриба натижасига кўра ажратилган нав ва нав намуналарида чатиштириш ишлари ўтказилиб дурагай питомникда 2016 йил май ойида чатиштирилган буғдой F₀ авлод дурагайлари 15 та комбинациялар чатиштириб олинди.

Жаҳон буғдой коллекцияси нав намуналарини ўрганиш натижасида селекция учун ажратилган дастлабки ашё, суғориладиган ерлар учун маҳсулдор, дон сифати кучли ва қимматли буғдой талабларига жавоб берадиган 20 дан ортиқ нав намуналари ажратилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги марузасидан. Ютуқларимиз салмоқли, режаларимиз улкан. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 2016 йил № 2, 1-2 б.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - М.: «Агропромиздат», 1986.-361с.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари.- ЎзПИТИ, -Тошкент, 2007.-145 б.
4. Халилов Н.Х, Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологияси (монография), Самарқанд “Зарафшон” нашриёти-2014.- 432 б.
5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари ДАВЛАТ РЕЕСТРИ, Тошкент-2015 й.

УДК: 631.4+551.3+633.11

ЭРОЗИЯГА УЧРАГАН БЎЗ ТУПРОҚЛАРДА КУЗГИ БУҒДОЙНИ СОВУҚҚА ЧИДАМЛИЛИГИНИ ВА ДОН ҲОСИЛИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Мўминова З.К., Шониёзов Б.К., Пўлатов А.А.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация. Мақолада суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой етиштиришда қўлланилган криопротекторлар (ПД, ПЕГ, ПЭО) ва калийнинг (60, 90, 100 120 кг/га) меъёрлари ўсимликнинг қишлаб чиқишига ҳамда ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, минерал ўғитларни N200 P140 K90 кг/га фонида криопротекторларни қўллаш дон ҳосилини 6.3-9.1 ц/га ёки 26.8-38.7% га ошириб, доннинг сифат кўрсаткичларини (дондаги оксил, клейковина, натураси ва бошқалар) яхшилаганлиги ёритилган.

Abstract. In this is shown that in the virgin land encounteud with irrigation erosion using crioprotectors (ПД, ПЕГ, ПЭО) and the norms of potassium (60, 90, 100 120 kg/ha) for growing winter wheat helps the plant to winter, grow and to progress and using crioprotectors in the background N200 P140 K90 kg/ha mineral fertilizers inereases the grain hawest 6,3-9,1 c/ha or 26,8-38,7% and the quality of the grain (the protein, gluten and others) get better.

Калит сўзлар. Бўз тупроқ, эрозия, криопротектор, калий ўғити, буғдойни “Гром” нави, дон ҳосили, сифати.

Кириш. Республикамизда эрозияга учраган ер майдонлари 1772,3 минг гектарни ёки хайдаладиган ерлар умумий майдонининг 40% ни, Самарқанд вилоятида эса 121.9 минг гектарни ташкил этади. Бу майдонларда пахта, кузги буғдой ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги эрозияга учрамаган ерлардагига нисбатан 20-30% га кам ва етиштирилган маҳсулот сифати жуда паст бўлади [2,5].

Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинларини, шу жумладан, кузги буғдойни ўсиши, ривожланиши, совуққа ва қишга чидамлилигини оширишда уларнинг озикланишини тўғри бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, тўғри озиклантирилган ўсимликларнинг совуққа чидамлилиги юқори бўлади ва иммунитети ошади. Суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқларда суғориш сувлари таъсирида кўплаб ўсимлик учун фойдали бўлган озик моддаларни ювилиб кетиши натижасида тупроқ унумдорлиги пасайиб кетади ва бундай шароитда кузги буғдой ҳосилдорлиги жуда кам бўлади.

Суғориш эрозиясига учраган бўз тупроқлар шароитида буғдойни совуқдан ҳимоя қилиш, тўлиқ қишлаб чиқишини таъминлаш муҳим долзарб масала ҳисобланади. Бу борада дунёда ўсимликларни совуққа чидамлигини оширувчи моддалар-криопротекторлардан фойдаланилади. Криопротектор моддаларнинг турлари хилма-хил бўлиб, уларнинг самарали турлари ва дозаларини маълум бир тупроқ-иқлим шароити учун илмий асосда танлаб олиш

муҳим аҳамиятга эга [1]. Шу билан биргаликда, ўсимликларни совуққа чидамлигини оширишда, уларнинг калийли озикланишини тўғри бошқариш ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

Шунинг учун, эрозияга учраган бўз тупроқлар унимдорлигини оширишда ва ушбу шароитда етиштириладиган кузги буғдойдан мўл ва сифатли дон хосили етиштиришда тупроқларни озик элементлари билан таъминлангани ҳисобга олган ҳолда ўғитларни қўллаш, ўсимликни совуққа чидамлигини оширишда, қишлаб чиқиши учун қулай шароит яратишда турли хил криопротектор моддалар ва калийли ўғитларнинг таъсирини ўрганиш фаллачиликнинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Самарқанд туманининг суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг “Гром” навида ўтказилди. Таҷриба даласи тупроқлари ҳайдалма (0-30 см) қатлами таркибидаги гумус миқдори-1.09%, ялли азот-0.18%, фосфор-0.13%, калий-2.3%, озик элементларининг ҳаракатчан шакллари юқоридагига мос равишда нитратли азот-18 мг/кг, ҳаракатчан фосфор-19 ва алмашинувчан калий-260 мг/кг тупроқда ташкил этади. Таҷриба даласи нишаблиги-0.003 метр, грунт сувлари-12-15м чуқирликда жойлашган.

Тадқиқотларимизда суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар, криопротекторлар полэтилен оксид-400 (ПЭО), полэтиленгликол (ПЭГ), пропандиол (ПД), N₂₀₀ P₁₄₀ K₉₀ кг/га фонида калийли ўғитларнинг 60,90,100,120 кг/га меъёрлари, кузги буғдойнинг “Гром” нави тадқиқот объекти ҳисобланади. Криопротекторларнинг турли хил меъёр ва концентрациялари синаб кўрилди. Кузги буғдой уруғлари экишдан олдин криопротекторларнинг 0.2% ли эритмасида 12 соат давомида тўйинтирилиб ишлов берилди ҳамда кузги буғдойни ўсув даврида (қишлашгача ва қишлаш даврларида) яна икки марта 0.2% ли эритма таёрланиб, буғдойзорларга сепиб чиқилди.

Дала таҷрибаси 12 вариант, 4 такрорланишдан иборат бўлиб, вариантлар схематик равишда кетма-кет жойлаштирилди. Ҳар бир пайкалча майдони-480м², таҷриба даласи тупроқларининг агрофизикавий, агрокимёвий хусусиятлари, ўсимлик ва дон таҳлиллари [6] бўйича, таҷриба даласида экилган кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини аниқлаш учун ўтказилган фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчашлар [3] ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари Б.А.Доспехов [4] бўйича амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Таҷриба даласидаги кузги буғдойни озикланишини минерал ўғитлар қўллаш ҳисобига мақбуллаштириш, ўсимлик кимёвий таркибини ўзгартириб уни совуққа чидамлигига сезилари таъсир кўрсатди. Минерал ўғитлар, айниқса, калийли ўғитларни қўллаш ўсимликни совуққа ва қишга чидамлигини сезилари оширди.

Таҷрибанинг ўғитсиз-назорат вариантларида қишда совуқ урган ўсимликлар миқдори 11,6-12,4 % ни ташкил этган бўлса, ушбу ўғитсиз фонда ПЭО криопротектори қўлланганда, қишлаш даврида нобуд бўлган ўсимликлар сони 8,4% га тенг бўлади. Фақат азотли ва фосфорли ўғитларни қўллаш ҳам қишда совуқ урган ўсимликлар сонини бирмунча камайтириб 10,9 % бўлишини таъминлади. Кўрсатиб ўтилган (N₂₀₀P₁₄₀ кг/га) ўғитлар фонида ПЭО криопротекторни 0,2 %-ли эритмасини қўллаш қишда нобуд бўлган ўсимликлар улушини 7,2 % гача камайишига олиб келди.

Минерал ўғитларнинг (N₂₀₀P₁₄₀ кг/га) фонида криопротекторларни қўллаш кузги буғдойнинг яшовчанлигини 88,6 % бўлишини таъминлаган бўлса, кўрсатиб ўтилган азот, фосфор фонида калийли ўғитларни 60, 90, 100 ва 120 кг/га меъёрларда қўллаш, ўсимликларнинг яшовчанлигини тегишлича 89,5; 90,0; 90,1 ва 94,5 % бўлди. Ўғитлар N₂₀₀P₁₄₀K₉₀ кг/га фонида ПД, ПЭГ ва ПЭО криопротекторларни қўллаш ҳам кузги буғдойнинг яшовчанлигини оширди ва бунда бу кўрсаткич юқоридагига мос равишда 91,6; 93,2 ва 94,4 % бўлганлиги аниқланди. Бу борада энг яхши натижа ПЭО криопротекторлари қўлланган пайкалчаларда эришилди. Демак, суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида тупроқларни калий режимини яхшилаш ва ўсимликни калийли озикланиши учун қулай шароит яратиш ҳамда ПЭО криопротекторларини қўллаш ўсимликларни совуққа чидамлигини оширади ва қишлаб чиқишни яхшилади. Бу эса, кузги буғдой ҳосилдорлигида ва дон сифатида ўз аксини намоён қилди. Таҷриба майдонида криопротекторлар қўлланилганда

Ўсимликларни тўлиқ туп сонидан яхши қишлаб чиқиши, кам нобуд бўлиши, қишлаб чиққан ўсимликларни эрта баҳорда жадал озиқланишини ва кучли ўсиб ривожланишини таъминлади. Натижада, баққувват маҳсулдор поялари кўп бўлган ўсимликларда ҳосил элементлари яхши шаклланиб ҳосилдорликни юқори бўлишини таъминлади. Тадқиқотларимизнинг ўғитсиз-назорат пайкалчаларидаги дон ҳосили 23.5-24.0 ц/га ни ташкил этди. Бу эса, суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқларнинг табиий унумдорлиги жуда паст эканлигини кўрсатади.

Тажриба даласининг ўғит ишлатилмаган фонидан ПЭО криопротектори қўлланилганда, дон ҳосили абсолют назоратга нисбатан 4.1 ц/га ёки 17.5 % га ортди. Буни ўсимликларни яхши, баққувват қишлаб чиқиши, қишда кам талофат куриши ва талаб даражасидаги туп сонини сақлаб қолганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ушбу шароитда азотли-фосфорли(N200 P140 кг/га) ўғитларни қўллаш таъсирида дон ҳосили кескин ошди. Бу, суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар озиқа режимини ўғитлар қўлланилганда тубдан яхшиланиши билан боғлиқ. Ушбу пайкалчаларда буғдой дон ҳосили 42.2 ц/га ни, назоратга нисбатан 18.7 ц/га ёки 79.6% кўшимча дон ҳосили етиштиришни таъминлади. Кўрсатиб ўтилган азот-фосфор фонидан ПЭО криопротекторини қўллаш дон ҳосилдорлигини 45.6 ц/га бўлишини ёки фонга нисбатан 3.4 ц/га кўшимча дон ҳосили олишни таъминлади. Ушбу вариантда етиштирилган дон ҳосили ўғитсиз назоратдагига нисбатан 22.1 ц/га ёки 94.1% юқори бўлди. Бунда, калийли ўғитларнинг меъёрини ортиб бориши (60, 90, 100, 120 кг/га) билан дон ҳосили ҳам ортиб борди, лекин бу ортиш кўрсаткичлари ишонарли бўлмади. Тажрибаларимизда қўлланилган калийли ўғитлар, ўғит ишлатилмаган назоратга нисбатан дон ҳосилини қўлланилган калий меъёрларига боғлиқ ҳолида 22.0-24.8 ц/га ёки 93.6-105.5% га N200 P140 кг/га фонига нисбатан 3.3-6.4 ц/га оширди.

Минерал ўғитларнинг тўлиқ (N200 P140 K90 кг/га) фонидан пропандиол (ПД), полиэтиленгликол (ПЭГ) ва полиэтилен оксид (ПЭО) криопротекторлари қўлланилганда дон ҳосили ўғитсиз назоратга нисбатан мос равишда 28.9, 30.2 ва 31.7 ц/га ёки 122.9, 128.5 ва 134.9% ортди. Ушбу вариантларда кузги буғдой дон ҳосилдорлиги N200 P140 K90 кг/га ўғит фонга нисбатан тегишлича 6.3, 7.6 ва 9.1 ц/га юқори бўлишини таъминлади. Криопротекторлардан полиэтилен оксид (ПЭО) дон ҳосилдорлигини энг юқори даражада оширди. Бу эса, криопротекторлар ва калийли ўғитлар меъёрларини, турларини тўғри танлаш орқали тупроқ унумдорлиги паст бўлган, суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида ҳам кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Тадқиқотларимизда, криопротектор (ПД, ПЭГ ва ПЭО) ва калийли ўғитлар (90, 120 кг/га) меъёрида N200 P140 кг/га фонидан суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида етиштирилган кузги буғдой дон сифатига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, дон таркибидаги оксил ва клейковина миқдорини, дон натураси ва шишасимонлигини оширади. Ушбу шароитда калийли ўғитлар юқорида қайд этилган барча сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди. Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурки, қўлланилган криопротекторлардан дон сифатига таъсири бўйича энг яхши натижа ПЭО қўлланилганда кузатилди.

Хулосалар. 1.Эрозияга учраган ерларда кузги буғдой етиштиришда қўлланилган криопротекторлар (ПД, ПЭГ, ПЭО) ва калийли ўғитлар (60, 90, 120 кг/га) ўсимликни қишлаб чиқишига ҳамда ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, юқори дон ҳосили етиштириш имкониятини яратди.

2.Суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой етиштиришда N200 P140 кг/га фонидан криопротекторлар дон ҳосилини 3.4 ц/га, N200 P140 K90 кг/га фонидан 6.3-9.1 ц/га ёки 26.8-38.7% га ошириши, дон таркибидаги оксил, клейковина миқдорини ошириб, дон натураси ва шишасимонлигини яхшилади. Ушбу шароитда энг юқори натижалар ПЭО криопротектори қўлланилган пайкалларда аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алманов М.А. Ўзбекистон шароитида буғдойни ташқи мўҳитни ноқулай шароитларига чидамлиги. - Т., “Фан”, 1998.-92.б.

2. Бакиров Н.М. Республикада суғориладиган тупроқларнинг ҳозирги ҳолати // Ҳалқ. илмий. конф. тўп.-Тошкент: ЎзПТИ, 2017.-Б.38-44.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари.-Т., ЎзПТИ, 2007.-14-55.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта.-М, 1985.
5. Заславский М.Н. Эрозия почв.-М., МГУ, 1991-132б.
6. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах.-Т., Союз НИХИ, 1963.-438.б.

УЎТ: 633.11+551.3+631.85

СУҒОРИШ ЭРОЗИЯСИГА УЧРАГАН БЎЗ ТУПРОҚЛАРДА КУЗГИ БУҒДОЙ ҲОСИЛИГА ШУДГОРЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ФОСФОР МЕЪЁРЛАРИНИ ТАЪСИРИ

Бозоров К.Ш., Мўминов К.М., Холмурзаев Б.М.

Самарқанд кишлок хўжалик институти

Аннотация. Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойдан юқори (51,5 - 56,8 ц/га) сифатли дон ҳосили етиштиришда, эрозия жараёнларини камайтириш ва тупроқ унумдорлигини оширишда тупроққа асосий ишлов беришни контур усулида (шудгорлашни нишабликнинг кўндалангига қараб) ўтказиш, фосфорли ўғитларни $N_{200}K_{100}$ кг/га фонида тупроғи ювилмаган ерларда 100 кг/га, тупроғи кучли ювилганида 140 ва оқова тўпланган қисмида 60 кг/га P_2O_5 ҳисобида табақалаштириб қўллаш энг юқори самарадорликка эришишни таъминлаганлиги аниқланди.

Abstrakt. It is shown that we can get high quality grain harvest from wheat (51,5 - 56,8 c/ha) using ploughing in the count our way helps to decrease the process of erosion and increases the fertility of the soil and also using fertilizers in different norms according to a part of a land as phosphoric fertilizers $N_{200}K_{100}$ kg/ha in the strongly washed part 140 kg/ha, not washed part 100 kg/ha and at the bottom part where nutrients gathered 60 kg/ha P_2O_5 norm helps to get the highest effect.

Калит сўзлар: ирригация эрозияси, типик бўз тупроқ, фосфорли ўғитлар, тупроққа ишлов бериш, шудгор, озиклантириш, дон ҳосили.

Кириш. Самарқанд вилоятининг ғалла етиштиришга ихтисослашган бир қатор фермер хўжаликлари далаларида олиб борган кузатишларимиз натижаларига қараганда, ирригация эрозияси таъсирида деҳқончилик қилинадиган ерларнинг ҳар бир гектаридан ўсимликларнинг бир вегетацияси даврида ўртача 150-200 тоннагача унумдор тупроқ ювилиб кетади ва ушбу тупроқ билан биргаликда 600-700 кг гумус, 100-120 кг азот, 136-148 кг фосфор, 196-210 кг калий ва бошқа кўплаб ўсимликлар учун фойдали озик элементлари ҳамда нам экин майдонларидан ювилиб кетади ва деҳқончилик учун катта зарар келтиради [4].

Республикада етиштириладиган кишлок хўжалик экинларини ўсув даврида суғориш таъсирида ирригация эрозиясига учраган нишаблик ерларда, тупроққа асосий ишлов беришнинг барча усуллари эрозия жараёнларини камайтиришга ёки буткулай йўқотишга хизмат қилиши зарур. Ирригация эрозиясига чалинган ерларда тупроққа ишлов бериш усуллари, тупроқни сув ўтказувчанлигига, нам сиғимига, сувни ушлаб туришига, тупроқ қатламларини бир текис намланишига ижобий таъсир кўрсатиб, тупроқни ювилишдан сақлаши талаб этилади. Кўрсатиб ўтилган ушбу тадбирлар ортиқча ҳаражат талаб қилмайди, лекин, барча агротехнологик тадбирлар, яъни тупроққа асосий ишлов бериш ва фосфорли ўғитларни табақалаштириб қўллаш усуллари Самарқанд вилоятининг кузги буғдой етиштириладиган фермер хўжалиklarининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида етарлича ўрганилмаган ва илмий асосланмаган. Шунинг учун ҳам бизлар, илмий тадқиқот ишларимизнинг асосий мақсадини юқорида таъкидлаб ўтилган тупроқ-иклим шароитида етиштириладиган кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ҳамда ирригация эрозиясининг салбий оқибатларини камайтиришга шудгорлаш усуллари ва фосфорли ўғитларни табақалаштириб қўллашнинг таъсирини аниқлашга ва уларни илмий асослашга қаратдик.

Материал ва методлар. Кўрсатиб ўтилган мақсадга эришиш учун бизлар 2014 - 2016 йилларда Самарқанд вилояти Булунғур туманининг “Рустамбек” фермер хўжалигининг ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлари шароитида тупроққа асосий ишлов беришни (чизеллаш, оддий шудгор, контурли ёки кўндалангига) ҳамда фосфорли ўғитларнинг (60, 100, 140 кг/га P_2O_5) меъёрларининг таъсири ўрганилди.

Дала тажрибалари 4 - қайтариқда ўтказилиб, вариантлар систематик равишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба майдони типик бўз тупроқ бўлиб, даланинг нишаблиги 0,004 метр, грунт сувлари 10 - 12 метр чуқурликда жойлашган, гранулометриқ таркиби бўйича ўртача кумок. Тажриба даласига кузги буғдойнинг “Краснодар -99” нави уруғлари қатор ораси 70 см қилиб, СЗ - 3,6 сеялкаларида 4 - 5 см чуқурликка, гектарига 5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилди. Тажриба даласидаги барча фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчамлар, агротехнологик тадбирлар: “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” [2], қўлланмаси услубларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилиб, олинган натижалар Б.А.Доспехов [1985] бўйича дисперсион статистик таҳлил қилинди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Ўтказилган тажриба йилларида, кузги буғдойнинг бутун вегетацияси даврида қўлланилган фосфорли ўғитларнинг меъёрларига ва тупроққа асосий ишлов бериш усулларига боғлиқ бўлмаган ҳолда даланинг оқова тўпланган адоғидаги тупроқлар таркибида ҳаракатчан P_2O_5 миқдорини юқори эканлиги кузатилди. Бу эса, ирригация эрозияси таъсирида тупроқдаги озик элементлар даланинг нишаб қисмидан унинг адоғида тўпланиб, бир даланинг ўзида ҳар хил унумдорликка эга бўлган тупроқларни ҳосил қилишини кўрсатади. Шунга мувофиқ ушбу шароитда минерал ўғитларни қўллашда, кўрсатиб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда уларни тупроқни ювилиш даражасига ҳамда тупроқларни ҳаракатчан P_2O_5 билан таъминланганлигини инобатга олган ҳолда уларни табақалаштириб қўллашни тақозо этади.

Тажриба даласининг тупроғи ювилмаган ва кучли ювилган пайкалчаларида етиштирилган кузги буғдойнинг ўсиш жадаллиги тупроқларнинг ювилиш даражасига, асосий ишлов бериш усулларига ҳамда қўлланилган фосфорли ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда вегетация даврлари бўйича ўзгариб боради. Лекин, экин майдонининг ҳар иккала қисмида ҳам фосфорли ўғитлар 60 - 140 кг/га P_2O_5 меъёрида қўлланилганда, кузги буғдойнинг ўсиш суръати жадаллиги, ўсимликнинг найчалаш даврига тўғри келади, яъни кузги буғдойнинг тулланишидан бошлаб, найчалаш давригача ўсимликнинг якуний баландлигини асосий ишлов бериш усуллари ҳамда фосфорли ўғитларнинг ҳар хил меъёрларига боғлиқлиги 61,5 - 68,3 % га тўғри келган бўлса, бу кўрсаткичлар тажриба даласининг тупроқлари кучли ювилган қисмида ўстирилган кузги буғдой учун 63,5 - 68,5 % ни ташкил этди.

Суғориш эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида етиштирилган кузги буғдой ҳосилдорлигига тупроққа асосий ишлов бериш усуллари ва фосфорли ўғитлар меъёрларини таъсирини кўрсатишича, тупроққа асосий ишлов бериш чизел билан 14 - 18 см чуқурликда ўтказилиб, фосфорли ўғитлар 60-140 кг/га P_2O_5 меъёрларида қўлланилган пайкалчаларидаги дон ҳосили ўртача тупроғи ювилмаган қисмида 48,2 - 52,6 ц/га, тупроғи кучли ювилганида 45,8 - 50,2 ва оқова тўпланган қисмида эса 49,6 - 53,2 ц/га ни ташкил этди. Тупроққа ишлов бериш фермер хўжалигида қабул қилинган агротехник тавсия асосида ўтказилган, тажриба даласининг тупроғи ювилмаган майдоннинг назорат вариантыдаги дон ҳосили 21,5 ц/га ни ташкил этган бўлса, ўғитлар фақат азот - калий ($N_{200}K_{100}$ кг/га) ҳолида қўлланилганида етиштирилган дон ҳосили назоратдагига нисбатан 14,2 ц/га, кўрсатиб ўтилган НК фонида фосфорли ўғитларни 60 - 140 кг/га P_2O_5 меъёрларида қўллаганда ҳамда тупроққа турли усулларда асосий ишлов берилганда, олинган кўшимча дон ҳосили 22,7 - 30,8 ц/га юқори бўлишини таъминлади. Ушбу шароитда доимий ўрганилиб келинаётган оддий шудгорлашга нисбатан, узунасига ва даланинг кўндалангига шудгорлаш ҳисобига олинган кўшимча дон ҳосили 7,4 - 11,6 ц/га ни ташкил этди.

Демак, ирригация эрозияси таъсирида тупроқдаги озик элементлар даланинг нишаблик қисмидан унинг пастки қисмида тўпланиб, бир даланинг ўзида ҳар хил унумдорликка эга бўлган тупроқларни ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам бундай ерларда деҳқончилик қилганда ерга асосий ишлов беришни контур (нишабликка кўндаланг қилиб) усулида ва фосфорли

Ўғитларни тупроқларни ювилиш даражасини ҳамда P_2O_5 таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириб қўллаш ҳисобига кузги буғдойнинг илдиз тизими кучли ривожланиб, тупроқ ва озик моддаларни ювилиб кетишини 28-32 % га камайтиради.

Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойдан юқори (51,5 - 56,8 ц/га) сифатли дон ҳосили етиштиришда, эрозия жараёнларини камайтириш ва тупроқ унумдорлигини оширишда тупроққа асосий ишлов беришни контур усулида (шудгорлашни нишабликнинг кўндалангига қараб) ўтказиш, фосфорли ўғитларни $N_{200}K_{100}$ кг/га фонида тупроғи ювилмаган ерларда 100 кг/га, тупроғи кучли ювилганида 140 ва оқова тўпланган қисмида 60 кг/га P_2O_5 ҳисобида табақалаштириб қўллаш энг юқори самарадорликка эришишни таъминлаганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳошимов И.Н., Жўраев А.Н. Ирригация эрозиясига учраган ерларни табақалаштириб ўғитлашнинг кузги буғдой дон ҳосилига таъсири //халқаро конф.тўп.-ЎзПТИ, 2009.-Б. 205-210.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари . - Тошкент: ЎзПТИ, 2007.-145 б.
3. Мўминова З.К., Мўминов К.М. Эрозияга учраган бўз тупроқлар унумдорлиги ва кузги буғдой ҳосилдорлигини ошириш омиллари. -Монография. Самарқанд - 2017. Б. 220.
4. Мўминов К.М. Эрозияга учраган ерларнинг ҳолати ва унумдорлигини ошириш омиллари: СамҚХИ илмий ишлар тўп.- Самарқанд, 2005. Б.24-25

UDK 653.65 + 655.56.

KALTA POYALI BUG'DOYNING QIMMATLI BELGI XUSUSIYATLARNI O'RGANISH

¹Xodjaqulov T.X., ²Qarshieva U.Sh., ¹Maxamadiyeva A.

¹Samarqand qishloq xo'jalik instituti,

²Don va dukkakli ekinlar ilmiy tadqiqot instituti Gallaorol ilmiy-tajriba stansiyasi

Аннотасија. The condusion was made on the opportunity of impoing mild wheat vazieties at the expense of donor's undersized Valuable selection material was created on this basis concerning selection programme for irrigated conditions of Uzbekistan.

Fan yutuqlari asosida seleksiyaning usullari qo'llanilishi natijasida yuqori hosilli navlarning yaratilishi bilan ekinlarning mahsulot sifati yaxshilanib, kasallik va zararkunandalarga, noqulay sharoitlarga chidamliligini oshirishga erishiladi.

Dehqonchilik talablariga mos keladigan serhosil nav va duragaylar yaratish hamda ularni ishlab chiqarishga keng joriy etishga katta e'tibor berilmoqda.

Tadqiqotning maqsadi va vazifalari. Tadqiqotning asosiy maqsadi Don va dukkakli ekinlar ilmiy tadqiqot institutining G'allaorol ilmiy-tajriba stansiyasida kalta poyali bug'doy navlarini yaratish uchun nav namunalarini seleksiya jarayonida o'rganish va ular orasidan dastlabki materialni tanlash. Sug'oriladigan yerlar sharoitida kalta poyali yumshoq bug'doyning nav va namunalari kuzda ekib, biologik xususiyatlari va xo'jalik belgilarini tahlil qilish..

Kalta poyali yumshoq bug'doyning nav va namunalarining o'suv davri davomiyligi, noqulay iqlim sharoitlariga chidamliligi va qimmatli belgi xususiyatlarini dala sharoitida o'rganildi. Tanlab olingan kalta poyali yumshoq bug'doyning nav va namunalaridan seleksiya ishida foydalanish tavsiya etildi.

Tajribani o'tkazish sharoiti va metodikasi. Tajribalar kalendar reja va ish dasturlariga asosan Don va dukkakli ekinlar ilmiy tadqiqot instituti G'allaorol ilmiy-tajriba stansiyasining tajriba dalasining sug'oriladigan maydonlarida olib borildi. Markaziy tajriba xo'jaligining tuprog'i tipik bo'z tuproq bo'lib, sho'rланish darajasi kuchsiz.

Nav namunalarni joylashtirish, fenologik kuzatuvlar, baholash va tahlil qilish B.A. Dospexov (1985) va Qishloq xo'jalik ekinlari Davlat nav sinash komissiyasining (1985, 1989) Rossiya

o'simlikshunoslik instituti (1991), Qishloq xo'jalik ekinlari Davlat nav sinash komisiyasining (1985, 1989), Rossiya o'simlikshunoslik instituti tomonidan ishlab chiqilgan uslubiy qo'llanmalari asosida olib borildi.

Tajribada kuzgi bug'doyning hosil strukturasi aniqlash uchun hosilni yig'ishtirib olishdan oldin nav namunalari laboratoriya sharoitida: o'simlikning bo'yi, umumiy va mahsuldor poyalar hamda, 1 m² dagi boshloqlar soni, boshloq uzunligi, boshloq va boshloqchalardagi donlar soni, bir boshloqdagi va 1000 ta donning massasi, 1 m² maydonchadan olingan don xosildorligi aniqlandi.

O'simlik bo'yining kalta bo'lishi sug'oriladigan dehqonchilik hududlari uchun kuzgi bug'doy navlarini yaratishda birmuncha murakkab hisoblanadi. Yotib qolish nafaqat hosildorlikni pasaytiradi, balki g'allani o'rib olishni qiyinlashtiradi, don ko'p bo'lib sifati pasayib ketadi. 1000 ta don vazni, don naturasi kamayib ketadi.

Yotib qolish o'simliklarda ertaroq gullash davrida namoyon bo'lganda 19,8-30,9% gacha, mum pishish davrida esa 9,9-17,6 % xosil yuqotilishi mumkin. 1000 dona don vazni va don xajmi kamayadi, ammo x o'l kleykovina miqdori va oqsil kupayadi.

№1 jadval

O'simlik poyasi balandligi bo'yicha nav va namunalarning taqsimlanishi.

№	O'simlik poyasini-balandligi. sm	Namunalar soni	Yotib qolishga chidamlilik ball				
			9	7	5	3	1
1	Superpakana (41 smdan past)						
2	Pakana (60-41 sm):	40	19	10	8	3	
3	Yarim pakana (61-85 sm)	40	14	10	8	8	
4	Kalta poyali (105-86 sm)	80	43	24	12	3	1
5.	O'rta bo'yli (120-106 sm)	40	3	19	8	4	6
	Jami	200	76	63	36	18	7

Jami o'rganilgan yumshoq bug'doyning 200 ta nav namunalari orasidan 40 ta o'simlik poyasining balandligi 60-41 smni, 40 ta o'simlik poyasining balandligi 61-85 smni, 80 tasida 86-105 smni, 40 ta o'simlikda poyaning balandligi 106-120 smni tashkil etdi.

Tajriba o'tkazilgan yillar o'simliklarni yotib qolishga chidamlilik buyicha baxolash uchun ancha maqbul yillar b o'ldi. May oyining boshlarida boshloqlash davrida yomgir yogishi, kuchli shamol bo'lishi bunga asosiy omil bo'ldi. Kalta poyali shakllarni odatdagi navlarga nisbatan boshqa ustunliklarini xam ko'rsatib o'tish mumkin. ularning yuqori ekologik plastikli, fotoperiodik jixatdan betarafligi, serxosilligi.

2-jadval.

Yumshoq bug'doy namunalarning o'simlik bo'yi va yotibqolishga chidamliligini baxolash

№	Nav namunalarning nomi	Kelib chiqishi	O'simlik bo'yi, sm M ± m	Yotib qolishga chidamliligini (ball)
1.	Xosildor (andoza)	O'zbekiston	103 ± 2,9	7
2.	K-6918.Polukarlik	Qozogiston	97 ± 1,8	9
3.	Murakkab duragay	Meksika	89 ± 2,4	9
4.	Agre	Meksika	95 ± 2,5	9
5	K-2786.	Meksika	90 ± 1,9	9
6	K-4834 .	Chili	93 ± 2,3	9
7	K-2468.	Kanada	92 ± 2,2	9
8.	K-4834.	Ukraina	89 ± 2,4	9
9..	K-8389	Argentina	94 ± 2,9	9
10.	MVMA Tamara	Vengriya	103 ± 2,9	7
11.	K-5 8643	Norvegiya	105 ± 1,9	7
12.	FRL-2004	Turkiya	105 ± 2,9	7

Tanlab olingan yumshoq bug'doyning nav va namunalarini qimmatli belgi xususiyatlarini o'rganish, hosildorligini, yotib qolishga, zang kasalliklariga chidamliligini va don sifatini aniqlandi..

Bizning tajribalarimizda kalta poyali namunalar asosan Meksika, Qozoqiston, Chili, Xitoy, Kanada, Ukraina, Vengriya, Meksika, Argentina va Fransiya nav namunalar umumiy o'rganilayotgan namunlarning 45% tashkil etdi.

O'simlikning bo'yi va uning yotib qolishga chidamliligi. O'tkazilgan tadqiqotlar davomida o'rganilgan nav namunalari orasida o'simlikning bo'yining balandligi 85 sm dan 105 sm gacha bo'lib, K-5 8643 (Norvegiya), MVMA Tamara (Vengriya), FRL-2004 (Turkiya) namunalirining bo'yi o'rganilgan namunalarga nisbatan uzun bo'lib, 20 sm gacha farq qildi.

Bug'doyning yotib qolishga chidamliligi o'rganilgan namunalarda 7 ball dan 9 ball gacha baxolandi. K-4834 (Chili), K-2786 (Meksika), K-6918 Polukarlik (Qozogiston), K-2468 (Kanada), K-4834 (Ukraina), nav namunalari yotib qolishga chidamli yekanligi kuzatildi, xamda tanlab olingan nav namunalaridan kelgusi seleksiya jarayonida foydalanish uchun seleksionerlarga tavsiya etildi.

Kalta poyali navlar maxsuldor bo'lishi bilan birga yotib qolishga chidamli bo'ldi. Shuning uchun kuzgi bug'doyda yotib qolishga qarshi kurashda asosiy e'tibor kalta poyali, poyasi va ildiz tizimi baquvvat bo'lgan shakllarini yaratish seleksiyaning asosiy yo'nalishi hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Amanov A.A., Ziyadullayev Z.F, Abdazimov A.M, Boshqoli don ekinlari seleksiyasi va urugchiligi tugrisida uslubiy qullanma. qarshi nashryoti 2010 yil

2. Amanov A. Uzbekistonda don yetishtirishning xolati va istiqbollari. Uzbekistonda bug'doy seleksiyasi, urugchiligi va yetishtirish texnologiyasiga bagishlangan birinchi milliy konferensiya. Toshkent 2004 y.

3. Bessonova Ye.I., Bekbutayev A. Nasledovaniye ugla naklona flagovogo lista gibridami F₁ pshenisu. Voprosu biologii, seleksii i agrotexniki zernovux i kormovux kultur. T.1984

УДК: 631.4: 633.11: 631.82

ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА БУҒДОЙДАН ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ҳайитов М.А., Умаров О.Р., Аҳадова Г.С.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация: Оч тусли бўз тупроқлар шароитида қаттиқ буғдойнинг Макуз-3 нави ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, ҳамда ҳосилнинг айрим сифат кўрсаткичларига N180P90 фониди калий хлорид ўғитининг турли меъёрларини таъсири бўйича олинган натижалар ушбу мақолада келтирилган.

Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлари шароитида N180P90K75 кг вариантыда қаттиқ буғдойнинг Макуз-3 навидан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилди.

Abstract: In the conditions of light gray soils, the effect of fertilizers on the growth, development and yield of hard wheat of the Macus-3 variety was studied. Harvest and quality depends on the norms of fertilizers and the introduction of potassium chloride. The article presents the results of field experiments conducted in the conditions of the Kashkadarya region. Particular attention is paid to the influence of potassium fertilizers on the quality of grain.

Калит сўзлар: Қашқадарё вилояти, оч тусли бўз тупроқ, қаттиқ буғдой, Макуз-3 нави, ҳосилдорлик, сифат кўрсаткич, маҳаллий хом ашё, калий хлорид

Қириш: Халқ хўжалигининг барча соҳалари, хусусан, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳукуматимиз томонидан алоҳида вазифа қилиб қўйилган. Бу улкан вазифани бажариш учун қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида иш сифатини ҳар томонлама яхшилаш асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш долзарб масала ҳисобланади.

Қаттиқ буғдой оқсил, клейковинага бой буғдой тур хили ҳисобланиб, тупрок унумдорлиги ва иссиққа талабчан. Қаттиқ буғдой иқлими континентал, яъни ёзи қисқа, иссиқ ва курук худудларда кўплаб экилиб келинмоқда.

Нон тайёрлашда асосий хом ашё ҳисобланадиган юмшоқ буғдой билан бир қаторда қаттиқ буғдой ҳам катта аҳамиятга эга. Юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотлари, айниқса сифатли макарон билан таъминлаш, парҳез таомлар ва болалар учун оқсилга бой ёрмалар ишлаб чиқариш учун қаттиқ буғдойга талаб катта.

Қаттиқ буғдой етиштириш учун тупрок иқлим шароити қулай минтақаларни танлаш, ундан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг ҳал қилувчи омили саналади. Тажрибаларга кўра, қаттиқ буғдойни Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари жанубий туманларининг суғориладиган ерларида, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Бахмал, Зомин, Янгиобод, Самарқанд вилоятининг Нуробод, Қўшрабод, Қашқадарё вилоятининг Қамаш, Чироқчи, Дехқонобод, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманларининг шартли суғориладиган ва лалмикор ерларининг тоғолди, қир-адир минтақаларида жойлашириш мақсадга мувофиқдир.

Республикамызда 2016 йил якунлари бўйича 1,2 млн тонна минерал, жумладан 138,0 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

Бугунги кунда ғалла етиштириш амалиётида содир бўлаётган муаммолардан бири минтақаларнинг тупрок-иқлим шароитларига мос бўлган ўғитлаш тизимларини янада такомиллаштириш долзарб масаласи ҳисобланади.

Материаллар ва методлар:Тажриба Қашқадарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида 7 вариант 4 такрорлашда олиб борилмоқда.

Дала тажрибалари ўсимликшуносликда қабул қилинган стандарт услублар асосида олиб борилмоқда. Тажрибада қаттиқ буғдойнинг Макуз-3 нави ўсиши, ривожланиши, доннинг ҳамда доннинг айрим сифат кўрсаткичларига маҳаллий хом-ашё асосида олинган калий хлорид ўғитининг N180P90 ўғитлаш фонида ошириб борувчи 5 та меъёри ўрганилмоқда.

Тажриба пайкалининг умумий майдони 108 м², шундан ҳар бир ҳисоб пайкалчаси майдони 54 м² ташкил этди.

Тупрокни 0-30 см, 30-60 см қатламларидаги нитрат азот Гранваьд-Ляжу усулида, гумус миқдори И.В.Тюрин услуби бўйича, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий Б.П.Мачигин-Протасов услубида аниқланди.

Ҳосилни ўриб янчишдан олдин белгиланган майдонлардан боғламлар олиниб, 1000 та дон массаси, доннинг шишасимонлиги ва натураси ГОСТ-13 586-1-68 бўйича аниқланди

Ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) дисперсион усулда математик таҳлил қилинди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили:Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқларида қаттиқ буғдойнинг Макуз-3 навининг ҳосилива ҳосил сифатининг айрим кўрсаткичларига таъсирини таҳлили шуни кўрсатадики, ўғитсиз назорат вариантыда 33,5 ц/га ҳосил олинган бўлса, N180P90 фонида ҳосилдорлик 45,3 ц ни ташкил этди. Калий хлорид ўғити меъёрининг 60 кг дан 120 кг/га ошириш, ҳосилдорликни мос равишда гектаридан 50,4 ц- 60,3 ц гача ошиб борди.

Ишонарли кўшимча ҳосил N180P90K75 вариантыда олиниб, ҳосилдорлик 53,6 ц/га ни ташкил этди.

Қаттиқ буғдой дони янчилганда унинг таркибида кўп миқдорда макарон маҳсулотлари сифатини белгилайдиган ёрма, кам миқдорда ун бўлиши лозим. Ушбу хусусиятларини доннинг натураси (1-синф учун 770, 2-синф учун 745г/л), ялтироқлиги, оқсил, клейковина миқдори (1-синф учун 28, 2-синф учун 25 фоиздан кам бўлмаган) белгилайди.

Бизнинг тажрибаларимизда дон натураси ўғитсиз назорат вариантыда 741 г/л, N180P90-фонида 760 г/л ни ташкил қилди.

Калийли ўғитлар меъёри оширилган вариантларда эса мос равишда 762-778 г/л га ошгани аниқланди.

Кузги қаттиқ буғдойнинг Макуз-3 нави ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига калийли ўғит меъёрларининг таъсири

Тажриба вариантлари	Ҳосилдорлик ц/га	Дон нагураси г/л	Оқсил%	Клейковина%	Дон шишасимонлиги %	1000 дон массаси, г
ўғитсизназорат	33,5	741	14,1	29,7	69,5	38,1
N180 P90-фон	45,3	760	15,2	31,5	71,0	39,2
фон+K60	50,4	762	15,8	32,6	70,9	39,9
фон+K75	53,6	765	15,6	33,1	72,1	40,1
фон+K90	56,0	770	15,7	32,9	72,0	40,1
фон+K105	58,4	775	15,8	33,2	71,5	40,2
фон+K120	60,3	777	15,9	32,8	72,2	40,2
Sx%	3,8					
ЭКИФ0,5 ц/га	2,64					

Ўғитсиз назорат вариантыда 14,1 % оқсил бўлиб, ўғит меъерининг ошиши оқсил миқдорида сезиларли таъсир кўрсатмади.

Клейковина миқдори ўғитсиз назорат вариантыда 29,7 % ни ташкил қилган бўлса, N180P90-фонда 31,5 %, калийли ўғитларнинг турли меъёрларини қўллаганимизда 32,6 % дан 32,9 % гача ошгани аниқланди. Доннинг шишасимонлиги назорат ва бошқа вариантларга нисбатан фон+K75вариантида бир яхшиланганлиги аниқланди.

Хулосалар:Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлар шароитида қаттиқ буғдой Макуз-3 навидан ўғитсиз назорат вариантыда 33,5 ц/гаN180P90фон вариантыда 45,5 ц/га ҳосил олинди.Калий хлорид ўғитининг меъерини 60 кг дан 120 кг/га натижасида ҳосилдорликни мос равишда 50,4 ц дон 60,3 ц гача ошишига олиб келди.

Қўлланилган калийли ўғитлар буғдой ҳосилдорлигига таъсир кўрсатибгина қолмай, уни сифат кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсир қилди.

Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлар шароитида қаттиқ буғдойнинг Макуз-нави мақбул ўғитлаш меъери N₁₈₀ P₉₀ K₇₅кг/га эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Минеев В.Г., Павлов А.П. Агротехнологические основы повышения качества зерна пшеницы. - М., 1981 - 288 с.
2. Маслов М.В. Физиологические основы применения минеральных удобрений - М., 1979 - 256 с.
3. Носатовский А.М. Пшеница. - М.: Колос, 1965 - 564 с.
4. Бобомирзаев П.Х. Суғориладиган ерларда қаттиқ буғдойни дон ҳосили ва сифатини шаклланишига агротехнологик омилларнинг таъсири. Ёш олимлар тадқиқотлари ва аграр соҳадаги муаммолар// Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг 2008-«Ёшлар йили»га боғишланган илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Самарқанд-2008, 155 б.
5. Бобомирзаев П.Х. Ўзбекистоннинг жанубида қаттиқ буғдойни дон ҳосили ва сифатининг шаклланишини оптималлаштиришни агротехнологик асослаш// Дон экинлари етиштириш ва уларни қайта ишлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.- Қарши-2008. -60-63.

Исмоилов В., Ҳамзаев А.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация. Республикамизда бошоқли дон екинларидан кузги жавдарга бўлган талаб янада ортмоқда. Жавдар навларининг дон ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларилан бири бўлиб келмоқда.

Abstract. In our Republic the demand for rye among cereals is increasing. The grain fertility and quality of rye sorts is one of nowadays' burning issues.

Калит сўзлар: Жавдар, дала тажрибаси, экиш меъёрлари, туп сони, поялар сони, умумий тупланиш, млн/дона.

Кириш. Мамлакатимизнинг турли тупроқ ва иқлим шароитларида кузги жавдар ўсимлигини етиштириш, нав танлаш, улардан юқори ва сифатли ҳосил олиш борасида мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда Самарқанд вилояти тупроқ иқлим шароитига мос жавдар навларини танлаш, уни маҳаллийлаштириш ва суғориладиган шароитда ушбу экиндан юқори ва сифатли дон ҳосилини етиштиришни таъминлайдиган илмий асосланган агротехнологияларни ишлаб чиқаришдан иборат.

А.И.Золотарев (1984)нинг таъкидлашича, тупроқ ва иқлим шароитига кўра кузга жавдар экиш меъёрлари ўзгариб боради. И.Н.Елагин (1974)нинг фикрича эса ҳудуднинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитидан келиб мақбул экиш меъёрини белгилаш лозим.

Ф.Г.Гусинцева, В.Ф.Цупак, М.А.Синяковская (1980); А.А.Зиганшина, Л.Р.Шарифулина (1981); С.Ф.Тихвинский, Л.К.Буторина (1983) каби олимлар Россиянинг ноқоратупроқ ҳудудларда кузги жавдарнинг мақбул экиш меъёри 5,0-6,5 млн. унувчан уруғ ҳисобида экиш тавсия этилган. Лекин юқори агротехник тадбирлар қўлланилган шароитга 4,0-5,0 млн. донагача камайтириш мумкинлигини ҳам таъкидлаганлар.

Чехия республикасида И.Петр (1985) кузги жавдарнинг экиш меъёри 3,0-3,5 млн. унувчан уруғ ҳисобида белгилаб ўтилган бўлса, Германияда М.Райнер, Ф.Штрасс (1983) 2,5-2,8 млн. унувчан уруғ ҳисобида экилиши мақбул эканлигини таъкидлаганлар.

Бизнинг кузатишимизча, илғор хўжаликларнинг тажрибаларида суғориладиган майдонлардан жавдар ҳосилдорлиги 60-70 ц/га ва ундан ҳам ошириш имкониятлари мавжуд. Аммо, кейинги йилларда суғориладиган ерлардан жавдарнинг ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 32-35 ц/га дан ошмаётганлиги аниқланди.

Ҳозирги пайтда, республикамизнинг суғориладиган ерларида экиш учун жавдарнинг навлари юқори ҳосилдорлик хусусиятига эга бўлса-да, уларнинг пояларининг ётиб қолиши, касалликларга кўплаб чалиниши ва дон сифатининг пастлиги кузатилмоқда. Ушбу омилларни инобатга олган ҳолда Республикамизнинг турли минтақалари учун экишга мос, ҳосилдор ва юқори дон сифатига эга янги навларни яратиш, интродукция қилиш ва ҳар бир муайян тупроқ-иқлим шароити учун мақбул технологик тадбир тизимини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Материаллар ва услубият. Дала тажрибалари “Методика полевого опыта” (Доспехов, 1985) ва “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ, 2007) қўлланмаларига асосан ўтказилди. Тажрибаларимиз асосан Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ўқув тажриба хўжалигида олиб борилди. Тадқиқот объекти жавдарнинг Вахшская 116 нави. Тажриба 4 қайтарикда олиб борилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Ўсимликларда олинадиган ҳосилдорликни асослаш учун фатосинтез жараёнида бевосита иштирок этувчи кўчат қалинлигига эътиборни қаратиш зарур деб билдик ва бир метр квадрат майдондаги умумий поялар сони, шу майдондаги ўсимлик сони ҳамда уларнинг умумий тупланишини ҳисобладик.

Ҳосилдорликка маҳсулдор поялар сони энг кўп таъсир кўрсатади (Гуляев, 1987). К.И.Саранин, И.И.Беляков (1986) лар таъкидлашларича, кузги жавдарнинг маҳсулдор пояларининг катта қисми кузда шаклланади. Баҳорги поялар маҳсулдорлиги кам бўлади.

Изланишларимиз натижаларидан аниқланишича, майдон бирлигидаги маҳсулдор поялар сонига вегетация мобайнида ўзгариб турувчи метеорологик омиллар ва ўрганилаётган технология тадбирлари катта таъсир кўрсатди.

Кузги жавдарнинг умумий туплаши ва поялар қалинлигига экиш меъёрининг таъсири.
(2016 й)

№	Экиш меъёри млн/га	Жами поялар сони дона/м ² (30 ноябр)				Ўртача	Умумий тупланиш (30 ноябр)				Ўртача
		I	II	III	IV		I	II	III	IV	
1	3	254	248	231	281	253,5	3,3	3,4	3,0	2,9	3,1
2	4	263	259	261	271	263,5	2,9	2,1	2,9	2,6	2,6
3	5	244	263	272	249	257,0	2,7	1,8	2,9	2,3	2,4
4	6	275	271	274	261	270,2	2,1	2,0	1,9	1,8	1,9

Дала тажрибаларимизда кузги жавдарнинг тупланиш фазаси яхши ўтишига қарамасдан қишнинг ноқулай келиши ва баҳор ойларида сув тақчиллиги оқибатида кўчат қалинлиги бирмунча кам бўлди.

В.Д.Кобылянский (1982)нинг таъкидлашича, жавдар ўсимлигининг умумий туплаши, экиш чуқурлиги, экиш меъёри, экиш муддати ва метеорологик шароитларга боғлиқ бўлади. Бизнинг тажрибаларда умумий туплаш камроқ бўлганлиги кузатилди. Сабаби 2015 ва 2016 йилларда кузда эрта совуқ тушиши, сув тақчиллиги ва баҳорда ҳаво ҳароратининг бошқа йилларга нисбатан кўтарилиб кетиши бўлди.

Вегетация даври охирида маҳсулдор поялар ва тупланиш сони ўрганилган агротехнологик омилларга боғлиқлиги кам эканлиги кузатилди. Маълумотлар таҳлил қилинганда, маҳсулдор поялар сони ва маҳсулдор туплар ҳосил бўлиши тескари пропорционаликка эга эканлиги аниқланди.

Дастлабки хулосаларимизга асосланиб шуни айтиш мумкинки, кузги жавдарни Самарқанд вилояти шароитида экиш меъёрини 5-6 млн. дона бўлишини таъминлаган ҳолда барча агротехнологик жараёнлар ўз вақтида олиб борилса умумий туплаш ва поялар сони энг юқори кўрсаткичга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Р.О.Орипов, Н.Х.Халилов. “Ўсимликшунослик” Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти. Тошкент-2007.
- 2.Х.Н.Отабоева ва бошқалар. “Ўсимликшунослик”. Тошкент, Мехнат, 2000.
- 3.О.Якубжонов, С.Турсунов, З.Муқимов. “Дончилик”, Янги аср авлоди.Тошкент-2009.
- 4.И.Н.Елагин «Оптимальные норма высева и качества севаважные условия повышения урожайности зерновых и зернобобовых культур/Норма высева способы почва и площади питания» с-х культур/-Москва: Колос, 1974. с 144-149.
- 5.А.А.Зиганшин, Л.Р.Шарифуллин «Озимая рож» Москва: Россельхозиздательство, 1981.
- 6.А.И.Золотарёв «Защита озимых культур от болезней при перезимовке» Москва: Россельхозиздательство, 1984.

УДК:633.51.:633.11.631.52

ЮҚОРИ ҲОСИЛ СИФАТЛИ ДОН ОЛИШДА ЭКИШ УСУЛЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Атамуродова М.

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти

Аннотация: Influence of methods and norms of sowing of intensive varieties of winter wheat in cotton inter-rows on yield and grain quality in the conditions of Zarafshan valley

Калит сўзлар.Оптимал экиш муддатлари, сифатли дон ҳосилдорлик экиш усуллари, экиш меъёрлари, дон натураси, оксил, клейковена

Кириш. Ўзбекистон Республикасида суғориладиган ерларда асосий экин майдонлари пахта ва кузги буғдой билан банд. Пахтачиликка ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларда пахта-дон навбатлаштириб экилмоқда. Бунда пахта ҳосилидан бўшаган майдонларда кузги буғдой экилади. Республикамизда ҳар йили ғўза қатор ораларига кузги буғдой экиладиган майдон 600 минг гектарни ташкил қилади.

Кузги буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда уни оптимал муддатларда экиш муҳим аҳамиятга эга. Ғўзапоя кеч йиғиштириб олинган майдонларга экилган кузги буғдой қиш тушгунча тупланишга улгура олмайди, қишда совуқдан зарарланади. Натижада тупланиш баҳорда ҳам давом этади. Бундай ўсимликларда баҳорда ҳосил бўлган бошоқларда дон, энгил бўлиб ҳосили ҳам паст бўлади.

Зарафшон водийсида пахта ҳосилини йиғиштириб олиш, кеч 10-20 ноябрда тугалланади ва бундай муддатда экилган кузги буғдой ҳосилдорлиги кескин пасаяди. Кузги буғдойни экиш кечикиб кетишини олдини олиш мақсадида у ғўза қатор ораларига экилади. Ғўза қатор ораларига буғдой етиштириш технологияси очиқ майдонларда кузги буғдой етиштириш технологиясидан кескин фарқ қилади. Кузги буғдойни ғўза қатор ораларида етиштиришда ер ҳайдалмайди, текисланмайди, чезелланмайди ва бошқа агротехник тадбирларда ҳам фарқлар бор. Шунинг учун ғўза қатор ораларида кузги буғдой етиштиришда энергия, ресурслар тежалади, етиштирилган дон таннархи нисбатан паст бўлади.

Мамлакатимизда суғориладиган ерларда бошоқли дон экинлари экиладиган майдон 1млн. 300 минг гектарни ташкил қилмоқда. Суғориладиган ерларда кузги буғдой 1 млн. гектардан ортиқ майдонга экилмоқда. Сўнги йилларда турли сабабларга кўра суғориладиган ва лалмикор майдонларда ғаллазорларни ифлослантирувчи Кўнғирбошсимонлар оиласига мансуб ашаддий бегона ўтлар ёввойи сули, райграс, тулкидум, ёввойи арпа кенг тарқалмоқда ва кузги буғдой дон ҳосили ва сифатига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Жуда кўп фермер хўжаликлари Кўнғирбошсимонлар оиласига мансуб бегона ўтларнинг кенг тарқалиши туфайли паст ҳосил олишмоқда ва йилни зарар билан яқунламоқда. Ёввойи сули, райграс, тулкидум, ёввойи арпа Поасеае (кўнғирбошсимонлар) оиласига мансублиги туфайли унга қарши курашишда бир қатор муаммолар мавжуд. Уларнинг ривожланиш цикли, фазалари, биологик хусусиятлари кузги буғдойникига кўп жиҳатлардан ўхшаш. Ғаллазорларда қўлланиладиган гербицидларнинг кўпчилиги ёввойи сули, райграс, тулкидум, ёввойи арпага таъсир этмайди, нобуд қилмайди. Шунинг учун уларни Ўзбекистонда тарқалган турларини, биологиясини, унга қарши курашнинг уйғунлашган чора-тадбирларини, тавсияларни ишлаб чиқиш кузги буғдой дон ҳосили ва сифатини оширишда катта аҳамиятга молик.

Суғориладиган ва лалмикорликдаги ғаллазорларда ёввойи сулининг кенг тарқалишига сабаблар кўп. Улар уруғлик, сув, қушлар, буғдойни суринкасига экиш ва бошқа омиллар туфайли тарқалмоқда. Ёввойи сули буғдой ва бошқа бошоқли дон экинларини ифлослантириб уларни соялаши, сув, озика моддаларга шерик бўлиши, тез кўпайиши туфайли олинадиган ҳосилни сифатини ва ҳосилдорликни пасайтирмоқда. Шунинг учун асосий ғалла экини буғдой ва бошқа бошоқли дон экинларини ёввойи сули билан ифлосланишини олдини олиш, уларга қарши курашнинг агротехник, кимёвий уйғунлашган усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ғаллачиликдаги энг долзарб муаммолардан биридир.

Кузги бошоқли дон экинларидан суғорилма дехкончилик шароитида юқори ҳосилдорликка эришишда, олинадиган дон ҳосили сифат кўрсаткичларини ошириш ҳам кўзда тутилади (Насатовский 1965; Халилов 1994; Абдурахмонов 2003).

Бугунги кундаги асосий талаб ғаллачиликда ҳосилдорликни ошириш билан бирга сифат кўрсаткичларини ҳам яхшилашдан иборат. Шу боис ҳам суғориш меъёр ва муддатларининг ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичларини ўрганишни асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Суғориш сони ва меъёрларининг ошиши доннинг сифатига салбий, азотли ўғитларни тақсимлаб юқори меъёрда озиклантириш аксинча доннинг сифатига ижобий таъсир этади

(Халилов 1997, Сиддиқов 2005). Тажрибаларимизда ҳам ушбу қонуният, яъни суғоришнинг ошиши сифат кўрсаткичларини пасайишига олиб келганлигини кузатдик.

Донинг сифат кўрсаткичларидан бири - *оқсил* миқдоридир. Кузги буғдой дони таркибидаги оқсил нав хусусиятларига, тупроқ иқлим шароитларига, нам билан таъминланганлигига, ўсимликни касаллик ва зараркундалар билан зарарланишига, ҳамда бошқа бир қатор омилларга боғлиқ ўзгаради (Коданев 1976, Сорбеллини 1996, Аманов 2001, Андерсон 2001.). Оқсилнинг муҳимлиги шундаги, у инсон организмида осон ҳазм бўлиб, унинг жисмоний ва ақлий қобилиятини оширади.

Ёпиладиган ноннинг сифати клейковинанинг миқдори ва сифатига боғлиқ бўлиб, клейковинанинг миқдори технологик омилларга, шунингдек тупроқ - иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгарувчан бўлади (Аманов 2001, Сиддиқов 2005).

Тажрибаларимизда дон намлиги, натураси, шаффофлиги, оқсил, клейковина миқдорлари, ИДК лабораторияда таҳлил қилинди.

Краснодар-99 буғдой навининг суғоришга таъсирчанлигини аниқлаш тажрибасида ҳосилдорлик суғориш сони ошиши билан сифат кўрсаткичлари ўзгариб бориши кузатилди.

Дон натураси- нам тўплаш ғўза қатор орасига қаторлаб экиш назорат вариантда суғорилган вариантларга нисбатан паст бўлиши кузатилди. Бунда дон натураси Краснодар-99 навида 680 гр/л бўлганлиги аниқланди.

Ғўза қатор орасига жўяк олиб экишда суғориш вариантыда нам тўплаш (Ғўза қатор орасига қаторлаб экиш) вариантга нисбатан юқори 700 гр/л, Ғўза қатор орасига культивациялаб экиш суғориш вариантыда 720 гр/л, Ғўза қатор орасига жўяк олиб экишдаги суғориш вариантыда эса навларнинг суғоришга нисбатан кескин фарқ қилмаганлигини кузатиш мумкин. Бунда 720 гр/л ни ташкил етди.

Суғориш тартибларига кўра дон натураси суғориш Ғўза қатор орасига культивациялаб экиш вариантда, яъни 720 гр/л бўлган ҳолатга юқори бўлиши аниқланди.

Оқсил миқдори - нам тўплаш Ғўза қатор орасига қаторлаб экиш вариантда суғорилган вариантларга нисбатан юқори бўлиши кузатилди. Бунда оқсил миқдори Краснодар навида 15,3 %, Ғўза қатор орасига жўяк олиб экишда суғориш вариантыда нам тўплаш Ғўза қатор орасига қаторлаб экиш вариантга нисбатан 0,1% (15,2 %), Ғўза қатор орасига культивациялаб экиш суғориш вариантыда юқорида қайд этилган вариантларга нисбатан оқсил миқдори 0,4-0,5% паст кўрсаткичда бўлиши кузатилди.

1-жадвал.

Краснодар-99 буғдой навининг сифат кўрсаткичлари

т/р	Вариантлар	Дон натураси, гр/л	Дон намлиги, %	Оқсил миқдори, %	Клейковина миқдори, %	Шиша-симонлик, %
1	Ғўза қатор орасига қаторлаб экиш	680	9,1	15,3	30,7	62,0
2	Ғўза қатор орасига жўяк олиб экишда	700	9,4	15,2	30,5	62,0
3	Ғўза қатор орасига культивациялаб экиш	720	9,4	14,9	29,5	61,0

Клейковина миқдори - нам тўплаш Ғўза қатор орасига қаторлаб экиш вариантда суғорилган вариантларга нисбатан юқори бўлиши кузатилди. Бунда клейковина миқдори 30,7 %, Ғўза қатор орасига жўяк олиб экишда суғориш вариантыда нам тўплаш Ғўза қатор орасига қаторлаб экиш вариантга нисбатан паст, 30,5 %, Ғўза қатор орасига культивациялаб экиш суғориш вариантыда юқорида қайд этилган вариантларга нисбатан паст кўрсаткичда бўлиши кузатилди.

Хулоса Зарафшон водийси шароитида илк бор ғўза қатор ораларига экилаётган кузги буғдой етиштириш технологиясининг муҳим элементлари экиш усуллари, меъёрларини ўзаро боғлиқ холда дон ҳосили ва сифатини шаклланиши хусусиятларига таъсири ўрганилиб, юқори иқтисодий самарадорликни экиш усуллари ва меъёрлари илмий асосланиб ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

Фойдаланган адабиётлар

- 1.Х.Атабаева, О.Қодирхўжаев - Ўсимликшунослик, Т. Янги аср авлоди, 2006.
2. Атабаева Х. ва бошқ.-Ўсимликшунослик - Т.Меҳнат, 2000.
- 3.Орипов Р., Халилов Н. - Ўсимликшунослик - Т.2007
4. Атабаева Х., Алимов А., “Дончилик”, маъруза матни. Т.ТашДАУ, 2003, 34
5. Атабаева Х., Холиқов Б., -"Донли екинлар биологияси"-Маъруза матнлари, ТошДАУ, 2003 й.

УДК.632.937.12

БУҒДОЙНИНГ ИЛДИЗ КЕМИРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ САМАРАЛИ МУДДАТЛАРИ

Анорбаев А.Р., Худойқулов А.М., -ТошДАУ,
Пўлатов О.А., -СамҚХИ

Аннотация: Ушбу мақолада буғдойнинг илдиз кемирувчи зараркунандаларидан кузги тунлам (*Agrotis segetum* Shiff), ундов тунлами (*Agrotis exclamationis* L.), узун мўйловли қарсилдоқ кўнғиз (*Clon cerambycinus* Sem.) ва лалми қарсилдоқ кўнғиз (*Agrotis nadari* Buys) лар зарари, тарқалиши ва қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида, Ургут тумани Жўраптепа ММТПга қарашли “Худойбердиев Урал” фермер хўжалигининг 3,4 гектарлик ғалла майдонида 2017 йилнинг феврал, март ойларида тажриба кузатув ишлари олиб борилиб, керакли тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Кузги ва ундов тунламлари, симқуртлар, кимёвий препарат, тунлам куртлари, дон визилдоқ кўнғизлар, ғалла кўнғизлари.

Аннотация: В данной статье приведены результаты исследований по изучению распространению и вредоносности подгрызающих озимая (*Agrotis segetum* Shiff.), восклицательная (*Agrotis exclamationis* L.) совки, а также жуки длиннотелые (*Clon cerambycinus* Sem.), и богарные проволочники (*Agrotis nadari* Buys.) как вредители пшеницы. В 2017 году февраля-март месяцах в ф/х “Худойбердиев Урал”, Ургутского тумана, “Жураптепа” ММТП на 3,4 гектарах пшеницы был проведен опыты с целью разработке методы и рекомендаций по борьбы с подгрызающими вредителями пшеницы.

Ключевые слова: Озимая и восклицательная совка, проволочники, химические средства, личинки совки, жужелицы, зерновые жуки.

Abstract:In this article it is provided results of researches on studying to distribution and injuriousness *Agrotis segetum* Shiff., *Agrotis exclamationis* L. scoops, and also bugs *Clon cerambycinus* Sem. and *Agrotis nadari* Buys. as wreckers of wheat.

In 2017 of February-March months in former "Hudoyberdiyev Ural", the Urgutsk district, "Zhuraptep" MMTP on 3,4 hectares of wheat - was made experiments on purpose to development methods and recommendations on fight against wreckers scoop of wheat.

Key words: Winter and exclamation scoop, wireworms, chemicals, larvae of scoops, ground beetles, grain beetles.

Кириш. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ва сифати кўпгина омилларга, хусусан экинлар ҳимоясига боғлиқ. Тажрибали деҳқон фермер хўжаликлари бунга қатъий амал қилиб, кўзланган мақсадга эришадилар.

Ўсимликларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам мамлакатимизда мазкур масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Провардида жойларда атроф

муҳит, инсонлар ва тирик мавжудодлар учун безарар бўлган самарали кураш чоралари усуллари кенг жорий қилиниб, экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга эришилмоқда.[2]

Республикамизда ғаллазорларда 50 турдан ортиқ зараркунандалар, 10 турдан кўп касаллик ва 200 турдан ортиқ бегона ўтлар учраб ҳосилга зарар етказди[3].

Материаллар ва методлар. Тажрибалар Самарқанд вилояти Жўраптепа ММТПга қарашли “Худойбердиев Урал” фермер хўжалиги далаларида ўтказилди.

Ҳисобга олиш майдончаларининг катталиги 1 м² ни ташкил қилиб, улар 1 га дала бўйлаб диаганал йўналишда 5 тадан олинди. Бундан ташқари, дала боши ва охири тугаган жойда яна 2 та майдонча олинди, яъни ҳисоб майдончалари жами 7 тага тенг бўлди [4].

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Кейинги йилларда айрим зараркунандалар (зарарли хасва, шилимшиққурт, ғалла ширалари,) сезиларли даражада кўпайиб бошоқли дон экинлари ҳосилга жиддий зарар келтирмоқда. Шу билан бирга буғдойни илдиз кемирувчи зараркунандаларидан кузги тунлам (*Agrotis segetum Schiff*), ундов тунлами (*Agrotis exclamationis L.*), узун мўйловли қарсилдоқ қўнғиз (*Clon cerambycinus Sem.*) ва лалми қарсилдоқ қўнғиз (*Agrotis nadari Buys*) лар қуртлари ёш майсалар илдиз бўғзини кемириши натижасида ниҳоллар қуриб қолишигача олиб келади.

Ушбу илдиз кемирувчи зараркунандалар ичида суғориб деҳқончилик қилинадиган худудларга айниқса сезиларли даражада зарар келтирадиган илдиз кемирувчи зараркунандалардан бири кузги тунламдир (*Agrotis segetum Schiff*).

Кузги тунлам қуртлари 34 та ўсимликлар оиласига мансуб бўлган юзлаб экинларга зарар етказди. Маданий экинлардан ғўза, беда, қанд лавлаги, маккажўхори, ғалла, мойли экинлар ва полиз экинлари, шунингдек ёввойи ўсимликлардан печак, ёввойи тожихўроз, шўра, олабўта кузги тунламнинг энг хуш кўрган озиғидир.

Айрим йиллари кузги тунламни қишлоқ хўжалик экинларига зарари 30% дан ошиб, бунда айрим майдонларда унинг қуртини миқдори 1м² га 1-4 донагача бўлади ва бу эса зараркунанданинг иқтисодий зарар келтириш мезонидан 2,5 - 10 марта зиёд кўрстакични ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалик экинларига илдиз бўғзини кемириб сезиларли даражада зарар келтирадиган тунламлардан бири ундов тунламидир (*Agrotis exclamations L.*).

Ушбу зараркунанда одатда зарарлаш даражаси жиҳатдан кузги тунламдан кейин ўринни эгаллайди. Олдинги қанотларида асосида ундов белгисини эслатувчи доғ яхши билиниб туради. Морфологик белгилари, ҳаёт кечириши ва фенологияси кузги тунламникига жуда ўхшайди. Ушбу зараркунанда ғўза ва ғалла экинларидан ташқари бедага ҳам сезиларли даражада зарар етказди [5.]

Узун мўйловли қарсилдоқ қўнғиз (*Clon cerambycinus Sem.*) ва лалми қарсилдоқ қўнғиз (*Agrotis nadari Buys*) лар симқуртлари учун буғдой ва маккажўхорининг унаётган майсалари энг қулай озуқа манбаи ҳисобланади, ҳамда баҳор фаслида унаётган дон ва ёш майсаларининг шикастланиш кўрсаткичи 50-60% га қадар етиши мумкин. Бошқа экинларда кузатилгандек, полиз экинлари ҳам илк вегетация даврида симқуртларни ўзларига кўплаб жалб қилади.

Симқуртлар кучли зарар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар турлари оилалар бўйича қуйидаги кетма-кетликдаги ўринни эгаллайди. Жумладан, дуккакдошлар ҳамда қовоқдошларнинг 3, бошоқдошлар ва итузумдошларнинг 2 тадан, шунингдек, семизўтдошлар, раъногулдошлар оилаларига мансуб ўсимликларнинг биттадан турини келтириш мумкин.

Симқуртлар ўртача даражада шикастланиши мумкин бўлган ўсимликлар 29 (35,8%) турдан иборат ва улар 13 (65%) та оилага мужассамлашган. Бу оилалар ичида бошоқдошлар алоҳида ўринни эгаллайди, чунки бу гуруҳга киритилган 29 тур ўсимликларнинг 10 (12,34%) таси айни бошоқдошлар саналади. Мураккабгулдошларнинг 4, лолагулдошларнинг 3, дуккакдошлар ҳамда итузумдошлар оилалари ҳар бирининг 2 тадан, ёнғоқдошлар, тутдошлар, отқулоқдошлар, крестгулдошлар, гулхайридошлар, лабгулдошлар ва қовоқдошлар оилаларининг биттадан тур ўсимликларига симқуртлар ўртача даражада зарар етказиши мумкинлиги қайд этилган[1].

Олиб борилган кузатувларга кўра, ушбу илдиз кемирувчи зараркунандалар кейинги йилларда Самарқанд вилоятининг суғориб деҳқончилик қилинадиган бир қатор ҳудудларида, жумладан Пастдарғом, Оқдарё, Тойлок, Ургут, Жомбой ва Булунғур туманларидаги буғдой ва такрорий сабзавот ҳамда картошка экилган майдонларга жиддий зарар етказётганлиги аниқланди.

Жумладан Ургут тумани Жўраптепа ММТПга қарашли “Худойбердиев Урал” фермер хўжалигининг 3,4 гектарлик ғалла майдонида 2017 йилнинг феврал, март ойларида тажриба кузатув ишлари олиб борилди. Олиб борилган тажрибалар давомида ушбу майдонда 25 x 25 см қилиб диагональ (шахмат) усулида даланинг 5 та жойидан намуналар олиниб, махсус элақлардан ўтказилганда, илдиз кемирувчи зараркунандалардан симкуртларнинг личинкалари (1 м² 2-5 та), дон виззилдоқ қўнғизининг личинкалари (1 м² 3-5 та), ғалла қўнғизларининг личинкалари (1 м² 3-5 та) топилди. Ушбу майдондаги олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, симкуртлар 8-12%, дон виззилдоқ қўнғизлар 9-14%, ғалла қўнғизи 10-12% тарқалганлиги аниқланди.

Хулоса. Илдиз кемирувчи зараркунандалар буғдой билан бирга такрорий экилган сабзавот ва картошка экинларига ҳам жиддий зарар келтириши аниқланган. Шу сабабли ушбу зараркунандаларга қарши курашда маҳаллий ўғитларнинг сифатига алоҳида эътибор бериш лозим. Кузатувларимиз натижаларига кўра, дала чиқарилаётган маҳаллий ўғитларнинг 30-40% чиримаган ҳолатида далага тўғридан-тўғри чиқариб юборилмоқда. Бу эса ўз навбатида илдиз кемирувчи зараркунандаларнинг (узун мўйловли қарсилдоқ қўнғиз ва лалми қарсилдоқ қўнғиз) далада кенг тарқалиб кетишига асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Агар ушбу зараркунандаларнинг тарқалиши хавfli чегара мезонидан ошадиган бўлса қуйидаги препаратлар тавсия этилади. Циперметрин 25% ли эм.к 0,3 л/га, Политрин-К 31,5% эм.к 1,0 л/га, Энджео-К, 24,7% сус.к. 0,2 л/га каби препаратларини ўз вақтида меъёрида қўллаш орқали кутилган натижага эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахмаджонова С. Симкуртлар экин зараркунандаси. ЎзҚХЖ. 2011 йил. 3 сон. 23 бет.
2. Боқиева И. Биологик усулга эътибор. Ўсимликлар ҳимояси ва карантини. 2016 й. 1 сон. 3 бет.
3. Р. Очилов, Б. Болтаев Бошоқли дон экинларини зарарли организмлардан ҳимоя қилиш. 2016 й. 1 сон 8-9 бет.
4. Поляков И.Я., Персов М. П., Смирнов В. А. Прогноз развития вредителей и болезней сельскохозяйственных культур (с парктикумом) М. «Колос» 1984. 78 - 81 с.
5. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш, ҳамда агротоксикология асослари - Тошкент: «Наврўз», 2014. 4 - 5 бет.

УДК:631.52:635.21

ДУНЁ КАРТОШКАЧИЛИГИДА ГЕНЕРАТИВ УРУҒЛАРДАН ЕТИШТИРИШНИНГ САЛМОҒИ ВА БАЪЗИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Эшонкулов Б.М., Облокулов Ф., Эргашев И.Т.
Самарқанд кишлок хўжалик институти

Аннотация. Картошка экини одатда вегетатив усул билан туганаклари орқали кўпайтирилади. Хозирги кунда дунёнинг купгина давлатларида жумладан: Хитой, Хиндистон, Россия, Перу, Миср, Бангладеш кабиларда генератив уруғлари орқали етиштириш кенг жорий этилган.

Тажрибаларимиз натижаларига кўра катрошкани ботаник уруғлари орқали кўпайтирилганда уруғлар унувчанлиги 95%, кўчатлар тутувчанлиги эса 97 % гача эканлиги аниқланди.

Annotation. Potatoes are usually propagated by vegetative means with the help of tubers. At present, in many countries: including China, India, Russia, Peru, Egypt, Bangladesh widely spread the method of growing with TPS.

The study found that when the potato was grown by TPS, the seed germination was 95%, and the survival rate was 97%.

Калит сўзлар. Генератив уруғ, резавор мева, уруғкўчат, вегитатив усул, унувчанлик, тутувчанлик.

Кириш. Картошка экини одатда вегитатив усул билан туганаклари, қаламчалари, ўсимталари ва биотехнология усули ёрдамида алоҳида тўқима, хужайралари билан кўпайтирилади. Картошканинг резавор мвасида хосил бўладиган уруғларни ўстириб олинган ўсимликлардан ҳам яхши сифатли, юқори махсулли хосил етиштириш мумкин. Аммо бу уруғлар аксарият ҳолларда гетерозигота ҳолатида бўлганлиги учун бир хил авлодни таъминлай олмайди, натижада туганак сифати ва хосилдорлиги бўйича турлича бўлиши мумкин. Уруғ кўчатида ажралиш ходисаси ва уруғдан ўстириш кўп меҳнат талаб қилганлиги ҳамда мураккаблиги туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида кенг тарқалмаган. Бу усул яъни картошкани генератив уруғидан ўстириш усули селекция ишида кенг қўлланилади.

Агар ажралиш ходисасига чидамли навлар яратиб, ўсимлик учун қулай тупроқ-иқлим ва агротехнология қўлланилса генератив уруғлар ёрдамида яъни экинни жинсий кўпайтириш мумкинлиги аниқланган. Хозирги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида картошкани генератив уруғлардан етиштириш кенг йўлга қўйилган (1-жадвал).

1-жадвал

Дунёда картошкачилиги ва унда генератив уруғлардан етиштиришнинг салмоғи

Давлатлар	Туганаклари орқали картошка етиштириш (x1000 га)	Шундан генератив уруғлари орқали етиштириш, %		
		1995 йил	2000 йил	2005 йил
Хитой	2500	0.8	0.8	<1
Ҳиндистон	1000	0.1	1	18
Бангладеш	125	<0.1	0.1	20
Перу	180	0.1	0.3	5
Миср	80	0.1	0.1	10
Индонезия	42	1.5	0.5	<1
Ветнам	30	<0.1	0.1	10
Филиппин	6	2.5	0.2	<1

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики кейинги йилларда картошкани ботаник уруғларидан фойдаланиб етиштириш салмоғи ошиб бормоқда.

Бизнинг институт олимлари томонидан картошкани уруғидан ўстириб юқори хосил олиш борасида илмий-тадқиқот ишлари, хозирга қадар ўтказилмоқда. Тажрибаларда уруғ кўчат ўстириш усуллари - парникда, иссиқхонада ва тўғридан тўғри дала шароитида ўстириб юқори хосил етиштириш усуллари ишлаб чиқилган.

Генератив уруғлардан етиштириш Ўзбекистон шароитида (қуруқ ҳаво ва юқори харорат) навларнинг мава (резавор) хосил қилишига боғлиқ. Бунинг учун биз бир неча йиллар давомида картошка



КАРТОШКАНИНГ ГУЛИ, МЕВАСИ ВА БОТАНИК УРУҒИ

навларининг резавор хосил қилиш имкониятларини ўрганиб чиқдик.

Картошка меваси- икки уяли, кўп уруғли яшил резавордир. Узунлиги 1,5-3,2 см (навларда хар-хил). Мевасида 600 тагача уруғ хосил булади. Резаворлар гуллаш вақтида вояга етган чанглар билан уруғланган навларда ҳамда частиштириш натижасида хосил бўлади ва кучли, ўртача, кучсиз ҳолатда бўлиши мумкин, хатто резавор хосил бўлмалиги ҳам мумкин.

Резавор хосил бўлиши навларнинг биологик хусусиялари, гулларнинг ривожланиши, хавонинг харорати, намлиги, тупроқ-иқлим шароитларига ҳам боғлиқ. Ўзбекистон шароитида айрим картошка навларининг гуллари тўкилади ёки умуман хосил бўлмайди, айримларида жуда кам гул хосил бўлиб резавор хосил бўлмайди.

Академик С.М. Букасовнинг маълумотларига кўра бир қанча узоқ шаклли дурагайларда мева хосил бўлиши камдан кам 48- 67 % гача етиши ва хар бир резаворда нолдан 48-68 уруғ хосил бўлган.

Тажриба натижалари. Биз тадқиқотларимиз учун картошканинг генератив уруғларини Бутуниттифоқ (ҳозирги Бутун Россия) ўсимликшунослик институти (ВИР)нинг жаҳон коллекцияси картошка навларининг резавор меваларидан, Москванинг “Седек” фирмасидан ва маҳаллий шароитда етиштирилган картошканинг ботаник уруғларидан Самарқанд иқлими шароитида селекцион ва уруғчилик мақсадда фойдаланишни ва уруғчилигини йўлга қўйишни мақсадқилиб қўйдик.

Кўп йиллик ўтказган тажриба ва кузатишлар натижасида картошка навларини тоғолди худудларда, дайровот далалари ва текислик шароитида ўстириб қуйидаги хулосага келдик. Энг яхши туганак хосил бўлиши намлик баланд ва харорат паст бўлган - тоғли ва дайровот шароитларида кузатилди. Бизнинг тажрибаларимизда Сабзавот-полиэ экинлари ва картошкачилик ИТИ нинг Самарқанд илмий тажриба станцияси (Тайлоқ тумани)да бир неча навларда кузатишлар олиб борилди ва навлар ичида энг яхши (кучли) резавор мева Сурхан-1 навида, ўртача - Курада ва Триумф навларида ва кучсиз хосил қилиши Сантэ, Баллада ва Реванш навларида бўлганлиги кузатилди (2-жадвал). Уруғларнинг унувчанлигини лаборатория шароитида ва дала тутувчанлигини дала шароитида ўргандик. Унувчанлик айрим навларда жуда юқори- Журавника -91%, Неяда-92%, Триумф-88%, Сурхан -1 - 85%, Сантэ- 87% бўлган. Энг яхши тутувчанлик Сурхан-1- 94%, Курада -93%, Триумф -84% бўлганлиги кузатилди.

2-жадвал

Картошка навлири уруғларининг унувчанлиги ва кўчатларнинг тутувчанлик кўрсаткичлари.

№	Намуналар номи	Уруғлар сони	Уруғларнинг унувчанлиги, %	Кўчатларнинг дала тутувчанлиги, %	Резавор хосил қилиш даражаси
	Сурхан-1	1000	85	94	+++
	Сантэ	1000	87	92	+
	Куроода	1000	81	93	++
	Аврора	1000	77	85	
	Наяда	1000	92	88	
	Чародей	1000	78	86	
	Журавника	1000	91	93	
	Триумф	1000	88	94	++
	Баллада	1000	75	86	+
	Реванш	1000	70	65	+

+++ кучли, ++ ўртача, + кучсиз

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон шароитида ҳам тегишли навларни танлаб, қулай шароит туғдириб картошканинг резавор мевалари ва генератив уруғларини хосил қилиш мумкин ҳамда генератив уруғларни селекция жараёнида фойдаланиш ва ишлаб чиқариш шароитида юқори сифатли картошка етиштириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдукаримов Д.Т., Остонакулов Т.Э. Рекомендации по выращиванию семенного картофеля путем летней посадки свежесобранными клубнями. 1983г.
2. Остонакулов Т.Э. Сабзавот экинлар биологияси ва ўстириш технологияси. Тошкент, 1997.
3. Эргашев И.Т. Картошкани икки ҳосилли уруғчилиги учун дастлабки материал яратиш. Самарқанд. 1994.
4. Букасов С.М., Камераз А.Я. Селекция и семеноводство картофеля Москва, Колос, 1972.
5. Научные отчеты НИИСВиВ им. Р.Р.Шредера за 2001 - 2012 гг.
6. Jane Muthoni, Hussein Shimelis, and Rob Alleviating potato seed tuber shortage in developing countries: Potential of true potato seeds Melis Australian journal of group science. AJCS 7(12):1946-1954 (2013)

УДК: 635.31

КАРТОШКАЧИЛИКДА ЎСИМТАЛАРИДАН ЎСТИРИШ

Санаев С.Т., Амиров Х.С.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация: Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида картошканинг янги яратилган ва чет элдан келтирилган навларини уруғлик материалларини таннархини арзонлаштириш ва иктисодий самарадорлигини ошириш мақсадида картошкани истиқболли навларини ўсимталаридан ўстирилиб гектаридан 22-25 тоннагача ҳосил олинмоқда.

Abstract: Abstract: Today the conditions of new and imported varieties of potato seeds in order to increase economic efficiency and reduce the cost of materials protruding from the perspective potato varieties to grow 22-25 tonnes per hectare is harvested.

Калит сўзлар: 30-50, 50-80, 80-100 граммлик уруғлик туганаклар, истиқболли навлар, ўсимталардан ўстириш, 1-репродукцияли, уруғлик туганаклар, кўчатхона, қорақум, илдизи бақувват, йўғон пояли, чинбарг, тугувчанлиги, ҳосил чиқими, товар ҳосил.

Картошкачиликда арзон тан нархли уруғлик етиштириш ҳозирги кунга қадар долзарб муаммо ҳисобланади. Шу боис биз тажрибаларимизда картошканинг Ўзбекистонда янги яратилган ва чет элдан келтирилган истиқболли навлар тўпламини туганаксиз ўсимталаридан ўстириб унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини илмий асосда баҳоладик.

Картошка навлари туганакларидан ўсимта олиш жараёни. Танланган картошка навларини ўсимталардан ўстириш учун соғлом, навга хос 30-100 граммлик маҳаллий 1-репродукцияли уруғлик туганаклари олинди.



Ушбу туганаклар навлар бўйича алоҳида - алоҳида экишдан 18-23 кун олдин ёруғ 12-15 °С ли иссиқ ҳароратли хоналарда 2-3 қатлам қалинликда ёйилиб нишлатилди. Натижада бақувват, яшил 0,5-1,0 сантиметр узунликдаги ўсимталар ҳосил бўлди. Сўнгра нишлатилган уруғлик туганаклар усти плёнка билан ёпилган кўчатхонага бир қават ёйилиб, 6-7 см қалинликда қорақум билан кўмилиб, кўкартирилди. Шундай экилган уруғлик туганаклардан 18-27 кун ўтгач қорақум бетида узунлиги 12-15 сантиметр бўлган ўсимталар етиштирилди. Улар туганакдан синдириб олиниб, 3-5 кун нам тупроққа ёки қорақумга кўмиб қўйилди.



Туганакдан синдириб олинган ўсимталар илдизи бақувват, йўғон пояли, 3-5 та чинбарг ҳосил қилганлиги учун тутувчанлиги билан характерланди.



Етиштирилган ўсимталардан картошка етиштириш технологияси агротавсияномага (1998) мувофиқ ўтказилди.

Тадқиқот олиб бориш учун кузги буғдойдан бўшаган ер майдони танланди. Танланган дала кузда 20 т/га ярим чириган гўнг, P₉₀K₇₅ соф модда ҳисобида солиниб, 28-30 сантиметр чуқурликда шудгорланди. Шундан сўнг эрта баҳор далага қишлоқ хўжалик техникалари кириши билан чизель, борона қилиниб, гектарига 30 кг соф фосфор ҳисобида ўғитланиб, қатор ораси 70 сантиметр қилиниб, жўяклар олиб қўйилди. Ҳар бир уруғлик туганакларидан етиштирилган 12-15 см узунликдаги ўсимталар 9-10 март кунлари тажриба схемасига мувофиқ 70x20 см схемада ҳар бир уяда 2 та ўсимтадан экилди. Ўсимталар далага ўтказилгач, дархол суғорилди.



Картошка ўсимта ўсимликларининг кейинги парваришlash тадбирлари кўчат экинлардан фарқланмади, яъни 2 марта чопик, 4 марта культивация, 2 марта азотли ўғитлар билан (N_{150}) озиклантириш, 8-9 марта суғориш ўтказилди.

Ўсув даври охирида палаклар сарғайиб, остки барглар қуригач, ҳосил қўлда йиғиштириб олинди, ҳар бир нав ҳосили алоҳида тортилиб, умумий ва товар ҳосилдорлик аниқланди.

Картошка ҳосили кўп жиҳатдан кўчат қалинлигига боғлиқ. Кўчат қалин бўлса, майдон бирлиги ҳисобига ўсимлик сони кўп бўлибгина қолмай, экинзорларнинг фитоиклими ҳам яхшиланади, яъни тупроқ нисбатан кам қизийди, ҳарорат пасаяди ва ўсимликлар орасидаги ҳаво намлиги ошади. Натижада картошканинг ўсишига, туганак ҳосил қилишига ва ҳосилдорликнинг ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ажратилган картошка навларнинг нишлатилган ўртача 100 дона уруғлик туганаклардан олинган ўсимталар чиқими ўртатезпишар навларда 262 - 400 донани (энг юқори Aladin, Romano, Marfona, Memphis навларида) ташкил этди. Тезпишар навларда ушбу кўрсаткич 280-356 донани (энг юқори Снегир, Қувонч-16/56 м, Дельфин навларида), ўртапишар навларда эса 356-412 донадан (энг юқори Ҳамкор-1150, Arinda, Альтаир навларида) иборат бўлди.

Етиштирилган ўсимталар 7 мартда 70x20x2 см схемада экилиб дарҳол суғорилди.

Маълумотларнинг кўрсатишича, картошка навлари ўсимталаридан ўстирилганда ҳосилдорлик гектаридан 11,6 тоннадан 21,6 тоннагача кўзатилди. Ўртатезпишар навларда энг юқори ҳосил чиқими Romano (20,8 т/га), Kondor (20,7 т/га), Marfona (19,7 т/га), Memphis (19,2

т/га) навларида кузатилган бўлса, тезпишар навларда Дельфин (18,7 т/га), Қувонч - 16/56 м (17,1 т/га), ўртапишар навларда эса Arinda (21,5 т/га), Ҳамкор-1150 (19,6 т/га), Альтаир (18,7 т/га) навларида қайд этилди. Ҳосилдорлик жиҳатдан энг паст кўрсаткич Valbina (11,6 т/га), Даренка (12,0 т/га), Аспия (14,0 т/га), Arkadia (14,1 т/га) навларида кузатилди. Картошка навлари ўсимталаридан ўстирилиб етиштирилган ҳосилнинг товарлиги 87,0-97,0 % дан иборат бўлди.

Ўрганишларимизнинг яқунлари асосида хулоса қилиш мумкинки, соғлом юқори тутувчан талабларга жавоб берадиган ўсимталар чиқимида ва ундан олинадиган ҳосилдорликни оширишда албатта картошка навларини, уруғлик туганаклар вазнини тўғри танлашга, ҳамда ўсимталар етиштириш агротадбирларни ўз вақтида сифатли амалга ошириш муҳим аҳамият касб этар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Санаев С.Т., Қўйлиев Н., Алиқулова Н. - Картошкани туганак ва ўсимталаридан етиштирилган уруғбоп ҳосилни икки ҳосилли экин сифатида ўстириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 2015, 4, 35 - бет.
2. Hamzaev A., Astanakulov T., Sanaev S. - The result of Choosing Varieties to produce Early potatoes in the Southern Regions. Rastenovodnie nauki. Bolgaria. 2015. 81-84 pages.
3. Санаев С.Т., Ҳамзаев А.Х. -Технология выращивания сортов картофеля ростками. Пенза. 2016. 167-171 стр.

УДК: 631,175:635,21

КАРТОШКА ГОЛЛАНДИЯ НАВЛАРИНИНГ ИККИ ХОСИЛЛИ ЭКИН СИФАТИДА ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ХОСИЛДОРЛИГИ ВА УЛАРНИ ЁЗГИ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ

**Нишонов Н.Т., Қулатов Б.Қ., Толлибоев О.М.
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти**

Аннотация. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимлари томанидан 2000-2004 йиллар давомида ўтказилган илмий изланишлар натижалари асосида Картошка Голландия навларининг иккиҳосилли экин сифатида ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва уларни ёзги экиш муддатлари баён этилган.

Зарафшон водийсининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида илқбор картошканинг Голландиядан келтирилган турли навлар тўплами иккиҳосилли экин сифатида ўстирилиб, ҳар томонлама баҳоланган. Турли ўстирувчи стимуляторлар ва фунгицидлар таъсирида уруғлик туганаклар биокимёвий таркибининг ўзгариши ўрганилди. Муайян шароитда иккиҳосилли экин сифатида ўстиришга мос истиқболли навлар ва ўстирувчи стимуляторлар танланди ҳамда уларни ўстириш технологиясининг асосий элементи-қулай экиш муддати асосланган.

Abstract. The is summary the work of scientists of Samarkand Agrikultural Institututi fo the period of 2000-2004 dedicated to the study the Holland potatoes in the quality of twiceharvesting, developing, haveststness and their summer periods of planting.

Different sorts of potatoes brought from Holland as twiceharvesting plant are grown early irrigated soil of Zarafshan valley, and they are stimulat stimulators . We found out biochemical composition changes under the influence different growing stimulators and fungisids .We selected new sorts and growing stimulators of twice - harvested plants in such conditions and also their main elements of planting periods and growing technology.

Калит сўзлар: иккиҳосилли, стимулятор, фунгицид, истиқболли навлар.

Кириш. Картошкачилик дунё дехқончилигида, шу жумладан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида асосий ривожланаётган соҳолардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда республика "Агровир" фирмаси ташкил этилиб, бошқа давлатлар фирма мутахассислари билан ҳамкорлик тажриба алмашиш, турли уруғ, техника ҳамда ўстириш технологияларни келтириб синаш, такомиллаштириш ва бошқа бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Картошка майдони ҳозирги вақтда 50-52 минг гектарга етказилиб, 680-731 минг тонна ялпи ҳосил олинди. Бунга албатта республика шароитида бажарилган илмий тадқиқот натижалари, илғорлар тажрибаси ва дунёга машхур технология, фан-техника ютуқдарини жорий этиш орқали эришилди.

Четдан келтирилаётган уруғлик туганаклар 50 дан зиёд бошқа тупроқ- иқлим шароитида яратилган навларга хос бўлиб, бизнинг иссиқ ва қуруқ иқлимимизга реакцияси турлича. Шу туфайли юқори ҳосил берадиган мақсадга мувофиқ навларни танлаш ва уруғчилигини ташкил этиш алоҳида ўрин тутди. Картошкачиликни ривожлантиришнинг асосий йўлларида бири ҳосилдорликни ошириш ва замонавий хусусий уруғчиликни ташкил этиш ҳисобланади. Зарафшон водийси шароитида хусусий уруғлик картошка етиштириш, вирусли ва экологик айнишга қарши кўрашишда картошка навларини тўғри танлаб, иккиҳосилли экин сифатида ўстириш муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда хўжаликларга Голландия, Германия ва бошқа чет давлатлардан уруғлик картошканинг келтирилиши иккиҳосилли экинга мос навларни танлаш ҳамда уларни такрорий экин сифатида ўстириш технологиясининг асосий хусусиятларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш лозимлигини тақазо этмоқда. Шуни ҳисобга олиб, биз четдан келтирилаётган картошка навлар тўпламини иккиҳосилли экин сифатида баҳолаш ҳамда ўстириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказдик.

Материал ва методлар. Дала тажриба объекти қилиб картошканинг Голландиядан келтирилган 31та, битта СамҚХИ да яратилган (Бухро-30) навининг 1-махаллий репродукция уруғлик туганаклари олинди. Стандарт сифатида - картошканинг Давлат реестрига киритилган, районлаштирилган тезпишар Зарафшон, ўртатезпишар Огонёк ўртапишар Диамант навлари 1-махаллий репродукция уруғлик туганаклари олинди. Барча синалган навлар эртаги (баҳорги) муддатда ўтмишдош экин-кузги бугдойдан бўшаган ерларга 8-15 мартда 70х25 см схемада, ёзда эса қайта янги қовланган туганаклардан кузги бугдойдан бўшаган ерларга 28 июнь 4 июлда 70х20 см схемада экиб ўрганилди. Ҳар бир нав бўйича баҳор ва ёзги муддатда делянканинг майдони 28 м², такрорлар сони 3 тани ташкил этди. Турли ўстирувчи стимуляторларнинг картошка Сантэ нави уруғлик туганаклар биокимёвий таркиби, дала унувчанлиги, тупнинг шаклланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида 2 та таркибда:

1. Мавжуд таркибда (100 л сувда 1,0 кг тиомочевина, 1,0 кг радонли калий, 0,5 г гиббериллин, 2,0 г қахрабо кислота. 4,5 кг ТМТД эритмаси).

2. Синалган ва тавсия этилаётган таркибда (100 л сувда 1,0 кг тиомочевина, 1,0 кг радонли калий, 0,5 г гиббериллин, 10 литр Рослин эритмасида) 1,0-1,5 минут давомида ишланиб, 28-30 июнда 70х20 см схемада 8-10 см чуқурликда экилиб, таққосланди. Делянканинг майдони - 28 м², такрорлар сони - 3 та.

Эртаги ва иккиҳосилли экинга мос, танланган истиқболли навларнинг қулай экиш муддатининг чегарасини белгилаш мақсадида 3 та экиш муддати: 3-5; 13-15 ва 23-25 июлларда 70х20 схемада экилди. Делянка майдони 28 м², такрорлар сони 4-та бўлди.

Дала тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинни парваришlash, экинни йиғиш ва ҳисоблаш Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги (1983, 1989, 1990, 1998), Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти (ВИР, 1984, 1986), Бутунроссия картошка хўжалиги илмий тадқиқот институти (НИИКХ 1967, 1989), Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти (1978), СоюзНИХИ (1983), Қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини синаш бўйича Давлат нав синаш комиссияси (1974) кабилар услуби ҳамда тавсиялари асосида олиб борилди.

Тадқиқотлар жараёнида тажриба участкаларида қуйидаги ҳисоблаш, кузатиш ва анализлар олиб борилди:

- Тажриба даласининг агрокимёвий таърифи аниқланди.

Бунда тупроқ хайдалма ва хайдалма ости қатламидаги гумус И.В.Тюрин усулида (1980), ялли азот, фосфор, калий Мальцова ва Гриценко усулида (1983) ҳамда нитрат азоти Грандваль-Ляжу усулида (1980), ҳаракатчан фосфор - Б.П.Мачигин усулида (1980), алмашинувчи калий П.В.Протасов усулида(1980)аниқланди.

- Ўсимлик ва туганакларни вирусли касалликлар ва вируслар билан очик (куз билан) ва яширинчи зарарланиши серологик ва иммунофермент анализлар ёрдамида аниқланди (Методический указаний по серологической диагностике вирусов и бактерий, поражающих картофеля. М.. 1972).

- Умумий ҳосилдорлик ва товар уруғбоп ҳамда айниган туганаклар чиқими аниқланди (НИИКХ 1967);

- Ҳосилдорлик кўрсаткичлари дисперсион анализ усулида статистик ишланди (Б.А.Доспехов, 1985);

Эртаги ва иккиҳосилли экинга танланган навлар туганакларини ўстирувчи стимуляторларда ишлаб, қулай муддатларда экиб картошка етиштиришининг иқтисодий саарадорлиги Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот института (НИИКХ 1989) услуби бўйича ҳосилланди.

Натижалар ва уларнинг тахлили. 1. Эртаги экин сифатида картошка навлар тўпламини баҳолаш натижасида улар униб чиқиши, шоналаши, гуллаши, палак сарғайишларнинг рўй бериши, ўтиши ва тезпаширлиги бўйича кескин фаркланди. Тезпишар навлардан - Остара, Бинелла, Импала, Космос, Азиза, Конкорде; ўртатезпишар навлардан-Сантэ, Авзония, Провенто, Никита, Курадо, Бахро-30, Марфона, Рая кабиларда униб чиқиш, шоналаш ва гуллаш стандарт Зарафшон ва Огонёк навларига нисбатан 3-4 кун олдин кузатилиб, гуллашдан-палак сарғайишгача бўлган давр тезпишар навларда 42-46, ўртатезпишар навларда 46-50, ўртапишар навларда- 50-52 кунни ташкил этди.

2. Эртаги экин қилиб навлар тўпламини ўрганиш асосида улар стандарт навларга нисбатан ўсимлик тупининг шаклланиши бўйича сезиларли ўзгариб, баланд бўйли (78,5-94,0 см), серпояли (4,0-5,2 дона), кўп барг сатҳили (0,77-1,04 м²), бақувват палак (220,5-260,4 г) ва илдиз тизимини (17,2-25,7 г) ялли гуллаш давригача жадал шакллантириш тезпишар навлардан-Остара, Бинелла, Космос, Сигнал; ўртатезпишар навлардан Кондор, Пикассо, Сантэ, Бахро-30, Агрива, Марфона кабилар ажратилди. Ўртапишар навлар эса энг паст кўрсаткичли бўлди.

3.Синалган барча навлар умумий ҳосилдорлиги гектаридан 12,3 дан 27,4 тоннагача ўзгарди. Энг юқори ҳосилдорлик (20,0-27,4 т/га). Тезпишар навлар Бинелла, Остара; ўртатезпишар навлар - Кондор, Пикассо, Сантэ, Романо, Марфона, Бахро-30 кабилар экилганда олиниб, қўшимча ҳосилдорлик гектаридан 5,1-11,6 тоннани ёки 32,2-73,4 % ни ташкил этди. Шунда ҳар гектардан энг кўп 19,9-26,8 тоннадан ошириб товарбоп, шунинг 48,7-54,8 % и уруғбоп туганаклар ҳосили олинди.

4.Ёзда янги ковлаб қайта иккиҳосилли экин сифатида экилган картошка турли навлар уруғлик туганаклар дала унвчанлиги ва туп қалинлиги ҳар хил бўлиб, тез ҳамда тўла унвчанлик (экилганнинг 30 нчи куни 80 % дан зиёд) тезпишар-Бинелла, Космос; ўртатезпишар-Сантэ,Кондор, Романо, Пикассо каби навларда аниқланиб, ҳақиқий туп қилинлиги гектарда 57,4-60,0 мингни ташкил этди.

5. Турли навлар ёзда янги ковланган туганаклардан экилганда нисбатан баланд бўйли (74,6-83,0 см), серпоя (2,2-2,7 дона) ва баргланган, бир тупда 0,5 м², гектарда эса 30 минг м² барг сатҳи ҳосил қилган ўсимликлар тезпишар - Остара, Бинелла, Космос, Сигнал; ўртатезпишар Сантэ, Кондор, Романо, Марфона, Пикассо навларида қайд қилинди.

6.Энг юқори махсулдорлик палак ҳамда туганак ҳосил бўлишининг жадал бориши ўртатезпишар-Кондор, Сантэ, Бахро-30, Пикассо, Романо Марфона; тезпишар-Бинелла, Остара каби навлар экилганда кузатилди.

7.Гектаридан 18-20 тонна ва зиёд товар ҳосилдорлик тезпишар -Бинелла, Остара; ўртатезпишар-Кондор, Сантэ, Бахро-30, Пикассо ва бошқа навлар ёзда янги ковлаб, қайта

иккиҳосилли экин сифатида ўстирилганда олиниб, шунда танланган навлар йиллик ҳосилдорлиги гектаридан 35-40 тонна ва зиёдни ташкил этди.

8. Янги ковланган уруғлик туганаклар турли ўстирувчи стимуляторлар ва фунгицидларда ишлангач, биокимёвий таркиби текширилганда, айниқса синалаётган таркибда ишлангандан сўнг 2 нчи суткадан бошлаб куруқ модда ва крахмал 0,3-0,5 % га, аскорбин кислота 1,95 мг фоизга камайгани, лекин қанд миқдори 0,73 %га, -сувда эрувчи оксил ҳам 0,10 % га ошгани кузатилди. Уруғлик туганаклар дорилангач 4 нчи куни ундаги қанд 2,32 % ни, 6 нчи куни- 2,97 % ни, 8 нчи куни-3,16 % ни ташкил этиб, крахмал миқдори 12,4 % гача камайди.

9. Ёзда ковлаб, қайта экиладиган картошка Сантэ нави уруғлик туганаклари синалган таркибдаги ўстирувчи стимуляторлар ва фунгицидда ишланганда, мавжуд таркибга нисбатан экилганнинг 15 нчи куни унувчанлик 5,2% га, 20 нчи куни-7,5 %га, 25 нчи куни-6,9 %ги, 30 нчи куни-3,0 %га зиёд бўлиб, тез, тўла ва қийғос туп сонни таъминлади ёки дала унувчанлик 88,3 % ни ташкил этди. Бундан ташқари ўсимлик бўйи 3,5 см, пояси 0,8 дона, палак вазни 22,5 граммга ва илдиз вазни 2,3 граммга зиёд эканлиги аниқланиб, вируслар билан очиқча касалланмаганлиги, яширинча эса 5,3-8,4 % гача касалланиши қайд этилди.

10. Синалаётган таркибда ишланган туганаклар экилганда ҳосилдорлик гектаридан 20,5 тоннани, шундан 19,9 тоннаси ёки 96,7 % и товар ҳосил бўлиб, мавжуд таркибга нисбатан гектаридан 4,6 тонна қўшимча товар ҳосил олишни таъминлади.

11. Картошкани иккиҳосилли экин сифатида янги ковланган туганаклардан экиб ўстиришнинг қулай экиш муддатининг чегарасини белгилаш натижаларининг кўрсатишича, ёзда 13-15 июлгача экиш ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши, илдиз, палак ва етарлича туганак ҳосилининг шаклланишига имкон туғилади. Шунинг учун картошка Сантэ ва Бахро-30 навлари иккиҳосилли экин қилиб 3-5 июлгача экилганда, гектаридан 15 тоннадан, 13-15 июлгача экилганда эса 12 тоннадан ошириб товар ҳосил олишни таъминлади. Самарканд вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз Тупроқлари шароитида картошкани эртаги ва иккиҳосилли экинлар сифатида ўстириш мақсадида:

- танланган тезпишар -Бинелла, Остара; ўргатезпишар-Кондор, Сантэ, Бахро-30, Романо, Марфона навларини;

- ёзда янги ковланган уруғлик туганакларини синалган таркибдаги ўстирувчи стимуляторлар ва фунгицид (100 литр сувда 1,0 кг тиомочевина, 1,0 кг радонли калий, 0,5 грамм гиббериллин ва 10 литр Рослин) эритмасида 60-90 секунд давомида ишлаш;

Нишлатилган ва экишга тайёр уруғлик туганаклар июль ойи биринчи ярмидан кечиктирилмасдан экишни таклиф ва тавсия этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А.-Дехқончилик тараққиёти фаравонлик манбаи. Т.. Ўзбекистон, 1994 й.
2. Абдукаримов Д.Т., Остонақулов Т.Э. -Эртаги картошкadan юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича тавсиялар. Самарканд, 1982 й.
3. Абдукаримов Д.Т., Остонақулов Т.Э., Курбонов Т.К. - Рекомендации по выращиванию семенного картофеля путём летней посадке свежееубранными клубнями. Самарканд, 1983 й.

УДК:633.854:631.52:631.51

КУНГАБОҚАРНИНГ ЯНГИ ДУРАГАЙЛАРИНИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛГИЯСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

**Луков М.Қ., Лукова И.М.
Самарканд қишлоқ хўжалик институти**

Аннотация: Гетерозис қобилиятга эга инцухт линиялар ўзидан мажбуран чаглатилган линияларнинг 6-7 ва баъзан ундан кейинги авлодларидан олинади. Инцухт линияларнинг ўзгармас шакллари бир-бири билан чатиштирилиб дурагайлар олинади. Иссиқ иқлимли

Сурхондарё вилояти шароитида кунгабоқарни плёнка остида ўстириш туфайли инсукт линияларнинг бир йилда иккита авлоди олинади. Кунгабоқарнинг Бир йилда икки авлодини ўстириш ҳисобига тезкор усул билан кунгабоқарнинг янги Машъал F1 дурагайи яратилди.

Abstract: Geterozis ability to self intsuxt lines forced dusting lines 6-7, and sometimes it is taken to the next generation. Intsuxt lines unchanged forms were hebreded with one another. Due to the hot climate region of sunflower growing film under the conditions of intsuxt lines in two generations. Due to the growing generation a year among the lines to create hybrids one more time accelerated.

Калит сўзлар: Кунгабоқар, дурагай, технология, калта поя, плёнка ости, майдон ҳисобидаги ўсимликлар, тезпишар, ҳосил элементлари, бир йилда икки ҳосил, тезкор, гетерозис, соф даромад.

Key words: Sunflower, short-stemmed, the film underground, control ripening, elements of harvest, twice harvest in a year, rapid method intsuxt line, Constance form, geterozis, hybrid of among the lines.

Кириш: Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғриси даги” қонуннинг 1 моддасида “Қишлоқ хўжалик экинлари селекциясининг ютуғи **нав ва дурагайдир** “- деб кўрсатилган. [1., 5.]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008-йил 22-январдаги «2008-йилда Республика аҳолисини мой маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, ҳудудларда мойли экинларни етиштириш ва уларни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги кўрсатмасига кўра ва топшириққа асосан Республикамизнинг турли вилоятларида мойли экинларнинг майдони бир мунча кенгайтирилди. Жумладан 2017 йил, Ўзбекистоннинг суғориладиган 33,8 минг гектар ерларида кунгабоқар ўстириш ва 20 га/ц. ҳосил олишга эришиш режалаштирилган.

Мавзунинг долзарблиги: Маълумки кунгабоқарнинг навларига нисбатан биринчи авлод дурагайлари кўп ўстирилади. Шунингдек экилаётган навларга нисбатан, гетерозисли дурагайлар 25-35 % ва ундан кўпроқ ҳосилдорликни таъминлайди. [1., 5.]

Материаллар ва методлар: Илмий тадқиқотлар ўтказиш учун **объект** сифатида Бутун Россия мойли экинлар ИТИ, Ўзбекистон ўсимликшунослик ИТИ, Ўзбекистон толали ва мойли экинлар тажриба станцияси ва Самарқанд ҚХИ селекциясига оид коллекция намуналаридан фойдаланилди. Дала тажрибалари Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари шароитларида ўтказилди.. Тажрибалар бир йилда кунгабоқарнинг икки авлодини олиш учун, турли ўстириш шароитлари:- очиқ ерда ва сунъий иситилган иссиқхонада ва плёнка остида ўстириш усулида олиб борилди. Тажрибаларни ўтказишда, Бутун Россия мойли экинлар ИТИ, Бутун Россия ўсимликшунослик ИТИ, Ўзбекистон ўсимлик шунослик ИТИ, ҳамда Давлат Нав Синовининг умумқабул қилинган методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотлар натижалари: Кунгабоқарнинг бир йилда икки авлодини ўстириш ҳисобига тезкор усул билан яратилган кунгабоқарнинг янги Машъал F1 дурагайи тезпишар, ўсув даври 77-78 кун, асосий ва такрорий экин сифатида экилганда юқори ҳосилдорликка эга бўлади. Ўсимлик бўйи 130-135 см, пистаси қора тусли, 1000 уруғининг массаси 86-88 г. Уруғдаги мой миқдори 50%. Андоза дурагай (31 ц/га)га нисбатан 5-7 ц/га кўшимча ҳосилдорликка эга. Янги дурагайнинг фотосинтетик қобиляти юқори, фузариоз, ботритис склеротина ва занг касалликларига чидамли. Пистаси пўчоғининг қалқонлилиги 99-100% кунгабоқар куяси билан мутлақо зарарланмайди. Ҳосилини комбайнда йиғиштириб олишга қулай.

Бу дурагайдан юқори ҳосилдорликка эришиш учун, асосий ва такрорий экинлар сифатида гектарига 57,5 минг туп қалинликда ўсимлик ўстириш ёки уруғларни 70x25. схемада экиш олди 10 тонна чириган гўнг, фосфорли ўғитлардан соф ҳолда гектарига 145 кг ва калийли ўғитлардан 185 кг қўллаш тавсия этилади. Азотли ўғитлардан соф ҳолда 60 кг экиш билан бир вақтда бериш, парваришда азотли ўғитлардан майсалаш даврида 60 кг ва саватча пайдо бўлиш олдидан 80 кг меёрда озиклантирилади. Асосий экин сифатида ўстирилганда 4-5 марта суғориш мақсадга мувофиқ. Гуллаш фазасида 2 марта кўшимча сунъий ччанглантиш таъсирида

эртаги муддатда экилган кунгабоқарнинг ҳосилдорлиги 12-15%, такрорий экин сифатида ўстирилган кунгабоқарнинг ҳосили 27-33% ошади.

Машъал F₁ дурагайдан асосий экин сифатида гектаридан 37-38ц/га ҳосил етиштирилади ва унинг бир гектаридан 1700-1800 литр ёғ ва 1800-1900 кг кунжара ажратиб олинади. Бошоқли дон экинларидан бўшаган ерларда, Машъал F₁ дурагайи такрорий экин сифатида ўстирилса 80-85 кун давомида 31-32 ц/га унинг ҳосилидан 1400-1450 литр мой ва 1600-1650 кг кунжара ажратиб олинади. Кунгабоқарнинг Машъал F₁ дурагайдан асосий экин сифатида гектаридан 5 млн 400 минг сўм, такрорий экин сифатида ўстирилганда 4 млн 100 минг сўм соф даромад олинади.

Хулоса: Кунгабоқарнинг янги дурагайининг биринчи авлод ўсимликлари калтапояли ва ўсимлик тупининг ихчам, саватча йириклиги бир хил бўлиши каби хусусиятлари билан, майдон ҳисобида маҳсулдорлик курсаткичлари юқори ўсимликларнинг кўпроқ жойлашиши таъсирида юқори ҳосилдорлик ва кўп самарадорликка эга бўлади. Кунгабоқарнинг янги яратилган оддий линиялараро Машъал F₁ дурагайдан экилиб келинаётган навларга нисбатан 35-37 % ва дурагайларга нисбатан 16-20% кўп ҳосил олинади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Абдукаримов Д.Т “Кунгабоқар экини селекцияси ” // Дала экинлар хусусий селекцияси Т. 2007. 398-420 б.
2. Пустовойт В.С Подсолнечник М. Колос. 1967 с 27-44.
3. Тихонов О.И. Бочкарев Н.И Дьяков А.Б Биология, селекция и возделывание подсолнечника М. Агропромиздат 1991
4. Либенко Н.А. «Семеноводство гибридов подсолнечника»-//Сборник докладов международной научно-практической конференции- «Современный проблемы научного обеспечения производства подсолнечника» Краснодар. 2006. 34-38.с.
5. Луков М.Қ - “Два урожая семян подсолнечника в году”. Кишоварз, журнал “Земледелец” 1(41) Тожикистон аграр университети. Душанбе 2008 й.
6. Гаврилова В.А., Анисимова И.Н //Особенности инцухта и наследования признаков//Подсолнечник Санкт-Петербург

УДК:633.854:595.70

КУНГАБОҚАР ЎСИМЛИГИДА ОҚҚАНОТ (*BEMISIA TABACI* GENN.) ГА ҚАРШИ ПАРАЗИТ ЭНКАРЗИЯНИНГ САМАРАСИ

Пўлатов О.А., СамҚХИ ассистенти.

Аннотация. Кунгабоқар ўсимлигида зарар келтирувчи оққанотнинг табиий кушандаси бўлган энкарзия (*Encarsia Formosa*) нинг биологик курашдаги самарасини ўрганиш. Энкарзия оққанотлар популяцияси сонини камайтиришда аҳамияти катта.

Калит сўзлар. Кунгабоқар, Оққанот, энкарзия, популяция, етук зот.

Annotation. To learn the effect of biological control *Encarsia* (*Encarsia Formosa*) which it is natural exterminate of *Bemisia Tabaci* Genn. (White wing - Oqqanot) which damages the sunflower plant. *Encarsia* plays very significant roll to decrease the number of population of *Bemisia tabaci* Genn. (White wing - Oqqanot).

Key words. Sunflower, *Bemisia tabaci* Genn. (White wing - Oqqanot), *Encarsia*, Population, Mature gender.

Кириш. Қишлоқ хўжалик экинларига кўп зарар келтирадиган ҳашаротлардан бири оққанот (*Bemisia tabaci* Genn.) дир. Бу зараркунанданинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар 270 дан ортиқ ўсимликларни зарарлайди. Шундан 60 дан кўпроқ тури маданий ўсимликлардир. Асосий мой олинадиган ўсимлик кунгабоқар экини ҳам шулар жумласига киради.

Кунгабоқарга парвоналар, тунламлар, ширалар ва ўргимчакканалар билан бир қаторда оққанотлар ҳам кўп зарар келтирувчи асосий зараркунандалардан бири ҳисобланади.

Материаллар ва усуллар. Оққанотга қарши республикаимиз шароитида кимёвий ва биологик усулда кураш чора тадбирлари устида етарлича тадқиқотлар олиб борилган. Лекин кунгабоқарда бу зараркунандага қарши кураш устида илмий тадқиқотлар бизгача олиб борилмаган эди. 2015 йилдан бошлаб биз ўз тадқиқотларимизда оққанотга қарши турли хил усулларда кураш устида тадқиқотлар ўтказдик (1).

Оққанот мавсум давомида очик далада 6-8 авлод бериб кўпаяди. Бу зараркунанда ғўза ва сабзовот экинларида июл - август ойларида кўп зарар келтирса, кунгабоқарда июн - июл ойларда энг кўп миқдорга етади. Оққанотга қарши кунгабоқар экиннида кимёвий дориларни сепиб кўрганимизда кутилган натижаларни бермади. Бунинг сабаби кунгабоқар мойли экинлардан бўлганлиги деб изоҳлаш мумкин. Кунгабоқар барги шираси билан озикланган зараркунанда танаси кўшимча мой хужайралари тез тўпланади. Натижада оққанотга қарши пуркалган кимёвий дориларнинг таъсири ҳам жуда паст бўлади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда бу зараркунанданинг табиий кушандаси бўлган энкарзия (*Encarsia Formosa*) нинг самарасини ўрганиш устида тадқиқотлар олиб бордик. Халцидларнинг маҳаллий тури бўлган энкарзия оққанотлар популяцияси сонини камайтиришда аҳамияти катта. Бу паразит бошқа энтомофагларга насбатан доминантлиги, ташқи муҳитга тез мосланувчанлиги ва юқори самараси билан ажралиб туради. Бу кушанда очик дала шароитида 40 - 50 % гача оққанотни нобуд қилиши мумкин (2,3).

Паразит энкарзиянинг берадиган биологик самарасини ўрганиш учун уларни оққанот билан зарарланган кунгабоқар экинларига турли муддатларда кўйиб чиқдик. Биринчи вариантида турли муддатларда фақат энкарзия кушандаси кўйилди. Тажриба даласида бир икки дона оққанот етук зоти пайдо бўлиши энкарзия паразитини чиқариш учун бошланғич вақт деб белгиланди. Бу паразитнинг ғумбакларини далага 10 x 10 метр масофада бир метр кв. жойга 3 - 5 донадан ҳисоблаб чиқарилди. Бу тажрибаларга андоза сифатида кимёвий ишлов бериладиган далалар танлаб олинди. Кимёвий ишлов бериш учун оққанотга қарши тавсия этилган Талстар, 10 % к.э. препарати олинди. Оққанотни ҳисобга олиш ишлари ҳар ўн кунда олиб борилди. Тажриба натижалари куйидаги жадвалда келтирилган. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тажриба вариантида кунгабоқар барглариининг оққанот билан зарарланиш даражаси биринчи вариантда 39,8 % дан ошмаган бўлса, иккинчи талстар препарати сепилган вариантда ўсимлик барглариининг 61,6 % дан кўпроқ қисми оққанот зараркунандаси билан зарарланди. Лекин биологик самарадорлик биринчи вариантда паразитларни чиқариб бўлгандан кейин 30 кунга келиб 89,6 % ни ташкил қилган бўлса, андоза вариантимида дори сепиб бўлгандан кейин 10 кунга келиб 88,6 % ни ташкил қилди. Кейинги ҳисоб кунларида эса самарадорликнинг пасайиб бориши кузатилди.

Паразит энкарзиянинг оққанотга қарши биологик самарадорлиги.
(Самарқанд вилояти Оқдарё тумани, кичик дала тажрибаси. 2015й.)

№	Тажриба вариантлари	Сарф миқдори, дона м.кв., л/га	Ишлов берилган вақти, кун.	Зарарланиш даражаси, %	Биологик самарадорлик, % кунларда		
					10	20	30
1.	Паразит энкарзия	3 - 5 дона	6. 05 16. 05 26. 05	39,8	61,6	71,0	89,6
2.	Талстар, 10 % к.э. (андоза)	0,6	12. 05 28. 05	61,6	88,6	81,0	79,8
3.	Назорат (ишлов берилмаган)	-	-	77,3	-	-	-

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, кунгабоқар экинларида оққанот зараркунандасига қарши кимёвий препаратлар ишлатилганга нисбатан маҳаллий энкарзия паразитини қўллаганда биологик самарадорлик юқори бўлиши билан бирга атроф муҳитнинг ифлосланишини олди

олинади, ҳамда табиатда оққанотга қарши давомли курашни таъминлашга эришиш мумкин экан.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Инсектицид, акарацид, биологик фоол моддолар ва фунгицидларни синаш бўйича услибий кўрсатмалар. Тошкент 2004, 104 б.

2. Экология и биология энтомофагов вредителей с/х культур Узбекистана. Т.Фан.1974.

3. Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш.Т.2014.

УДК:633.2:57.581

**Янги ем-хашак экини сільфия ривожланиши ва ҳосилдорлигига
экологик омилларнинг таъсири**

**Умирзаков А., Отаярова Г., Ботиров А.
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти**

Аннотация. Ҳозирги кунда мамлакатимиз чорвачилигини ривожлантириш ва маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Янги мўл, юқори яшил масса берадиган сільфия чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашда бу соҳада катта аҳамиятга эга. Шунинг учун уни мамлакатимиз турли иқлим зоналарида синаб кўриш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Мақолада тоғ, тоғ олди ва воҳа шароитида унинг ривожланиши, ҳосилдорлиги бир - бирига солиштирилган ҳолда ўрганилиб, таҳлил қилинган натижалар келтирилди. Таҳлил натижалари, ҳар хил экологик шароитларда ҳам сільфия етарли миқдорда яшил масса бера олиши, намлик етарли бўлган суғориладиган воҳа шароитларида эса энг юқори - 1264,9 ц/га яшил массаси бериши аниқланди. Тоғ ва тоғ олди зоналарида ёгингарчилик етарли бўлган йиллари 1 ўримда 712,2 - 917,7 ц/га яшил масса олинди. Уруғ ҳосилдорлиги тоғ шароитида - 5,4 ц/га, тоғолди зонасида - 7,7 ц/га, воҳа шароитида - 9,5 ц/га ни ташкил этди. Кўришиб турибдики, янги ем-хашак экини сільфияни ҳар хил шароитларда ўстириш иқтисодий жиҳатдан самаралидир.

Abstract. Nowadays, the development and increasing productivity of the animal husbandry is taken into consideration in our country. New abundant, high green mass of Silphium is very important to strengthen the feed base in this area. So try it in different climatic zones of the country is considered a cost - effective. In this article, its development and productivity studied on a comparison case in the condition of the mountain, foothills and oasis, and the results of analysis was showed. The results of the analysis show that in the variety of environmental conditions Silphium enough to give the green mass and in the sufficient moisture conditions of the irrigated oasis it gave 1264,9 quintals of green mass. When in the mountain and foothill zones sufficient rainfall, in one harvest given 712,2 - 917,7 quintals of green mass. Seed productivity in the conditions of the mountain - 5,4 quintals, in the foothills - 7,7 quintals, in the conditions of oasis - 9,5 quintals. Clearly, a new feed - forage crops, Silphium, growing in different conditions cost - effective.

Калит сўзлар. Сільфия, экология, тоғолди, воҳа, мезофит.

Кириш. Ўзбекистон чорвачилигини ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бўлиб, алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар қандай ташқи муҳит шароити ўсимликларнинг оптимал ўсиб, ривожланиши ва ҳосилдорлигига турли даражада таъсир этади. Ундан юқори ҳосил олиш, ўсиш, ривожланишини тўғри ташкил этиш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида ҳар хил шароитда ўтказилган кўп йиллик тажриба натижалари таҳлили ўсимликнинг ер ости ва ер устки органларининг ўсиш, ривожланишида фарқлар борлигини кўрсатади.

Янги ем - хашак ўсимлиги - Сільфия (*Silphium perfoliatum* L.) мамлакат чорвачилигини ривожлантиришга, озуқа базасини мустаҳкамлашга, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондиришга замин яратиши билан аҳамиятлидир. Уни Республикамиз

турли иқлим зоналарида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш ва географик жойлаштириш мақсадида илмий изланиш ишлари олиб борилди.

Тажриба услуби. Сильфия мезофит ўсимлик бўлишига қарамай уни 3 хил тупроқ - иқлим шароитида: бўз тупроқли тоғ зонаси Бахмал хўжалигида типик бўз тупроқли тоғ олди Ғаллаорол тумани Гулистон хўжалиги ҳудудида ва ўтлоқ - бўз тупроқли Зарафшон воҳаси Оқдарё туман Гулистон хўжалиги ҳудудида ўтказилган тажрибалар 4 такрорда синаб кўрилди. Фенологик кўрсаткичлар Бейдеман усули ёрдамида ўрганилди.

Тадқиқот натижалари. Ўтказилган тажриба натижалари шуни кўрсатдики, тоғ зонасида йиллик ёғингарчилик миқдори ўртача 450 - 500 мм бўлгани сабабли, суғориш ўтказилмади. Тоғ олди зонасида ўртача ёғингарчилик миқдори 400 мм гача бўлган шароитда суғориш 2 марта ўтказилди. Зарафшон воҳаси шароитида ўсимлик вегетацияси даврида 4 марта суғорилди.

Тоғ ва тоғ олди зоналарида ўстирилган сильфия илдиз системасида ўқ, қўшимча илдизлар жуда яхши ривожланиб, ўсимликнинг 2-йили вегетацияси охирига бориб 3-3,5 метргача чуқурликга кириб борди. Зарафшон воҳаси шароитида ўқ ва қўшимча илдизлар 2 - 2,5 метр атрофида жойлашиб, тупроқнинг юза горизонтида асосан 20 - 40 см қисмида жуда кўп ён илдизлар ҳосил қилади.

Ўсимлик илдизлари умумий ҳажми тоғ ва тоғ олди зонасида ўстирилган ўсимлик илдизлар ҳажмига қараганда 2 - 3 марта ортиқ бўлди. Қўшимча ва ён илдизларнинг яхши ривожланиши тупроқ юза қатламида намлик етарли эканлигидан дарак беради.

1-жадвал

Ҳар хил шароитда ўстирилган сильфия органлари ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари

Тажриба зоналари	Илдиз системаси		Бир ўсимликдан ҳосил бўлган поялар сони, дона М±м	Ўсимлик бўйи, см М±м	Саватчалар сони, дона	Ҳосилдорлик ц/га	
	Асосий илдиз узунлиги, см	Қўшимча илдиз сони				Уруғ	Яшил масса
Тоғ зонаси (Бахмал)	3.5	27	4.2±0.19	20.11±5.81	34.6	5.4	712.2
Тоғ олди зонаси (Ғаллаорол)	3.1	36	6.3±0.23	230.5±6.05	66.2	7.7	917.7
Зарафшон воҳаси	2.5	61	10.4±0.29	275.2±6.80	93.4	9.5	1264.9

P % - 3,01, НСР_{0,05} - 26,5

Жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатадики, бир ўсимлик илдиз пояларидан ҳосил бўладиган поялар сони тоғ зонасида ўртача 4,2 та, бўйи 201,1 см, саватчалар сони 34,6 дона, уруғ ҳосилдорлиги 5,4 ц/га яшил масса 712,2 ц/га ни ташкил этган бўлса, тоғ олди зонасида 6,3; 230,5; 66,2; 7,7; 917,7 нисбатда, Зарафшон воҳаси шароитида поя - 10,4 дона, поя бўйи - 275,2 см, саватчалар сони - 93,4 дона, уруғ ҳосилдорлиги 9,5 ц/га, яшил масса ҳосилдорлиги - 1264,9 ц/га га етди.

Тоғ зонасида ўсимлик суғорилмаганлиги туфайли бир марта ўриб олинди. Тоғ олди ва Зарафшон воҳаси суғориладиган шароитида ўсимлик 2 марта ўрилди.

Ўсимлик поясининг тукланиш даражаси тоғ зонасида кўпроқ дағал, тоғ олди ва воҳа зонасида ўсган ўсимликлар поя ва баргида туклар кузатилмади. Бу ҳол ўсимликнинг ейимлилик даражасини оширади. Воҳа шароитида ўсган ўсимлик катталиги йириклашиб, ички тузилишида мезофилл хужайралар қалинлиги, барглари юмшоқлиги, тўйимлилик даражаси

ортади. Тоғ зонасида ўсимлик таркибидаги клетчатка миқдори кўпаяди. Тупроқ намлиги етарли бўлган воҳа шароитида клетчатка миқдори камайиб боради.

Тоғ зонасида ҳаво намлиги 50 - 60 % дан юқори бўлган ойлари ўсимликнинг ўсиш, ривожланиши, репродуктив органлар ҳосил бўлиши, етилиши, саватчалар катталиги, гуллар сони, уруғнинг ҳосил бўлиш жараёнлари тезлашади.

Репродуктив органлар ҳосил бўлиш жараёнида чангчидаги чанглар ўсиши тоғ зонаси шароитида 35,4 % ни ташкил қилган бўлса, суғориладиган шароитда 37,8 % га ошди. Чангларнинг сақланиш даражаси ва унувчанлиги тоғ ва тоғ олди зоналарида соат сайин камайиб бориб, бир суткадан кейин 4,9 - 5,4 % ни ташкил этди. Зарафшон воҳаси шароитида ўстирилган сільфия чанглар унувчанлиги 1 суткагача камаймади ва 2 сутка давомида унувчанлик 21 % ташкил қилиб, 10 суткагача сақланиб қолди. Тоғ олди суғориладиган шароитда 5 суткагача сақланиб турди. Тупроқ ва ҳаво намлиги етарли ва 32 - 36 °С да етилган чанглар, намлик етарли бўлмаган ва юқори 40 - 45 °С ҳароратда етилган чангларга нисбатан фаолияти ва унувчанлик даражаси юқори бўлиши кузатилди.

Намлик ва ҳарорат сільфия гулларининг очилиш даражаси, сони ва муддатига ҳам таъсир этади. Тоғ зонасида ҳосил бўлган саватча диаметри 3 - 4 см га етган ҳолда воҳа шароитидаги саватча 5 - 6 см диаметрга эга бўлди. Унда ҳосил бўлган уруғлар сони 1,5 - 2 баробар ортиқ бўлди. Гулларнинг очилиш муддати ҳам 2 - 3 кундан 6 - 8 кунга чўзилди. Саватчадаги ҳосил берувчи гуллар 50 тагача уруғ ҳосил қилди. Дихазий тўпгули яруслар сони 3 - 4 тадан 8 - 10 тагача, 1 туп ўсимликдаги саватчалар сони 34 тадан - 93 тагача етди. Суғориладиган намлик етарли шароитда уруғ ҳосил бўлиши 87,1 % дан 98,2 % гача ошди. Ҳосил бўлган уруғлар йириклашиб 1000 дона уруғ массаси 22 граммдан 27 граммга етди. Намликнинг ошиши уруғнинг етилиш муддатини узайтирса ҳам, уруғ ҳосил қилиш жараёни ва сифатини яхшилади. Вегетация даврининг узайиши ҳисобига яшил масса сифати яхшиланади, ҳосилдорлик барглари сонининг кўпайиши ва юзасининг ортиши ҳисобига ошади. Натижада ўсимликдаги физиологик жараёнлар яхшиланади, озуқа моддалар миқдори ортиб боради. Ўсимлик ҳужайраларининг осмотик босим кучи, шимиш кучи, ҳужайра ширасининг концентрацияси, транспирация интенсивлиги каби физиологик жараёнлар ўсимликнинг оптимал экологик шароитини белгилашда асосий мезон ҳисобланади.

2-жадвал

Ҳар хил шароитда ўстирилган сільфия физиологик кўрсаткичлари

Тажриба зоналари	Ҳужайра осмотик босим кучи, атм.	Ҳужайра шимиш кучи, атм.	Транспирация интенсивлиги г/м ² соат
Тоғ зонаси (Бахмал)	12.7	13.6	607
Тоғ олди зонаси (Ғаллаорол)	12.2	13.1	663
Зарафшон воҳаси Самарқанд	12.0	12.9	710

Тоғ зонасида ўсимлик ҳужайраси осмотик босим кучи 12,7 атмосфера, шимиш кучи 13,6 атм., транспирация интенсивлиги 607 г/м² соатни ташкил қилди. Суғориладиган тоғ олди ва воҳа шароитида ҳужайранинг осмотик босим кучи, шимиш кучи пасайганлиги (12,0 - 12,9 атм) кузатилди. Лекин транспирация интенсивлиги ошди (710 г/м² соат). Ўсимликнинг ривожланиш фазалари бўйича ҳужайра шираси концентрацияси тоғ зонасида 14 атм.дан 16 атм.гача, суғориладиган шароитларда 10 атм.дан 14 атм.гача бўлиши кузатилди. Сільфия суғорилмаган тоғ зонаси шароитида намлик ва озуқа моддалардан тўлароқ фойдаланиш учун ҳужайралари осмотик босим ва шимиш кучлари ортади. Намлик етарли суғориладиган шароитда улар бироз пасайиб, сув буғланиши ошади. Шунга қарамасдан ўсимликда физиологик жараёнлар тўлиқ ўтиши таъминланади. Натижада тоғ зонаси шароитида ҳам, ҳавоси салқин ва намлиги етарли бўлгани учун суғорилмасдан, табиий намлик ҳисобига етарли даражада ўсиб, ривожланганлиги туфайли бир марта яшил масса олиш имконияти мавжуд.

Ўсимлик хужайраси осмотик босим ва шимиш кучи ўсимлик ривожланиш фазалари бўйича кузатилганда, осмотик босим кучи ўсиш фазасида 6 атм., шоналаш фазасида 12 атм., гуллаш фазасида 14 атм.ни ташкил этди. Ўсимликнинг мева ҳосил қилиш даврига келиб бу физиологик кўрсаткичлар ўзгармасдан қолсада сифатли уруғ ҳосил бўлишини тўлиқ таъминлайди.

Хулоса. Янги ем - хашак экини - силфия ҳар хил экологик шароитларида ўсишга мослаша олиш хусусиятига эга бўлиб, у айниқса намлик етарли шароитда энг юқори уруғ ҳосили - 9,5 ц/га ва 1264,9 ц/га яшил масса бериш қобилиятига эга. Тоғ ва тоғ олди зоналарида ҳам чорвачилик эҳтиёжини қондиришга қодир бўлган 712,2 - 917,7 ц/га яшил масса бериши иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, мамлакат чорвачилиги озуқа базасини мустаҳкамлаш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умирзақов А. “Силфия биологияси ва етиштириш технологияси” Самарқанд, Монография, 2015. 101 с.
2. Умирзақов А. “Янги ем хашак экинлари етиштиришнинг илмий асослари” Самарқанд, Монография, 2017. 264 с.

UDK 58.2,633

SAMARQAND VILOYATIDA INTRODUKSIYALANAYOTGAN TIKANLI ARTISHOK (CYNARA SCOLYMUS L.) NING TURLI SUG'ORISH SHAROITLARIDA YER USTKI ORGANLARNING ONTOGENEZI

E.E. Isomov., U. Ochilov., Y. Pardayev
Samarqand qishloq xo'jalik institute

Annotasiya: Artishok O'zbekiston uchun noan'anaviy bo'lgan istiqbolli qimmatbaho o'simlik bo'lib, undan yashil holda silos, senaj va quruq yem-xashak sifatida foydalaniladi, hamda oziq-ovqat, farmasevtika sanoati uchun xomashyo va chorva mollariga oзуqа sifatida muhim ahamiyatga egadir.

Kalit so'zlar: introduksiya, mikroelementlar, vegetatsiya, g'unchalash, gullash, mevalash, urug', dorivor, yem-xashak, o'sish, rivojlanish, hosildorlik.

Summary: Integrated studies on biological characteristics of *Cynara scolymus* was conducted in experimental field of Samarkand State University. Biological features of seed germination were studied in field condition. Highest germination rate of 90% was observed when seeds were sown at a depth of 3-4 sm in March. Ontogenetic periods and stages of the plant were defined. Virginal period of *Cynara scolymus* L. lasted 18 months, generative period started from 2nd vegetative year and senil period started at 9-10 year. Flowering biology e.g. morphology of inflorescences, longevity and morphological structure of pollen grains were studied. Daily and seasonal blooming rhythm of flowers, and potential and real seed production were studied. It is identified that real seed production of the plant generated high values (9750±37,9). Cultivation perspectives of *Cynara scolymus* L. in the condition of Samarkand province have been showed.

Kirish: Tikanli artishok Qoqio'tdoshlar (*Asteraceae*) oilasiga mansub ko'p yillik o't. Artishokning vatani O'rta yer dengizi mamlakatlari hisoblanib, eramizdan 600 yillar ilgari Misrda foydali o'simlik sifatida keng ishlatilgan. Uning yovvoyi turlari, ayniqsa Kanar orollari, Afrikaning shimoliy qismida, madaniy holda esa Yevropa va janubiy mamlakatlarda ko'p uchraydi.

Artishok O'zbekiston uchun noan'anaviy bo'lgan istiqbolli qimmatbaho o'simlik bo'lib, undan yashil holda silos, senaj va quruq yem-xashak sifatida foydalaniladi, hamda oziq-ovqat, farmasevtika sanoati uchun xomashyo va chorva mollariga oзуqа sifatida muhim ahamiyatga egadir.

Artishokdan dori-darmon sifatida foydalanish qadimdan ma'lum undan jigar, buyrak kasalliklarini davolashda qo'llaniladigan preparatlar tayyorlanadi. N.G. Vasilenko (1962 yil) ning ko'rsatishicha, artishokdan qandli diabet kasalini davolashda foydalanish mumkin ekan. Bu

o'simlikning dorivorlik xususiyati to'g'risida I.A. Damirov,(1982 yil) L.I. Primenko, D.Z. Shukyurov, R.M. Hammoud (1991 yil) va boshqalarning ishlarida ham uchratish mumkin. Bundan tashqari tikanli artishok barcha Yevropa mamalakatlarining istirohat bog'lari, xiyobonlari va ko'chalarini bezatuvchi manzarali o'simlik sifatida ekiladi.

Keyingi yillarda dori-darmon vositalariga bo'lgan talabni maxalliy xom-ashyo hisobiga qondirish davri vositalarini respublikamizda ishlab chiqarishni xukumat darajasida etibor berilmoqda. Biz o'rganayotgan artishok o'simligining bargi va to'pguli nixoyatda shifobaxsh xisoblanadi. Ushbu maqsadda biz Samarqand viloyati sharoitida tikanli artishokning turli sug'orish sharoitlari o'sish va rivojlanishni o'rganmoqdamiz.

Tikanli artishokning ontogenezi virginal (maysa, yuvinel, immatur va voyaga yetgan vegetativ bosqichlari), generativ (yosh, o'rta va qari), davrlarni o'z ichiga oladi.

Tadqiqot ob'ekti va uslublari

Samarqand viloyati sharoitida introduksiya qilinayotgan tikanli artishokning yer ustki organlarining ontogenezi o'rganish maqsadida Samarqand davlat universitetining Botanika bog'ida sug'oriladigan va sug'orilmaydigan sharoitlarda tajribalar olib borildi. SamDU Botanika bog'i, Samarqand shaxrining janubi- g'arbiy chegarasida Darg'om kanalining o'ng sohilida joylashgan. Tuprog'i tipik bo'z tuproq. Tajribalar uchun shudgorlangan yer uchastkalari tanlanib, 0,20 ga maydonda olib borildi. Tayyorlangan urug'lar 2014 yilning 5-7 mart kunlari ekildi.

Tikanli artishokning ontogenezi o'rganishda T.A. Rabotnov [4-5], L.A. Jukova [6], Ye.L. Nuximovskiylar [7] tavsiya etgan usullardan foydalanildi.

Tajriba maydonchalariga ekilgan urug'lar unib chiqqach sug'oriladigan va sug'orilmaydigan sharoitlarda bir xilda ishlov berildi.

Tadqiqot natijalari va uning muxokamasi

Tikanli artishok urug'ining unib chiqishi, o'sish va rivojlanish davomiyligi yil fasllaridagi iqlim sharoitiga ko'ra turlichadir. O'sish sharoitidan qat'iy nazar 2- yildan boshlab uning vegetasiyasi yil bo'yi davom etadi. Erta bahorda bo'ladigan sovuq harorat $-12 - 15^{\circ}\text{C}$ dagina yer ustki qismining sovuq urishi mumkin.

Virginil davri.(V) Maysa bosqichi. Tikanli artishok urug'larining unishi yer ustki bo'lib, asosiy ildizchani paydo bo'lishidan boshlanadi. Bu ildiz 5-6 sm chuqurlikka yetganda gipokotil urug'palla barglarni yer ustiga olib chiqadi. Urug'palla barglar 2 ta etli, bo'yiga cho'zilgan, teskari tuxumsimon, to'q yashil rangli, silliq. Urug'palla barglar sug'oriladigan sharoitda 52-56, sug'orilmaydigan sharoitda 42-49 kuni tashkil etib, bargning uzunligi sug'oriladigan sharoitda $4,8\pm 1,2$ sm, sug'orilmaydigan sharoitda $3,6\pm 1,3$ sm, barg eni mos ravishda $2,4\pm 0,6$; $1,7\pm 0,6$ sm ga yetdi.

Birinchi barg uzunchoq nashtarsimon bo'lib, chetlari tekis qirqilgan, kumushsimon rangli tukchalar bilan qoplangan. O'simlikning o'sish davrida keyingi paydo bo'lgan barg yaprog'ining chetlari tishsimon qirqilgan. Barglarning paydo bo'lishi o'rtacha 5-6 kunga to'g'ri kelib, bu tur xususiyatlariga bog'liq, lekin o'sish sharoitiga ko'ra ham o'zgaruvchidir. Kuzatishlar natijasida ma'lum bo'ldiki, o'rganilayotgan o'simliklarda har bir navbatdagi barglar, sug'oriladigan sharoitda 2-4 kunga va sug'orilmaydigan sharoitda 5-6 kunda yuzaga keladi.

Sug'oriladigan sharoitdagi o'simliklarning 4-5 chi - barglarining uzunligi $18,3\pm 2,7$ sm, eni $9,5\pm 0,7$ sm, sug'orilmaydigan sharoitdagi o'simliklarning 3-4 chi- barglarining uzunligi $15,4\pm 2,3$ sm, eni $7,6\pm 1,2$ sm bo'lganda, urug'palla barglari qurib to'kiladi va maysa bosqichi nihoyasiga yetadi.

Yuvenil bosqichi.(J) Bu bosqichga o'tishda tikanli artishokning yer ustki va yer ostki organlarida morfologik o'zgarishlar yuz beradi. Dastlab o'simlik barglarining uzunligi sug'oriladigan sharoitda $28,7\pm 2,3$ sm sug'orilmaydigan sharoitda $25,1\pm 2,1$ sm, barg eni mos ravishda $12,7\pm 1,8$; $10,3\pm 2,4$ sm ni tashkil etdi.

Yuvenil, immatur va voyaga yetgan vegetativ bosqichlari bir-biridan barg plastinkasining qirqilganlik darajasini murakkablashuvi bilan farq qiladi. Sug'oriladigan sharoitda o'sgan o'simlikda barglar soni $11,2\pm 1,0$ ta sug'orilmaydigan sharoitlarda $9,3\pm 1,2$ ta barglar hosil qilib, barg plastinkasining chetlari chuqurroq tishsimon qirqilgan. Har bir tishchani uchida tikanchalar paydo bo'ladi.

Immatur bosqich.(Im) Bu bosqichda o'simlikning barglar soni sug'oriladigan sharoitda 27,4±2,7 ta, sug'orilmaydigan sharoitda 23,4±2,4 ta bo'lib, uzunligi sug'oriladigan sharoitda 52,7±2,6 sm sug'orilmaydigan sharoitda 47,2±3,1 sm, barg eni esa mos ravishda 19,3±1,4 sm, va 16,7±2,2 sm ga yetdi. Barg plastinkasi sug'oriladigan sharoitda 12,5±0,4 ta sug'orilmaydigan sharoitda 16,3±1,0 ta bo'lakkacha qirqiladi, bunda qirqilganlik darajasi bargning asosiy tomirigacha yetib boradi. Bu bosqich sug'oriladigan sharoitda 50-55 kun, sug'orilmaydigan sharoitda 45-50 kungacha davom etadi.

Voyaga yetgan vegetativ bosqich.(G1) Bu bosqichda tikanli artishok barglarining soni sug'oriladigan sharoitda 60,7±5,1 sm sug'orilmaydigan sharoitda 51±6,7 ta bo'lib, uzunligi sug'oriladigan sharoitda 100,1±1,7 sm sug'orilmaydigan sharoitda 75,7±9,3 sm gacha, barg eni mos ravishda 38,4±2,3; 28,3±3,1 sm gacha yetdi. Barg plastinkalari sug'oriladigan sharoitda 23,6±2,4ta sug'orilmaydigan sharoitda 28,3±3,1 ta gacha bo'lakchalargacha qirqiladi. Bu bo'lakchalarning ham chetlari turli daraja va shakllarda qirqilgan bo'ladi. Demak, barglar ikki karra tishsimon qirqilgan. Barg plastinkasi ko'pincha, kumushrang mayda tukchalar bilan qoplangan. Barg plastinkasini barg bandi asosidagi bo'lakchalarining uzunligi sug'oriladigan sharoitda 9,3±2,2 sm sug'orilmaydigan sharoitda 7,7±2,7 sm, o'rta qismidagilari mos ravishda 38,8±3,0; 30,4±2,1 sm, uchki qismidagilari 22,7±2,7 va 14,8±4,3 sm.

Generativ davr.(G2) Yosh generativ bosqichda. Tikanli artishokning ikkinchi vegetatsiya yilida o'simliklarning kaudeksidagi 5-6 ta kurtaklardan generativ novdalar shakllanadi. Asosiy generativ novda ortotrop holatda o'sib, birinchi bo'g'imlar oralig'i juda qisqa bo'lganligidan, to'pbarglarni hosil qiladi[3]. May oyining ikkinchi o'n kunligida asosiy novdaning yuqorigi bo'g'imlari tezroq o'sadi, natijada birinchi tartibli novdaning uzunligi sug'oriladigan sharoitda 48,2±1,9 sm sug'orilmaydigan sharoitda 40,4±3,1 sm gacha yetdi. Har bir novdaning yuqorigi yarusidagi barg qo'ltiqlarida yon novdalar paydo bo'lib, ularning har biri savatcha to'pguli bilan tugallanadi.

To'pgullarda gullar akropetal (markazga intiluvchi) tarzda ochila boshlaydi. Yer ustki va yer ostki organlarining faol o'sishi har ikkala sharoitlarda ham bahor faslining oxiri va yoz faslining boshlanishiga to'g'ri keladi.

O'simlik kaudeksdagi kurtaklar bir vaqtda rivojlanadi. May oyining boshlarida bir to'p o'simlikda generativ novdalar shakllanib ularning uzunligi sug'oriladigan sharoitda 17,3±3,3 sm, sug'orilmaydigan sharoitda 10,8±2,7 sm generativ novdalar o'sib, ularning uzunligi sug'oriladigan sharoitda 165,5±5,5 sug'orilmaydigan sharoitda 151,4±6,4 sm. Keyinchalik havo haroratining ko'tarilishi bilan novdalar juda o'sa boshlaydi, may oyining oxiriga kelib, o'simliklarning balandligi sug'oriladigan sharoitda 195,7±11,2 sug'orilmaydigan sharoitda 150,2±12,2 sm ga yetadi [jadval].

Tikanli artishokning gullash fazasida gul a'zolarining yetilib, gullarning ochilishi, changlanish va urug'lanish jarayonlari bo'lib o'tgandan keyin savatchada urug'lar yetila boshlaydi. Mana shu paytda poya asosidagi to'pbarglari birin-ketin qurib to'kila boshlaydi. Bu vaqtda o'sgan o'simliklar novdalarining uzunligi sug'oriladigan sharoitda 1,8-2 m, sug'orilmaydigan sharoitlarda 1,5-1,8 m bo'lib, 50-60 donagacha II-III-IV-tartibdagi yon novdalarni hosil qiladi.

Qari generativ bosqich.(G3) Bu o'simlikning 8-9- yiliga to'g'ri kelib, bu vaqtda kaudeksdagi kurtaklardan paydo bo'ladigan generativ novdalar soni sug'oriladigan sharoitda 1-2, sug'orilmaydigan sharoitda esa generative novdalar xosil bo'lmaydi. Sug'orilmaydigan sharoitga artishok o'simligini qari generativ bosqichga o'tishi 5-6 chi yillari kuzatiladi[jadval].

Tikanli artishok turli sug'orish sharoitlarida yer ustki vegetativ organlarining o'sish va rivojlanishi ko'rsatkichlari

№	O'rganlar	Sug'orilgan	Sug'orilmagan
Virginil davr (V)			
1	Urug'palla barglar uzunligi, sm	4,8±1,2	3,6±1,3
2	Barglarining eni, sm	2,4±0,6	1,7±0,6
3	4-5 chi barglar uzunligi, sm	18,3±2,7	15,4±2,3
4	4-5 chi barglar uzunligi barglarning eni, sm	9,5±0,7	7,6±1,2
Yuviril bosqich (Ji)			
1	Barglari uzunligi, sm	28,7±2,3	25,1±2,1
2	Barglarning eni, sm	12,7±1,8	10,3±2,4

3	Barglar soni, dona	11,2±1,0	9,3±1,2
Immatur bosqich (Im)			
1	Barglar soni, dona	27,4±2,7	23,4±2,4
2	Barglarining uzunligi, sm	52,7±2,6	47,2±3,1
3	Barglarining eni, sm	19,3±1,4	16,7±2,2
4	Barg plastinkasining qirqilganlik darajasi, bo'lakchalar soni, dona	12,5±0,4	16,3±1,0
Voyaga yetgan vegetativ bosqich (G1)			
1	Barglar soni, dona	60,7±5,1	51, ±6,7
2	Barglarning uzunligi, sm	100,1±1,7	75,7±9,3
3	Barglarning eni, sm	38,4±2,3	28,3±2,7
4	Barg plastinkasining qirqilganlik darajasi, dona	23,6±2,4	28,3±3,1
5	Barg bandi asosidagi bo'lakchalar uzunligi, sm	9,3±2,2	7,7±2,7
6	O'rta qismidagi bo'lakchalar uzunligi, sm	38,8±3,0	30,4±2,1
7	Uchki qismidagi bo'lakchalar uzunligi, sm	22,7±2,7	14,8±4,3
Generativ davr (G2)			
1	1-tartib novdalar uzunligi, sm	48,2±1,9	40,4±3,1
2	Generativ novdalar soni, dona	9,3±1,5	6,5±0,5
3	Generativ novdalar, bargning uzunligi, sm	17,3±3,3	10,8±2,7
4	Generativ bosqichdagi o'simlikning balandligi, sm	165,5±5,5	151,4±6,4
5	Vegetatsiya oxirida, Generativ bosqichdagi o'simlikning balandligi, sm	195,7±11,2	150,2±12,2

Xulosa

Tikanli artishokning yer ustki organlarining o'sish va rivojlanishi turli sug'orish sharoitlarida bir-biridan keskin farq qilishi kuzatildi. Ikki xil sharoitda o'sgan o'simliklarni kuzatish natijasida ko'pchilik ko'rsatkichlar bo'yicha sug'oriladigan maydonlarda o'sgan o'simlik o'sishligi ko'rindi. Faqat immature bosqichdagi o'simlikning barg plastinkasini bo'lakchalarga qirqilganlik darajasi yuqori bo'ldi. Bu xolatni o'simlikni qurg'oqchilikka maslanish xususiyati deb izoxlash mumkin. Bundan tashqari, Tikanli artishok o'simligini sug'orilmaydigan maydonlari o'sgan, Tikanli artishok o'simligini qari vegetative bosqichga o'tish davri sug'oriladigan maydonda o'sgan.

Adabiyotlar

1. Бутник А.А. Адаптация анатомического строения видов семейства Chenopodiaceae Vent. к аридным условиям: Автореф. дисс... докт. биол. наук. - Ташкент, 1984. - С. 41-45.
2. Шамсувалиева Л.А. Формирование структуры вегетативных и генеративных органов видов родов *Glycyrriza L.* и *Meristotropis Fisch.et Mey.* В онтогенеза растений и в связи с галофактором: дисс... докт. Биол. Наук. -Ташкент.1999.-С.84-92.
3. Номозова З.Б. Нормуродов Х.Н. *Cynara scolimus* гудининг морфологияси ва очилиш механизми. Современные проблемы структурной ботаника: Материалы республиканской научной конференции. - Тошкент, 2010. -С.91-93
4. Работнов Т.А. Род *Cynara L.*- Артишок// Кормовые растения сенокосов и пастбищ СССР. - М.-Л.: 1956. Т.3. - С.626-627
5. Работнов Т.А. Методы определения возраста и длительности жизни у травянистых растений. М.-Л.: Изд. АН СССР, 1960. -С. 240-262.
6. Жукова Л.А. Некоторые аспекты изучения онтогенеза семенных растений //Вопросы онтогенеза растений. Изд. Йошкар-Ола, 1988. -С.3-14.
7. Нухимовский Е.Л. Экологическая морфология некоторых лекарственных в естественных условиях их произрастания//Раст. ресурсы. -Л.: 1976. Т.12. вып.1. - С.3-15.

ПАХТАЗОРЛАРДА ТАРҚАЛГАН БЕГОНА ЎТЛАР ВА УЛАРНИ ЙЎҚОТИШ
ТАДБИРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИМуминов К.М., Махмадиёров Ф., Турдибеков Э.
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация. Мақолада Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида етиштирилаётган ғўзанинг бегона ўтларга қарши курашишда кузги шудгорлашни икки ярусли плуг билан 30 - 40 см чуқурликда ўтказиш ва уни бошқа агротехник ҳамда кимёвий тадбирлар билан биргаликда қўшиб олиб бориш, нафақат пахтазорлардаги кам, бир, икки ва кўп йиллик бегона ўтлар миқдорини камайтириши, шу билан бир қаторда ушбу майдонлардан 34,6 - 37,4 ц/га сифатли пахта ҳосили етиштириш мумкинлиги ёритилган.

Abstract. In this article is shown that the cotton which is grown in the pasture-virgin lands of Samarkand and Jizzakh region fighting against strange grass using ploughing in autumn with two part-plough in 30-40 cm depth helps to decrease the quantity of the strange grass in the cotton field as well as getting high quality cotton harvest up to 34,6 - 37,4 c/ha.

Калит сўзлар: ғўза, бегона ўт, шудгор, икки ярусли, хайдов чуқурлиги, пахта ҳосили.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида пахта етиштиришни янада кўпайтириш халқ хўжалигини, айниқса, иқтисодий тармоқни юксалтиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун, унинг ҳосилдорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири, пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган барча агротехнологик тадбирларни, яъни пахта етиштиришни замонавий ресурс тежамкор технологияларини жорий этиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан ҳамда суғориш сувларидан самарали фойдаланиш, ғўзани бегона ўтлардан ҳимоя қилиш энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Чунки, республикамизнинг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлардан самарали фойдаланилганда, пахтазорларда тарқалган бегона ўтларга қарши курашиш чора-тадбирларини ўз вақтида қўллаганда, пахта ҳосилдорлигини гектарига 40-45 центнерга етказиш мумкин [1].

Ҳозирги пайтда республикамизнинг Жиззах, Самарқанд вилоятларининг пахта етиштирилаётган шароитида экилаётган ғўза навларининг ҳосилдорлиги ўртача 20 - 23 ц/га дан ошмаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири, пахта майдонларида жуда кўплаб турдаги ҳар хил (кам, бир, икки ва кўп йиллик) бегона ўтлар кенг тарқалган бўлиб, улар чигитни униб чиқишидан бошлаб, то унинг ҳосилини йиғиштириб олишгача бўлган даврларда, ғўзани бир маъёрда ўсиши ва ривожланишига тўсқинлик қилади, пахта ҳосилини 25 - 30 % гача пасайтириб, тола сифатини ёмонлаштиради [5], иккинчи томондан пахтазорлардаги бегона ўтларга қарши курашишда илмий асосланган агротехникавий, биологик, кимёвий ва бошқа курашиш тадбирларини шу вақтгача ишлаб чиқарилмаганлигидир.

Шу боис, пахта етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари худудларида бегона ўтларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, бундай шароитларда пахта ҳосилдорлигини ва тола сифатини ошириш имконини беради ва бу масала пахтачиликнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Материаллар ва методлар. Кўрсатиб ўтилган муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида, бизлар 2014 - 2016 йиллар давомида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг (ПСУЕА ИТИ) Жиззах ва Самарқанд тажриба станцияларининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида дала тажрибалари олиб бордик.

Тадқиқотларимизнинг шудгорлаш усули ва чуқурлигини бегона ўтларни йўқотишдаги ва пахта ҳосилига таъсири ўрганилди. Дала тажрибалари 4 такрорлашда ўтказилиб, вариантлар схематик равишда кетма-кет бир ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир пайкалчанинг умумий майдони - 792 м², шундан ҳисобга олингани - 396 м². Тадқиқот ўтказилган далаларнинг тупроғи ўтлоқи-бўз тупроқ бўлиб, унинг ҳайдалма (0 - 30 см) қатламидаги гумус миқдори 1,06 - 1,18 %, озик элементларини ялпи шакли, азот 0,11 - 0,13; фосфор 0,16 - 0,19 ва калий 2,21 -

2,46 %. Ҳаракатчан шакллари тегишлича 14,2 - 15,6; 20,4 - 22,8 ва 260 - 290 мг/кг тупроқда эканлиги аниқланди.

Тажриба даласида олиб борилган тупроқларнинг агрокимёвий таҳлиллари [4], ғўзадаги барча фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчашлар [2] бўйича, ҳосилдорлик кўрсаткичлари Б.А.Доспехов [3] усулида дисперсион таҳлил қилинди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Самарқанд ва Жиззах вилоятларида жойлашган ПСУЕА ИТИни тажриба станцияларидаги пахтазорларда ўтказган кузатишларимиз натижаларини кўрсатишича, шудгор давригача ғўза майдонларидаги эфемер бегона ўтлар тўлиқ нобуд бўлганлиги аниқланди. Шу билан бир қаторда, ғўза экиладиган майдонларнинг маданийлашганлик даражасини ортиши билан, ушбу майдонларда тарқалган бегона ўтларнинг тур таркиби кўпайиб кетганлиги ҳисобга олинди. Кузатиш натижаларига қараганда, пахтазорларда кам йиллик бегона ўтлардан 1 м² да: оқ шўра - 1,68 дона, мочин - 8,76; шамак - 7,48, ит узум - 4,96, итқўноқ - 1,35, суттикан - 0,83, семизўт - 0,93, ғўза тикан - 0,31, қуртэна - 0,24 дона; кўп йилликлардан, янтоқ - 0,18, ғумай - 3,58, қўйпачак - 3,88, қамиш - 1,53, саломалайкум - 0,87 ва такасоқол - 0,14 дона мавжудлиги аниқланди.

Пахта далаларидаги кўрсатиб ўтилган бегона ўтларни йўқотишда агротехник тадбирлардан тупроқ, юза қатламини ағдариб, кузги шудгор қилиш асосий ўринни эгаллайди. Бунда, икки ярусли ПЯ - 3 - 35 русумли плуг билан 30 см ва ПД - 3 - 35 плуги билан 40 см чуқурликда ҳайдаш янада юқори самара беради. Икки ярусли плуг билан шудгор қилинганда, оддий шудгордан фарқли равишда тупроқ қатлами икки қатламга ажратилади: юқоридагиси (0-15 ёки 0-20 см) ҳайдаш эгатининг тубига ва пастдагиси унинг устига (15-30 ёки 20-40 см) жойлаштирилади. Бу ҳолда, бегона ўтларнинг уруғлари ва илдизпоя, илдизбачкилари плуг эгатининг тагига кўмилади ва бегона ўтлар ер юзасига униб чиқаолмасдан нобуд бўлади ҳамда айрим ниш уриб чиққанлари ҳам 2 - 3 хафтадан кейин пайдо бўлади. Шунинг учун, икки ярусли плуг билан ҳайдашда даладаги бегона ўтлар, оддий плугда шудгор қилишга нисбатан 1,5-2 мартаба камайиши қайд этилди.

Тадқиқот натижаларини кўрсатишича, далаларни кузда шудгорлашгача бўлган даврда биринчи даланинг 1 м² да - 23,6 дона, иккинчисида эса - 14,8 дона ҳар турдаги бегона ўт мавжуд бўлган бўлса, шудгорлаш биринчи далада 30 см чуқурликда икки ярусли плуг билан ўтказилганда ғўзанинг ўсув даврини охирида бегона ўтлар сони 6,2 дона/м², иккинчи далада шудгорлаш 40 см чуқурликда икки ярусли плуг билан ўтказилганда бу кўрсаткич 3,2 дона/м² дани ташкил этди ёки икки ярусли плуг билан шудгор қилинганда, даладаги бегона ўтлар оддий (28-30 см чуқурликда) ҳайдашга нисбатан тўрт баробар, 40 см чуқурликда ҳайдалганда эса, беш ва ундан ҳам кўпроқ камайганлиги аниқланди.

ПСУЕА ИТИнинг Самарқанд тажриба станциясидаги тажриба натижаларини кўрсатишича, ерни чигит экиш олди ишлов давригача 40 см чуқурликда икки ярусли плуг билан шудгор қилинганда, шудгор 28-30 см чуқурликда оддий плуг билан ўтказилганлигига нисбатан бир йиллик бегона ўтлар 85,2 % ни ва кўп йиллик бегона ўтлардан - ғумай, қўйпечак, бўзтикан ва бошқаларни 54,7 % ни йўқотганлиги кузатилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, механик таркиби ўртгача кумоқ, ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида шудгор 30 - 40 см чуқурликда икки ярусли плуг билан ўтказилганда, бегона ўтлар миқдори оддий плуг билан шудгорлашга нисбатан кескин камайди. Шудгорлаш 28-30 см чуқурликда (назорат) ўтказилганда эса, бегона ўтлар сони ҳар бир квадрат метрда 33,7 дона бўлиб, ғўзанинг ўсув даврини охирида, яъни келгуси йил кузда ҳам бу кўрсаткич ўзгармайди ва аксинча, шудгор 30 см чуқурликда икки ярусли плуг билан ўтказилгандан сўнг, даладаги бегона ўтлар сони ҳар бир квадрат метрда 23,6 донани ташкил этган бўлса, келгуси йили ғўзанинг ўсув даврини охирида тўрт баробарга яқин, яъни 6,2 дона/м² да камайганлиги ҳисобга олинди.

Тадқиқотлар ўтказилган Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида пахта майдонларини ифлослантириб, унинг ҳосилдорлигини кескин камайишига олиб келувчи бегона ўтлар: шамак, шўранинг уч тури, итузум, қўйпечак, ғумай, ажриқ ва қамиш эканлиги кузатилди. Шу боис, ғўза сурункали экилган далада, шудгорлаш икки ярусли плуг билан 30 см чуқурликда ўтказилганда, ғўза қатор орасига учинчи ишлов беришгача бўлган даврда бегона ўтлар сони 21,3 донадан 3,7 донагача/м² да мавжудлиги аниқланди.

Ушбу тадқиқотларимизда энг кам миқдордаги бегона ўтлар, шудгорлаш икки ярусли плуг билан 30 см чуқурликда ўтказилиб + бегона ўтлар илдиз колдиклари тараб олинган майдонларда ҳисобга олиниб, у ўртача 1 м² да 9,5 ва 1,8 донани ташкил этди.

Тажриба даласида шудгорлаш 40 см чуқурликда ўтказилиб, у бегона ўтларни илдизларини тараб олиш ва гербицидлар билан қўшиб олиб борилган вариантда энг юқори самарадорликка эришилди. Масалан, шудгорлаш 30-40 см чуқурликда икки ярусли плуг билан ўтказилиб, тараш ва гербицид қўлланилмаган далалардаги ғўзага биринчи ишлов беришдан олдин 1 м² да бегона ўтлар сони 31,4 ва 19,2 донага тенг бўлган бўлса, юқорида таъкидлаб ўтилган энг самарали вариантда бу кўрсаткичлар тегишлича 3,3 ва 1,4 дона/м² ни ташкил этди холос. Бундан ҳам кам миқдордаги бегона ўтлар 1 м² да 1,2 дона, шудгорлаш 40 см чуқурликда, бегона ўтлар илдизлари тараб олиш ва гербицидларни кузда қўллаш билан биргаликда ўтказилган пайкалчаларда қайд этилди. Худди шундай ҳолатни ғўзага иккинчи, учинчи ва ундан кейинги ишлов беришлардан олдинги ҳисоблашларда ҳам кузатилди.

Шундай қилиб, Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида етиштириладиган ғўзанинг бегона ўтларига қарши курашишда кузги шудгорлашни икки ярусли плуг билан 40 см чуқурликда (ҳар 3 йилда бир марта) ўтказиш ва уни бошқа агротехнологик тадбирлар билан биргаликда қўшиб олиб бориш, нафақат пахтазорлардаги кам ва кўп йиллик бегона ўтлар миқдорини кескин камайтириши, шу билан бир қаторда ушбу майдонлардан ўртача 34,6 - 37,4 ц/га пахта ҳосили етиштириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатди.

Хулосалар.

1. Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг пахта етиштирадиган фермер хўжаликлари худудларида тарқалган бегона ўтларга қарши курашиш самарадорлигини оширишда энг аввало, ғўза етиштириладиган майдонларни бегона ўтлар билан ифлосланиш типларини, бегона ўтларнинг оиласи ва турларини билган холда уларга қарши комплекс курашиш тадбирларини қўллашни тақозо этади.

2. Пахтазорларда тарқалган бегона ўтларга қарши курашишнинг энг муҳим агротехник тадбирлардан бири, бу - шудгорлаш бўлиб, уни 40 см чуқурликда (ҳар 3 йилда бир марта) ўтказиш, кўплаб кам йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларни йўқотиш имконини беради ҳамда ушбу майдонларда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратилиб, пахта етиштириш самарадорлигини юқори бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арипов А. Экинларни бегона ўтлардан ҳимоялаш технологияси // Ўсимликлар ҳимояси ва карантини. - Т., - 2016. - №1(7). - Б. 6 - 7.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. - Т., ЎзПТИ. 2007. - 145 б.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта - М., 1985. - 348 с.
4. Методика агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных районах. - Т., Союз НИХИ, 1963.
5. Мирзажонов Қ., Рахмонов Р. Бегона ўтларга қарши агротехник курашиш чоралари // Агроилм. - 2016. - №8. - Б.35.

УДК 632.53:633.71

ШУМҒИЯНИНГ (*Orobanche*) ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИГА ЗАРАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ

Умурзоқов Э.У., Аҳмедов С.И., Самарқанд қишлоқ хўжалик институти
Файзуллаев Б., Самарқанд Давлат Университети

Annotation: In the article morphological indicators of parasite plant of *Orobanche* including height, bloom, stalk are informed. Moreover there is some information about its danger to agricultural plants.

Keywords: parasite plant, orobanche, parasite, vegetables, field plants, sunflower, tobacco, polimorphism.

Аннотация: мақолада паразит бегона ўт шумғиянинг (*Orobanche*) морфологик кўрсаткичлари - бўйи, гули, пояси, гоусториялари ҳақида маълумотлар ёритилган. Қишлоқ хўжалик экинларига уларнинг зарари тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар. Бегона ўт, шумғия, паразит, сабзавот, полиз экинлари, кунгабоқар, тамаки, полиморфизм.

Кириш. Республикамизда паразит ўсимлик шумғия (илонўти) жуда кўп экинларга катта зарар етказди. Ушбу паразит қовун, тарвуз, помидор, картошка, тамаки, кунгабоқар, ерёнғок, кунжут ва бошқа экинларнинг ашаддий паразит бегона ўти ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида шумғиянинг миср шумғияси, шершоҳ шумғия ва карам шумғияси тарқалган. Улардан миср шумғияси (*Orobanche aegyptiaca* Pers.) кенг тарқалган бўлиб, турли оиладаги 100 турдан ортиқ ўсимликларни зарарлайди.

Шумғиянинг зарари полиз, сабзавот ва техник экинларида турлича бўлиши мумкин. Сабзавот экинларини миср шумғияси ўртача 50-60 % зарарлаб, ҳосилнинг 20-25 % ундан зиёд миқдори нобуд бўлиши аниқланган.

Шумғиянинг биологияси ҳақида жуда кўп адабиётларда маълумотлар келтирилган. Лекин, унга қарши кураш ҳақидаги маълумотлар чегараланган (1,2,3,4).

Бундан ташқари, шумғия паразити маълум бир ўсимликнинг ҳосили ва сифатига келтирадиган зарари ҳақидаги маълумотлар ҳам жуда кам. Айниқса, кейинги йилларда шумғия паразити қишлоқ хўжалик экинларида жиддий зарар келтирмоқда. Унга қарши кураш усуллари кам ўрганилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилмаган.

Асосий қисм. Шумғия минг йиллаб давом этган эволюция натижасида паразит ҳаёт тарзига мослашиб, бир қатор биологик хусусиятларга, яъни ташқи муҳитга юқори мослашиш даражаси, катта кўпайиш коэффициенти (1 ўсимлик 150-200 минг дона уруғ ҳосил қилади), унинг уруғлари тупроқда узоқ вақт сақланиши (10-12 йил), қулай шароит пайдо бўлганда хўжайин ўсимлик илдиз тизимида ўрнашиб униб чиқиши каби бир қатор биологик хусусиятларни шакллантирган.

Кўп йиллик ўсимликларда паразитлик билан яшаб келаётган шумғия турлари кўп йиллик паразит сифатида ҳаёт кечиради. Унинг айрим турлари вегетатив кўпайиш хусусиятига эга.

Шумғиянинг бир йиллик ўсимликларда паразитлик қилувчи турлари хўжайин ўсимлик билан бирга яшайди ёки кўп йиллик ўсимликларга кўчиб ўтиш ҳоллари ҳам учрайди. Улар хўжайин - ўсимлик нобўд бўлгандан кейин 8-14 кунгача яшаши мумкинлиги аниқланган. Айрим жойларда паразитнинг икки йиллик турлари ҳам учрайди. Биринчи йили хўжайин - ўсимлик илдиз тизимида тугунакка ўхшаш этили тўқима ҳосил қилади ва иккинчи йили ундан поя униб чиқади.

Миср шумғияси асосан бир йиллик ўсимликларда паразитлик қилади ва одатда, хўжайин-ўсимлик билан бирга вегетациясини тугатади. Айрим ҳолатларда паразит эфемер бегона ўтларда ҳам яшаши мумкин (2). Паразитнинг бу хусусиятларидан унга қарши курашда фойдаланиш мумкин.

Паразит-ўсимлик шумғияда мослашувчанлик ва полиморфизм ҳамда морфологик ўзгарувчанлик кучли ривожланган.

Профессор Д.Т. Қобулов (1) томонидан қовун, тарвуз, ошқовоқ, бодринг, помидор, тамаки ва кунгабоқар экинларида миср шумғиясининг морфологик белгилари турли хил кўринишда бўлишлиги ва бу белгилар наслдан-наслга ўтмаслиги аниқланган.

Тамаки ўсимлигида миср шумғияси жуда кўп шох ҳосил қилади, айниқса ўсимлик жадал ўсиш даврида буни яққол кузатиш мумкин. Бунда паразит тамакининг яхши ривожланган ён илдиз ёки илдиз бўғзига яқин бўлган қисмига сўрғичлари билан ёпишиб олади. Паразитнинг сўрувчи қисмида жуда кўп миқдордаги крахмал моддаси бўлишлиги уни ўсишини жадал бўлишини таъминлайди.

Миср шумғияси паразити тупроқда хўжайин-ўсимлик илдиз тизимида жойлашганларилан ер юзасига чиқиб поя ҳосил қилганлари қовунда 40,5 %, тарвузда 10,7% ва помидорда эса 13,9 % ни ташкил қилади. Қолган паразитлар илдизни тупроқни чуқурроқ қисмида жойлашади ва улар хўжайин-ўсимликни бутун ўсув даври мобайнида униб чиқа бошлайди, шу билан ўсимликка бутун ўсув даври давомида зиён еткази. Паразит уч марта юлиб ташлаганда ҳам яна униб чиқиш қобилиятига эга.

Тамаки ўсимлиги атрофидан 30-40 см радиусда ва айрим ҳолатларда ундан узоқроқ жойларда ҳам паразит униб чиқади. Шумғия уруғлари тупроқнинг 30-40 см чуқурлигида ҳам униб чиқиб, сўрувчиларининг диаметри 3 см гача боради. Д.Т.Қобулов (1) тажрибаларида тупроқнинг 20 см чуқурлигидан энг кўп паразит униб чиқиши аниқланган. Паразитнинг ушбу хусусиятини ҳисобга олиб, унга қарши курашда чуқур шудгорлашнинг аҳамияти катта.

Миср шумғияси хўжайин-ўсимликларда яширин ҳолатда тупроқ тагидаги илдиз қисмида ер юзига чиқмасдан паразитлик қилади. Унинг хўжайин-ўсимликка асосий зарари тупроқнинг паразит жойлашган қисмида содир бўлади, ер устига униб чиқиши охири босқич бўлиб, гуллагандан кейин у курий бошлайди.

А.В.Загоровский (4) маълумотларига кўра, тамаки майдонининг 1 м² майдонида 9 млн. дона шумғия уруғи ҳосил бўлиши аниқланган. Уруғи жуда кичик бўлганлиги сабабли шамол, одам, ҳайвонлар, шу билан бирга суғориш суви орқали тарқалиши мумкин.

Шумғиянинг гуллари ҳашаротлар орқали, асосан фитомиза пашшаси орқали чангланади. Лекин, И.Г.Бейлин (1947) маълумотларига кўра, шумғиянинг уруғи изоляторда ҳам ҳосил бўлганлиги баён этилган.

Шумғия поясининг бўйи ва эни, гулининг сони ва катталиги, кўсакча сони ва ундаги уруғ сони паразитнинг турига, хўжайин-ўсимлик ўсаётган табиий ва агротехник шароитларга ҳамда хўжайин-ўсимлик илдизида ўсаётган паразитларнинг сонига боғлиқ.

Одатда, тамакида миср шумғияси кучли шохланган пояга эга бўлиб, сентябрь-октябрь ойларига келиб битта поя ҳосил қилади. Ушбу пояга фитомиза пашшаси уруғ кўяди. Тамаки миср шумғияси билан кучли зарарланганда ҳар бир ўсимлик илдизида 15-20 тадан турли ривожланиш даврлардаги паразит бўлиб, уларни бўйи 10 см дан 40 см гача бўлиши аниқланди (5).

Тамаки майдонларидаги шумғия одатда турли ривожланиш даврларида териб ташланганда, тамакининг илдизи жароҳатланади, паразитнинг илдизга ёпишиб турган қисми қолади ва қулай шароитда қиска давр мобайнида ундан янги поя ўсиб чиқади ва 15-20 кунда гуллаб кўсакча (уруғ) ҳосил қилади.

Миср шумғиясининг ривожланиш даврларининг давомийлиги одатда хўжайин - ўсимликнинг вегетациясига боғлиқ. Айрим эфемер ўсимликларда шумғиянинг ривожланиш даври 20 кунгача бўлса, тамакида эса 40-45 кунгача ривожланиб, поясида жуда кўплаб шохлар ҳосил қилиши билан тавсифланади. Тамаки ўсимлигида паразит ўсимтаси пайдо бўлганидан кейин 12-14 кундан сўнг гуллаш бошлайди ва қийғос гуллаш даври 16-18 кундан сўнг кузатилади. Гуллаш даври тугаши билан кўсакчалар ҳосил қилиш даври бир ҳафтагача давом этади. Шумғия паразитининг кимёвий таркибида бир қатор заҳарли моддалар - глюкозид ва алколоидлар (ринантин, аробанхолин) бўлганлиги сабабли чорва моллари уни емайди.

Хулоса. Шумғияда, хусусан миср шумғиясида шароитга мослашиш ва полиморфизм хусусиятлари кучли ривожланган бўлиб, наслий бўлмаган ва ўзгарувчан морфологик хусусиятларга эга. Паразитнинг хўжайин-ўсимликларда узоқ вақтлар паразитлик ҳаёт тарзи унда жуда кўп уруғ ҳосил қилиш ва уларда бир неча йиллар (10-15 йил) унувчанлигини сақлаб қолиши хусусиятлари шаклланган. Паразитнинг уруғлари асосан тупроқнинг 20-30 см чуқурлигида жойлашганлигини инобатга олиб, шудгорни чуқур ўтказишни (30-35 см) паразитга қарши курашда қўллаш мумкин.

Хўжайин-ўсимликка паразитнинг асосий зарарли таъсири уни тупроқ юзасига униб чиққунча бўлади. Паразит ўсимлик-шумғияга қарши самарали кураш усуллари ишлаб чиқишда унинг барча биологик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Адабиётлар.

1. Кабулов Д.Т. Биология видов заразиhi. Труды Самаркандского госуниверситета. Вып. 187. 1970.
2. Бейлин И.Г. Борьба с повиликами и заразихами. Москва., 1967.
3. Грушевой С.Е., Матвиенко Т.М. Цветковые растения-паразиты. Москва, Колос. 1950.
4. Загоровский А.В. Заразиха и меры борьбы с ними. Фрунзе, 1956.
5. Умурзаков Э.У. Влияние ГМК на засоренность табачной плантации заразихой.-В сб. ТашГУ, Сорные растения орошаемых земель Узбекистана и совершенствование меры борьбы с ними.-1988. С.34-36.
6. Антонец Н.П. Фитомиза против заразиhi. Защита растений, 1970, № 7.
7. Кабулов Д.Т., Бронштейн Ц.Г. Перспективы биологического метода борьбы с заразихой. Труды СамГУ, Самарканд, 1961, вып. 109.

УЎТ: 632.5: 632: 631.58

ГЕРБИЦИДЛАРНИНГ ТУПРОҚ МИКРОФЛОРАСИ ВА ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРГА ТАЪСИРИ

Ризаев Ш.Х., Негматов Ш.Э.
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация: *Илмий мақолада кузги бугдой бегона ўтларига қарши қўлланилган Атлантис гербициди 250, 300 г/га меъёрларини тупроқ микрофлораси ва яшил масса учун такрорий экилган маккажўхорининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир этмаганлиги ёритилган.*

Калит сўзлар: *Кузги бугдой, гербицид, микрофлора, такрорий экин, маккажўхори, яшил масса, ҳосилдорлик.*

Abstrac: *In this article data on the use of the Atlantis herbicide against winter wheat weeds are given and it is established that applied of the herbicide at a rate of 250 and 300 g/ha it does not affect the soil microflora and growth, the development of maize grown after their application.*

Keywords: Winter wheat, herbicide, microflora, repeated crops, maize, green mass, yield..

Кириш

Гербицидларнинг асосий вазифаси, бегона ўтларни йўқотиш билан бирга, тупроқдаги айрим биокимёвий жараёнларга ҳам турлича таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида тупроқ микроорганизмлари ҳамда кейинги экилган экин турларига ижобий ёки салбий таъсир этади. Маълумки, тупроқдаги микробиологик жараёнлар унинг унумдорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли кўпчилик тадқиқотларда тупроқ микроорганизмларининг гербицидларга нисбатан турли муносабатлари ўрганилган [1,2]. Бегона ўтларга қарши курашда тавсия этилаётган меъёрдаги гербицидлар қўлланилганда тупроқ микроорганизмларига салбий таъсири кузатилмаган, фақат айрим ҳолларда тупроқдаги микроорганизмларни вақтинчалик гуруҳларини ўзгариши ёки биологик жараёнларнинг сусайганлиги аниқланган бўлса [6,7], айрим тадқиқотчилар томонидан [4] пахта даласида сурункали ўн йил гербицидлар қўлланилгандан кейин кузги ғалла экинлари экилганда, бугдойнинг дон ҳосили 4-13 %, жавдарники 4,5-7,5 ва тритикаленики 4-8 % га камайганлиги аниқланган.

Материаллар ва методлар

Юқоридагиларни инобатга олиб, Самарқанд вилоятининг Тайлоқ тумани “Шодмонбой Негматов Сохибкор” фермер хўжалигининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги бугдойнинг бегона ўтларига қарши курашишда 250, 300 г/га меъёрларида қўлланилган Атлантис гербицидининг тупроқ микрофлораси ва кузги бугдойдан кейин яшил масса учун такрорий экилган маккажўхорининг ўсиши, ривожланишига, ушбу гербицид меъёрларининг кейинги таъсирини ўрганиш учун дала тажрибалари олиб борилди.

Дала тажрибалари 3 та вариант, 3 такрорликда ўтказилиб, ҳар бир пайкалнинг умумий майдони 280 м², вариантлар бир ярусда, систематик равишда жойлаштирилди. Тажрибада маккажўхорининг «Ўзбекистон - 306 МВ» Давлат реестрига киритилган, такрорий экиш учун ўртапешар, ўсув даври 86-103 кун бўлган F1 дурагайи экилди.

Илмий тадқиқотлар умумқабул қилинган услублар [3,5] асосида ўтказилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, типик бўз тупроқлар таркибидаги бактериялар миқдори гербицид сепилмасдан олдин, ўрганилган барча вариантларда бир-бирига яқин бўлиб, ўртача икки йилда 1 г тупроқда 48,0-52,5 млн дона ташкил этди.

Кузги буғдой бегона ўтларига қарши қўлланилган Атлантис гербициди меъёрлари тупроқ таркибидаги бактериялар миқдorigа сезиларли салбий таъсир кўрсатмади. Масалан, гербицид ишлатилмаган назорат вариантынинг ҳайдалма қатламининг 1 г тупроғида 51,5 млн дона бактерия мавжудлиги аниқланган бўлса, гектарига 250, 300 г Атлантис ишлатилгандан 30 кундан сўнг бактериялар сони аниқланганда, мос равишда 0,1-0,2 млн донага камайганлиги кузатилди. Гербицид сепилгандан 45 кундан сўнг бактериялар сони кўпая бошлаб, 60 кундан сўнг дастлабки сонига келганлиги аниқланди.

Актиномицетлар, бактериялардан фарқли равишда, курук, айниқса, бўз тупроқларда ҳар хил тур ва шакллари кўпроқ учрайди. Актиномицетларга хос хусусиятлардан бири, улар бошқа микроорганизмлар томонидан парчаланмайдиган органик бирикмаларни ҳам ўзлаштира олишидир. Чунки, актиномицетлар органик моддаларнинг шундай бир парчаланувиш жараёнида ҳаракатга келадик, қайсики, бу вақтда бошқа микроорганизмлар парчаланувишни кейинги босқичида қатнаша олмайди [1,2].

Атлантис гербициди сепилгунча вариантларнинг 1 г тупроғида актиномицетлар 13,5-15,0 мингтани ташкил этди.

Гербицидлар сепилгандан кейин назорат гербицидсиз вариантдаги актиномицетлар сони 14,7 мингтани ташкил этган бўлса, гербицидлар қўлланилган тажриба вариантларида эса уларнинг сони 0,6-0,8 мингтага кўп бўлди. Лекин, актиномицетлар сонини гербицид сепилгунча ва сепилгандан кейинги кўрсаткичлар билан қиёслайдиган бўлсак, албатта бу кўрсаткичлар бирламчи миқдордан анча юқоридир.

Худди шунингдек, тажрибада кузги буғдой бегона ўтларига қарши Атлантис гербициди қўлланилган вариантларнинг 1 г тупроғида замбуруғлар сони назоратдагидан 2,2-1,4 мингтага, пеницилл 4,8-3,1% ва аспергел 3,8-2,5 % га кўп бўлган бўлса, бу кўрсаткичлар назорат вариантларда тегишлича 9,1-10,4 млн., 16,8 ва 60,1 % ни ташкил этганлиги аниқланди.

Илмий тадқиқот мақсадига кўра, кузги буғдой бегона ўтларига қарши қўлланилган Атлантис гербициди меъёрларининг яшил масса учун такрорий экилган маккажўхорининг ўсиши, ривожланиши, барг сатҳига қайта таъсири ўрганилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, маккажўхорининг ўсиши ва ривожланиши бўйича кўрсаткичлар, Атлантис 250 г/га меъёрида қўлланилган пайкаллардаги ўсимлик бўйи вариантлар бўйича ўртача 171,8 - 167,5 см, барг сони 17,6 - 15,1 дона, битта ўсимликдаги барглarning сатҳи 0,93 - 0,88 м² га тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткичлар Атлантис 300 г/га қўлланилган пайкаллардагидан 10,5-6,2 см, 3,6 - 1,1 дона ва 0,12 - 0,07 м² юқори эканлиги аниқланди.

Тажрибаларимизда гербицид ишлатилмаган назорат пайкаллардаги бир туп маккажўхорининг массаси 215,2 г ни ташкил этиб, унинг 59,7 % поя ва 40,3 % барг ҳиссасига тўғри келган бўлса, 250, 300 г/га Атлантис сепилган пайкалчаларда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 76,4-61,2 г/туп юқори бўлиб, улардаги поя ҳиссаси 1,4 - 1,2 % га камайиб, барг ҳиссаси қисман ошганлиги қайд этилди.

Тажрибада қўлланилган Атлантис гербицидининг 250, 300 г/га меъёрлари такрорий экилган маккажўхори ҳосилдорлиги ва яшил массасининг сифат кўрсаткичларига салбий таъсири кузатилмади. Тажрибада энг юқори ҳосилдорлик Атлантис 250 г/га меъёрида қўлланилган пайкалларда 27,28 т/га тенг бўлиб, бу назорат гербицидсиз вариантига нисбатан 9,5% юқори бўлганлиги аниқланди.

Хулоса

Кузги буғдой бегона ўтларига қарши курашишда 250, 300 г/га меъёрларда қўлланилган Атлантис гербициди тупроқ микрофлорасига салбий таъсир кўрсатмаганлиги кузатилди, яъни тупроқлар таркибидаги актиномицетлар назорат гербицидсиз вариантларга нисбатан 0,6-0,8 мингтага, замбуруғлар 3,8-2,5 мингтагача, пеницилл ва аспергеллар эса мос равишда 4,8-3,1 ва 3,8-2,5 % юқори бўлганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, яшил масса учун такрорий экилган маккажўхорининг ўсиши, ривожланиши, яшил масса сифатига салбий таъсир этмаганлиги ва аксинча, ҳосилдорликга ижобий таъсир кўрсатганлиги, гербицид қўлланилгандан кейин 45-60 кун ўтгач, ушбу майдонларда ҳеч қандай хатарсиз такрорий экинлар етиштириш имкониятлари мавжудлигини яна бир бор тасдиқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Diez M.c. Biological aspects involed in the degradation of organic pollutants. J. Soil Sci. Plant. Nutr. 10 (3) 244-267 (2010).
2. Khalid Nawaz, Khalid Hussain, et all. Eco-friendly role of biodegradation against agricultural pesticides hazards. African Journal of Microbiology Research Vol. 5 (3), 2011. Pp. 177-183.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. - Тошкент, ЎзПТИ, 2007. - 145 б.
4. Бахрамов Б. Кузги буғдой ва ҳосилдорлик //Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -1999. -№ 6. -Б. 31-32.
5. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в полевных хлопковых районах. -Ташкент: 1963. -440 б.
6. Мишустин Е.Н., Емцов В.Т. Микробиология. -М.: Колос, 1978. -315 б.
7. Ҳақимов А., Тешабоева Р., Тиллахўжаева Н. Истикболли гербицидлар ва тупроқ микрофлораси //Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -2001. -№ 5. -Б. 46-47.

УДК:631.4:549.25.

ТЕХНОГЕН ИФЛОСЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА ОҒИР МЕТАЛЛАР МИҚДОРИ

Бобобеков И.Н., қ-х.ф.н. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация: Самарқанд аэропорти атрофида тарқалган тупроқлар ҳаракатчан кўрғошин ва мис билан кучли ифлосланган. Энг кўп ифлосланиш асосан аэропортнинг ғарб, шимолий ғарб ва шимол йўналишларида қайд этилган.

Annotation. Soils of the near Samarkand airport region are very pollutant with mobile lead and copper. Most pollution is mainly in the western part of the airport, in the western north area and north parts.

Калит сўзлар: Техноген ифлосланиш, аэропорт, оғир металл, ҳаракатчан кўрғошин ва мис

Кириш: Ҳозирги кунда бутун дунёда бўлгани каби республикамизда ҳам суғориладиган тупроқлар таркибидаги оғир металллар миқдорини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Чунки оғир металлларнинг тупроқда кўпайиши натижасида улар тупроқда тўпланиб, тупроқ хосса ва хусусиятларини бузади. Натижада ўша ерда экилган қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг жиддий равишда камайишига ҳам олиб келади. Тупроқларнинг оғир металллар билан ифлосланиши табиий ва техноген бўлиши мумкин. Яъни табиий ҳолда бу тупроқ пайдо қилувчи жинслар таркибида ушбу элементларнинг кўп бўлиши билан изоҳланса, техноген ифлосланишда саноатнинг ривожланиши ва транспорт ҳаракатининг кўпайиши ва қишлоқ хўжалигида интенсив деҳқончилик тизимининг қўллаш асосида ўғитлар ва пестицидлардан нотўғри фойдаланиш асосида юзага келади. Шунинг учун ҳам турли минтақаларда тарқалган тупроқларнинг оғир металллар билан ифлосланишини доимий равишда назорат қилиб бориш талаб этилади.

Материаллар ва методлар: Тадқиқотда Самарқанд аэропорти атрофида тарқалган тупроқлар таркибидаги мис ва кўрғошин элементларининг ҳаракатчан миқдори ўрганилди. Ушбу элементларнинг тупроқдаги миқдори ва тупроқларни ифлослантириш даражасини ўрганиш учун аэропортнинг шарқ томонидан 20 километр узоқликдаги оғир металллар таъсирига учрамаган майдон фон сифатида танлаб олинди. Ҳаракатчан шаклдаги оғир металллар миқдори эса ацетат буферли эритмада атом-адсорбцион усулда "Сатурн-2" спектрофотометрида аниқланди [4].

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Биосферанинг бошқа қисмларига нисбатан тупроқда оғир металллар нисбатан кўпроқ тўпланади. Шунинг учун тупроқларнинг оғир металллар билан ифлосланиши кўпроқ кузатилади. Тупроқда тўпланган оғир металллар ювилиш, эрозия, дефляция ва шу ерда ўсаётган табиий ўсимликлар ва етиштирилаётган қишлоқ хўжалик экинлари томонидан ўзлаштирилиши ҳисобига аста-секин камаяди. Оғир металлларнинг кирим-чиқим балансини тупроқларда ўрганиш тупроқни юза қатламида оғир металлларнинг миқдори индустрия ва қишлоқ хўжалигини ривожланиши натижасида ортаётганлигини кўрсатди. Тупроқларни регионал ифлосланиши асосан саноат районларида ва йирик аҳоли пунктлари атрофида юз беради.

Тупроқда кўрғошиннинг тўпланиши ва ўсимликларга зарар кўрсатиши асосан антропоген омиллар таъсирига боғлиқ. Бундан ташқари кўрғошиннинг тарқалишига транспорт ҳаракати, рангли металлургия саноати томонидан чиқариладиган ҳар-хил заҳарли кимёвий газларнинг роли катта. Кўрғошиннинг энг заҳарли хавфли бирикмаларидан бири автомашиналарнинг детонациясини камайтириш учун бензинга қўшиладиган тетраэтил кўрғошинидир. Бу бензиннинг 1 литери ёнишидан ҳавога 200-400 мл кўрғошин ажралиб чиқади. Йил давомида атмосферага битта автомобил ўртача бир кг гача кўрғошин ажратиб чиқаради. Агар ер юзасида автомобиллар сони 250 млн дан ортиб кетаётганлиги ҳисобга олинса ҳар йили ер шари қанча миқдор кўрғошин билан заҳарланаётганлиги маълум бўлади [1,2].

Олинган натижаларнинг кўрсатишича ҳаракатчан шаклдаги кўрғошиннинг миқдори фон сифатида олинган майдонда 1 кг тупроқда 1,5 мг ни ташкил этди. Ҳаракатчан шаклдаги кўрғошиннинг энг юқори кўрсаткичи аэропорт атрофидаги тупроқларда 35 мг/кг гача бўлиши қайд этилди. Ҳаракатчан кўрғошин билан асосан аэропортнинг ғарбий, шимолий-ғарб ва шимол йўналишларидаги тупроқлар кўпроқ ифлосланган. Бунга асосий сабаб асосий шамол йўналишларининг шу томонларга қараб эсишидир. Ҳаракатчан шаклдаги кўрғошиннинг энг кўп миқдори 37 мг аэропортдан 1500 метр шимолий-ғарбда). Ғарбий йўналишида ҳаракатчан кўрғошиннинг максимал миқдори- 32 мг, шимол йўналишида эса 30 мг ни ташкил этди. Аэропортнинг ушбу йўналишларида ҳаракатчан кўрғошин миқдори фон кўрсаткичидан 8-10 марта ва ундан ҳам кўп бўлган майдонлар 4500-5000 метрга бўлган майдонлардаги тупроқларда кузатилди. Ҳаракатчан шаклдаги кўрғошиннинг билан ифлосланиш ушбу йўналишлар бўйича аэропортдан 6000-8000 метрдан сўнг кескин камаяди ва фон миқдорига яқинлашади ёки тенглашади. 15000 метр узоқликдан эса баъзи майдонларда ялпи кўрғошин миқдори фон миқдоридан кам бўлиши ҳам қайд этилди.

Тадақиқотнинг аэропортнинг жануб ва шарқ йўналишидаги тупроқлар ҳаракатчан шаклдаги кўрғошин билан нисбатан камроқ ифлосланганлиги кўрсатди. Ушбу ҳудудларда кўрғошиннинг максимал миқдори мос равишда 18 ва 22 мг ни ташкил этди (жанубда 750 ва шарқда 1000 метр). Аэропортнинг ушбу йўналишларда ҳаракатчан кўрғошин миқдори 2500-3000 метрдан бошлаб ушбу элементнинг фон кўрсаткичига яқин ёки тенг бўлиши кузатилди.

Мис элементи, энг муҳим микроэлементлар жумласига киради. У тирик организмларда биокимёвий функцияларни бажаради. Мис ўсимлик хўжайрасида бўладиган оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида, углерод ва оксил алмашинувида, хлорофил ва фотосинтез синтезида, нафас олиш, ферментлар активлигини оширишда, организмда бўладиган кўплаб биокимёвий жараёнларда катализаторлик вазифасини бажаради [1,2].

Табиатда миснинг тарқалиши турли хил омиллар, хусусан тупроқ она жинси, сув, ўсимлик, тирик организмларга боғлиқ. Миснинг тупроқдаги энг юқори миқдори геохимёвий зарарланган ва ҳар-хил антропоген таъсирга учраган жойларда кузатилади. Тупроқнинг мис

билан зарарланиши бўйича классификацияси қуйидагича: < 60 мг/кг - зарарланмаган, 60-100 мг/кг - кучсиз, 100-160 мг/кг - ўртача, ва >160 мг/кг -кучли зарарланган. Миснинг ҳаракатчан шакли эса мос равишда қуйидагича: <10, 10-17, 17-25 ва > 25 мг/кг [3].

Тадқиқотларимизда миснинг ҳаракатчан шакли билан ифлосланиши худди қўрғошин сингари аэропортнинг шимол, шимолий-ғарб ва ғарб йўналишларида қайд этилди. Ўрганилган тупроқларда ҳаракатчан миснинг максимал миқдори 1 кг тупроқда 15 мг бўлиб, аэропортнинг ғарб томонида 2000 метр узокликда кузатилди. Бу миснинг фондаги миқдоридан (1,2 мг) 10 баробардан ҳам кўпдир. Шимол ва шимолий-ғарб йўналишларда миснинг максимал миқдори 12 ва 13 мг ни ташкил этди (аэропортдан 1750 ва 2000 метр узокликда). Аэропортнинг шарқ ва жануб йўналишдаги тупроқлар ҳаракатчан шаклдаги рух билан кам ифлосланган бўлиб, ушбу йўналишларда мазкур элементнинг максимал миқдори 6 ва 7,2 мг атрофида қайд этилди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Самарқанд аэропорти атрофидаги тупроқлар ҳаракатчан қўрғошин ва мис элементлари билан кучли ифлосланган. Энг кўп ифлосланиш асосан аэропортнинг шимол, шимолий-ғарб ва ғарб йўналишида учрайди. Бунга асосий сабаб ушбу йўналишларга қараб шамолнинг кўпроқ эсиши ҳамда транспортлар ҳаракатининг жадаллиги ва кишлок хўжалигида олиб борилаётган интенсив деҳқончилик фаолияти ҳам таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Абдуллаев Х.А. Биогеохимия ва тупроқ муҳофазаси асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1989. - Б.89-98.
- 2.Алексеев Ю.В. Тяжелые металлы в почвах и растениях. -Л.: Агропромиздат, 1987. -141 с.
3. Ковалевский А.Л. Биогеохимические поиски рудных месторождений.- М.: Недра, 1974. - 143 с
4. Физико- химические методы исследования почв/ Л.А. Воробьева, Г.И.Глебова, Е.И. Горшкова и др.// Под ред.Н.Г.Зырина, Д.С.Орлова.-М.: МГУ, 1980. -381 с.

УДК:631.4:631.41

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИ ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ

Бобобеков И.Н., к-х.ф.н., Турдиқулов А., Агрономия факультети 407-гуруҳ талабаси Самарқанд кишлок хўжалик институти

Аннотация: Мақолада Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани типик бўз тупроқларнинг умумфизик хоссалари яъни, солиштирма массаси, ҳажм массаси ва ғоваклиги ва уларни яхшилаш тадбирлари баён этилган.

Annotation. In the article, the general physical properties of soil, including the specific gravity, size, mass and porosity in typical serozem soils of the Gallaorol district of the Jizakh region and their measures for improving.

Калит сўзлар: Тупроқ, ҳажм масса, солиштирма масса, ғоваклик

Кириш: Тупроқнинг физик хоссалари унинг унумдорлигига, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Тупроқнинг солиштирма массаси тупроқ қатламлари тузилишини ўрганишда, ҳажмий массаси эса гумус ва ўсимликларни озикланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган озик элементлар захирасини аниқлашда асосий роль ўйнайди. Ғоваклик, тупроқнинг механик таркиби, структураси, тупроқ жониворларининг фаолияти, органик моддалар миқдори, ҳайдаладиган ерларда маданийлаштириш усулларига боғлиқ. Шунинг учун тупроқнинг ушбу хоссаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга [1].

Материаллар ва методлар: Тупроқнинг умумфизик хоссаларини ўрганишда Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида қўриқ, лалмикор ва суғориладиган ерлардан 3 та тупроқ кесмаси қазилди. Қазилган кесмалар генетик қатламларга ажратилди. Ҳар бир қатламга тавсиф берилди ва тупроқ намуналари олинди. Олинган намуналар асосида тупроқнинг солиштирма массаси-

пикнометр усулида; ҳажм массаси-цилиндр усулида; ғоваклиги эса ҳисоб-китоб йўли билан аниқланди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани ҳудудида тарқалган тупроқлар олдин олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларнинг кўрсатишича [2] типик бўз тупроқлар минтақасига тўғри келади. Тупроқ пайдо қилувчи жинслар асосан лёсс ва лёссимон жинслар ҳисобланади. Шунингдек ушбу ҳудудда тўртламчи даврда ҳосил бўлган деллювиал-пролювиал ётқизиклар ҳам тарқалган. Тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқлари республикамизнинг бошқа тупроқларига ўхшаб, карбонатли ҳисобланади ва таркибида гумусни кам сақлайди. Тупроқ таркибида гумус 0,8-1,5 % ни ташкил этади. Ўсимликлар учун зарур бўлган умумий ва ҳаракатчан озик элементлар билан кам даражада таъминланган. Яъни тупроқнинг устки ҳайдов қатламида умумий азот миқдори- 0,07-0,12 %, умумий фосфор 0,10-0,16 %, умумий калий эса 1,4-2,6 фоизни ташкил этади. Тупроқлар таркибида ҳаракатчан фосфор 18-40 мг/кг, калий эса 170-350 мг/кг ни ташкил этади. Тупроқлар механик таркиби жиҳатдан енгил ва ўрта қумоқ тупроқлар сирасига киради.

Олиб борилган тадқиқот ишлари натижаларига кўра тупроқнинг солиштирма массаси 2,60 г/см³ дан 2,70 г/см³ атрофида ўзгариши аниқланди (жадвал). Ўрганилган тупроқ кесмалари бўйлаб тупроқ солиштирма массаси тупроқ кесмалари бўйлаб юқори қатламдан пастга томон маълум қонуният асосида ошиб бориши қайд этилди. Тупроқ кесмалари бўйлаб солиштирма массанинг энг кичик кўрсаткичи 2-кесма (кўрик ердан олинган) нинг устки 0-26 см қатламида кузатилди. Ушбу қатламда унинг кўрсаткичи 2,60 г/см³ эканлиги маълум бўлди. Суғориладиган ернинг устки қатламида эса (0-32 см) унинг миқдори қолган икки кесмага нисбатан каттароқ эканлиги қайд этилди ва 2,62 г/см³ га тенг бўлди. Солиштирма массанинг энг катта миқдори кўрик ердан олинган 1-кесманинг 140-182 сантиметрлик қатламида аниқланди ва 2,70 г/см³ ни ташкил этди. Учала тупроқ кесмалари бўйлаб солиштирма массанинг тупроқ қатламлари бўйлаб ўзгаришида унчалик катта фарқ кузатилмади.

Жадвал

Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида тарқалган тупроқларнинг умумфизик хоссалари

Кесма номери	Чуқурлик, см	Солиштирма масса, г/см ³	Ҳажм масса, г/см ³	Умумий ғоваклик, %
К-1(кўрик ер)	0-7	2,61	1,30	50,2
	7-16	2,61	1,35	48,3
	16-66	2,64	1,38	47,7
	66-90	2,67	1,42	46,9
	90-140	2,66	1,50	43,7
	140-182	2,70	1,50	44,5
К-2 (лалмикор ер)	0-26	2,60	1,27	51,2
	26-45	2,61	1,38	47,1
	45-67	2,61	1,36	47,9
	67-147	2,64	1,40	46,9
	147-198	2,68	1,52	43,3
К-3 (суғориладиган ер)	0-32	2,62	1,24	52,7
	32-48	2,65	1,35	49,1
	48-94	2,64	1,35	48,9
	94-150	2,68	1,41	47,4
	150-202	2,68	1,56	41,8

Суғориладиган деҳқончилик шароитида тупроқнинг агрофизик хоссаларини билиш тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликларнинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун тупроқда ҳаво, сув ва қаттиқ қисм маълум нисбатда бўлиши керак. Бу нисбат тупроқ зичлигини ўзгариши билан кучли ўзгаради. Тупроқ зичлигининг ошиши билан ҳаракатчан капилляр жойлар ва ҳаво ғоваклиги кескин камаяди. Тупроқ агрофизик хоссаларини ўрганиш тупроққа тўғри ишлов беришни ташкил қилишда ва унинг самарадорлигини оширишда ҳамда ишловга кетаётган сарф-ҳаражатларни камайтиришда катта аҳамиятга эга [3].

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги биз ўрганган типик бўз тупроқларнинг ҳажм массаси яъни зичлиги $1,24 \text{ г/см}^3$ дан $1,56 \text{ г/см}^3$ атрофида эканлиги кузатилди. Бунда зичликнинг энг кичик кўрсаткичи, суғориладиган ердан олинган 3-кесманинг 0-32 см қатламида аниқланди (Жадвал). Ўрганилган барча кесмаларда зичлик маълум қонуният асосида пастга томон ошиб бориши кузатилди.

Тупроқнинг умумий ғоваклиги, унинг ҳажмий ва солиштирма массасига боғлиқ равишда ўзгарди. Кесмалар бўйича энг юқори ғоваклик 3-кесманинг устки 0-32 см лик қатламида кузатилди $-52,7 \%$, устки қатламдан пастга томон ғоваклик камайиб борди. Энг кичик ғоваклик ҳам айнан шу кесмада кузатилди. Ушбу кесманинг 150-202 см лик қатламида $41,8 \%$ эканлиги қайд этилди. Тупроқнинг умумий ғоваклигини бундай ўзгариши тупроқ ҳажм ва солиштирма массаси нисбатига боғлиқ.

Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, тупроқнинг ҳажм массаси ўсимликнинг вегетация даври охиригача ошиб борди. Масалан лалмикор ерда экилган буғдой майдонида зичлик $1,30 \text{ г/см}^3$ дан $1,65 \text{ г/см}^3$ гача, суғориладиган ерда экиладиган буғдой майдонида эса $1,71 \text{ г/см}^3$ гача ошиб борди. Демак ушбу ҳудудда тупроқнинг агрофизик хоссаларини яхшилаш тадбирларини олиб бориш лозим бўлади. Бунинг учун ерга тавсия этиладиган органик моддаларни ўз вақтида бериш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш таклиф этилади.

Хулоса: Ушбу ҳудудда тарқалган тупроқларнинг умумфизик хоссаларини яхшилаш учун (ҳажм массаси, ғоваклиги) ерларни органик моддалар билан бойитиш, ерга ишлов беришни ўз вақтида амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бобоҳўжаев И. Узоқов П. Состав и свойства почв Узбекистана. -Т.: Мехнат, 1990. -С.52-53.
2. Генусов А.З., Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Почвенно-климатическое районирования Узбекистана в сельскохозяйственных целях. -Т.: Госиздат, 1960. -116 с
3. Курвонтоев Р. Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқларининг сув-физик ва технологик хусусиятлари// Сирдарё ва Жиззах вилояти тупроқлари Т.2005.

УДК 361.1: 365.

ТОК КЎМГИЧ ИШЧИ ОРГАНИНИ ЖОЙЛАШИШ СХЕМАСИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ КУЧЛАР ТАҲЛИЛИ

Бекназаров А.Ж., Бурунов Н., Раббимов А.Н., СамҚХИ

Аннотация. Токларни совуқдан сақлаш ва уларни ҳосилдорлигини ошириш омилларидан бири иклим шароитини ҳисобга олган ҳолда, кўмишдир, куз ва киш мавсумида ҳаво температураси ўртача $20-25^{\circ}\text{C}$ гача тушиши мумкин.

Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, кўмилмаган тоқлар 60% гача шикастланади ва қурийд. Мақолада кўмиш агрегати корпуси андозаси, уларни рамада жойлаштириш схемаси асосланди ва кўмиш корпусига таъсир этувчи кучлар анализ қилинди.

Summary. One of the currents of cold storage and increase the productivity of factors, taking into account the climatic conditions of silver, autumn and winter, the air temperature can drop to an average of $20-25^{\circ}\text{C}$.

We can conclude that up to 60% of coal spilled damage and dry. Units of the article to bury the body to bury them Ramada scheme was based on a model and the analysis of the forces that affect the body.

Калит сўзлар. Ток, кўмиш, тана, шох, агрегат, корпус, архитектура, қатор оралари, схема, кучлар.

Кириш. Токни парваришда кўмиш жараёни асосий ҳисобланиб ушбу жараёни амалга ошириш учун кўп энергия талаб қилади. Атроф муҳит ҳарорати 0°C дан паст бўлганда

ток навалари музлайди натижада шикастланади ва қуриydi. Ток ҳосилдорлигини юқори бўлишига эришиш учун ток куз фаслида ўз муддатида тупроқ билан кўмилиши лозим. Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган ПРВН-39000, МПВ-1, кўмиш машиналари бир вақтда ток шохларини тўплаш ва кўмиш жараёнини агротехник талабларига мос равишда бажармайди. Улардан ток кўмиш жараёнида фойдаланганда ток навалари устидаги тупроқ қалинлиги 6...8 см атрофида бўлади. Агротехник талаб бўйича кўмилган ток навалари устидаги тупроқ қатлами қалинлиги 15-20 см атрофида бўлиши керак, ток навалари устига кўмиш корпуслари ёрдамида ташланадиган тупроқ қатлами ток тупи қаторига яқин қисмидан олинганлиги сабабли ток томири қисман очилиб қолади, натижада ток томири ва кўмилмаган навалар қисман музлайди провардида ҳосилдорлик 25 % гача камаяди.

Ўзбекистан Республикаси Президенти 2012 йил 21 майда "2012-2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида" ги ПК № 1758 қарорини қабул қилган. Мазкур қарорда қишлоқ хўжалигида жумладан, боғ ва тоқзорларда фойдаланиладиган бир қатор янги турдаги, замонавий, ресурстежамкор, бир йўла бир нечта агротехник тадбирларни бажариш имкониятига эга техникаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, 2012-2016 йилларда техникалар паркини босқичма-босқич янгилаб бориш каби қатор долзарб масалалар аниқ ечимини топган. Жумладан, мазкур қарорда узум кўмиш ва ярим очиш мосламаларини қишлоқ хўжалик машинасозлик заводида ишлаб чиқариш кўзда тутилган [1].


Узум етиштиришда юқори натижаларга эришиш учун токни ўз вақтида кўмиш ва очиш муҳим рол ўйнайди.

Материаллар ва методлар. Республикамизнинг тупроқ-иқлим шароити ва тоқларни парваришлашлар технологик жараёнларидаги фарқ қилувчи омиллар четдан, яъни Россия, Украинадан келтириладиган кўмиш агрегатларини кенг қўллашнинг имкониятининг пастлиги илмий-тадқиқот ишларининг натижасида тасдиқланди.




1-Расм. Ток архитектурасини ўрганиш

Республикамизда парваришланаётган узумзорлардаги тоқларни экилиш ҳолати ўрганилганда, аксарият майдонлардаги ток 3x2 м схемада экилган, уни юқорида келтирилган 1-расмдан ҳам кўриш мумкин. Уларнинг архитектураси ўрганилганда қатор орасининг ўртача арифметик хатоси $\pm 9,2$ см ни, таналар орасидаги масофанинг ўртача арифметик хатоси ± 8.4 ва тупларнинг қатор ўқидан оғиши $\pm 6,2$ см ни ташкил этди (1-расм).



2-расм . Кўмиш корпусини рамага жойлаштирилишининг схематик кўриниши.
1-рама, 2-таянч ғилдирак, 3-шоҳ ётқизгич, 4-кўмиш корпуси, 5-ток қаторининг
геометрик ўқи.



3-расм. Ток кўмиш корпуси андозаси (шаблони)
А,Ж,Е,Д,Г,В,Б - мавжуд корпус,
А,Ж,Е,Д,Д',Г',В',Б - таклиф этилаётган корпус

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Токни сифатли кўмиш учун кўмиш корпусларини бир-бирига нисбатан оптимал кенгликда жойлаштириш керак, уни 2-расмдан кўриш мумкин. 2-расмда кўмиш корпусини рамага жойлаштирилишининг схематик кўриниши берилган.

Бу масалани ечиш учун эҳтимоллар назариясидан қоидаларидан фойдаландик [3].

$$P_1 = 1 - \Phi(t_1) = 1 - \Phi\left(\frac{z_1}{\delta_1}\right); P_2 = 1 - \Phi(t_2) = 1 - \Phi\left(\frac{z_2}{\delta_2}\right); \quad (2)$$

бу ерда: P_1 ва P_2 -биринчи ва иккинчи иш жараёнини бажаришдаги шикастланиш ва сифатсиз кўмиш эҳтимоллиги.

z - ток тупини қатор геометрик ўқидаги оғиши, м

δ -кўмиш корпусини ҳаракат йўналиши давомидаги оғиши, м

Кўмиш корпусини токни кўмиш жараёнини сифатсиз бажариш эҳтимоллиги.

$$P = P_1 \cdot P_2 \quad (3)$$

Кўмиш корпусини токни кўмиш жараёнини сифатсиз бажариш эҳтимоллиги (шикастланиш ва сифатсиз кўмиш) аниқлангандан сўнг, токни сифатли кўмиш учун корпуслари қанотлари ораларидаги масофа 2,6 м бўлиши керак.

Схемага кўра таклиф этилаётган корпус 3-расмда кўрсатилган бўлиб, қатор оралиғи ўртасига, тупроқ қаттиқлиги паст бўлган соҳага жойлаштирилади ва бу кўмиш корпусларига тушадиган тупроқ қаршилигини камроқ бўлишига олиб келади яъни ишни енгиллаштиради ва ток наваларини сифатли кўмилишини таъминлайди.


Таклиф этилган ток кўмиш корпуси ағдаргичининг юзаси мавжуд машиналарникидан фарқ қилади (3-расмда кўрсатилган) яъни модернизация қилинган.

Кўмиш корпуси ёпиқ қирқиб шароитида 30-35 см чуқурликда ишлайди. Кўмиш корпуси ва агрегатнинг қаршилиги қирқиб олинган тупроқ қатлами юзасига боғлиқ. Кўмиш корпуси томонидан қирқилган қатлам юзаси қуйидагича аниқланади.

$$F=2 \cdot ab=2 \cdot 0,25 \cdot 0,45=0,225 \text{ м}^2 \quad (4)$$

бу ерда: **a** - хайдаш чуқурлиги, м

b - қамраш кенлиги, м



4-расм. Кўмиш корпусига таъсир этувчи кучларнинг вертикал (а) ва горизонтал (б) текисликдаги проекциялари

Кўмиш корпусига таъсир этувчи кучларнинг горизонтал R'_{xy} , ва вертикал R_{xz} текисликдаги проекциялари 4-расмда кўрсатилган ва агрегатнинг умумий қаршилиги графоаналитик усулда аниқланди.

Хулоса

Назарий тадқиқотлар натижасида кўмиш корпуси ва уни рамада жойлаштириш схемаси асосланди ва умумий қаршилиги анализ қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1 Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-1758 от 21 мая 2012 г. «О Программе дальнейшей модернизации, технического и технологического перевооружения сельскохозяйственного производства на 2012-2016 годы». 18 с.
- 2 ОСТ 70.4.4.80 «Испытания с.-х. техники. Машины и орудия для обработки почвы в садах, виноградниках, хмельниках и ягодниках. Программа и методы испытаний.» М.: 1980. - 75 с..

3 Р.С.Гутер, Б.В.Овчинский “Эҳтимоллар назарияси асослари” -Тошкент "Ўқитувчи", 1978. - 165 б.

4 Синеоков, Г.И. «Теория и расчет почвообрабатывающих машин» [Текст] / Г.И. Синеоков, И.М. Панов. - М.: Машиностроение, 1977. - 326 с.

УДК 6Т2

ТТЗ-80.11 ТРАКТОРИ КАБИНАСИНИ СОВИТИШ МОСЛАМАСИ

Зулунов З.Т., Бозорбоев Р.С., Зулунов З.З., Сидикова М.Ё.

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ТТЗ-80.11 трактори кабинасини совитиш учун шу тракторни двигатели совитиш тизимидан фойдаланиш усули берилган.

Аннотация. В статье представлена методика охлаждения кабины трактора с использованием системы охлаждения двигателя тракторов ТТЗ-80.11 производимой в Республике Узбекистан.

Abstract (Summary). In this article cooling of the cabin of tractor using cooling system of the ТТЗ-80.11 engine proposed in the Republic of Uzbekistan is presented.

Калим сўзлари: Трактор, кабина, совитиш, ҳарорат, аммиак, абсорбер, конденсация, эргономика.

Ўзбекистон кескин континентал иқлим зонасида жойлашганлиги сабабли ёз ойларида ҳаво ҳарорати 40...45 °С га етади, суткалик энг юқори ҳарорат 45...50 °С гача боради.

Республикаимиз кишлок хўжалигида ишлатилаётган ТТЗ-80.11. трактори кабиналарини тўртала томони ҳам ойнали бўлганлиги сабабли кабина ичидаги ҳарорат ташқи ҳароратга нисбатан 1,5...2 баробар ортиқ бўлганлигини вилоятимиз далаларида ишлатилаётган ТТЗ-80.11. тракторларида ўтказилган тажриба натижалари кўрсатди. Ҳарорат кабина ичида ортиб кетганда механизатор-хайдовчини иш қобилияти сусайиб кетади. Ҳозирда кишлок хўжалигида ишлатилаётган ТТЗ-80.11. тракторлари кабиналарини совитиш учун қўлланилаётган совитиш мосламалари республикаимиз иқлим шароитида ишлатиш талабига жавоб бермаяпти. Андижон кишлок хўжалик институти «Кишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш» кафедрасида яратилган абсорбцион трактор кабиналарини совитиш мосламасида юқоридаги камчиликлар бартараф этилган. Бундан ташқари таклиф этилаётган совитиш мосламаси двигател қувватидан фойдаланмайди.

Таклиф этилаётган трактор кабиналарини совитиш мосламаси қувватни трактор двигатели совитиш системасидан олиб ишлайди (1-расм).

Мосламани иссиқлик алмашиш канали 4 двигател совитиш тизимига блокдан термостатгача бўлган потрубкасига уланади. Совитиш тизимидаги совитувчи суюқликдан қайнаткич 5 ичидаги сув-аммиак аралашмаси иссиқликни ютиб, аммиак буғланади. Аммиак буғи трубка 6 орқали конденсатор 7 га ўтиб, ўз ҳароратини ташқи ҳавога узатиши натижасида совийди.

1-жадвал


Трактор кабинасидаги ҳароратни ташқи ҳароратга боғлиқ равишда ўзгариши (Андижон вилояти Андижон тумани АндҚХИ ўқув тажриба хўжалиги ТТЗ-80.11 трактори)

№	Тажриба ўтказилган сана	Вақти	Ташқи ҳарорат	Кабина ичидаги ҳарорат	Эслатма
1.	1.06.15	9 ⁰⁰	30°С	42°С	Қуёшли
		12 ⁰⁰	38°С	54°С	Қуёшли
		15 ⁰⁰	38°С	56°С	Қуёшли
		18 ⁰⁰	35°С	52°С	Қуёшли

2.	10.06.15	9 ⁰⁰	28 ^{0С}	41 ^{0С}	Қуёшли
		12 ⁰⁰	35 ^{0С}	52 ^{0С}	Қуёшли
		15 ⁰⁰	37 ^{0С}	54 ^{0С}	Қуёшли
		18 ⁰⁰	34 ^{0С}	49 ^{0С}	Қуёшли
3.	29.06.15.	9 ⁰⁰	22 ^{0С}	39 ^{0С}	Қуёшли
		12 ⁰⁰	38 ^{0С}	55 ^{0С}	Қуёшли
		15 ⁰⁰	40 ^{0С}	58 ^{0С}	Қуёшли
		18 ⁰⁰	35 ^{0С}	52 ^{0С}	Қуёшли
4.	13.07.15	9 ⁰⁰	25 ^{0С}	42 ^{0С}	Қуёшли
		12 ⁰⁰	37 ^{0С}	48 ^{0С}	Қуёшли
		15 ⁰⁰	42 ^{0С}	60 ^{0С}	Қуёшли
		18 ⁰⁰	38 ^{0С}	54 ^{0С}	Қуёшли
5.	10.08.15	9 ⁰⁰	20 ^{0С}	33 ^{0С}	Булутли
		12 ⁰⁰	28 ^{0С}	39 ^{0С}	Булутли
		15 ⁰⁰	32 ^{0С}	44 ^{0С}	Булутли
		18 ⁰⁰	30 ^{0С}	34 ^{0С}	Булутли

Совиган аммиак буғи совиткич 8 га келиб совитиш камераси 9 даги ҳаво ҳароратини пасайтиради. Совитиш камераси 9 даги совиган ҳавони вентилятор 10 ёрдамида совик ҳаво узатувчи трубка 11 орқали кабинадаги ҳаво канали 3га ҳайдалади. Кабинадаги ҳаво канали 3 совик ҳавони трактор кабинаси периметри бўйича тақсимлаб кабина ичига узатади. Совиткич 8 даги аммиак буғи ўз навбатида абсорбер 12 га ўтиб сув-аммиак аралашмасига тегиб конденсацияланади ва қайнаткич 5 га сўрилади. Шундай қилиб жараён такрорланаверади.

ТТЗ-80.11. трактори кабинасини совитиш мосламаси



1-расм

1-трактор; 2- кабина; 3- кабинадаги ҳаво канали; 4- иссиқлик алмашиш канали; 5- қайнаткич; 6- трубка; 7- конденсатор; 8- совиткич; 9- совитиш камераси; 10- вентилятор; 11- совик ҳаво узатувчи трубка; 12- абсорбер.

Фойдаланилган адабиётлар

1. В.Е.Чуб «Изменение климата и его влияние на природно-ресурсной потенциал Республики Узбекистан».Т.: «САНИГМИ»,2002. 252 стр.

2. «Deawoo Nexia: Руководство по ремонту и обслуживанию инструкция по эксплуатации». Бишкек. 2000г.
3. Б.Андерсен. Солнечная энергия (основы строительного проектирования). М., Стройиздат, 1982 г. 373 стр.

УДК 631.312:631.51

ПЛУГ КОРПУСЛАРНИ ТАҚҚОСЛОВ СИНОВЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ

Абдуллаев Д.А., Абдимоминов И.И., Собиров О., Бекназаров Н., АндҚХИ

Аннотация. Мақолада плуг корпусини турли вариантларини таққослов синов натижалари келтирилган. Олинган натижалардан келиб чиқиб, умумий ишларга мўлжалланган плуга ўрнатиш учун ПОТ 01.000 корпуси тавсия қилинди.

Аннотация. В статье приведены результаты сравнительных испытаний различных вариантов корпуса плуга. По результатом проведённых опытов предложен корпус плуга ПОТ 01.000 общего назначения.

Abstract (Summary). In the article if was presented the test results of comparing different versions of plough corps. As a results of this, it was recommended the plougs POT 01.000 for general works.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тупроққа асосий ва экиш олдидан ишлов бериш энг кўп энергия талаб қиладиган жараёнлардир. Пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун талаб қилинадиган умумий энергиянинг 40-50 фоизи мана шу жараёнларни бажаришга тўғри келади. Бу шунки кўрсатадики тупроққа асосий ва экиш олдидан ишлов беришда энергия сарфини камайишига эришиш масаласи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий-техник муаммо бўлиб, уни ижобий ҳал қилиниши Республикамиз миқёсида минглаб тонналаб ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш, меҳнат ва моддий харажатлар сарфини камайтириш, иш унумдорлиги ҳамда машина ва қуроллар чидамлигини ошириш, уларни ишлаб чиқариш учун металл сарфини сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Буларни барчаси охир-оқибатда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини пасайиши ҳамда пахтачилик, дончилик ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа соҳаларини янада ривожланишига олиб келади.

Тупроқ палахчасини тўла кесмасдан ишлов бериш технологияси ҳамда уни амалга оширувчи агрегатнинг корпусини технологик иш жараёнини таҳлил қилинди.


Тадқиқотлар учун уч хил вариантдаги корпуслар тайёрланди.



ПОТ 01.000



ПОМ 01.000



K30R

Ҳар хил вариантдаги плуг корпуслар

Энг яхши корпус турини танлаш учун ПОТ 01.000, ПОМ 01.000 ва K30R («Лемкен» фирмаси) русумдаги корпусларнинг таққослов синовлари ўтказилди.

ПОТ 01.000 корпуси яримвинтсимон турдаги кўринишга эга. Унинг камров кенглиги 45 см. Қуйма бошмоқ, лемех, лемех тумшуғи билан бирга ўрнатилган искана, ағдаргич ҳамда дала тахтасидан тузилган. Ағдаргич кўкрагининг юқориги қисмида бурчак кескич ўрнатилган. Ушбу корпус ПОН-3-45 плугига ўрнатилган.

ПОМ 01.000 яримвинт (тезкор) корпус. Унинг қамров кенглиги 40 см. Пайвандлаб тайёрланган бошмоқ, унга маҳкамланадиган трапециясимон лемех, искана, ағдаргич ва дала тахтасидан тузилган. Ағдаргичнинг юқориги кесими устида корпусга бурчак кескис ўрнатилган ҳамда ағдаргич қанотига узайтиргич (перо) ўрнатилган. Ушбу корпус ПОН-4-40 плугига ўрнатилган.

К30R ҳам яримвинтсимон турдаги корпусдир. Унинг қамров кенглиги 40 см. Пайвандланиб ясалган бошмоқ, унга маҳкамланган лемех, искана, ағдаргич ва дала тахтасидан иборат. Ағдаргич кўкрагининг юқориги қисмига бурчак кескич ўрнатилган, ағдаргич қанотига эса узайтиргич ўрнатилган. Ушбу корпус Лемкен фирмасининг «Вари-Европал9» плугига ўрнатилган.

Синаб кўрилатган барча корпуслар 35 смгача чуқурликка ҳайдаш учун мўлжалланган.

Ушбу тажрибани ўтказиш пайтида қурилманинг ишлов бериш чуқурлиги 35 см, агрегатнинг ҳаракат тезлиги эса 8 км/соат қилиб белгилаб олинди.

Олинадиган натижаларга бир хил таъсирда бўлиши учун барча корпусларнинг қамров кенглиги бир хил, яъни 40 смга тенг қилиб ўрнатилди.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, таққослаб кўрилатган корпуслар орасида асосий иш кўрсаткичлари бўйича ПОТ 01.000 корпусининг натижалари энг яхши ҳисобланади.

Умумий ишларга мўлжалланган плугнинг ҳар хил корпусларининг таққослов синовлари натижалари

Кўрсаткичларнинг номи	ПОТ 01.000	ПОМ 01.000	К 30 R
Ҳаракат тезлиги, км/соат	7,8	7,9	7,8
Ҳайдов чуқурлиги, см			
M_{yp}	34,8	34,9	34,3
$\pm\sigma$	1,9	2,8	2,4
Қамров кенглиги, см	40	40	40
Ўсимликлар қолдиқларини кўмилиш чуқурлиги, см			
M_{yp}	17,6	12,7	13,5
$\pm\sigma$	4,1	5,9	6,0
Ўсимликлар қолдиқларини тўлиқ кўмилиши, %	96,1	81,4	84,1
Тупроқнинг уваланиш сифати, %			
Фракциялар ўлчами, мм			
100 дан катта	8,9	10,2	9,4
100...50	12,0	11,3	13,4
50 дан кичик	79,1	78,5	76,3
Тортишга қаршилиги, кН	10,18	11,53	10,68
Солиштирма қаршилиги, кПа	73,13	82,62	77,87

Тажрибаларда барча корпусларнинг ишлов бериш чуқурлиги деярли бир хил қийматга эга бўлиб (34,3...34,9 см), белгиланган чуқурликка мослиги улар чуқурлик бўйича турғун юришини кўрсатиб турибди. Шунинг билан бирга ПОТ 01.000 корпусининг ПОМ 01.000 ва К30R корпусларига нисбатан ўсимликлар қолдиқларини чуқур ва тўлиқ кўмилиши мос равишда 4...5 см ва 12...15 фоизга кўпроқ бўлиб, мавжуд агротехник талабларга кўра қониқарли кўрсаткичларга эга, солиштирма қаршилиги эса 6...13 фоизга камдир.

Тажрибалар вақтида тупроқнинг намлиги мақбул шароитда бўлганлиги туфайли синалаётган корпусларнинг барчаси тупроқни уваланиш (майдаланиш) сифати бўйича талаб даражасидаги кўрсаткичларга эга бўлганлиги маълум бўлди.

Юқорида таҳлиллардан келиб чиқиб, умумий ишларга мўлжалланган плуга ўрнатиш учун ПОТ 01.000 корпуси тавсия қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Д.А. Обоснование параметров плуга для вспашки с недорезом пластов по ширине // Автореферат дисс. ... канд. техн. наук. - Ташкент, - 2006.

УДК 631.312:631.51

ДАЛА ТАХТАСИНИ ЭГАТ ДЕВОРИ БИЛАН ЎЗARO ТАЪСИРЛАШИШИ

Махмудов Р., Абдимоминов И., Абдуллаев Д., АндқХИ

Аннотация. Мақолада плуг дала тахтасини плугнинг горизонтал текисликдаги мувозанатини ва ҳайдов агрегати тўғри чизиқли ҳаракатланиши ҳамда плуг қамров кенглиги бир текисда бўлишини таъминлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Бунда корпусларининг қамров кенглиги 40 см ва ҳайдаш чуқурлиги 35 см бўлган плуг дала тахтасининг кенглиги 20...25 см оралиғида, узунлиги эса 46 смдан кам бўлмаслиги аниқланди.


Аннотация. В статье приведены результаты проведенного исследования по обеспечению равномерного объема плуга и прямолинейного движения агрегата пахоты, равновесие плуга на горизонтальной поверхности полевой карты. Выяснилось, что при ширине обхвата корпуса плуга в 40 см., глубине вспахивания 35 см ширина полевой карты должна быть не меньше 20-25 см., длина же не менее 46 см.

Annotation. The article is of use equilibrium of horizontal plain of field plank, accessories of expel which advance of straight line and providing of embrace latitude of one soft consist of this research effects.

That embrace latitude is 40 sm and depth of expel is 35 sm which plough of field plank latitude is between 20...25 sm, longs is not little 30...46 sm.

Дала тахтаси плугнинг горизонтал текисликдаги мувозанатини ва демак ҳайдов агрегати тўғри чизиқли ҳаракатланиши ва плуг қамров кенглиги бир текисда бўлишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Аммо шунга қарамадан уни параметрларини асослаш бўйича етарли тадқиқотлар ўтказилмаган.

Иш жараёнида дала тахтасига эгат девори томонидан қуйидаги кучлар таъсир этади (1-расм).



a - бўйлама-тик текисликда; *б* - горизонтал текисликда;
в - кўндаланг-тик текисликда

1-расм. Тупроқ томонидан дала тахтасига таъсир этувчи кучлар

а) горизонтал текисликда N_n нормал куч ва ундан ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи $F_n = fN_n$ (бу ерда f - тупроқнинг дала тахтасига ишқаланиш коэффициентини);

б) тик (вертикал) текисликларда. ΔF_z ишқаланиш кучи ва тупроқни дала тахтасининг пастки ва юқори қирралари эзишидан ҳосил бўладиган нормал ΔN_z кучи. Бу кучлар плуг тик текисликда тебранма ҳаракат қилгандагина юзага келади ва корпус ҳамда унинг дала тахтасига таъсир этувчи бошқа кучларга нисбатан жуда кичик қийматга эга. Шунинг учун кейинги ҳисоблашларда уларни эътиборга олмасан бўлади.

Маълумки [1,2]

$$N_n = \frac{R_{xy} \sin(\beta \pm \alpha)}{\sqrt{1 + f^2 \cos(\rho \pm \alpha + \varphi_1)}}, \quad (1)$$

бунда R_{xy} - плуг корпуси ишчи юзасига таъсир этувчи кучларни горизонтал текисликдаги тенг таъсир этувчиси;

β - агрегат ҳаракат тезлиги ва R_{xy} кучининг йўналиши орасидаги бурчак;

α - плуг тортиш кучи билан унинг ҳаракат йўналиши орасидаги бурчак;

□ - дала тахтасининг эгат деворига нисбатан горизонтал текисликдаги ўрнатилиш бурчаги.

Агар плуг тортиш кучи ҳаракат йўналишига нисбатан ҳайдалмаган дала томонга оған бўлса (1) формулада α ни олдида «+» белгиси, ҳайдалган томонга оған бўлса «-» белгиси қўйилади.

$$R_{xy} = R_x / \cos \beta, \quad (2)$$

ва

$$R_x = R_n + R_o \quad (3)$$

эканлигини ҳисобга олиб юқорида келтирилган (1) ифодани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$N_n = \frac{(R_n + R_o) \sin(\beta \pm \alpha)}{\sqrt{1 + f^2 \cos(\rho \pm \alpha + \varphi_1)} \cos \beta}, \quad (4)$$

бунда R_x - плуг корпусининг тортишга кўрсатадиган қаршилиқ кучи;

R_n, R_o - мос равишда корпус лемеҳи ва ағдаргичининг тортишга қаршилиги;

η - плугни фойдали иш коэффициентини;

K_o - плугни солиштирма қаршилиги;

a - ҳайдов чуқурлиги;

b_k - корпуснинг қамров кенглиги.

1-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб N_n кучни дала тахтаси ўлчамлари ва тупроқнинг физик-механик хоссалари орқали ифодалаймиз

$$N_n = \frac{1}{2} q_o \cdot m \cdot b \cdot l, \quad (5)$$

бунда q_o - тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициентини;

m - дала тахтасининг эгат деворига ботиш чуқурлиги;

b - дала тахтасининг кенглиги;

l - дала тахтасининг узунлиги.

(4) ва (5) ифодаларнинг ўнг томонларини бир-бирига тенглаштириб ва ҳосил бўлган тенгламани “ m ” га нисбатан ечиб, қуйидагига эга бўламиз

$$m = \frac{2(R_n + R_o) \cdot \sin(\beta \pm \alpha)}{q \cdot b \cdot l \cdot \sqrt{1 + f^2 \cos(\rho \pm \alpha + \varphi_1)} \cos \beta}. \quad (6)$$

Плугни горизонтал текисликдаги тўғри чизикли ҳаракати ҳамда унинг қамров кенглигини бир текисда бўлишини таъминлаш учун дала тахтасининг эгат деворига босими йўл қўйиладиган (рухсат этиладиган) босимдан катта бўлмаслиги керак, яъни

$$p < [p] \quad (7)$$

ёки

$$p = mq = \frac{2(R_n + R_o) \cdot \sin(\beta \pm \alpha)}{b \cdot l \cdot \sqrt{1 + f^2} \cos(\rho \pm \alpha + \varphi_1)} < [p], \quad (8)$$

бунда p ва $[p]$ - эгат деворига бўлган ҳақиқий ва йўл қўйиладиган босим.

(8) шарт берилган иш шароити учун, яъни K_o , a , b_k , f ва φ_1 ларнинг қиймати маълум бўлганда, асосан дала тахтасининг узунлиги ва кенглигини ўзгартириш ҳисобига таъминланади.

Кўп ҳолларда эгат деворининг юқори қисми юмшоқ бўлади ва шу сабабли дала тахтаси томонидан берилаётган босимга етарли қаршилик кўрсата олмайди. Шунинг учун дала тахтасининг кенглиги ҳайдов чуқурлигининг учдан икки қисмидан ошмаслиги лозим, яъни

$$b \leq \frac{2}{3} a \quad (9)$$

бўлиши керак. Буни эътиборга олиб (8) ифодадан дала тахтасининг узунлигини топамиз

$$l = \frac{3(R_n + R_o) \cdot \sin(\beta \pm \alpha)}{a[p] \sqrt{1 + f^2} \cos(\rho \pm \alpha + \varphi_1) \cos \beta}. \quad (10)$$

(6) ва (7) ифодаларни ҳисобга олган ҳолда (8) ифода куйидаги кўринишга эга бўлади

$$2b_k = \left\{ \left\{ \kappa T t_n \frac{1}{\sin \beta_k} + \tau b_k \left[\sin \frac{1}{2} (\alpha_k + \varphi_1 + \varphi_2) + \right. \right. \right. \\ \left. \left. \left. + f \cos \frac{1}{2} (\alpha_k - \varphi_1 - \varphi_2) \cos \alpha_k \right] \frac{1}{2 \cos \beta_k \sin \frac{1}{2} (\alpha_k + \varphi_1 + \varphi_2)} + \right. \right. \\ \left. \left. + \rho a \frac{\sin(\alpha_1 + \varphi_1)}{\cos \varphi_1} \left[c g \frac{\cos^2 \alpha_k}{\sin \beta_k} + 2V^2 \sin \alpha_1 \cdot \sin \beta_k \right] \right\} + \varepsilon a V^2 \right\} \cdot \\ \cdot \frac{\sin(\beta \pm \alpha)}{q b L \sqrt{1 + f^2} \cos(\rho \pm \alpha + \varphi_1) \cos \beta} < l_{np}. \quad (11)$$

(9) ва (10) ифодалар таҳлилидан кўришиб турибдики дала тахтасининг параметрлари корпуснинг қамров кенглиги ва солиштирма қаршилигига, плуг тортиш кучининг йўналишига, эгат деворининг мустаҳкамлигига ҳамда тупрокнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ экан.

(9) ва (10) ифодалар бўйича ҳисоблар корпусларининг қамров кенглиги 40 см ва ҳайдаш чуқурлиги 35 см бўлган плуг дала тахтасининг кенглиги 20...25 см оралиғида, узунлиги эса 46 смдан кам бўлмаслигини кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

1. Синеоков Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин.-Москва: Машиностроение, 1977.-328 с.
2. Тўхтақўзиев А., Махмудов Р. Обоснование ширина захвата корпуса плуга.-Фарғона политехника институти илмий теҳеика журнали, 2002й.№2

Худоёров А.Н., Раззақов Б., Юлдашева М., Худоёрова Л., АндҚХИ

Аннотация. Мақолада тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган комбинациялашган агрегатни иш органларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Агрегат ишлов берган даладаги юмшатирилган қатлам чуқурлиги, пушта баландлиги аниқланиб, олинган натижалар асосида уларнинг кўндаланг кесми профиллари қурилган.

Аннотация. В статье приведены результаты исследований по определению качественных показателей работы рабочих органов комбинированного агрегата для минимальной обработки почвы. Путем определения глубины и ширины разрыхленной зоны, а также высоты сформированных гребней построены профили их поперечного сечения.

Abstract (Summary). In article given the results of researches by definition qualitative parameters of work working bodies for the minimal ground processing of the combined unit. By definition of the loosened zone's depth and width, and also the heights of the formed ridges are constructed structures of their cross section.

Тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология асосида ишлов бериш юқорида таъкидланганидек, кузда амалга оширилиб, пахта ҳосилидан бўшаган ғўзапояси юлиб тозаланган далаларнинг ўтган мавсумдаги эгатлар ичи агрегатнинг бир ўтишида 30-40 см чуқурликда ағдармасдан йўл-йўл юмшатилади, юмшатирилган жой икки қатламда юмшатирилган қатлам туби ва ундан 30-40 см баландликда лентасимон усулда ўғитланади, эски пушталар шу юмшатирилган ва ўғитланган жойларга сурилиб, баландлиги 25-30 см бўлган янги пушталар ҳосил қилинади, яъни ўтган мавсумдаги эгатлар ўрнида ости юмшатирилган ва ўғитланган пушталар, пушталар ўрнида эса эгатлар ҳосил бўлади (1 -расм).


Далаларни чигит экишга тайёрлашнинг юқорида таъкидланган мавжуд ва таклиф этилаётган технологиялари ўзаро таққосланганда таклиф этилаётган технологияда ерлар ағдариб ҳайдалмасдан йўл-йўл юмшатирилиши ҳамда бороналаш, молалаш ва чизеллаш тадбирлари ўтказилмаслиги туфайли меҳнат, энергия ва ёнилғи-мойлаш материаллари сарфининг сезиларли даражада камайиши, агрегатларнинг даладан ўтишлар сони кескин қисқариши (6-7 мартадан 2 мартагача) ҳисобига тупроқнинг ортиқча зичланмаслиги маълум бўлди [1,2].

Комбинациялашган агрегатнинг асосий иш органлари тупроқни ағдармасдан йўл-йўл юмшатувчи юмшаткич, юмшатирилган қатламга лентасимон усулда ўғитлаш учун ўғитлаш қурилмаси ҳамда юмшатирилган ва ўғитланган қатлам устига пушта ҳосил қилувчи пушта олгичлар ҳисобланади.

Ўтказилган дастлабки тадқиқотларнинг натижалари бўйича юмшатувчи иш органи сифатида исканасимон юмшаткич, пушта олувчи иш органи сифатида эса сферик дисклар қабул қилинди.

Тупроққа минимал ишлов берувчи комбинациялашган агрегат иш органлари ишининг сифат кўрсаткичларини аниқлашда РД-10.4.1-89 ва ТSt 63.02.2001. «Қишлоқ хўжалик техникаларини синаш. Тупроққа чуқур ишлов берувчи машиналар. Синаш дастури ва услуги» даги асосий қоидаларидан фойдаланилди [3].

Юмшатирилган қатлам чуқурлиги ва кенлиги, юмшатирилган қатлам устида ҳосил бўлган пушта баландлиги ва кенлиги, юмшатирилган қатламдаги тупроқни майдаланиш сифати агрегат иш органларининг асосий сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни аниқлаш учун экспериментал тадқиқотлар олиб борилди. Дастлаб эксперимент ўтказишдан олдин тупроқни турли қатламларидаги намлиги, зичлиги ва қаттиклиги аниқланди (1-жадвал).



а- агрегат ўтишидан аввалги мавжуд пушта ва эгат; б-агрегатнинг иш жараёни; в-ҳосил бўлган янги пушта ва эгат.

1-расм. Тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология ва уни амалга оширувчи комбинациялашган агрегатни технологик иш жараёнининг схемаси

Тупроқ намуналари ғўза қатор ораларининг эгати ичидан, пушта устидан ва чок қаторлардан олинди.

1- жадвал

Эксперимент ўтказиладиган даладаги тупроқнинг намлиги, зичлиги ва қаттиқлиги

Тажриба олинган вариантлар	Намлик, %				Зичлик, г/см ³				Қаттиқлик, МПа		
	0-10	10-20	20-30	30-40	0-10	10-20	20-30	30-40	0-10	10-20	20-30
Эгат ичи	16,8	12,8	10,5	10,9	1,452	1,475	1,369	1,377	2,89	4,06	5,01
Пушта усти	15,5	1,30	9,5	9,9	1,335	1,383	1,408	1,333	0,89	1,42	3,14
Чок қатор	16,0	1,27	9,5	8,9	1,348	1,419	1,367	1,336	1,33	3,73	4,47

Олинган натижалар бўйича энг юкори кўрсаткич эгат ичидан олинган вариантда намоён бўлди, бунда намлик-10,5...16,8 %, зичлик-1,369...1,475 г/см³, қаттиқлик эса 2,89...5,01 МПа ни ташкил этди.

Экспериментал тадқиқотларда олинган натижалар 2-жадвал ҳамда 2,3-расмларда келтирилган. Олинган натижалардан кўришиб турибдики комбинациялашган агрегат юмшатувчи иш органи тупроқни ўртача 35,7 см чуқурликда ва 91,6 см кенгликда юмшатган. Бунда ўлчами 100мм дан катта бўлган фракциялар 12,80%, 100-50мм ли фракциялар 9,27 % ва ўлчами 50 мм дан кам бўлган фракциялар 77,93%ни ташкил этди.


Пушта олгич хосил қилган пуштанинг баландлиги ўртача 29,0см ташкил этди, ундаги тупроқнинг уваланиш сифати эса қуйдагича бўлди: 100мм дан катта фракциялар 8,47%, 100-50мм ли фракциялар 10,07% ва 50мм дан кичик фракциялар 81,46%.

2-жадвал


Агрегат иш органларининг сифат кўрсаткичлари

т/н	Кўрсаткичларнинг номланиши	Кўрсаткич қийматлари	
		Чуқур юмшатгич бўйича	Пушта олгич бўйича
1.	Юмшатиладган қатлам чуқурлиги, см M_{yp} $\pm \sigma$	35,7 1,03	- -
2.	Юмшатиладган қатлам кенглиги, см M_{yp} $\pm \sigma$	91,6 2,06	- -
3.	Пушта баландлиги, см M_{yp} $\pm \sigma$	- -	29,0 0,93
4.	Умумий юмшатиладган зонанинг қалинлиги, см M_{yp} $\pm \sigma$	- -	80,35 0,91
5.	Фракциялар ўлчами (мм) бўйича тупроқни майдаланиш сифати, % 100 дан катта 100-50 50 дан кичик	12,80 9,27 77,93	8,47 10,07 81,46

Юмшатиладган қатламнинг қалинлиги олинган пушта баландлигини ҳам қўшиб ҳисоблаганда ўртача 80,35см бўлди. Олинган натижалар тупроққа асосий ва экиш олдида ишлов беришга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради.



2 - расм. Юмшатиладган тарафдан юмшатиладган қатлам қўндаланг кесимининг профили



_____ агрегатнинг ҳаракат тезлиги 5,0 км/соат бўлган;
 - - - - агрегат ҳаракат тезлиги 6,5 км/соат бўлган.

3-расм. Пушта олгич ҳосил қилинган пуштанинг кўндаланг кесим профили

Ҳозирги кунда комбинациялашган агрегатни конструкцияси ҳамда технологик иш жараёнини тадқиқ этиш, унинг иш сифати ва унумдорлиги юқори бўлган конструктив ва технологик параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича илмий- тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Худоёров А.Н. ва бошқалар. Пушта олгич иш органини сифат кўрсаткичлари. «Аграр ислохотларни чуқурлаштириш ва фермер хўжалиklarини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари» Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. 2007й. 269-27 бетлар.
2. Худоёров А.Н. Комбинированный агрегат для минимальной обработки // Техника в сельском хозяйстве. Москва,-2009. - №6. -С.56-57.
3. Тst 63.02.2001. Испытания сельскохозяйственной техники. Машины и орудия для глубокой обработки почвы. Программа и методы испытаний. - Ташкент, 2001. -56с.

УДК.691.197.6

ЕР ТЕКИСЛАГИЧ АГРЕГАТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ИШ ЖАРАЁНИНИ ТАХЛИЛИ

Дадаходжаев А., Тўрақулов А.Х., АндҚХИ

Аннотация: Ер текислагич агрегатларининг технологик иш жараёнини тахлили ва афзаллақлари.

Аннотация: Анализ и преимущество технологического рабочего процесса агрегатов уравнивающие землю.

Annatatsion: Analyss and advantage of technological nrjking process of the aggregates that smooth land.

Калит сўзлар: текислагич, гредер, скрепер.

Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалигини ривожланишининг бош йўналишларидан бири - ерга асосий ишлов беришнинг илғор усулларидан фойдаланиш, етиштириладиган маҳсулот бирлигига кам меҳнат сарфлаган ҳолда мунтазам, жадал ва юқори ҳосил олиш ҳисобланади.

Ер текислашда ишлов берувчи текислагичлар вазифаси, қўлланиладиган тортгичларни тури, трактор билан агрегатланиш усули, чўмичларнинг конструкцияси ва қамраш кенглиги, текислаш технологияси бўйича таснифланади.

Вазифаси бўйича ерларни текислаш иши икки босқичга бўлинади: биринчи босқичида грейдер типигади текислагичлардан, иккинчи босқичида волокушка типигади текислагичлардан фойдаланилади.

Текислаш ишининг биринчи босқичида грейдер типдаги машина ва механизмлар қўлланилади: ГН-2,8 ва ГН-4 грейдер типдаги пичоклар, Д-241А ва Д-20БМ типдаги грейдерлар, П-2,8А, ПА-3 типдаги узун базали текислагичлар ҳамда скрепер деворчаси ўрнатилган КЗУ-0,3 типдаги пал олгичлар шулар жумласидандир. Механизмлар танлашнинг иложи бўлган холларда махсус машина-текислагичлардан фойдаланиш керак.


Текислашишинингкинчи босқичидаволокушкатипдагиВП-8, ПР-5, КЗУ-0,3, типдаги текислагичлар, МВ-6,0 типдагитекислагич-мола, П-4А, П-2,8А, Д- 719 ва ПА-3 типдаги узун базали текислагичлар текислагичлардан фойдаланилади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида суғориб деҳқончилик қилинадиган ҳар хил рельефли ерларда тадқиқот ишлари олиб борилиб, турли конструкциядаги текислагичлар билан тажрибалар ўтказилган. Тадқиқот ишлари натижасида тўпланган маълумотларга асосланиб қуйидаги текислагичлардан фойдаланиш тавсия этилган:

- а) нотекисликлар баландлиги 18-20 см атрофида бўлган ерларда - П-4А, П-2,8А ва Д-719 типдаги узун базали текислагичлар;
- б) нотекисликлар баландлиги 10-12 см атрофида бўлган ерларда - ППА-3,1 типдаги узун базали автоматик текислагич;
- в) нотекисликлар баландлиги 6-8 см атрофида бўлган ерларда ВП-8, ПР-5 ёки КЗУ-0,3 типдаги текислагичлар.

П-2,8А типдаги текислагич (1-расм) - тиркаб ишлатиладиган машина бўлиб, экинзорларни автоматик равишда юза текислашга, шунингдек ерларни тўла текислаш вақтида скреперлар ва бульдозерлар тупрокни суриб кўчиргандан кейин дала юзини текислашга мўлжалланган. Экинзорларни юза текислаш деганда, майда-чуйда (эни 25-30м ва баландлиги 20 см гача бўлган) паст-баландликларни йўқотиш тушунилади.

П-2,8А типдаги текислагичнинг асосий қисмлари: рама, чўмич (ковш), текислагични кўтарадиган гидравлик механизмли олд қисм (передок), домкрат ва юриш қисми. Текислагичнинг рамаси икки қисмдан иборат бўлиб, участкадан участкага утишда қулайлик учун рамани суриб қўйиш мумкин. Рама суриладиган қилиб ясалганлиги туфайли машинанинг иш ҳолатида узала базанинг узунлиги 17958 мм га етказиш, транспорт ҳолатида 13780мм га келтириш ва шу ҳолатларида болтлар билан махкамлаб қўйиш мумкин. Иш қисми ҳисобланувчи тубсиз чўмич раманинг орқа қисмига кетинги ғилдираклар ўқидан 5м қочириб, қимирламайдиган қилиб кронштейн ёрдамида ўрнатилган. Участкадан участкага ўтишда турли тўсиқларга урилиб синиб кетмаслиги учун чўмичнинг ён томонлари чанғи (лыжа) лар билан ҳимояланган.

Гидроцилиндр кўтарувчи механизм бўлиб ҳисобланади; гидроцилиндр текислагичнинг олд қисмига ўрнатилган, поршенининг ҳаракатланиш йўли 1000 мм га тенг. Гидроцилиндрнинг масштаби линейкаси бор; бу линейка ғилдиракларнинг таянч текислигига нисбатан чўмич қандай ҳолатда олдидан рамани ёзиб (кериб), шу ҳолатида болтлар билан махкамлаб турганлигини кўрсатади.



1-расм

Текислагишни ишга тушириб кўриш керак. Шунингдек чўмичнинг пичоғи тигини кетинги ғилдиракларнинг таянч текислигига нисбатан 20⁰ бурчак остида ўрнатиш, буни нотекис майдончада текшириш лозим.

ФЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шоумарова М, Абдиллаев Т. Қишлоқ хўжалиги машиналари. Тошкент. Ўқитувчи 2002.
2. Ҳамидов А. Қишлоқ хўжалик машиналарини лойиҳалаш. Тошкент 1994.
3. Листопад Г.Е. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Москва 1989.
4. Шоумарова М., Абдиллаев Т. Қишлоқ хўжалиги машиналари. Дарсликнинг интернетдаги нусхаси. Тошкент, 2004 WWW.DIT.centri.Uz.

КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТНИНГ ИШЛАШ ШАРОИТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

**Абдирахмонов Р.А., АндҚХИ,
Парманова М.Р.-КХК махсус фан ўқитувчиси**

Аннотация: Мақолада тупроққа ағдармай йўл-йўл қилиб бир ўтишда бир неча технологик жараёнларни амалган оширувчи комбинациялашган агрегатнинг ишлаш шароити таҳлил қилинган.

Аннотация: Статья в почве повернулась на пути к переходу к более технологи сочетания анализа дополнительных условий при осуществлении процесса.

Annotation: The article in the soil turned over on the way for a transition to a more technologik combined analysis of additional conditions in implementing the process.

Калит сўзлар: Агрегат, чуқурлик, юмшатгич, пушта, ўғитлагич, корпус, эгат, тезлик, тезланиш.


Тупроққа минимал ишлов беришга йўналтирилган технология асосида ишлов бериш кузда амалга оширилиб, пахта ҳосилидан бўшаган ғўзапоёси юлиб тозаланган далаларнинг ўтган мавсумдаги эгатлар ичи агрегатнинг бир ўтишида 30-40 см чуқурликда ағдармасдан йўл-йўл юмшатилади, юмшатиладиган жой икки қатламда юмшатиладиган қатлам туби ва ундан 30-40 см баландликда лентасимон усулда ўғитланади, эски пушталар шу юмшатиладиган ва ўғитланган жойларга сурилиб, баландлиги 25-30 см бўлган янги пушталар ҳосил қилинади, яъни ўтган мавсумдаги эгатлар ўрнида ости юмшатиладиган ва ўғитланган пушталар, пушталар ўрнида эса эгатлар ҳосил бўлади.

Булардан ташқари чигитлар юмшатиладиган, ўғитланган ва пушта олинган ҳамда тракторлар ҳаракатлантиргичлари томонидан босилмаган жойларга экилганлиги сабабли уларни бир текис униб чиқиши, ўсимликларнинг яхши ривожланиши ва юқори ҳосил етиштириш учун қулай шароит яратилади. Суғориш эгатларининг юмшатилмаган жойлардан олиниши эса намнинг асосан ғўза илдизлари ривожланадиган жойларда тўпланиши ва сувнинг ортиқча исроф бўлмаслигини таъминлайди. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, таклиф этилаётган янги технология бўйича бу йил пушта олинган жойга келгуси йили эгат очилади, эгат очилган жойга эса пушта олинади. Ундан кейинги йили эса бунинг акси бўлади. Бундай эгат ва пушта ўринларини алмашиб туриши тупроқ физик-механик хоссаларининг яхшиланиши ҳамда унда мавжуд бўлган озуқа моддаларни ўсимликлар томонидан самарали ўзлаштирилишига олиб келади.

Комбинациялашган агрегат асосан шўрланмаган ҳамда яқоб суви берилмайдиган табиий-иқлим шароити пуштада пахта етиштириш имконини берувчи минтақаларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаган далаларни келгуси йили пуштага чигит экиш учун тайёрлашда қўлланилади.

Аксарият ҳолларда далалар юзасида эгат ва пушталар мавжуд бўлиб, комбинациялашган

агрегат мавжуд эгатлар тубини юмша-тиб, улар ўрнида янги пушталар, эски пушталар ўрнида эса янги суғориш эгатларини ҳосил қилиб кетади.



а ва б-мос равишда агрегатнинг биринчи ўтишида ва қайтишида ҳосил бўлаётган пушталар

Комбинациялашган агрегатнинг ҳаракатланиш схемаси

Маълумки ҳозирги пайтда ерлар пушталаб экишга ҳайдалиб тайёрланади, комбинациялашган агрегат қўлланилганда тупроқ йўл-йўл юмшатилади. Шундан келиб чиққан ҳолда комбинация-лашган агрегат юмшатгичининг иқтисодий кўрсаткичини аниқлашда ҳайдов агрегати билан тупроққа йўл-йўл юмшатувчи агрегат таққосланиши мақсадга мувофиқ. Иқтисодий кўрсаткични ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар сифатида манбалар ва таққослов синовларида олинган кўрсаткичлар қабул қилинади.

Олинган маълумотлардан фойдаланиб, ўтказилган ҳисоблар шуни кўрсатдики, тавсия этилаётган параметрларга эга бўлган юмшатгич билан жиҳозланган комбинациялашган агрегатдан фойдаланилганда 1 гектар ерга сарфланадиган эксплуатацион харажатлар 4,7 фоизга камайиши ҳисобига иқтисодий самарадорлик ортади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.Шоумарова, Т.Абдуллаев Қишлоқ хўжалиқ машиналари. Т.Ўқитувчи 2002.
2. А.Хамидов Қишлоқ хўжалиқ машиналарини лойиҳалаш. Т.Ўқитувчи 1991 й.
3. Сабликов М.В.Рудаков Г.М. Механизация хлопководства. - М. Колос, 1975 й.

ПУШТАЛАРГА ҲАЖМИЙ ИШЛОВ БЕРУВЧИ МАШИНА ЮМШАТКИЧ
ПАНЖАСИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

Абдулхаев Х.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти
(ҚХМЭИ)

Аннотация: В статье приведены результаты теоретических исследований по обоснованию угла крошения, ширины и длины рыхлительной лапы разработанного машины для обработки гребней. При этом исходя из условий обеспечения минимального тягового сопротивления от подъема и перемещения обрабатываемого пласта почвы по рабочей поверхности рыхлительной лапы, исключения образования на дне обрабатываемого слоя борозды с уплотненными стенками и обеспечения требуемого качества рыхления почвы получены аналитические зависимости для определения ее угла крошения, ширины и длины. Результаты расчетов по этим зависимостям показали, что для обеспечения качественной обработки гребней при минимальных затратах энергии угол крошения рыхлительной лапы устройства должен быть в пределах 24-25°, а ширина и длина соответственно не менее 51 и 104 мм.

Annotation: The article presents the results of theoretical studies on the grounding of the crumbling angle, width and length of the ripping leg of a developed machine for treating ridges. At the same time, based on the conditions for ensuring a minimum traction resistance from lifting and moving the treated soil through the working surface of the loam, excluding the formation of furrows with compacted walls at the bottom of the treated layer, and ensuring the required quality of loosening of the soil, analytical dependences are obtained to determine its crushing angle, width and length. The results of calculations for these dependencies have shown that in order to ensure qualitative processing of the ridges at minimum energy costs, the angle of crumbling of the ripper's paw must be within 24-25°, and the width and length, respectively, must be not less than 51 and 104 mm.


Ключевые слова: машина для обработки гребней, рыхлительная лапа, ротационный рыхлитель, зубовой рыхлитель, угол крошения, ширина и длина рыхлительной лапы, тяговое сопротивление, борозда с уплотненными стенками, критическая глубина рыхления рыхлительной лапы, удельное сопротивление почвы смятию, критическое сопротивление почвы разрушению.

Key words: the machine for processing the ridges, loosening paw, rotary ripper, tooth ripper, crumb angle, width and length of the ripper, traction resistance, groove with dense walls, critical depth of loosening loosening, soil resistivity crushing, critical soil resistance to fracture.

Ҳозирги пайтда хўжаликларда пушталарга чигит экишдан олдин ишлов бериш тадбири чопиқ тракторларига ўрнатилган осма тишли тирмалар ёрдамида амалга ошириб келинмоқда. Аммо улар пушталарга уларнинг профили бўйича тўлиқ ишлов бера олмайди. Бунинг оқибатида, пушталарнинг ёнбағирлари ва эгатларида тупрокдаги нам сақланишини таъминловчи майин қатлам ҳосил бўлмайди ҳамда униб чиқаётган бегона ўтлар тўлиқ йўқотилмайди. Бу эса пушталарни бегона ўтлар босиб кетиши ҳамда тупрокдаги намни йўқотилишига олиб келади. Бундан ташқари, тишли тирмаларни қўллаш пушта профилини қисман бузилиши, айниқса баландлигини сезиларли даражада камайишига олиб келади. Натижада уруғни бир текис униб чиқиши, ниҳолларни ривожланиши ва ҳосилдорликка путур етади.


Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҚХМЭИда пушталарга чигит экишдан олдин уларни бутун профили бўйича ҳажмий ишлов бериш учун мўлжалланган машина ишлаб чиқилди (1-расм). У рама, унга ўрнатилган юмшаткич панжалар, ротацион ва тишли юмшаткичлардан

ташқил топган бўлиб, чопиқ тракторларига осиб ишлатилади. Иш жараёнида юмшаткич панжалар пушталар эгатлари тубини, ротацион юмшаткичлар уларнинг ёнбағирларини, тишли юмшаткичлар эса пушталар тепасини юмшатиб, унинг бутун профили бўйича тупроқдаги намни сақланишини таъминловчи майин қатлам ҳосил қилиб, униб чиқаётган бегона ўтларни тўлиқ йўқотилишини таъминлайди.



1-рама; 2-осиш қурилмаси; 3-юмшаткич панжа; 4-тортқи; 5-ротацион юмшаткич; 6-босим пужинаси; 7- йўналтиргич; 8-параллелограмм механизм; 9-тишли юмшаткич

1-расм. Пушталарга ҳажмий ишлов берувчи машинанинг конструктив схемаси



2-расм. Юмшаткич панжанинг асосий параметрлари

Ушбу мақолада машина юмшаткич панжасининг увалаш бурчаги β , эни b ва узунлиги l ни (2-расм) аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Юмшаткич панжанинг увалаш бурчагини ишлов берилётган тупроқ палаҳсаси унинг ишчи сирти бўйлаб кўтарилиши ва силжишидан ҳосил бўладиган тортишга қаршилик кучи минимал қийматга эга бўлиши шартидан чиқарилган қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз [1]

$$\beta = \arctg \left(\sqrt[3]{-q + \sqrt{q^2 + p^3}} + \sqrt[3]{-q - \sqrt{q^2 + p^3}} - \frac{m}{3n} \right), \quad (1)$$

бунда
$$p = \frac{3nc - m^2}{9n^2}; \quad q = \frac{m^3}{27n^3} - \frac{mc}{6n^2} - \frac{m}{2n};$$

$$m = \operatorname{tg} \varphi; \quad n = 1 + \operatorname{tg}^2 \varphi; \quad c = 2 \operatorname{tg}^2 \varphi;$$


φ - тупроқнинг юмшаткич панжа ишчи сиртига ишқаланиш бурчаги, градус.

(1) ифодага φ нинг маълум қийматларини (30-35°) қўйиб, юмшаткич панжанинг тупроққа кириш бурчаги 24-25° оралиғида бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Юмшаткич панжанинг эини у ишлов бераётган қатлам тубида деворлари зичланган эгат ҳосил бўлмаслиги шартидан аниқлаймиз [3,4]. Бунинг учун қуйидаги шарт бажарилиши лозим

$$h_{кр} > h, \quad (2)$$

бунда $h_{кр}$ - юмшаткич панжанинг критик юмшатиш чуқурлиги.



3-расм. Юмшаткич панжа томонидан ишлов берилган қатламнинг кўндаланг профили

Акс ҳолда, яъни $h_{кр} < h$ бўлганда (3-расм) ишлов берилаётган қатлам тўлиқ юмшатилмасдан, унинг тубида деворлари зичланган эгат ҳосил бўлади ва бунинг натижасида тупроқнинг физик-механик хоссалари ёмонлашади ҳамда унга ишлов бериш учун бефойда энергия сарфланади [3,4].

Юмшаткич панжа кўринишидаги иш органи учун $h_{кр}$ ни қуйидаги ифода бўйича аниқлаш мумкин [3,4]

$$h_{кр} = \frac{b \left[0,1 \frac{T}{[\tau_k]} (1 + 3tg \varepsilon) - k \right]}{d + ctg \beta}, \quad (3)$$

бунда T_3 - тупроқни эзилишга солиштирма қаршилиги, Па;

$[\tau_k]$ - тупроқни парчаланиш(силжиш)га критик қаршилиги, Па;

ε - тупроқ томонидан юмшаткич панжага таъсир этувчи қаршилик кучлари тенг таъсир этувчисининг горизонтга нисбатан оғиш бурчаги, градус;

k, d - тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ бўлган ўлчов бирликсиз коэффициентлар.

(2) ифода ҳамда $\varepsilon = 90 - (\beta + \varphi)$ эканлигини [5] ҳисобга олган ҳолда (3) ифодани b га нисбатан ечиб, қуйидагига эга бўламиз

$$b \geq \frac{(d + ctg \beta) h}{\left[0,1 \frac{T_3}{[\tau_k]} [1 + 3ctg(\beta + \varphi)] - k \right]}. \quad (4)$$

Бу ифодадан кўришиб турибдики, юмшаткич панжанинг эни унинг увалаш бурчаги, ишлов бериш чуқурлиги ҳамда тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ экан.

$d=4,2$, $\beta=25^\circ$, $h=0,1$ м, $T_3=10,2 \cdot 10^5$ Па, $[\tau_k]=1,7 \cdot 10^4$ Па, $\varphi=30^\circ$ ҳамда $k=2,5$ қийматларни қабул қилиб [2-4], (4) ифода бўйича юмшаткич панжанинг эни камида 51 мм бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.

Юмшаткич панжанинг узунлиги унинг таъсири остида тупроқ талаб даражасида юмшатилиши шартидан аниқланди ва қуйидаги якуний ифодага эга бўлинди

$$l_{ю} \geq 4 \left\{ [\tau_k] \left[b \cos \frac{1}{2} (\beta + \varphi + \rho) + h \left(1 + \frac{\cos \psi_{\xi} \sin \varepsilon_{\xi}}{2 \sin(\psi_{\xi} - \varepsilon_{\xi})} \right) \operatorname{tg} \left(\frac{\pi}{4} + \frac{\rho}{2} \right) \right] \times \right. \\ \left. \times h \left(1 + \frac{\cos \psi_{\xi} \sin \varepsilon_{\xi}}{2 \sin(\psi_{\xi} - \varepsilon_{\xi})} \right) \cos \frac{1}{2} (\varphi + \rho - \beta) \cos \varphi \right\}^{\frac{1}{2}} \\ \times \left\{ q_0 (1 + k_v V) b \cos^2 \frac{1}{2} (\beta - (\varphi + \rho)) [\cos(\beta + \varphi) + \cos \rho] \sin \beta \right\}^{\frac{1}{2}}. \quad (5)$$

бунда ρ - тупрокни тупроққа ишқаланиш бурчаги;

q_0 - тупрокни ҳажмий эзилиш коэффициенти.

(5) ифода тахлилидан кўришиб турибдики, юмшаткич панжанинг узунлиги ҳам унинг увалаш бурчаги, ишлов бериш чуқурлиги ҳамда тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ экан.

(5) ифодага d , β , h , T , $[\tau_k]$, φ ва k ларни юқорида келтирилган қийматларини қўйиб ҳамда $\rho = 40^\circ$ ва $q_0 = 1 \cdot 10^7 \text{ Н/м}^3$ [2] қабул қилиб, юмшаткич панжанинг узунлиги камида 104 мм бўлишини аниқлаймиз.

Демак, ўтказилган тадқиқотлар бўйича экиш олдида пушталарга кам энергия сарфлаган ҳолда сифатли ишлов берилишини таъминлаш учун машина юмшаткич панжасининг увалаш бурчаги $24-25^\circ$, эни ва узунлиги мос равишда камида 51 ва 104 мм бўлиши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Хушвақтов Б.В., Имомқулов Қ.Б. Чизелли юмшаткич иш органининг тупроққа кириш бурчагини асослаш. // ТошДТУ Хабарлари. - Тошкент, 2009. - № 3-4. - Б. 183-185.
2. Тўхтақўзиёв А., Имомқулов Қ.Б. Тупроқни кам энергия сарфлаб деформациялаш ва парчалашнинг илмий-техник асослари. - Тошкент: Komron Press, 2013. - 120 б.
3. Панов И.М., Сучков И. В., Ветохин В.И. Вопросы теории взаимодействия рабочих органов глубокихрыхлителей с почвой // Исследование и разработка почвообрабатывающих машин: Сб. тр. ВИСХОМ. - Москва, 1988. - С. 43-61.
4. Токушев Ж.Е. Теория и расчет орудий для глубокого рыхления плотных почв. - Москва: ИМФРА-М, 2003. - 300 с.
5. Маматов Ф.М. Қишлоқ хўжалик машиналари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2008. - 246 б.

УДК: 631.31.06

ШАРНИРЛИ ОСМА МЕХАНИЗМИНИНГ ХАРАКАТ ЧУҚУРЛИГИ ТЕКИСЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Абдирахмонов Р.А., Собиров Р.В., Абдумаликов У.И.

Андижон қишлоқ хўжалик институти

Аннотация: Мақолада шарнирли осма механизм билан жихозланган агрегатлар билан тупроққа ишлов берганда унинг ишлов бериш чуқурлиги ва иш сифатига таъсири тахлил қилинган.

Аннотация: В статье описана влияние регулировка работа глубины навесного, шарнирного механизми сельхозагрегата на качество работы.

Annotation: The article mams of analyzes for accessions of agricultural technique with prestige correct hanging deep of wheel mechanism.

Маълумки қишлоқ хўжалигида тупроққа ишлов берувчи машина ва қуролларни ишлов бериш чуқурлигини текислиги асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Ишлов бериш чуқурлигини текис бўлишлигига эришиш билан кўчатларни бир текисда униб чиқиш ҳамда ривожланиши учун далани ҳар бир бўлагига бир хил шароит яратилади. Бундан ташқари тупроққа ишлов беришда сарфланаётган энергия миқдорини камайтиради.

Пахта ҳосилдорлиги ҳамда ривожланиши учун ишлов бериш чуқурлигини таъсирини жадваллардаги маълумотлардан кўриш мумкин.

жадвал-1

Хайдовчуқурлиги, см	Поя баландлиги, см			Ўртача ҳосилдорлик ц/га	Фарқи ц/га
	1. IV.	2. VII.	3. VIII.		
20	17,6	51,7	74,9	41,8	-
30	18,9	56,2	79,4	44,3	2,5
40	15,8	50,2	81,2	43,5	1,7

Шарнирли осма механизмли ишчи органларни чуқурликда текис ҳаракатини таъминлаш учун қуйидаги боғлиқлик бўлиши керак.

$$mgl_1 - R_z l_2 - R_x l_3 = 0 \text{ ёки } mg - R_z - R_x \operatorname{tg} \alpha = 0.$$

Бу ерда: R_x, R_z - ишчи органларга тупроқни реакция кучларини горизонтал ва вертикал ташкил этувчилари.

m - ишчи органлар массаси.


g - эркин тушиш тезланиши.

l_1, l_2, l_3 - шарнирга нисбатан таъсир этувчи кучларни елкаси.

α - горизонтал юзага нисбатан ишчи органларга қўйилган тортиш кучини оғиш бурчаги.

Тупроқни физик - механик хусусиятига, далани микро рельефини нотекислигига ҳамда агрегатнинг тезлигини ўзгарувчанлиги туфайли « R_x » ва « R_z » қийматлари ўзгариб туради, натижада шарт доимо бузилади.

Бу эса ўз навбатида ишчи органларини шарнирдаги тебраниши бўлиб, ишлов бериш чуқурлигини текислиги бузилади.



1-расм. Шарнирли осма механизмдаги ишчи органларга таъсир этувчи кучлар.

« R_x » ва « R_z » кучларни ўзгаришига тупроқ физик - механик хусусиятига, агрегат тезлигига ва бошқа факторлар ичида тортиш кучини « P » оғиш бурчаги ни қиймати катта таъсир этади. Ушбу бурчак ни қиймати қанча кичик бўлса, юқоридаги таъсир этувчи факторлар таъсири камаяди. Натижада ҳаракатланиш чуқурлигини текислиги таъминланади, бу эса ўз навбатида ишлов бериш чуқурлиги текислиги яхшилайди.

Таҳлил яна шуни кўрсатадики, тортиш кучини оғиш бурчаги машина ва қуролларни метал сарфига ҳам таъсир этади. Оғиш бурчагини горизонтал юзага нисбатан камайиши метал сарфини камайтиради ва акси.

Шундай қилиб тупроқни физик-механик хусусияти, далани микро рельефи ва агрегат тезлигини ишлов бериш чуқурлигининг текислигига таъсирини бартараф этиш учун ҳамда машина ва қуролларга сарфланаётган метал сарфини камайтириш учун горизонтал юзага нисбатан ишчи органларга қўйилган тортиш кучини оғиш бурчаги нолга яқин ёки нолга тенг бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. М. Шоумарова, Т. Абдуллаев Қишлоқ хўжалиқ машиналари. Т. Ўқитувчи 2002.
2. А. Хамидов Қишлоқ хўжалиқ машиналарини лойихалаш. Т. Ўқитувчи 1991 й.
3. Сабликов М. В. Рудаков Г. М. Механизация хлопководства. - М. Колос, 1975 й.

УЎК: 631.316

ЧИЗЕЛ-КУЛЬТИВАТОР ЮМШАТКИЧ ТИШЛАРИНИ ФРОНТАЛ ЖОЙЛАШТИРИШ АНИҚЛИГИ

Дадаходжаев А., Шохимов Ш. Т., Мирзаева З. И.

Андижон қишлоқ хўжалиқ институти

Аннотация. В статье изложено рациональная расстановка основных рабочих органов культиватора в зависимости от его назначения и теоретическое обоснование.

Ключевые слова и выражения. Культиватор, зуб рыхлительный, зуб стрельчатый, ширина захвата, глубина обработки, направление движения, ширина перекрытия, сорняки, расстояние, высота, угол, нормал.

Annotation. In this article there is given information about cultivator which is used to prepare soil to planting and how to place it to correct place and also mentioned about theoretical process.

Key words and phrases. Cultivator, smoother tooth, arrow tooth, capability of wide, direction, wild greens, distance, high, corner, normal, the depth of work.

Маълумки, Ўзбекистон шароитида шудгорланган оғир тупроқли далаларни экин экишга тайёрлашда ёппасига ишлов берувчи чизель-культиваторлардан фойдаланилади. Унинг юмшаткич тишлари фронтал икки қатор қилиб жойлаштирилади, лекин бунда бир қаторда ёнма-ён жойлашган тишлар оралигининг кенлиги қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Тишлар ораликларининг кенлиги шундай бўлиши керакки, юмшатиладиган қатлам остидаги дўнгчаларнинг асос кенлиги ва баландлиги мумкин қадар кичик бўлиши керак (1-расм: а). Агротехника талабларига кўра дўнгчаларнинг баландлиги - h ишлов бериш чуқурлиги - a нинг ярмидан ортмаслиги лозим, яъни $h \leq 0,5a$ бўлиши лозим.

2. Ёнма-ён жойлаштирилган тишлар оралиги биринчи шартни қаноатлантириш мақсадида ўта тор бўлмаслиги керак.

3. Ёнма-ён жойлаштирилган ўқ ёйсимон тишлар бегона ўтлар илдизларини тўлиқ қирқилишини таъминлаши лозим (1-расм; б). Агротехника талабларига кўра бегона ўтларнинг йўқотилиши 98...99 % дан кам бўлмаслиги керак.

Юмшатувчи тишлар бир қаторда ёнма-ён жойлаштирилганда улар орасидаги масофа S (1-расмдаги белгиланишларга кўра) назарий жиҳатдан қуйидаги математик ифода ёрдамида аниқланиши мумкин (1):

$$s = b_k + 2 h \operatorname{tg} \theta \quad (1)$$


бунда $-b_k$ - тишнинг қамров кенлиги; h - ёппасига ишлов берилган тупроқ қатлами остида ишлов берилмай қолган дўнгча баландлиги; θ - юмшатувчи ёки ўтоқ қилувчи тиш таъсирида тупроқ деформациясини ўнг ва чап томонларга оғиш бурчаги.

Тишлар культиватор рамасида ёнма-ён жойлаштирилганда улар орасидаги масофа культиваторларнинг вазифасига кўра танланади. Масалан:

-агар экин экиш унинг уруғларини далага бир текис сочиш шаклида амалга ошириладиган бўлса, юмшаткич тишлари орасидаги масофа $h \leq 0,5 a$ бўлишини таъминлаши керак;

-агар экин экиш унинг уруғларини далага биртекис қаторлаб экиш шаклида амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда культиваторнинг юмшаткич тишлари ўқ ёйсимон ёки универсал тишлар билан алмаштирилади, бунда уларнинг оралик масофаси уруғлар экиладиган қаторлар орасига мослаб танланади, яъни тупроққа минимал ишлов бериш технологияси амалга оширилади, шунингдек бунда қамров кенглиги турли (120 мм; 150 мм; 220 мм; 250 мм; 330 мм; 385 мм) ча бўлган тишлар ишлатилиши мумкинлигини эътиборга олинса, S нинг миқдори ўқ ёйсимон ёки универсал тишнинг қамров кенглиги- b_k га мослаб олинади;

-агар бегона ўтларнинг йўқотилиши асосий вазифа бўлса, у ҳолда S нинг миқдори ёнма-ён жойлашган ўқ ёйсимон тишлар учун зарур бўлган қоплаш кенглиги (1-расм: б). $C=3...5$ см бўлишини таъминлаши зарур бўлади.



1-расм. Культиватор тиши таъсирида тупроқнинг деформацияланиши: а-юмшатувчи тиш таъсирида; б-ўқ ёйсимон тиш таъсирида.


Чизел-культиватор билан бегона ўтларни бехато йўқотилиши учун қоплаш кенглигини зарурлиги куйидагича изохланади. Трактор технологик жараёни бажарилишида, ҳар доим ҳам тўғри чизикли ҳаракат қилавермайди. Базан тўғри чизикли ҳаракат йўналишидан ўнг ёки чап томонга 5...6 градусга оғиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда қоплаш кенглиги C нинг бўлиши бегона ўтларни тўлиқ йўқотилишига имкон беради.

Чизел-культиваторнинг ҳаракат йўналиши бўйича биринчи ва иккинча қаторда жойлашадиган тишлари орасидаги масофа L куйидаги математик ифода ёрдамида аниқланиши мумкин / 2 /: $L = C / \operatorname{tg} \delta / 2$ / бунда δ -агрегатнинг тўғри чизикли йўналишидан ўнг ёки чап томонга тасоддий оғиш бурчаги бўлиб, унинг миқдори 7...9 градус бўлиши мумкин.

Профессор В. С. Жегалов чизел-культиваторнинг ҳаракат йўналиши бўйича биринчи ва иккинча қаторда жойлашадиган тишлари орасидаги масофа L ни аниқлаш учун куйидаги назарияни таклиф қилган (2-расм.): бунда горизонтга нисбатан α бурчак билан ўрнатилган юмшатувчи тиш қаршисидаги тупроқ қатламга N нормал кучи йўналишида таъсир қилади, лекин тиш сирти билан тупроқ зарралари орасида содир бўладиган ишқланиш сабабли нормал куч илгариланма ҳаракатланиш йўналишида φ бурчакка оғади ва mn текислигида ётувчи N' векторини ҳосил қилади. Ушбу вектор устида жойлашган m нуқта a чуқурликда ишлов берилаётган тупроқ қатламининг илгариланма ҳаракат йўналишидаги деформация чегарисини аниқлайди. У ҳолда чизел-культиваторнинг ҳаракат йўналиши бўйича биринчи ва иккинчи қаторда жойлашадиган тишлари орасидаги масофа L куйидагича аниқланади: $L = l + l_0 / 2$ /; бунда l_0 - тишнинг дастага нисбатан олдинланиш узунлиги; l - тупроқ деформациясининг тишни учига нисбатан илгариланма ҳаракат йўналиши бўйича тарқалиш масофаси

Демак, технологик жараён сифатли бўлиши ва иккинчи қаторда жойлашган тишлар таъсирида деформацияланаётган қатлам билан биринчи қаторда жойлашган тишлар товони орасидаги ишқланиш ҳисобига қўшимча қаршилиқ кучи пайдо бўлмаслиги учун куйидаги шарт қаноатлантирилиши керак:

$$L \geq l + l_0 / 4$$



2-расм. Культиватор тишининг тупроқ қатламига таъсир қилиш схемаси.

Культиватор тиши таъсирида тупроқ қатламининг ўнг ёки чап ёнга деформациясини тарқалиш кенглиги $\omega / 2$ бурчак соҳасида содир бўлади (2- расм). У ҳолда тупроқ қатламининг тиш таъсирида икки ён томонга деформацияланишини дала сатҳидаги кенглиги B куйидагича аниқланади:

$$B = b + 2 (nm) \operatorname{tg} \frac{\omega}{2} \quad /5/$$

лекин

$$nm = \frac{a}{\cos(\alpha + \varphi)} \quad /6/$$

у ҳолда

$$B = \frac{2a \operatorname{tg} \frac{\omega}{2}}{\cos(\alpha + \varphi)} + b \quad /7/$$

бунда b - юмшатувчи тишнинг қамров кенглиги;

a - тишнинг ишлаш чуқурлиги;

φ - тиш сирти билан тупроқ заррасининг орасидаги ишқаланиш бурчаги;

$\omega / 2$ - тупроқ зарраларининг ўзаро (ички) ишқаланиш бурчаги.

Демак, хулоса қилинганда чизел-культиваторлар ёрдамида бажариладиган технологик жараён сифатли бажарилиши учун куйидаги шартлар бажарилиши лозим:

- далани экин экишга тайёрлашда культиватор юмшатувчи ёки ўқёйсимон (универсал) тишлар билан жихозланганда ёнма-ён жойлашган тишлар оралигининг кенглиги $S \leq B - 2a \operatorname{tg} \frac{\omega}{2}$, бўлиши керак;

- далани бегона ўтлардан тозалаш учун культиватор кенг қамровли ўқёйсимон тиш билан жихозланганда ёнма-ён жойлашган тишлар оралигининг кенглиги $S \leq B - C$, бўлиши керак, бунда $C = 3 \dots 5$ см бўлиши етарли;

- далани экин экишга энерготежамкор технология асосида тайёрлашда ёнма-ён жойлашган тишлар оралигининг кенглиги S экинлар қаторлари орасининг кенлигига тенг қилиб олинади.

Адабиётлар:

1. Шаумарова М., Абдуллаев Т. «Қишлоқ хўжалик машиналари» «Ўқитувчи», 2002 й, 423 б.
2. Листопад Г. Е. и др. «Сельскохозяйственные и мелиоративные машины». М.: «Агропромиздат», 1986.-688 с

КОМБИНАЦИЯЛАШГАН ФРОНТАЛ ПЛУГДАГИ АКТИВ ВА ПАССИВ ИШЧИ ОРГАНЛАРИНИ ИШЛАШИНИ АСОСЛАШ

Мирзаходжаев Ш.Ш., Мамасов А., Уралов Ғ.И.
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация. Актив ва пассив ишчи органли комбинациялашган фронтал плугнинг тузилиши ва ишлаш принципи келтирилган. Ўсимлик қолдиқлари бўлган тупроқларни сифатли ишлов беришган хазмат қилади.

Annotatsiya. Active and passive combined front plows of the working structure of the body and the principle of operation. Processing of plant residues in soil quality of digestion

Калит сўзлари. Плуг, актив ишчи орган, тракторнинг тиркама вазни, шудгорлаш сифати, текис шудгорлаш, кўп энергияли ғилдиракли трактор.

Кириш. Ўзбекистонда жуда муҳим ва кўп энергия талаб қиладиган ишлаб чиқариш жараёнларидан бири тупроққа механик ишлов бериш ҳисобланади. Тупроққа механик ишлов беришнинг энг кўп тарқалган усули ағдаргичли плуглар билан шудгорлашдир.

Ҳайдов агрегатларининг иш унумдорлиги қамраш кенглиги ва иш тезлигини ошириш ҳисобидан ўсади. Замоनावий серияли ишлаб чиқарилаётган плугларнинг қамраш кенглиги 3,15 м га етди ва уни янада ошириш катта қийинчиликларни енгиб ўтиш билан боғлиқ [1, 2].

Шудгорлашда ишчи тезликларнинг ўсиши ҳозирги вақтда 10...12 км/соат да тўхтади, чунки тезликнинг бу қийматдан ошиши тупроқнинг “фаввора” бўлиб отилишига ва плугни тортишга қаршилигини жиддий ошишига олиб келади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, шудгорлашда кўпинча замоनावий серкувват ҳайдов тракторларнинг қувватидан тўлиқ фойдаланиш мумкин бўлмайди. Бунинг сабаби трактор юриш қисмининг тупроқ билан тишлашиши ағдаргичли плугни тортишга қаршилигини енгиб ўтиш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги вақтда қўлланилаётган ағдаргичли шудгорлаш усули ва уни амалга оширишга асосланган ағдаргичли плуглар конструкциялари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди.


Шу сабабли, янги кам энергия талаб қиладиган шудгорлаш усуллари излаб топиш, агротехник талабларни қониқтирадиган иш унумдорлигига эга тупроққа ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқиш зарурдир.

Ҳозирги вақтда ҳайдов машина-трактор агрегатларининг иш унумдорлигини тракторларнинг тортиш-тишлашиш хусусиятларини яхшилаш билан биргаликда ошириш йўлларида бири комбинациялашган тортиш-ҳаракат узатиш агрегатларини фаол ва пассив ишчи органлардан фойдаланиб қўллаш истиқболли ҳисобланади [3].

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Кейинги йилларда Республикаимизнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замоनावий серкувват ҳайдов тракторлари кенг қўлланилмоқда. Аммо бу тракторлардан фойдаланишда муаммо юзага келмоқда. Ушбу муаммо шундан иборатки, технологик операцияларни бажаришда ва двигателнинг қувватини «трактор характлантиргичи - тупроқ» звеноси орқали узатишда ҳаракатлантиргичларни тупроқ билан илашиш хусусиятлари етарли даражада бўлмаганлиги туфайли тракторнинг энергетик имкониятларини тўлиқ амалга оширишни имконияти йўқ. Айниқса бу серкувват ҳайдов тракторлар билан эгатсиз текис шудгорлайдиган плуглар агрегатланганда ўта муҳим муаммо сифатида юзага келади.

Кейинги йилларда тупроққа ишлов бериш сифатига талабларни ошиб бориши шудгорлашнинг янги технологиялари ва техник воситаларини яратишга олиб келди. Янги технология асосида палахсаларни ўз эгати чегарасида 180° га ағдариб шудгорлайдиган фронтал плуглар шулар жумласига киради. Бироқ пассив ишчи органли эгатсиз текис шудгорлаш плугларини агрегатлашда серкувват ҳайдов тракторлар қувватидан самарали фойдаланиш муаммоси юзага келди. Бунга сабаб, уларнинг оғирлиги нисбатан кичиклиги туфайли,

уларнинг юриш қисмини тупроқ билан етарлича илашиш хусусиятига эга эмаслиги ва шу туфайли двигател қувватидан тўлиқ фойдаланишни имконияти йўқлигидир (1-расм).



1-расм. Тупроққа эгатсиз текис ишлов берувчи фаол ва пасив ишчи органли комбинациялашган плуг схемаси

Серкуват ҳайдов тракторларининг қувватидан самарали фойдаланиш, тупроқни экишга сифатли тайёрлаш ва агрегатнинг меҳнат унумдорлигини ошириш учун эгатсиз текис шудгорлайдиган фаол ишчи органлари комбинациялашган таъсирли комбинациялашган плуг ишлаб чиқилди. Тупроқни юза қисмини юмшатиб палахсаларни ён томонга сурмасдан ўз ўрнига тўлиқ айлантириб бир ўтишда экишга тайёрлайдиган комбинациялашган плуг пасив ва фаол элементлардан иборат: роторли ишчи орган (фреза кўринишида), ўнг ва чапга ағдарувчи асосий корпуслар, кўшимча корпуслар (заплужниклар) ва юмшатувчи-текислагич ғалтак. Фаол ва пасив ишчи органларни бириктириш корпус лемеҳи ва фаол ишчи орган томонидан ҳосил қилинадиган ҳар хил йўналишдаги кучланишлар майдонини бир-бирининг устига тушиши туфайли тупроқнинг уваланишини оширади ва энергия сарфини камайтиради. Фаол ишчи органга тупроқ қаршилиги агрегатнинг ҳаракати томонга йўналганлиги учун у технологик жараёндан ташқари ҳаракатлантиргич вазифасини ҳам ўтайди. Бу эса тракторнинг қувватидан самарали фойдаланиб агрегатни юқори тезликларда ишлашга имкон яратади.



2-расм. Тупроққа эгатсиз текис ишлов берувчи фаол ишчи органли комбинациялашган плуг(ПФР-2) нинг умумий кўриниши: а - орқа кўриниши; б - ён кўриниши.

Иш органлари комбинациялашган таъсирли эгатсиз текис шудгорлайдиган комбинациялашган плугнинг иш жараёни қуйидагича кечади: фаол ишчи орган тракторнинг қувват олиш валидан (ҚОВ) ҳаракат олиб ўсимлик қолдиқларини майдалайди ва тупроқнинг юза қисмини майдалайди, асосий корпуслар эса заплужниклар билан ўзаро таъсир қилиб палахсани ағдаради ва ўз ўрнига эгати чегарасида ётқизади. Сўнгра юмшатувчи-текислагич

ғалтак кесакларни майдалаб шудгор юзасини текислайди. Ўсимликларнинг қолдиқларини фаол ишчи органи билан майдалаш ўсимлик қолдиқлари кўп бўлган далаларга ишлов берилганда корпуслар оралиғига ўсимлик қолдиқлари тиқилишини олдини олади.

Хулоса. фаол ишчи органили комбиничалашган плугни қўллаш серқувват хайдов тракторларининг қувватидан самарали фойдаланишга имкон яратади, тавсия қилинаётган параметрларга эга бўлган фаол ишчи органили фронтал плугни мавжуд плуглар билан таққослаганда умумий меҳнат сарфи 24,11% га, ёқилғи-мойлаш материаллари 28,8% га камаяди ва меҳнат унумдорлиги 8,89% га ошади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.с. SU 1678220. Двухъярусный плуг / Ф.М.Маматов, И.Т.Эргашев, И.Г.Темиров и др. - Опубл.23.09.91. Бюл. № 31.

2. Попов Г.Ф. Обоснование диаметра фрезбарабана, формы рабочих органов и скоростных режимов работы фрез ФПН-2,8 и ФПИ-4,2 // Материали НТС ВИСХОМ. - Вып.12.- М.: ОНТИ ВИСХОМ, 1963. - С. 129-145.

3. Попов Г.Ф. К методике проектирования рабочих органов фрезерных культиваторов // Материала НТС ВИСХОМ. - Вып.27.- М.: ОНТИ ВИСХОМ, 1970. - С. 490-497.

УДК: 502.7: 338.1:658.512

АРИД ХУДУДЛАР ДЕГРАДАЦИЯСИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШНИНГ КИЧИК БИЗНЕСГА АСОСЛАНГАН ТЕХНОЛОГИЯСИ

Абдуллаев М., в.ф.н., Рўзикулов Р., в.ф.н., доцент
Абдуллаев З. Ветеринария врач, яқка тадбиркор

***Аннотация.** На предгорном пастбище в межхолмном ущелье, подвергнутом сильному антропогенному давлению, приведшего к глубокой водной и ветровой эрозии почвы, создано малое птицеводческое предприятие на промышленной основе. В птичник пристроена теплица с дайжестером по производству биогаза. Применена архитектура птичника с естественным энергообеспечением. Электрическая энергия восполняется за счет биогаза. Территория вокруг птичника охранена от антропогенных давлений. В охраняемой территории проведены флористические и фаунистические исследования. Контролировано селеобразование. Степень водной эрозии за счет птичника, теплицы и садоводства, основанного на капельном орошении, обеспечена диверсификация труда и искоренена сезонность сельскохозяйственного производства. Доказана эффективность многопрофильного малого бизнеса на промышленной основе в восстановлении деградированных аридных зон.*

***Annotation.** On the foothill pasture in the inter-hollow canyon undergoing severe anthropogenic pressure which leads to deep water and wind erosion of the soil, a small poultry farm was established on an industrial basis. A greenhouse with a digester for the production of biogas is attached to the poultry house. Architecture of a poultry house with a natural power supply was put into practice. Electric energy is replenished by biogas. The area around the poultry house is protected from anthropogenic pressures. Floristic and faunistic studies were conducted in the protected area. Mudflows are controlled. Degree of water erosion due to poultry house, greenhouse and horticulture which are based on drip irrigation, diversification of labor is provided and the seasonality of agricultural production is eliminated. The effectiveness of a multidisciplinary small business on an industrial basis in the restoration of degraded arid zones has been proven.*

Калит сўзлар. Арид, яйлов, лалмикор, деградация, эрозия, антропоген, экологик экспертиза ва назорат, биогаз дайжестери, агросаноат.

Кириш. Республикамизда арид худудлар, яъни яйловлар ва лалмикор ерлар деградациясини бартараф қилиш 1960 йиллардан бери ўз ечимини топа олмаётган муаммо бўлиб қолмоқда. Кўрақўлчилик ва чўл экологияси институти тадқиқотчилари томонидан қарийб 60 йилдан бери изчиллик билан амалга ошириб келинаётган улкан илмий-амалий ишлар (4,5,6,7,8,9,10) яйлов деградациясини тўхтата олмади (1). Шунинг учун ҳам Бирлашган

Миллатлар ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 2013-2018 йилларга мўлжалланган ПРООН-ГЕФ лойиҳаси ишга тушди.

Деградациянинг сабабларини бартараф қилиш бош масала эканлигини англай олмаётирмиз. Холбуки, муаммо сабабларини бартараф этмас эканмиз, тўғонни сиртидан шуваб селни тўхтатмоқчидек қолаверамиз.

Худудимиз яйловлари ва лалмикор ерлари деградациясининг ягона сабаби антропоген таъсирдир. Боз устига, юртимиз иқлим ўзгариши ижобий таъсир қилувчи Ер юзидаги ноёб худудлардан биридир. Чунки, Марказий Осиёда глобал иқлим ўзгариши оқибатида 2030 йилга бориб намгарчилик 1,5 мартаба ортиши кутилмоқда. Бу эса, арид худудлар учун улкан туҳфадир(2).

Яйловлар ва лалмикор ерларимизни деградацияловчи антропоген факторларнинг етакчиси бўлиб ҳайдаб боқилаётган моллар сонининг меъёридан 2-3 марта кўп эканлигидир. Аҳоли зич худудларда бу кўрсаткич меъёрдан 10-15 мартага ошиб кетган. Экологик назорат йўлга қўйилмаган. Бундан ташқари, яйлов ва лалмикор ерларда экологик экспертизадан ўтмаган агроценотик лойиҳаларни жорий қилиш ҳоллари, аҳолининг ўзбошимчалик билан қир-адирларни шудгор қилиб, экиб-экмай, олиб-олмай ташлаб кетиш ҳоллари йилдан - йилга ортиб бормоқда. Оқибатда қир-адирлар қип яланғоч ҳолга келиб, биохилма-хиллик кескин камайиб, тупроқнинг шамол ва сув эрозияси кескин кучайиб бормоқда. Сел шаклланиши ва оқиши шиддатлашиб хавфли таҳдидлар ортмоқда. Жараённинг шундай давом этиши арид худудларимизда ҳам геосистемавий экологик инқироз содир бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Материаллар ва методлар. Тадқиқотлар Самарқанд вилояти, Иштихон туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Абдуллаев Зафарнинг товуқхонаси худудида олиб борилмоқда. Корхона икки қир оралиғидаги сойда жойлашган бўлиб, ҳар бири 2-2,5 минг товуқга мўлжалланган учта товуқхона атрофини 5-6 гектарлик қир-қияликлари ўраб турибди. Атрофдаги қирлар устидан бўйига ва энига томчилаб суғориш тизимини йўлга қўйишни назарда тутган кўплаб траншеялар ўтган. Бироқ лойиҳа амалга оширилмай 1996 йилда ташлаб кетилган. Худудда молларни ҳайдаб, боғлаб боқиш меъёридан 10-15 марта кўп даражага чиқиб, бўз батамом қиртишланиб ташланган. Оқибатда қир сатҳида сел шаклланиши ва оқиши авж олиб сув эрозияси хавфли бўлиб бормоқда. Томчилатиб суғоришни назарда тутувчи лойиҳанинг ташлаб кетилган траншеялари 3-4 метр чуқур жарликлар ҳосил қилиб, қирнинг устки лабида кўчклар ҳосил бўлиши хавфини вужудга келтирмоқда.

Мана шундай жойда саноатлашган кўп тармоқли кичик бизнес ёрдамида яйлов ва лалмикор ерлар деградациясини тўхтатиш мақсадида сой сатҳи имкон даражасида ҳимоя қилинмоқда. Товуқлар саноатлашган тарзда зооветеринария талабларига қатъиян амал қилиниб боқилмоқда.

Товуқхонага тиркаб ичига биогаз дайжестери ўрнатилган иссиқхона қурилган. Электр энергияси фақат кун қисқа даврда сунъий ёритиш учун ва ёзда кондиционерни ишлатиш учунгина ишлатилади. Бошқа барча эҳтиёжлар товуқхона архитектураси ҳисобига табиий таъминланади. Қондиционерлар шахтасидан чиқиб турадиган сув ҳисобига томчилаб суғоришга асосланган боғдорчилик йўлга қўйилган. Биогаз дайжестеридан чиқадиغان шарбат ҳам иссиқхонада томчилаб суғоришни йўлга қўйиш назарда тутилган.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Сой тубига қурилган кўп тармоқли саноатлашган корхонанинг ишга тушган битта тармоғида йилига 350-400 млн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлиги исботланди. Корхона атрофидаги қир сатҳи пичанзорга айлантирилиб, гектарига 20-25 ц юқори сифатли пичан олиш мумкинлиги аниқланди. Қир сатҳида сел шаклланиши ва оқиши батамом тўхтатилди. Томчилаб суғоришни йўлга қўйишни назарда тутган лойиҳанинг ташлаб кетилган траншеяларнинг эрозияси ҳам тўхтатилди. Корхона атрофидаги қир сатҳидаги флористик хилма-хиллик 5-6 мартага ошганлиги аниқланди. Ҳимояланган жойларда ажриқ ва лишайниклар ўсиши кескин камайганлиги қайд қилиб борилмоқда.

Яйловнинг ҳимояланган худудларида чумолилар уяларининг сони ҳимояланмаган худудларга нисбатан 8-9 мартагача кўп бўлиб бориши қайд қилинди. Айниқса, ҳимояланган

худуддаги пичанзордан фойдаланиш ҳайдаб боқишга қараганда 5-10 марта кўп қўй ва эчкиларни ўта кам вақт ва меҳнат сарф қилиб боқиш мумкинлигини кўрсатди.

Корхонада боқиладиган товуклар иммунопрофилактикасига доир олиб бориладиган илмий - тадқиқотлар арид худудларда ёввойи каптарлар сабабчи бўлувчи касалликларнинг иммунопрофилактикасига доир янги кураш усулини топиш имконини берди. Чунки бизнинг технологиямиз жорий қилинган учта корхонада бу муаммо уларнинг қосодга учрашига сабаб бўлди. Бу эса, арид худудларда экологик мувозанатни таъминлашга қаратилган мазкур технологияни ҳаётга кенг қўламда жорий қилиш учун агрозооветсервис консалтинг марказ ёки лабораториялари ташкил этишни тақоза қилмоқда. Шу боис, Самарқанд тумани ҳокимлигининг қарори билан “Агрозооветсервис консалтинг” марказини қуришга киришдик.

Биз синовдан ўтказадиган технология қишлоққа саноатни олиб кириб, яъни паррандачилик ва иссиқхоналарни оилавийлаштириш ҳамда меҳнатнинг мавсумийлигига барҳам бериш йўли билан унинг интенсивлигини оширишга қаратилган марказий ҳукуматнинг стратегиясини ҳаётга жорий қилиб, яйловлар ва лалмикор ерлар деградациясини бартараф қилишга қодир эканлигини кўрсатди. Бунда марказий тармоқлар бўлиб паррандачилик ва иссиқхона хизмат қилади. Чунки улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг тез ва самарадор саноатлашувчи соҳаси эканлиги исботланган.

Бундан ташқари бундай корхоналар атрофидаги ҳимояланган пичанзорларда яйловларда лалмикор ерларда экиб-экмай, олиб-олмай шудгор қилиб ташлаб кетилган майдонларнинг табиий фитоценозини тиклаш учун поликультурага асосланган уруғчилигини йўлга қўйиш мумкин (3).

Чунки шу пайтгача мамлакатимизда 60 йилдан бери яйловлар ҳосилдорлигини оширишга қаратилган ишларнинг натижа бермаганлиги уларнинг монокультура уруғчилигига асосланганлигидир. Боз устига шудгор қилиб ташлаб кетилган лалмикор ерлар ва яйловларнинг табиий фитоценозини тиклаш вақтида арид худудлар учун ҳос бўлган доривор ўсимликлар уруғини қўшиб экиш яна бир истиқболли йўналиш бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Демак, яйловларда фақат яйловчилик билан, лалмикор ерларда фақат деҳқончилик билан экологик мувозанатни ҳам, экономик мувозанатни таъминлаш мумкин эмаслигини тан олишимиз керак.

Хулосалар.

1. Саноатлашган кўп тармоқли кичик бизнес меҳнатнинг диверсификациясини таъминлаб, интенсивлигини ошириш имконини беради.

2. Паррандачилик ва иссиқхоналар технологиялари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг тез, арзон ва самарадор усули эканлигидан фойдаланиш муаммо ечимининг ўзагини ташкил этади.

3. Биогаз дайжестеридан чиқаётган ва кондеционер шахтасидан чиқаётган сувдан қайта фойдаланиб, арид худудларда боғдорчиликнинг томчилатиб суғоришга асосланган янги технологияси йўлга қўйилади.

4. Тикланувчи энергиядан фойдаланиш арид худудларнинг электр ва газ тармоқлари бормаган исталган масканларида мазкур технологияни йўлга қўйиш имконини беради.

5. Мазкур технологиянинг ҳаётга тадбиқ қилиниши яйлов ва лалмикор ерлар деградациясини батамом тўхтатиб, экологик мувозанатлашган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг самарадор бўлишини таъминлайди.

6. Яйлов бўзида ажриқ ўса бошлаши ва лишайниклар ўсишининг чўзилиши чуқур деградациянинг маркери бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдуллаев М., Рўзиқулов Р.Ф. “Арид худудларда чўлланишни олдини олишнинг муқобил технологияси”. “Зооветеринария” журнали, №10, 4-9 бет, 2009 йил.

2. Величко А. Последствия глобального потепления. Возможное будущее земельных ландшафтов. Журнал «Природа», 1992, №12, стр.8-16.

3. Дзыбов Д.С. “Посеем степь”. Журнал «Природа», № 9, стр.59-63, 1991 г

4. Махмудов М.М. Агробиологические основы и технология улучшения пастбищ Кызылкум. Автореферат док.дис. Ташкент- 1998.
5. Эргашев И.Т., Махмудов М.М., Исломов Ё.И. Научные основы природно-охранной технологии фитомелиорации пастбищ Узбекистана. Ташкент, «Фан» 2006г., стр 30-50.
6. Юсупов С.Ю. Қоракўлчилик яйловлари ҳосилдорлигини яхшилаш ва ундан фойдаланишнинг экологик табақалашган технологиялари. Тошкент. 2006 йил.
7. Юсупов С.Ю. Қизилқум яйловлари ҳолатини яхшилаш усуллари. Тошкент. 2008 йил.
8. ИКАРДА Қоракўлчилик яйловлари ва улардан самарали фойдаланишга оид амалий кўлланма. Самарқанд . 2001йил.
9. Ўзбекистон ҚЧЭ ИТИ. Истикболли чўл фитомелиорантлари уруғчилиги. Тошкент. 2006 йил.

УДК 619:616.998.21

ВЕТЕРИНАРИЯ СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЮТУҒИ

Маматова М.Н., Салимов Х.С., Аламова Ф.С.
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация. Илмий тадқиқотлар натижасида инновацион технология асосида такомиллаштирилган қутуришнинг эпизоотик вируси билан экспериментал зарарланишга 100 % чидамлилиқка эга бўлган драже шаклидаги перорал антирабик вакцинани яратишга муваффақ бўлинди.

Achievement of innovation technologies in Veterinary

Summary. On the basis of innovation technologies are obtained to work out improved peroralantirabic vaccine in the form of pill which has 100 percent stability to experimental infection of epizootic virus of hydrophobia.

Калит сўзлар: *қутуриш, эпизоотия, штамм, патоген, донатор антирабик вакцина, экспериментал.*

Кириш. Бугунги кунга келиб қутуриш касаллиги дунёнинг 150 дан зиёд мамлакатларида қайд этилиб, инфекциянинг табиий ўчоқларини ёввойи гўштхўр ҳайвонлар, айникса тулкилар, шоғоллар, бўрилар ва бўрсиклар янада мустақкамлаб, аҳоли ўртасида инфекциянинг кенг тарқалишида дайди итлар, мушуклар ва кемирувчиларнинг ўта фаоллиги сезила бошлади. Вирусларга қарши вакциналарни ишлаб чиқаришда асосий сифат кўрсаткичи иммуногенлик хусусиятидир. БССТ дунёда мавжуд бўлган амалиётда кенг қўлланилаётган вакцина штаммлари орасидан энг мукаммалини танлаш ва талабларга тўлиқ жавоб берувчи антирабик вакциналар яратишни тавсия этмоқда [2, 272-б.].

Материаллар ва методлар. Жаҳонда яратилган антирабик перорал вакциналарни ўрганиш ва таҳлил этиш. ВИТИ вирусология лабораториясида Россия ва Украина олимларининг тавсия этаётган вакциналарининг иммуногенлигини, едиримлигини ва чидамлилигини аниқлаш учун эшаклар, итлар ва лаборатория ҳайвонларида тажриба ўтказиш.

1880 йилда энг биринчи Луи Пастер шогирдлари Шамберлан ва Ру билан ҳайвонларни куйдирги касаллигига қарши оғиз орқали эмлаш ғоясини илгари суришган. Амалда бу усул самарасиз яқун топганлиги сабабли тадқиқотлар тўхтатилган [4, 158-161-б.]. Кўпчилик тадқиқотчилар ёввойи гўштхўр ҳайвонларга перорал иммунизация усулини қўллаганда қутуриш касаллигини табиий ўчоғини батамом йўқотиши мумкинлигини таъкидлашган. Ўтган асрнинг 60-йилларида G.V.Ваег [5, 487-490-б.] тулкилар тирик аттенуирланган ERA штамми билан оғиз орқали эмланиши мумкинлигини аниқлаган. Ўша даврларда Франция, ГФР, Канада, АҚШ, Швейцарияда тулкилар сонининг ошиши сабабли қутуриш касаллиги бўйича стационар носоғлом ҳудудлар кўпайган. Айнан ёввойи гўштхўр ҳайвонлар учун Flury НЕР, Внукова -32, ERA штаммларидан тирик перорал вакциналар тайёрланган ва илк бор қутуриш касаллигига қарши тулкиларда эмлаш усули қўлланилган. Аммо, бу иммунизация тадбири муваффақиятсизликка учраган эди [15, 12-16-б.]. Улар “Имффален” номли усулни қўллашган. Аввалига Қуйи Саксонияда ва Баварияда [ГФР] тулкиларни қопқон ёрдамида тутишган ва

майда қопчаларга озиқа билан вирус вакцина билан оғиз орқали эмлашган. Бироы бу усул ҳам жуда қийинчилик билан амалга оширилган ва кўзланган натижани бермаган.

F.Steck et al. [12, 372-396-б.], L.G.Schneider et al. [14, 315-324-б.] 1978 йилда тулкилар қутуриши профилактикаси учун дала ва лаборатория шароитида ВНК-21 хужайраларида ўстирилиб, “SAD” ва “HEP” штаммларидан тайёрланган перорал вакцинани синовдан ўтказишган. Перорал вакцина биринчи марта дала шароитида ҳам тулкиларга қўлланган. Бу олимлар томонидан 4 йилда 8 та катта ва 5 та кичик эмлаш тадбирлари ўтказилган. Бунда вирус вакцина майдаланган товуқ боши ва 10 % ли тухум сариғи билан аралаштирилган бирикмадан иборат бўлган ва улар 52 мингта целлофанли қопчаларга солиниб, тулкиларнинг тахминий яшаш жойларига тарқатилган. Муаллифлар тулкиларни ушбу вакцина билан қутуришга қарши перорал эмлаш натижасида унинг самарадорлиги 78% бўлганлигини қайд қилган.

M.Dubreuil ва ҳаммуал. [8, 9-21-б.] ҳам Flury «HEP und SAD» штаммларидан тайёрланган перорал вакцинани синовдан ўтказишиб, махсус хўрак билан берилганда самараси анча паст эканлиги ҳақида маълумот беришган.

J.W.Frost et al. [9, 181-184-б.] катта ёшли тулкиларга 500 мкг/мл ДЗА3-декстран комплексдаги «HEP-675» препарати билан перорал иммунизацияни қўллашган. 9 ҳафтадан сўнг қутуриш вируси «CVS» штамми билан ЛД₅₀ зарарлашган. Натижада барча эмланган ҳайвонларда қутуриш вирусига қарши интенсив антителоларни аниқлашган. Қайта зарарланган 14 бош эмланган тулкилар тирик қолишиб, назоратдаги 7 бош ҳайвонлардан 6 таси ўлган.

J.Blancou et al [7, 249-255-б.] экспериментал шароитда 1-14 ойлик 224 бош қизил тулкиларга (SAD, GS/C, AVOI) 4 та тирик вирус-вакцинани ва 2 та фаолсизлантирилган вакциналарни перорал қўллашган.

E.Schmidtiel [13, 397-403-б.] 1,8 мл вакцина юборилган 110 минг дона товуқ бошидан тайёрланган хўрак махсус қопчаларга жойлаштирилиб, 4800 км² майдонга тарқатилганини ва вакцинани самарасини аниқлаш мақсадида тулкиларни тутиб, серологик ва ИФР усуллари ёрдамида текширилганда 50 % тулкиларда кучли иммунитетнинг ҳосил бўлганлиги ҳақида маълумот беради.

1998 йили Тверск вилоятида ёввойи гўштхўр ҳайвонларни орал иммунлаш мақсадида Владимир шаҳрида Россия ИТХҲИ ишлаб чиқарилган “Лисвульпен” вакцина қўлланилган бўлиб, натижа қутулган самарани бермади. Биринчидан, вакцинани 20⁰С ҳароратда сақлаш зарур бўлиб, амалиётда бундай муҳитда сақлаш имкони чегараланган. Пластик контейнердаги суюқ препарат балиқли махсус озиқага солиниб, ёввойи гўштхўр ҳайвонларга едирилганда 50% ейилган холос.

Россия ҳайвонларни ҳимоялаш ИТИ ишлаб чиқарган “Синраб” вирус вакцинасининг безарарлиги ва иммуногенлиги мўйнали ёввойи ҳайвонларда ўрганилиб, бу брикет шаклидаги вирусвакцина қутулган натижани берган. Қафасда сақланган мўйналилар брикетли вакциналарни 71-93 % еган бўлса, табиий шароитда вакцинанинг едиримлиги 50 % ни ташкил этган [3, 34-36-б., 1, 72-74-б.].

Ҳозирги кунда учта асосий турдаги орал вакциналардан фойдаланилади.

1. Тирик, аммо кучсизлантирилган қутуриш вирусидан [SAD B19 ва SAD P5/88] тайёрланган вакциналар. Италия, Финдландия, Германия ва бошқа давлатлар бу штаммдан тайёрланган вакцинани қўллаш натижасида қутуришдан озод давлатлар статусига эга бўлишган [11, 179-183-б.].

2. Рекомбинантли орал антирабик VRG [vaccina rabies-glycoprotein] вакциналар илк бор Филадельфияда ишлаб чиқилган [Wistar Institute] [82]. VRG вакцина лаборатория ва дала шароитларида тадқиқ этилиб, қутулган натижани қўлга киритишган [17, 455-462-б.].

3. Мутант вируслар сақловчи SAG1 и SAG2 [SAD-Avirulent-Gif] вакциналар. Булар SAD- Verne штаммидан тайёрланган. Бу кодонда ҳар қандай ўзгариш вируснинг патогенлигининг йўқолишига олиб келади [10, 317-320-б.].

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Липецк вилояти ҳудуди қутуришга носоғлом ҳисобланиб, охириги 46 йил давомида касалликнинг эпизоотик жараёни динамикаси қутуриш вирусининг кенг циркуляциясидан далолат беради. 1954-1990 йиллар давомида 1104 ҳолат

лаборатория текширувлари натижасида аниқланган. Шулардан ЙШМ - 34,5%, тулкиларда - 27,7%, итларда - 19,7% ва бошқа ҳайвонларда -3,9%.

1980-1988 йиллар давомида стационар носоғлом ҳудудларда мунтазам равишда ЙШМ, отлар, итлар ва бошқа ҳайвонлар АЗВИ антирабик вакцина билан профилактик эмланган. Аммо натижа кутилгандек бўлмаган. Шу сабабли 1988 йили ёввойи ҳайвонлар Бел ЭВИТИ вакцинаси билан, 1993 йили БДИНИ вакцинаси, 1999 йилдан Синраб перорал вакцинаси билан эмланган. Натижада кутуриш бўйича эпизоотия сезиларли даражада яшиланди. Лекин 2000 йилда 56 та кутуриш ҳолати тасдиқланди. Юзага келган ҳолатни таҳлил этиб, бундай эпизоотиянинг сабаби қуйидаги камчиликлардан пайдо бўлиши мумкин:

1. Охириги 5 йилда ёввойи гўштхўр ҳайвонлар БДИНИ махсус озикали вакцинаси билан бир йилда фақат бир марта эмланиб, ёш тулкичалар эмланмай қолишган.

2. Қўшни вилоятларда вакцинация тадбирининг етарлича ўтказилмаганлиги.

3. 1999 йилдан бошлаб тулкиларга орал иммунизация учун қўлланган Синраб махсус озикали вакцинаси етарлича иммуногенликка эга бўлмаган ва ёввойи ҳайвонлар томонидан яхши ейилмаган.

Бугунги кунда вакциналарни назорати бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар юқорида келтирилган вакцина штамларининг иммунлаш режасига киритилмаган баъзи сутэмизувчи ҳайвонларга юқори патогенлиги илмий асосланди. [6, 55-56-б.]. SAD - Berne штамми оғиз орқали бабуинларга юборилганда кутургани қайд этилган. SAD B19 штамми ёввойи кемирувчилар учун қолдиқли патогенликка эга [16, 173-196-б.].

Хусусий тадқиқотлар. Бизга маълумки, макро- ва микроорганизмларнинг ўзаро таъсири мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараённинг моҳияти бугунги кунда ҳам олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Перорал ёки энтерал иммунизация учун қўлланиладиган вакциналардаги антиген ошқозон-ичакларнинг шиллиқ пардасига кириб бориши учун шу муҳитдаги физикавий омилларга чидаб, яшаб қолиш хусусиятига эга бўлиши зарур. ВИТИ вирусология лабораториясида Украина ВИТ институтида ёввойи гўштхўр ҳайвонлар ва итларни орал иммунизацияси учун ишлаб чиқилган брикет шаклидаги антирабик вакцинанинг иммуногенлиги ва едиримлигини ўрганиш бўйича тадқиқот ишларини олиб бордик. 15 гр оғирликдаги бу брикет шаклидаги антирабик вакцинанинг едиримлигини 9 бош итларда синовдан ўтказдик. Тажриба натижасига кўра 9 бош итлар оч сақланган бўлсада, бу брикет шаклидаги хўрақларни умуман ейишмади. Шу сабабли вакцинанинг иммуногенлигини ҳам аниқлаш имкони бўлмади.

Хулоса. Кутуриш касаллигига мойил бўлган гўштхўр ҳайвонларда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида кутуришнинг эпизоотик вируси билан экспериментал зарарланишга 100 % чидамлиликлка эга бўлган инновацион технология асосида такомиллаштирилган драже шаклидаги перорал антирабик вакцинани яратишга муваффақ бўлинди.

Бу перорал вакцинадаги антигенга нисбатан организм жуда тез жавоб реакцияси ҳосил қилгани сабабли экспресс усул ҳисобланади. Асосий сифати доимий ривожланувчи табиий ва маҳаллий иммунитетнинг мустаҳкамланиб боришидир. Биз тавсия қилаётган антирабик вакцина ҳимояловчи полимер “М” туфайли ошқозон шираси таъсирида фаолсизланмаганлиги туфайли, стабил, самарали ва бошқа ҳайвонлар учун қолдиқли патогенликка эга эмас.

Шундай қилиб, перорал иммунизация эпизоотологик, иммунологик ва экологик фойдали бўлиб, табиий шароитда кутуриш профилактикаси учун келажакда муваффақиятли эканлиги илмий асосланди. Эпизоотия даврида инфекциянинг табиий ўчоқларида бу перорал иммунизация усулини қўллаш республикамиз ҳудудини кутуриш касаллигидан ҳимоя этишда катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Евсеева С.Д., Хрипунов Е.М. Компонентный состав вакцины из штамма «ТС-80» для оральной иммунизации диких плотоядных против бешенства. Мат.Межд.научно-практ.конф. ВНИИВВиМ. 30-31 мая 2001.-С.-72-74.

2. Медунин Н.В. Вакцинология // Комитет экспертов ВОЗ по бешенству, 8-й доклад, Женева, - 1999.-С. 272.

3. Михалишин В.В., Рыбаков С.С. Испытание иммуногенности и безвредности вирусвакцины против бешенства орального применения. Мат.Межд.научно-практ.конф. ВНИИВВиМ. 30-31 мая 2001. -С.34-36.
4. Селиванов А.В., Хасанов Ч.Г. Бешенство // В кн: Групповая профилактика. М, Колос, 1983.- С. 158-161.
5. Baer, G.M., Abelseth M.K, Debbie J.G. Oral vaccination of foxes against rabies // Am. J. Epidemiol. - 1971. - Vol. 93. - P. 487-490.
6. Bingham J., Foggin C.M., Gerber H. Pathogenicity of SAD rabies vaccine given orally in Chacma baboons (*Papio ursinus*) // Vet. Rec. - 1992 - Vol. 131. - P. 55-56.
7. Blancou J., Schneider L.G., Wandeler A.J., Pastoret P.P. Vaccination du renard roux (*Vulpes Vulpes* L) contre la rage par voie orale // Bilan d 'essais en station experimentale. Terre V.E. - 1985. -V. 40. - N 2. - P. 249-255.
8. Dubreuil M., Andral L., Blancou J., The oral vaccination of foxes against rabies in experimental study // Ann.Rech.Vet. -1979.. -V. 10. - N 1. -P. 9-21.
9. Frost J.W., Friedrich H., Wachendorfer G. Effectivity of oral vaccination of foxes against rabies with flurry HEP strain 675 // Comp.Immunol.,Microbiol. And Infect.Diseases. - 1982. V. -5. -N 1-3. -P. 181-184.
10. Lafay F., Benejean J., Tuffereau C. [et al.] Vaccination against rabies: construction and characterisation of SAG2, a double avirulent derivative of SAG-Bern // Vaccine. - 1994. - Vol. 12. - P. 317-320.
11. Neubert A., Shuster P., Muller T. Immunogenicity and efficacy of the oral rabies vaccine SAD B19 in foxes // J. Vet. Med. B. - 2001. - Vol. 48. - P. 179-183.
12. Steck F., Wandeler A., Bichsel P. Oral immunisation of foxes against rabies. A field study // Zbl. Vet. Med. - 1982. - Vol. 29. - P. 372-396.
13. Schmittziel E. Oral vakzination von Fuchsen gegen Tollwut in Iviereer wild bahn - ein Feldversuch // Tierarztl.Praxis. -1986.-V. 14. -N 3. -P. 397-403.
14. Schneider L.G., J.H. Cox. Ein Feldversuch zur oralen immunisierung von fuchsen gegen tollwut in der Bundesrepublik Deutschland // Tierarztl Umschau. - 1983. - Vol. 5. - P. 315-324.
15. Wachendorfer G., Frost J.W. Orale immunisierung von Fuchsen gegen Tollwut // Wild Hund. - 1983. -N 26.-S. 12-16.
16. Wandeler A.I., Bauder W., Prochaska S. [et al.Small mammal studies in a SAD baiting area // Comp. Immun. Microbiol. Infect. Dis. - 1982. - Vol. 5. - P. 173-196.
17. Wandeler A.I. Oral immunization against rabies: afterthoughts and foresight // Schweiz. Arch. Tierheilkd. - 2000. - Vol. 142. - P. 455-462.

УДК: 619:616.993.192-084:636.52/58

**ЖЎЖАЛАРНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЭЙМЕРИОЗИДА АМПРОВЕТ 25
ПРЕПАРАТИНИ ВИТАМИНЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚЎЛЛАНИЛГАНДАГИ
САМАРАДОРЛИГИ**

**Ибрагимов Д., Эшимов Д., Исломов Х.
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти**

Аннотация: Мақолада жўжаларнинг экспериментал эймериозиди ампровет 25 препаратини U ва K витаминлар билан бирга қўлланилгандаги самарадорлиги берилган. Аниқланишича, U ва K витаминларни кокцидиостатиклар билан биргаликда қўлланилганда жўжалар тирик вазинларининг шишига ижобий таъсир кўрсатар экан.

Аннотация: В статье приведены эффективность ампровет 25 в комбинации с витаминами U и K при экспериментальном эймериозе цыплят. Установлено, что приподаче витаминов U и K с кокцидиостатиками повышает прирост массы у цыплят.

В дальнейшем его можно применять при иммунохимиопрофилактике против эймериоза.

Summary In the article is shown the efficacy of Amprovet 25 in combination with vitamins U and K in experimental chicken eimeriosis. It is indicated that giving vitamins U and K with coccidiostatics increases the mass of chickens.

In the future, It can be used for immunochemical prophylaxis against eimeriosis.

Калит сўзлар: эймериз, ооциста, кокцидиостатик иммунохимёпрофилактика, U ва K витамин, иммунитет, регикокцин, ампровет 25.

Ключевые слова: эймериоз, кокцидиостатик, прирость, массы, эффективность, ооциста, культура кокцидий.

Key words: eimeriosis, oocyst, coccidiostatic immunochemical prophylaxis, U and K vitamins, immunity, regococcin, Amprovet 25.

Кириш. Ҳозирги вақтда шаҳар ва қишлоқ аҳолисини чорвачиликнинг энг етакчи тармоқларидан бири бўлган паррандачилик маҳсулотларига талаби ортиб бормоқда. Президентимизнинг ишлаб чиққан қатор фармонларида паррандачилик йўналишини деҳқон, фермер ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларда ривожлантириб, аҳолини парҳез товуқ гўшти ва витаминларга бой тухум маҳсулотларини ишлаб чиқариш вазифалари кўйилган. Ҳозирги кунда товуқларнинг энг наслдор зотлари хорижий мамалакатлардан келтирилиб масулияти чекланган жамиятларда, деҳқон фермер ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда кўп бош сонлари чекланган жойларда сунъий ёруғликда, тўшамалар устида асралаётган бир вақтда эймериоз (кокцидиоз) касаллиги тез-тез пайдо бўлиб то 50-70 % гачаси нобуд бўлади, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади. Оқибатда товуқларнинг тирик вазни, гўшт ҳамда тухум сифати пасайиб хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказилади.

Товуқлар эймериозига қарши қаратилган чора-тадбирларни икки ҳилда қўллаш тавсия этилади. Улардан биринчиси товуқларни ташқи муҳитда ооцисталар билан зарарланишининг олдини олиш бўлса, иккинчиси паррандалар организмда яъни ичак тизимида ривожланаётган ооцисталарга қарши кураш чора-тадбирларидир.

Касаллик қўзғатувчиларининг экзоген босқичига қарши курашиш борасида +100⁰ С -ли иссиқ сув, пар ёки аланга орқали кўйдириш бўлса, эндоген босқичига эса эймериостатикларни қўллаш орқали ижобий натижаларга эришилади. Касалликнинг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган кокцидиостатиклар ҳам икки гуруҳга бўлинади яъни 1) товуқлар организмда касалликга қарши ҳосил бўладиган иммунитетга таъсир қиладиганлари фақат бройлер-гўшт йўналишидаги паррандаларга бир кунлигидан то сўйилишига 4-5 кун қолганига қадар узлуксиз равишда озикасига кўшиб берилади. Иккинчи гуруҳ препаратлари товуқлар организмда касалликга қарши иммунитетнинг ҳосил бўлишига салбий таъсир қилмайдиганлари, гўшт ва тухум йўналишидаги хўжаликларнинг товуқларига касалликнинг олдини олиш ёки даволаш мақсадида вақти-вақти билан ишлатилади. Юқорида келтирилган маълумотларни инобатга олиб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ампровет 25 уни U ҳамда K витаминлар билан биргаликда қўлланилганда, препаратнинг самарадорлиги организмда касалликга қарши ҳосил бўладиган иммунитетга таъсир доиралари айрим препаратларга таққослаб ўрганилади. Келажакда ампровет 25 препаратини касалликнинг олдини олишнинг энг замонавий усуллари билан бири бўлган иммунохимёпрофилактика жараёнига тадбиқ этишдан иборат.

Материаллар ва методлар: Лаборатория тажрибалари Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг кичик товуқхонаси яъни вивариясида ҳамда илмий лабораториясида олиб борилди. Бу борада “Оғалик Ломманн Парранда” товуқчилик хўжалигидан “Ломанн Браун-Классик” зотига маънсуб бир кунлик 90 бош жўжалар олиб келиниб умумий галла қилиб тушамалар устида боқилди. Улардан 14 кунлигида 15 бошдан оддий тарозида тирик вазнлари ўлчаниб (тирик вазндаги фарқи +- 5 г) аналоглар бўйича 5 та гуруҳ тузилди. Жумладан: 1-чи қиёсий тоза назорат гуруҳи бўлиб тажриба охригача тоза озика билан боқилди. 2-чи юктирилиб даволанмаган қиёсий назорат гуруҳи жўжалари олдин УД₅₀₋₇₀ дозаси титирланган, спораланган (Э. Асервулина -250000, Э. Максима-20.000 ва Э.тенелла-50000 дона 1 мм³ суспензияда) ооцистлар шприц зонд орқали 1мл -дан зобига жўнатилиб зарарлантирилди ва тажриба охиригача препаратсиз тоза озика билан боқилди. 3-чи тажриба гуруҳи жўжалари зарарлантирилиши билан ампровет 25 препарати 500 мг/кг миқдорда озикага кўшилиб 10 кун давомида берилди. 4-чи тажриба гуруҳидаги жўжалар ҳам юктирилиши билан 10 кун давомида ампровет 25 ва S-метилметионин (U ва K витаминлар) биргаликда 500-4-0,4 мг/кг нисбатда

озикасига қўшилиб берилди. 5-тажриба гуруҳи жўжаларига Регикокцин 125 мг/кг озиқага қўшиб берилди. Тажриба тугаши билан 21 чи кун қайта тирик вазинлари ўлчанди.

Қўлланилган эймериостатикларнинг жўжалар организмда касалликга қарши ҳосил бўлган иммунитет даражасини аниқлаш мақсадида тажрибанинг 21-чи куни биринчи марта зарарлантириш учун фойдаланилган спораланган ооцистларнинг ЎД₁₀₀ фойиз миқдори билан қайта зарарлаш орқали аниқланди.

Қўлланилган кокцидиостатикларнинг самарадорлик кўрсаткичлари жўжаларнинг сақланувчанлик ва тажриба охирида бир бош жўжа тирик вазининг ўсиш фойизларига, эймериозига қарши индексига (ЭҚИ) қараб баҳоланади. Тажриба охирида ўртача бир бош жўжа тирик вазининг ўсиш фойизи ва эймериозга қарши индекси (ЭҚИ) М.В.Крыловнинг (1969) токомиллашган усули бўйича аниқланди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: Лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ўн кун давомида ампровет 25 ва ампровет 25 U ҳамда К витаминлар билан биргаликда (3-4 гуруҳлар), 5-чи гуруҳ жўжалари эса белгиланган миқдорда озиқаси орқали регикокцин препаратини олган жўжаларнинг касалликдан сақланувчанлик даражалари 100% ларни, тажриба охирида ўртача бир бош жўжа тирик вазинларининг ўсишлари 182-184%-178 % ларни, ЭҚИ 191-192 - 189 балларни ташкил этди. Иккинчи юқтирилиб даволанмаган назорат гуруҳидаги жўжаларнинг сақланувчанлиги 33,3 % ни, ўртача бир бош жўжа тирик вазининг ўсиши 28,2 % ни ва эймериозга қарши индекси 34,1 баллни ташкил этди. Олинган натижалар жадвалда келтирилган.

Жўжаларнинг экспериментал эймериозда препаратларнинг самарадорлиги

т/р	Гуруҳлар номи	Препаратлар номи	Дозаси (мг/кг озиқа билан)	Гуруҳдаги жўжалар бош сони	Тажрибадан олдин 1 бош жўжа тирик вазни (г)	Сақланувчанлик (%)	Тажрибадан кейинги 1 бош жўжа тирик вазни (г)	Тирик вазининг ўсиши (%)	ЭҚИ (200 балл)
1	Қиёсий юқтирилмаган тоза назорат	-	-	15	110	100	324	200	200
2	Қиёсий юқтирилиб даволанмаган назорат	-	-	15	114	33,3	146	28,2	34,1
3	Тажриба	Ампровет 25	500	15	112	100	315	182	191
4	Тажриба	Ампровет 25 U ва К витамин	4-0,4	15	113	100	320	184	192
5	Тажриба	Регикокцин	125	15	114	100	317	178	189

Қўлланилган препаратларнинг эймериоз касаллигига қарши организмда ҳосил бўлган иммунитетга таъсир доираларни аниқлаш учун тажрибанинг 21-куни биринчи марта зарарлантириш учун ишлатилган спораланган ооцисталар миқдори билан (ЎД₁₀₀) барча гуруҳдаги жўжалар қайта зарарлантирилганда биринчи тоза назорат гуруҳида сақланувчанлик 25,2 % ни ва бешинчи гуруҳда эса 62% ларни ташкил этди. Учинчи ва тўртинчи гуруҳ жўжалари ампровет 25 ҳамда уни U ва К витаминлар билан биргаликда қўлланилганда уларнинг сақланувчанлиги 100%- ларни ташкил этди.

Хулоса: Лаборатория тажрибаларидан олинган натижаларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, жўжаларнинг экспериментал эймериозда қўлланилган препаратларнинг

самарадорлиги юқори яъни касалликдан 100% сақлаб қолиш хусусиятига эга бўлибгина қолмасдан тирик вазни ва ЭҚИ-ни оширади. Ампровет 25 препарати ва уни U ҳамда K витаминлар билан биргаликда қўлланилганда касалликга қарши организмда ҳосил бўладиган иммунитетга салбий таъсир қилмайди. Шунинг учун уни иммунокимёпрофилактика усулида қўллаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бессарабов Б.Ф.и.др. Болезни птиц. Москва. Изд."Лань" 2007. С.170-179
2. Бакулин В.А. Болезни птиц. Санкт-Петербург 2006.
3. Давлатов Р.Б., Худжамшукуров А. "Товуқ эймериози ва пуллорозининг аралаш шаклида қўлланилган препаратларнинг синов натижалари". Зооветеринария. Тошкент. 2015 йил. 18-19 бет.
4. Jvan Mrzel. Эффективность монлар 10% гранулята (монензина) в контроле за эймериозной инвазией на птицеводческих предприятиях. Блезни птиц в промышленном птицеводстве. Современное состояние проблемы и стратегия борьбы. Санкт-Петербург. 2007. С. 309-315.

УДК:619:636:591.13

ҲАЙВОНЛАРДА КАЛЬЦИЙ-ФОСФОР АЛМАШИНУВИНИНГ МОҲИАТИ

Бакиров Б., Бобоев О.Р., Алимов Б.С.

Аннотация. Мақолада кальций ва фосфорнинг ҳайвонлар организмдаги ўрни, уларнинг етишмовчилиги оқибатини келтириб чиқарадиган патологик жараёнлар ҳамда маҳсулдор қорамолларда кальций-фосфор алмашинувининг моҳияти берилган.

Summary. In this article role of calcium and phosphorus in the body of animals, the origin of the pathological process when the shortages of calcium and phosphorus, and also the essence of the exchange of calcium and phosphorus in highly productive in cows.

Калит сўзлар. кальций, фосфор, кальциотонин, паратиреоидин, қалқонолди безлар, суяк, асаб-мускул кўзғалишлари, туғриқ ярим фалажи, рахит, остиомалаяция, бепуштлик.

Key words. calcium, phosphorus, parathyroid, in front the thyroid glands, bone, neuromuscular excitation, milk fewer, rockets, osteomalacia, infertility.

Маҳсулдор қорамолларда кальций-фосфор алмашинувининг бузилиши муаммоси бугунги кун барча чорвачилик хўжаликларда ва шахсий хонадонларда кундан-кунга шиддатли тус олмоқда.

Маълумки, рационда кальций, фосфор ва D витамини етишмовчилигида бузокларда скелет-тоғай тўқимасининг суякланиш жараёни бузилади ва рахит пайдо бўлади. Бу пайтда касалликнинг асосий белгилари сифатида суякларнинг қийшайиши, оёқ бўғимларининг йўғонлашиши ва оқсаш кузатилади.

Катта ёшли ҳайвонларда эса суякдаги кальций ва фосфор сафарбарлиги тезлашиб, остиомалаяция (суякларнинг юмшоқ ва мўрт бўлиши) ривожланади. Айниқса минерал моддалар алмашинувини бузилиши юқори маҳсулдор сигирларда лактация даврида кузатилади ва бу пайтда охириги дум умуртқалари сўрилади ёки батамом йўқолиб кетади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки кальций қанча танқис бўлмасин унинг сутдаги концентрацияси камаймайди.

Қалқонолди беши функцияси бузилган сигирларда, кўпинча улар тукқандан кейин туғриқ ярим фалажи пайдо бўлади ва бу касаллик қон зардобдаги кальций миқдорининг камайиши, мускул калтироқлари, оғир ҳолларда эса хушдан кетиш ва ярим фалаж ҳолатининг пайдо бўлиши билан характерланади. Бундай сигирларда йўлдошнинг тутилиши тўрт мартага, кетоз билан касалланиш хавфи эса 10-20 мартага ошади. Соғлом ҳайвонлар қонидаги умумий

кальций миқдори 2,5-3,11 моль/л, фосфор миқдори эса 1,45-2,10 моль/л дан паст бўлмаслиги керак.

Соғиндан ажратилган буғоз сигирлар рационада кальцийнинг ортиқчалиги лактациянинг дастлабки кунларида унинг ичаклардан 1,25-дигидроксиголекальциферол (Д-витаминнинг фаол шакли) томонидан бошқариладиган абсорбциянинг, шунингдек паратиреоид гормони таъсирида амалга ошадиган суяк тўқимасидан резорбциясининг бузилишига олиб келади.

Ўн литр увуз ишлаб чиқариш учун бир вақтнинг ўзида 23 г кальцийнинг сарф бўлишига ва унинг қондаги миқдорининг сигирлар тукқандан кейин бирдан пасайиб кетишига олиб келади. Бунда организмдаги мавжуд кальций гомеостазини таъминловчи механизмлар бундай қисқа вақт ичида унинг увуз орқали сарфланишини қоплай олмайди ва натижада ярим фалаж ривожланади, асаб тизими ва қон айланиши бузилиши рўй беради, скелет ва юрак мускуллари функцияси бузилади.

Патологик жараён ички аъзолар (овқат ҳазм қилиш аъзолари, бачадон) силлиқ мускулатураси, елин сўрғичлари мускулларига (мастит хавфининг пайдо бўлиши) ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Кальций танқислигининг яширин шакллари пайтида мускулларнинг суст қисқариши кузатилади, бундай ҳолат ўз навбатида туғиш жараёнининг кечиши, ҳамда бачадон инвалюциясини секинлаштиради ва шу йўл билан сигирларда метритнинг пайдо бўлишинига шарт-шароит яратади. Бундай ҳайвонларда овуляция кечикади ва оталаниш даражаси пасаяди.

Булардан ташқари кальций ҳайвонлар организмдаги химоявий ҳужайраларни фаоллаштириш орқали иммун тизимни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Лактация даврида рациондаги кальций ва фосфор нисбати 1,5-2:1, соғиндан ажратилган пайтларда 0,8-1,5:1 ни ташкил етиши лозим.

Шу билан биргаликда кальций ионлари сигир организмда қуйидаги муҳим функцияларни таъминлайди:

- асаб мускул қўзғалишлари;
- мускул қисқаришлари;
- ички ҳужайра сигнал функцияси;
- қон ивиши (К витамин билан биргаликда);
- ҳужайра мембраналар ўтказувчилари, ионлар насоси фаоллиги;
- қатор ферментлар фаоллиги ва липитларнинг перексидланиши.



Фосфорнинг сигир организмда ўзлаштириш схемаси

Фосфор эса суяк ҳосил бўлиши ва ҳужайравий энергетик алмашинув (АТФ, АДФ, креатинфосфат, гуанинфосфат ва б.) учун зарур элемент ҳисобланади. Унинг 90%и скелетда тўпланади.

Фосфор олтингургут билан турли хилдаги макроэнергетик бирикмалар таркибига киради. Фосфат кислотаси иштирокида гликолиз, гликогенез, ёғлар алмашинуви амалга ошади. Фосфор ДНК ва РНК структурасига киради, АТФ ҳосил бўлишида, турли витаминнинг (тиамин, пипидиксин) фосфорланишида иштирок этади

Фосфор, бундан ташқари мускул тўқимасининг функцияси (креатинфосфат), плазма ва тўқима суяқлиги буфер тизими, ичакларда кальций ионлари сўрилишининг фаоллашиши учун ҳам зарур.

Фосфорнинг роли айниқса кавшовчи ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш жараёнида жуда муҳим, чунки ошқозон олди бўлимларида тўйимли моддаларнинг 54-75%и гачаси ҳазмланади. Фосфор таъсирида катта қориннинг метаболитик функцияси амалга ошади, яъни микрофлора томонидан клечатканинг парчаланиш даражаси ва азотли моддаларнинг ўзлаштирилиши кучайади.

Қатор тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра (ИADairyNews) фосфор фосфопроteidлар простетик гуруҳи (бош мия оксиллари, казеиноген, фосфорилаза, вителлин, фосвитин ва б.) ролини бажаради; буфер тизимлар ҳосил бўлишида ва коферментлар (НАД, НАДФ, НS-КоА, пиридоксальфосфат ва б.) шаклланишида (сарфланишида) ва ЦТФ, ГТФ, УТФ, креатинфосфат каби макроэнергетик бирикмалар синтезида иштирок этади.

Фосфор организмдаги органик ҳамда тўйимли моддаларнинг сўрилиши, ташилиши ва алмашинуви, шунингдек ёш ҳайвонларнинг ўсиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Фосфор касалликларга чидамликни таъминлайди ва сигирларнинг стресс бардошлилигини оширади.

Фосфорнинг рационда узоқ муддатли етишмовчилиги суяк тўқимасидан кальцийнинг чиқиб кетишига ва жинсий фаолиятини сусайишига олиб келади.

Фосфор танқислиги пайтида уруғлантириш кўрсаткичлари ёмонлашади, қисир сигирларда туғумдонлар соғлом бўлсада, жинсий цикл кечикиши мумкин. Бунда фосфор танқислигининг уруғлантириш кўрсаткичлари даражасига таъсири қонда ҳали фосфор даражаси пасаймасдан олиб келиши мумкин.

Соғин сигирларда рационда фосфор танқислиги пайтларида қуйидаги симптомлар кузатилади:

- майуслик (кўп ётиши, кам ҳаракатланиши);
- сутда оқсил миқдорининг пасайиши (инфузория фаоллигининг сусайишидан);
- каратиндан А витаминининг ҳосил бўлиши сусаяди;
- қонда қанд миқдорининг пасайиши;
- ориқлаш, жигар стеатози, метрит, ширдоннинг буралиши каби ҳоланларнинг тез-тез ураб туриши;
- паст ҳаётчанлик билан ёш ҳайвонларнинг туғилиши;
- жун қоламасининг дағаллашиши ва хиралашиши;
- оёқ бўғимларининг йўғонлашиши;
- олдинги оёқларнинг Х-симон бўлиши;
- бурун ойнасидан тиниқ шиллиқнинг ажралиши;
- аборт ёки ўлик ҳомилаларнинг туғилиши;
- тухумдонлар функциясининг бузилишлари;
- жинсий мойилликни чўзилиши ва эътиборсиз ўтиши;
- бачадон гиптонияси, тухумдонлар томонидан гормон ишлаб чиқишнинг ёмонлашиши;
- ярим фалаж;
- бепуштлик;
- қисир қолиши.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳайвонлар организмида муҳим минерал моддалар ҳисобланган кальций ва фосфорнинг алмашинуви бўйича ўтказилган тажрибалар сонининг ва олинган маълумотлар миқдорининг кўплигига қарамасдан Республикаимизнинг ўзига хос геоэкологик ҳудудларида жойлашган фермер хўжаликлари шароитларидаги маҳсулдор қорамолларда ушбу алмашинувнинг илмий регламентлари ишлаб чиқилмаган.

Шу биосдан сизир ва ғуножинларда Республикаимизнинг геоэкологик ҳудудлари, ҳайвоннинг ёши, лактация даврлари ва рацион типлари кесимида кальций-фосфор алмашинуви бузилишлари, тарқалиши, иқтисодий зарари ва сабабларини аниқлаш, шунингдек эртачи ташхиси, радикал даволаш ҳамда самарали олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш келажақдаги асосий вазифамиз ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бакиров Б. Ҳайвонларнинг ички юқумсиз касалликлари. Ўқув қўлланма. Оптима принт плюс. 2015 й. 288-294-б.
2. Herrmann B.L., Schmid K.W., Goerges R., Kemen M., Mann K. Calcitonin screening and pentagastrin testing: predictive value for the diagnosis of medullary carcinoma in nodular thyroid disease. Eur J. Endocrinol. 2010. Jun; 162(6):1141-5. Epub. 2010. Mar 23.
3. Patey N., Larbre M., Hecart H., Caron J., Delemer B. How to interpret hypercalcitoninemia? Levy-Bohbot. Rev Med Interne. 2006 Aug; 27(8):610-5. Epub. 2006 Apr 19.

УДК: 612

ЖЎЖАЛАРНИНГ ЎСИБ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ВИТАМИНЛИ ПРЕМИКСЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

**Ибрагимов Д., в.ф.н., Исломов Х., Хўжанова Л., ассистентлар
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти**

Annotation. In this article have been analyzed the influence of vitamin premixes in experimental laboratory of physiologic condition of young chicken.

Аннотация. В статье изучено влияние витаминных премиксов в экспериментальной лаборатории физиологического состояния молодых цыплят.

Аннотация. Мақолада витаминли премиксларнинг ёш жўжалар физиологик ҳолатларига таъсир доиралари лаборатория тажрибаларида ўрганилган.

Калит сўзи: Жўжа, витаминли премикс, ветеринария, биоактив моддалар, бройлер.

Мавзунинг долзарблиги: Республикаимиз Президенти томонидан ишлаб чиқилган ПК-308, ПК-842 қарорларига асосан чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб паррандачилик ҳисобланади.

Иқтисодий ислохотлар боис сўнгги йилларда уни кескин тусда ривожлантириш соҳа мутахассислари ва маъсул шахслар зиммасига юкланган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Хусусан, ветеринария мутахассислари паррандаларнинг соғлигини таъминлаш учун фаолият кўрсатиб, баъзан ноқулай экологик шароитлар сабабли келиб чиқадиган касалликларни даволаш-профилактика муолажаларнинг сифатли ўтказмаганлиги оқибатида ёш жўжаларнинг кўпчилиги нобуд бўлиши, ўсишдан қолиши катта ёшдаги товукларнинг тухум маҳсулдорлигининг пасайиши, бройлер гўшт йўналишидаги товукларнинг эса гўшт чиқимининг камайиши каби ҳолатлар фермер хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказди.

Паррандачилик чорвачиликнинг энг сердаромад соҳаларидан бири ҳисобланиб, охириги йилларда, иқтисодий ислохотлар шароитида фаолият кўрсата бошлаган кўпчилик фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда оилавий тадбиркорлар ҳам мазкур соҳани афзал кўрмоқдалар.

Бунинг боиси шундаки, гўшт йўналишидаги жўжалар кунига ўртача 35-45 грамм семириши эвазига тадбиркорлар учун даромад манбаи ҳисобланади.

Бугунги кунда тухум йўналишидаги энг наслдор зотлардан «Ломанн - ЛСЛ-Классик», каби зотга маънуб паррандалар Республикамиз хўжаликларида боқилиб келинмоқда. Лекин, улар сунъий ёруғликда сақланганлиги учун паррандачиликни витаминли препаратларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бизнинг Республикамизга келтириляётган преаратларнинг ҳаммаси хорижий мамлакатлардан келтирилганлигини инобатга олиниб самарадорлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилгандан кейин ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Қўлланиляётган витаминли премикс ҳолидаги биоактив моддаларнинг ёш жўжаларнинг ўсиб ва ривожланишига ва сақланувчанлик даражасида таъсирларини ўрганиш бизнинг ишимизнинг асосини ташкил этади.

Материалларни текшириш услублари: Илмий тадқиқот ишларнинг лаборатория тажрибалари Самарқанд вилояти Окдарё туманига қарашли “Жасурбек МЧЖ” га қарашли паррандаларда ўтказилди. «Агалик - Ломанн - Парранда» товукчилик кўшма корхонасидан «Ломанн - ЛСЛ - Классик» зотига мансуб, бир кунлик 45 бош жўжалар олиб келиниб тўшамалар устига жойлаштирилди. Бирданига оддий тарозида тирик вазнлари ўлчаниб, улардан 15 бошдан ажратиб уч гуруҳ тузилди.

Жумладан: биринчиси қиёсий назорат гуруҳи жўжалари улар препаратсиз тоза озиқа 30 кун давомида берилди.

Иккинчи тажриба тажриба гуруҳидаги 15 бош жўжаларга “Эформикс” витаминли премиксидан 1 кг озиқага 2 гр 30 кун давомида қўшиб берилди.

Учинчи тажриба гуруҳидаги 15 бош жўжаларга эса «Интровит» премиксидан ҳам 2,5 г - 1 кг озиқага қўшиб 30 кун давомида берилди.

Қўлланилган препаратларнинг жўжалар сақланувчанлик даражасига ҳамда тажриба охирида ўртача бир бош жўжанинг тирик вазнининг ўсиш фоизига қараб самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланди.

Олинган натижалар: Лаборатория тажрибалари учун «Ломанн - ЛСЛ-Классик» зотига маънуб бир кунлик жўжалардан 45 бош олиб келинди ва кафедранинг виварийсига тўшамалар устига умумий гала қилиб жойлаштирилди. Улар 1 кунлигида оддий тарозида тирик вазнлари ўлчаниб, 15 бошдан 3 та гуруҳ тузилди.

Жумладан: биринчиси қиёсий назорат гуруҳи жўжалари тоза озиқа билан боқилди.

Иккинчи тажриба гуруҳи жўжаларига эса “Эформикс” витаминли, микроэлементли премиксдан 2 г - 1 кг озиқага қўшиб 30 кун давомида берилди.

Учинчи тажриба гуруҳи жўжаларига “Интровит” премиксидан қўлланмасига асосан 2,5 г - 1 кг озиқа билан 30 кун давомида берилганда.

Тажриба ва кузатишлар 30 кун ичида шуни кўрсатдики, иккинчи тажриба гуруҳи жўжалари “Эформикс” премиксини 2г- 1кг озиқаси билан олганларида сақланувчанлик 100% ва 1 бош жўжа тирк вазнининг ўсиши 236,0 % ни ташкил этди. Олинган натижалар жадвалда келтирилган

Учинчи тажриба гуруҳига “Интровит” премиксидан 2,5 г - 1 кг озиқага қўшиб 30 кун берилди ва 30 кун берилганда жўжаларнинг сақланувчанлиги 100 % ни ва бир бош жўжа тирик вазнининг ўсиши ичида 227,0 % ни ташкил этди.

Жўжаларнинг физиологик ҳолатларига витаминли премиксларнинг таъсири

Т/р	Гуруҳлар номи	Препаратлар номи	Дозаси (кг\г озиқа билан)	Жўжала р бош сони	Сақлан увчанлик (%)	1 бош жўжа тирик вазнининг ўсиши(%)
1.	Қиёсий назорат	-	-	15	89,3	197,1
2.	Тажриба	Эформикс	2,0	15	100	236,0
3.	Тажриба	Интровит	2,5	15	100	227,0

Хулоса: Лаборатория тажрибаларидан олинган маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, қўлланилган витаминли премиксларни қўлланмасига асосан озикага кўшиб берилганда жўжаларнинг сақланувчанлик даражасига ижобий таъсир қилиб қолмасдан уларнинг тирик вазнларини оширар экан.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. - Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни, рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чор-вачилик махсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори. 2008 йил 21 апрел ПК-842
2. Ибрагимов Д. - Влияние эймериостатиков в комбинации витаминами, микроэлементами и выделение тутового шелкопряда на гематологические показатели крови цыплят. Углубление интеграции образования, науки и производства в сельском хозяйстве Узбекистана. «Доклады международной научно-практической конференции» 23-25 апреля 2003. Тошкент.
3. Афанасьев Ю.И., Ноздрин В.И., Михайлов О.И. и др. - Функции витамина А // «Усп. соврем.биол.» издат 2001, Т.101. В2. С. 216 - 227

УДК:593.1:591.9

ҚАМАШИ СУВ ОМБОРИ ИККИ ПАЛЛАЛИ МОЛЛЮСКАЛАРИ ФАУНАСИ

Боймуродов Х., Эгамқулов А., Умаров Ф.
(Самарқанд давлат университети)

Key words. antropogen factor, Stage two groups of mollusks, water control, plangton organesims and their environment, temperate, river bivalve mollusks.

Actuality of the work. Regional fauna of theoretical and practical research creates important conditions for solving complex issues. Stage two groups of mollusks and their environment. South river bivalve mollusks fauna diversity, biotsenotic important bioecological and learned the laws of distribution types of real estate. Some scientist reaschs. Stage two known specimens of mollusks in science and VI Jadin (1938, 1952), Frenkel Sarobogatov Z.I. Izzatullaev (1984), Z.I. Izzatullaev X.T. Boymurodov (2009) with the techniques learned.

Қамаши сув омбори Қашқадарё вилоятида барпо этилган гидротехника иншоати хисобланади. 1957 йилда Қамаши шаҳридан 4 км узоқликдаги Шўрчасой табиий ботиклигини тупроқ тўғон билан тўсиб ҳосил қилинган. Тўғоннинг дастлабки баландлиги 10 метр устки қисмининг узунлиги 900 метр, ҳажми 11 млн.м³ли ташкил қилиад. 1962 йилда тўғон реконструкция қилиниб 3 м га кўтарилган ва умумий ҳажми 17,3 млн .м³га ва фойдали ҳажми 16 млн.м³га етказилди. Максимал чуқурлиги 12,0 метр ва ўртача чуқурлиги эса 6,0 метр сув сатҳининг юзаси 1,5 км². атрофидадир

Сув омбори Яккабоғ дарёсидан сув олувчи Қорабоғ канали ва сув сарфи 4 м³/сек бўлиб 6 км узунликдаги сув келтириш канали орқали апрел-июлда тўлдирилади. Омборнинг сув чиқаргичидан сув сарфи 4 м³/сек. бўлган 2,9 км узунликдаги канал сув олади. Сув омбори Қамаши туманида 5000 га экинзорни суғориш имконини беради. Бизгача Қамаши сув омбори икки паллалли моллюскалари махсус ўрганилмаган. Моллюскалар сув омбори майдонидан 2014-2016 йиллар ёз, куз ва баҳор мавсумларида моллюскалар терилди. Уларни ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики сув омборда яшайдиган моллюскалар икки йўл билан бу худудга тарқалган.

Биринчидан баъзи турлар *Colletopterum sureim sogdianum* Қашқадарё дарёсида ҳам кенг тарқалган бўлиб, ундан каналлар орқали сув омборига тушган ва сув омборида шароит яхшилиги сабабли сув омбори ва балиқчилик хўжалиги сувлада кенг тарқалган.

Иккинчидан *odhneripisidium terekense* тури асосан булоқ ва чашмалар улардан оқиб чиқадиган ариқларда тарқалган бўлиб, Қамаши сув омборига Қашқадарёнинг юқори қисмида жойлашган булоқ ва чашмалар суви билан ушбу сув омборига келиб қолган. Қамаши сув

омборида *O.terekense* нинг буш чиғоноқларини куплаб учратдик. Йил давомида дарё оқимларининг ўзгариб туриши ва унинг худуд бўйлаб нотекис тақсимланганлиги сув омбори барпо этишга зарурат туғдирган.

Сув омбори оқимини фаслар ва йиллар бўйича тартибга солади, канал ва бошқа сув ўтказиш иншоотлари билан бирга худудлар бўйлаб қайта тақсимлашга имконият яратади. Бу эса сув хавзаларида *Unionidae*, *Corbiculidae* оилалари турлари тарқалишига экологик гуруҳларнинг ҳосил бўлишига олиб келган.

Сув омборнинг ўнг соҳили ва каналларида *Corbicula cor* тарқалган бўлиб, унинг зичлиги 2 м² жойда 2-3 тани ташкил этади. *C.cor* тури Зарафшон водийсидаги Қаттақурғон сув омборидаги тарқалиш, зичлиги 2 м² майдонда 3 - 4 тадан учрайди. Моллюскаларнинг яшаш муҳити бўлган сув ўзининг бир қатор физик хосалари билан моллюскаларнинг тарқалишига, зичлигига, морфологияси ва экологиясига турлича таъсир кўрсатган, бу эса уларнинг зичлигининг турлича бўлишига таъсир этган.

Қамаши сув омборида *C.cor* нинг чиғоноғи юраксимон сарғиш рангда, олди ва орқа қисми юмалоқлашган, ички девори оқ ранга эга моллюскаларни биз сув омборида 1,5-2,5 метргача бўлган чуқурликларда яшашини ўргандик.

Қамаши сув омборида *Corbiculidae* оиласи тирик тухум туғувчилар ва тухум қуювчилар турлари аниқланган. Қамаши сув омборида тарқалган *C.fluminalis*, *C. tibetensis* турлар кейинги вақтда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, моллюскалар сув ҳароратининг нихоятда озгина, хатто юздан бир градусга ўзгаришини ҳам сеза оладилар. Сув температурасининг ўзгариши билан сувни фильтрация қилиши тухтайди, чиғоноқларини ёпиб олади.

Ҳар бир сув типиди моллюскалар яшайди ва уларнинг ҳар бири учун экологик гуруҳлари мавжуд. Қамаши сув омборида икки паллали моллюскаларнинг 3 экологик гуруҳлари тарқалган. Улар орасида барча ушбу худуд икки паллали моллюскалари (5 тур) дан асосий ўринни: пелореофиллар- лойда, оқимда ҳаёт кечирувчилар 3 тур (60%), булоқ ва чашмаларда яшовчилар - кренофиллар -1 тур (20%) ва сув оқимида ҳаёт кечирувчилар- реофиллар 1 тур (20%) ташкил этади.

Қамаши сув омборида бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатдики катта икки паллали моллюскалардан *Unionidae* оиласи турларидан *Colletopterum sutureum sogdianum* сентябр - октябр ойларида жабраларига тухум куя бошлайди, ёзда июл- август ойларида гилохидияларини сувга ташлайди.

Қамаши сув омборида *Unionidae*, *Corbiculidae* оилалари турларининг фаунаси шаклланишига қўйидаги факторларнинг таъсири мавжуд.

1)Баъзи турлар *Colletopterum sutureum sogdianum* Қашқадарё дарёсида ҳам кенг тарқалган бўлиб, ундан каналлар орқали Қамаши сув омборига тушган ва сув омборида шароит яхшилиги сабабли бу худуд ботопларида тарқалган.

2) *Odhneripisdium terekense* тури асосан булоқ ва чашмалар улардан оқиб чиқадиган ариқларда тарқалган бўлиб, Қамаши сув омборига Қашқадарёнинг юқори қисмида жойлашган булоқ чашмалар суви билан ушбу сув омборига келиб қолган.

3) *Corbicula cor* *C. fluminalis* ва *Corbiculina tibetensis* сув омбори ташкил этилмасдан олдин ҳам Яккабоғ дарёсининг биотопларида сон жихатидан кам бўлса ҳам учраган. Қамашши сув омборининг ташкил этилиши бу турланинг яшаш муҳитининг яхшиланишига олиб келди ва улар ўзига хос бўлган экологик гуруҳларни ҳосил қилганлигини кузатдик.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки Қамаши сув омборида моллюскалар 4 тури 1 кенжа тури яшайди улар 3 хил экологик гуруҳларга пелореофил, пренофил, ва реофилга тааллуқли.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Иззатуллаев З.И. Двуствочаты моллюски семейства *Corbiculidae* Средней Азии // Зоологический журнал., Т.59, вын. 8, 1980, С. 1130-1136.
2. Иззатуллаев З.И. Водны моллюски Средней Азии и сопредельных территорий // Автореф. дис... д.б.н.Л.: Наука, 1987. 45 с.

3. Красная Книга Республика Узбекистан: Редкие и исчезающие виды растений и животных (в 2 - тмах). Т. 2. Животные. Ташкент: ENK. 2009. -с. 42 - 47.

4. Ўзбекистон миллий Энциклопедияси: Давлат илмий нашриёти. Ташкент. 1 жилд, 2000, 539 бет.

УДК:593.1:575.2

ДАРЁЛАРДА ТАРҚАЛГАН ИККИПАЛЛАЛИ МОЛЛЮСКАЛАР ЧИҒАНОҚЛАРИНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Боймуродов Х.Т., Отақулов Б.Н., Саидқулов Ж.Р.

Самарқанд давлат университети

Key words- antropogen factor, Stage two groups of mollusks, water control, plangton organesims and their environment, temperate, river bivalve mollusks

Actuality of the work. Regional fauna of theoretical and practical research creates important conditions for solving complex issues. At the same point in the mountain ranges, river valleys and temperate, subtropical regions of Central Asia and the South bank of the river between the two phases of mollusks fauna is essential for a comprehensive study. The variety of their natural habitat, creates conditions for the spread of many unique endemic animals and piles. It's a completely different look, along with the proliferation of complex here faunistic complexes, and the choice of species ecology is also available in different populations.

Сув типларида иккипаллали моллюскаларнинг тарқалиши ва индивидлар сонининг кўплиги экосистемаларда муҳим ўрнини, уларда юз берадиган ўзгарувчанлигини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Қўйида уларнинг хусусиятлари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон дарёларининг туйниш режими, сувлари ҳароратининг турли туманлиги, ифлосланиши ҳамда унда тарқалган *Unionidae* ва *Corbiculidae* оилалари турлари чиғаноқларида ўзгарувчанликнинг юзага келишида ўз таъсирини кўрсатган.

Қашқадарёнинг Қарши шаҳри яқинидан оқиб ўтувчи қисмида дарё сувининг ўртача ҳарорати ойлар бўйича қуйидагича: апрел +12,1°C, май +17,4°C, июн +21,4°C, июл +23,5°C, август +22,4°C эканлиги кўрсатди.

Ҳароратнинг бундай ўзгариши уларнинг чиғаноқларида қўйдаги ўзгаришлар кузатилди. Асосан, бу даврда моллюскалар озикланишига боғлиқ ҳолда чиғаноқлари ўсади.

Куз фаслидан бошлаб, дарё суви ҳарорати қуйидагича ўзгаради: сентябр +19,4°C, октябр +15°C, ноябр +9,4°C, декабр +5,9°C, январ +5,7°C гача пасайиши кузатилади. Бундай ҳолат иккипаллали моллюскалар чиғаноқларида ўсиш жараёни секинлашади ва маълум вақт тиним ҳолатига ўтади.

Сирдарёданнинг ўрта қисмида дарё сувининг ўртача ҳарорати ойлар бўйича қуйидагича: апрел +11°C, май +17,6°C, июн +22,3°C, июл +23,4°C, август +21,7°C ўзгариши кузатилди. Бу даврда *Collepterym cyreum sogdianum*, *Cobicula cor* озикланишга боғлиқ ҳолда чиғаноқларида ўсиш жараёни юз берди. Кейинги ойлардан бошлаб дарё суви ҳарорати қуйидагича ўзгаради: сентябр +18,7°C, октябр +14,8°C, ноябр +10,1°C, декабр +5,4°C, январ +2,1°C гача пасаяди. Сув ҳароратининг бундай пасайиб бориши моллюскалар чиғаноқларида ўсиш жараёнини секинлаштиради ва маълум вақт тиним ҳолатига ўтади. Сув ҳароратга боғлиқ ҳолда моллюскалар чиғаноғидаги йиллик ҳалқаларининг ўзгаришига қараб, уларнинг ёшини аниқлаш мумкин.

Моллюскаларнинг чиғаноғидаги ўзгарувчанликни ўрганганимизда, дарёнинг туйниш режими ҳам чиғаноқларнинг катта ва кичиклигига ўз таъсирини кўрсатади.

Масалан, Сирдарё қор ва муз сувларидан тўйинади. Унда *Collepterym cyreum sogdianum* нинг умумий оғирлаги ўртача 575 г бўлса, қорларнинг эришидан тўйинадиган Қашқадарёда эса 8 марта ўлчаганда ўртача 563 г эканлигини кўрсатди.

Иккипаллали моллюскаларнинг тарқалиши ва чиғаноқларининг ўзгарувчанлиги

№	Дарёлар	Моллюскалар турлари	Ёши	Ўлчалар сони n	Оғирлиги m (г) M±m	Чиғаноқнинг узунлиги (ЧУ) L (мм) M±m	Чиғаноқнинг баландлиги (ЧБ) h (мм) M±m	Чиғаноқнинг кабариклиги (ЧҚ) N (мм) M±m
1	Сирдарё	<i>Collepterym cyreum sogdianum</i>	4	8	575 ± 12,2	152 ± 11	77 ± 13	83 ± 11,3
		<i>Corbicula cor</i>	5	10	0,62±0,6	26 ± 6,2	24 ± 5	18,4 ± 4
2	Қашқаларё	<i>Collepterym cyreum sogdianum</i>	4	8	553 ± 11,8	147 ± 12	74 ± 9,2	79 ± 11
		<i>Corbicula cor</i>	5	10	0,49 ± 0,7	22 ± 4,3	20,2 ± 6	14,2 ± 5

Бу моллюска чиғаноқларининг улчамлари ўзгарувчанлигини Сирдарёда қўйидагича ЧУ 152 мм., ЧБ 77 мм., ЧҚ 83 мм., Қишқадарёда эса ЧУ 147 мм., ЧБ 74 мм., ЧҚ 79 мм ўзгаради (1-жадвал).

Сирдарёда *Corbicula cor* нинг ўртача оғирлиги 0,52 г, ЧУ 26 мм., ЧБ 24 мм., ЧҚ 18,4 мм. Қашқадарёда *Corbicula cor* нинг ўртача оғирлиги 0,49 г, ЧУ 22 мм., ЧБ 20,2 мм., ЧҚ 14,2 мм.

Сирдарё суви июн - август ойларида кўпайиб, йиллик оқим миқдорининг 30-38% ни ташкил этади. Чунки бу ойлarda хаво ҳароратининг кўтарилиши туфайли тоғларнинг баланд қисмидаги муз ва қорлар эрийди. Дарё сувининг энг камайган даври, аксинча қиш ойларида тўғри келади. Сувнинг дарёда ёз ойларида кўп бўлиши моллюскаларнинг озикланиш босқичининг узоқ давом этишига олиб келади ва бошқа сув типларига нисбатан чиғаноқларида ўзгарувчанлиги кузатилади.

Қашқадарё суви апрел - май ойларида қорларнинг эриши натижасида кўпаяди ва йиллик оқимнинг 60 % гача бўлган қисми шу ойлarda оқиб ўтади. Аксинча, ёзда дарё суви кескин камая бошлайди, бу эса, *Collepterym cyreum sogdianum*, *Corbicula cor* озуқа режимига ўз таъсирини кўрсатиб, моллюскаларнинг биомассасининг ошишига олиб келади.

Corbicula cor нинг бошқа сув омборларда тарқалганлигига нисбатан чиғаноқларининг ўзгарувчанлигини махсус ўргандик. Уларнинг улчамлари Каттакўрғон сув омборида қўйидагича: ЧУ 24-28 мм., ЧБ 23-25 мм., ЧҚ 15-19,2 мм экани аниқланди. Таллимаржон сув омборида эса *Corbicula cor* нинг чиғаноқларининг ўлчамлари ЧУ 21-24 мм., ЧБ 19-24 мм., ЧҚ 11-19 мм га тенг. Турли сув омборларда *Corbicula cor* нинг чиғаноғи ўлчамларининг ўзгарувчанлиги турлича бўлиб, унга сув муҳитидаги экологик омиллар катта таъсир этади.

Таллимаржон сув омбори тоғ олди, адир минтақасида жойлашганлиги сабабли моллюскалар чиғаноқлари ўлчамлари текисликда жойлашган Каттакўрғон сув омбори *Corbiculina ferghanensis* чиғаноқлари билан солиштирганимизда, улар ўртасидаги ўзгарувчанлик кузатилди: Каттакўрғон сув омборида ЧБ 24-33,8; ЧУ 22-34 : ЧҚ 12-12,9 мм. Толлимаржон сув омборида ЧБ 18-21; ЧУ 17-23; ЧҚ 9-11,5 мм эканлиги аниқланди. Бунинг

сабаби, текислик сув омборларида планктон организмлар кўплигига, тоғли ва тоғ олди сувларида организмлар эса камлигидир.

Хулоса қилиб ушбуни айтиш мумкинки сувнинг дарёларда ёз ойларида кўп бўлиши моллюскаларнинг озикланиш босқичининг узоқ давом этишига олиб келади ва бошқа сув типларига нисбатан чиғаноқларида ўзгарувчанлиги кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иззатуллаев З.И. О видовом составе крупных двустворчатых моллюсков Средней Азии // Биол. основы рыб. х-ва Средней Азии и Казахстана. Фрунзе: Илим, 1978. С.65-67.

2. Иззатуллаев З.И. Двустворчатые моллюски сем. Corbiculidae Средней Азии // Зоол.ж., 1980. Т.59. вып.8. С.1130-1136.

3. Боймуродов Х. Зарафшон дарёси ҳавзаси ариқлари икки паллари моллюскаларининг экологик гуруҳлари ва тарқалиши хусусида // Кимёгар илм. мат. тўп. Самарқанд, СамДУ, 2002. 57-59 б.

4. Иззатуллаев З.И., Боймуродов Х.Т. Зарафшон соҳили икки паллари моллюскалари фаунаси, экологияси, тарқалиши ва уларни муҳофаза қилиш // Халқаро.илм. конф.мат. Самарқанд: СамДУ. 1999. 66-68 б.

5. Иззатуллаев З.И., Боймуродов Х.Т. Интрадуцированные водные моллюски Узбекистана. // Ж.Пробл.биол. и медиц. № 4. Самарқанд, 2000. -С. 76-78.

УДК:593.1:576.35

ҚАШҚАДАРЁ СУВ ТИПЛАРИДА CORBICULIDAE ОИЛАСИ CORBICULINA УРУҒИ ТУРЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Боймуродов Х.Т.

(Самарқанд давлат университети)

Key words- antropogen factor, Stage two groups of mollusks, water control, plangton organesims and their environment, temperate, river bivalve mollusks

Actuality of the work. South of the river for the first time at the stage of studying the influence of abiotic factors in the spread of species of mollusks. South River two stages shellfish thesis studied the influence of abiotic factors in the spread of Kashkadarya. For two rare and endemic aquatic ecology of rivers, bivalve molluscs to protect the general biotop two times clams data about the importance of shared rivers in South bivalve mollusks fauna, the composition of environmental and biological properties, studied the distribution and types of laws. Mollusks species living in the contaminated structure changes of endemic, rare and less common shellfish turpak found.

Қашқадарё - Ҳисор тизмасининг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб 3000 м. баландликдан кичик сойча сифатида бошланади ва Муборакка 10 км. етмасдан қуриб қолади. Шу масофада дарёнинг узунлиги 332 км, сув йиғадиган ҳавзасининг майдони 8750 км.ни ташкил этади.

Қашқадарёда иккипаллари моллюскаларни дарёнинг секин оқар қисмлари, ариқлари, хавузларда ва бошқа сув типларидан териб таҳлил қилдик.

Дарёда *Corbiculidae* оиласи турларига нисбатан кам учрайди. Бу турлар дарё атрофидаги Чимқурғон сув омбори ва ховузларда лой босган, балчиқ жойларда ярим кўмилган ҳолда яшайди, улар 0,2 -2,5 м чуқурликларда сув ўтлари кўп бўлган биотопларда 1м² жойда ўртача 1 - 1,5 та тарқалгандир. Дарёнинг ўрта оқимида Пачкамар ва Чимқурғон сув омборлари, каналларида, қишлоқ хўжалиги учун қазилган ариқларда *Corbicula cor.*, *Corbculina ferghanensis* ва *C. tibetensis* лой остида кўмилиб ҳаёт кечиради.

Дарёда икки паллари моллюскалар: оқар сувлар лойларида - пелореофил *Corbiculina tibetensis*, *C.ferghanensis* тарқалганлиги ўрганилди..

Йирик икки паллари моллюскалар фақат дарёларнинг текислик қисмида тарқалган. Уларнинг тоғлик қисмида учрамайди, дарёнинг у ерда тез оқими, сув ҳароратининг пастлиги ва

моллюскаларнинг озикланиши учун аллахтон организмларнинг камлиги каби экологик муҳитнинг омиллари билан боғлиқ.

Дарё соҳили балиқчилик хўжаликлар, сув омборларига ва каналларга *Corbiculidae* оиласи турлари Қашқадарё сувлари билан тарқалган. Қашқадарё сув типларида *Corbiculidae* оиласи *Corbiculina* уруғидан *Corbiculina ferghanensis* ва *C. tibetensis* тарқалган.

***Corbiculina* Dall, 1903 уруғи** Яқингача, ушбу уруғга мансуб турлар *Corbicula* уруғига киритилар эди. Аммо катта чиғаноқлар ичида ёш чиғаноқларнинг топилиши *Corbicula tibetensis* ва *C. ferghanensis* ни *Corbicula* уруғига таллуқлиги ва уни тирик тухум туғувчилар деб тан олишга ундади.

Олдин тирик тухум туғувчиларнинг ареали фақат Австралияни ўз ичига олар эди. Энди Шарқий Осиё турлари орасида тирик тухум туғувчи турларнинг, Масалан *Corbiculina leana* (Prima) нинг топилиши (Habe, 1977) *Corbiculina* уруғининг ареалини яна кенгайтди. Энди, ушбу уруғнинг ареали Австралиядан ташқари яна Шарқий ва Марказий Осиёга кенгайди[1].

***Corbiculina tibetensis* (Prashad, 1929)** (1 - расм).

Чиғаноғи тухумсимон, бўртган, тенг томонли дўнгчалари кўтарилган чўққилари ўрта узунликда. Чиғаноғининг устки қисми текис концентрик қовурғачалар билан қопланган. Ҳажми жиҳатдан *C. ferghanensis* га яқин аммо кўпроқ бўртган. Кардинал тишлари (1,2а, 2в), икки чўққиси, ўтмас ва чўкурча билан, 3а, 4б ингичка, ўткирлашган тишлари (АII, АIII, PII, PIII) жуда ўсган. Чиғаноқнинг ичи хаворанг.

Ўлчамлари: ЧБ-17-32, ЧУ -21-36, ЧК-12,5-13,5 мм.



1 - расм *Corbiculina tibetensis* (Prashad, 1933) Амударё, Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари хавзасидан терилган.

Экологияси. Секин оқувчи сувларнинг тубида лойда 2-2,5 метргача бўлган чуқурликларида яшайди. Пелореофил. Чиғаноғининг ичида катталиги 2-3 мм келадиган майда чиғаноқчалар учрайди. *C. ferghanensis* билан бирга яшайди. Тирик туғувчи тур бўлиб, кўпайиши ва ривожланиши баҳор ва ёз фаслларида амалга ошади.

Тарқалиши. Марказий Осиё тури. Марказий Осиёда Қозоғистоннинг жанубидаги Балхаш кўли, Сирдарё ва Зарафшон дарёларида тарқалган [1,2]. Амударё, Қашқадарё хавзасида ва Зарафшон, Қорадарё, Оқдарёларда, Дарғом, Каттакўрғон, Нарпай каналлари, Пачкамар Туямуйин, Каттакўрғон сув омборларида, дарё ва каналлар атрофидаги ариқ ва ҳовузларда яшайди [3,4].

***Corbiculina ferghanensis* (Kursalova et Starobogatov, 1974)** (2 - расм).

Юқоридаги чиғаноқдан ялпоқлиги, ўсувчи чўққилари, кулфининг ингичка чети ва марказий тишларининг тузилиши билан фарқ қилади. Чап чиғаноғининг барча марказий тишлари (4в, 2в, 2а) ва ўнг чиғаноғининг 3а тиши ингичкароқ ва ўткир.

Ўлчамлари. ЧБ 14-33,8; ЧУ 18-38,8; ЧК 12-12,8 мм.



2 - расм. *Corbiculina ferghanensis* (Kursalova et Starobogatov, 1971). Қашқадарё, Амударё ва бошқа дарёлар соҳилидаги балиқчилик хўжалиги сувлардан терилган.

Экологияси. Дарёлар, сув омборлари, ҳовузлар, каналлар ва ариқларнинг 1,5-2 метр чуқурликларида тарқалган. Энг кўп ва энг кенг тарқалган бу тур деярли ўрганилмаган. Бу тур тирик туғувчи бўлиб, кўпайиши босқичма - босқич амалга ошади. У баҳорда бошланиб ёзгача давом этади. Пелореофил.

Тарқалиши. Марказий Осиё тури. Ҳозирги вақтда Марказий Осиёнинг фақат Сирдарё ва Амударё сувларидан топилган.

Зарафшон, Қашқадарё, Сирдарё ва Аударё соҳилидаги сув типларидан балиқчилик хўжалигидаги сувлардан терилди[4,5] .

Хулоса Қашқадарё сув типларида *Corbiculidae* оиласи *Corbiculina* уруғидан *Corbiculina ferghanensis* ва *C. tibetensis* тарқалган. Йирик икки паллали моллюскалар фақат дарёларнинг текислик қисмида тарқалган. Уларнинг тоғлик қисмида учрамайди

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иззатуллаев З.И. Двустворчатые моллюски сем. Corbiculidae Средней Азии // Зоол.ж., 1980. Т.59. вып.8. С.1130-1136.

2. Боймуродов Х. Зарафшон дарёси ҳавзаси ариқлари икки паллари моллюскларининг экологик гуруҳлари ва тарқалиши хусусида // Кимёгар илм. мат. тўп. Самарқанд, СамДУ, 2002. 57-59 б.

3. Иззатуллаев З.И., Боймуродов Х.Т. Зарафшон соҳили икки паллали моллюскалари фаунаси, экологияси, тарқалиши ва уларни муҳофаза қилиш // Халқаро.илм. конф.мат. Самарқанд: СамДУ. 1999. 66-68 б.

4. Иззатуллаев З.И., Боймуродов Х.Т. Интрадуцированные водные моллюски Узбекистана. // Ж. Пробл. биол. и медиц. № 4. Самарқанд, 2000 . -С. 76-78.

УДК: 575.636.2.6375

ГОЛШТИНЛАШТИРИЛГАН ҚОРАМОЛЛАРДАН ГЎШТ ЕТИШТИРИШДА Фойдаланиш

Хушвақтов А.А., Суюнова З., Кахаров А.К.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация. В статье рассматриваются результаты изучения показателей роста и мясной продуктивности черно-пестрых и голштинизированных бычков. По основным показателям они отвечали требованиям предъявляемым к высококачественной говядины.

Annotation. The article discusses the results of a study growth rates and meat efficiency of black-motley and holstein steers. For the main indicators they meet the requirements for high-quality beef.

Калит сўзлар: қора-ола зот, ўсиш, чатиштириш, ёш қорамол, буқача.

Key words. Back and white type, growth, breeding, yong cattle, calf

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакат қишлоқ хўжалиги, шу жумладан чорвачилик секторининг бугунги кундаги асосий вазифаларидан бири аҳоли озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сут ва гўшт маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Маълумки, гўшт маҳсулоти структурасида қорамол гўшти муҳим ўрин тутди. Истеъмолдаги гўштининг 65 фоиздан ортиғи айнан шу тармоққа тўғри келади. Шунинг учун ҳам қорамол гўшти ишлаб чиқариш суръатини ошириш, уни сифатини яхшилаш, харид нархини камайтириш муаммоси ечимини топиш мутасадди ташкилотларни, қорамолчилик соҳасидаги барча мутахассисларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Қорамол гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, гўшт маҳсулотини асосий қисми, охириги йилларда деярли барчаси сут ва қўшмаҳсулдор қорамол зотларидан ва уларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган ҳар хил гепотипли авлодлар ҳисобига тўғри келган.

Ҳозирги вақтда бутун дунё мамлакатларининг кўпгина ҳудудларида, шу жумладан Ўзбекистон республикаси хўжаликларида ҳам режали қорамол зотлари сут маҳсулдорлигини ошириш ва елиннинг айрим технологик хусусиятларини яхшилаш мақсадида, дунёда энг серсут зот сифатида тан олинган голштиннинг генофондидан самарали фойдаланилмоқда.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Шунини таъкидлаш жоизки, голштинлаштирилган буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги тўғрисида аниқ бир фикр шаклланмаган. Шунинг учун ҳам биз Сурхондарё вилояти Термиз туманига қарашли “Навруз” МЧЖ нинг қорамолчилик хўжалигида илмий-хўжалик тажрибасини ўтказдик ва генетик келиб чиқиши турлича бўлган буқачаларни гўшт маҳсулдорлигини ўргандик. Тажриба учун 3 ойлик соғлом буқачалардан 15 бош танлаб олиб, I гуруҳга соф зотли қора-ола, II гуруҳга биринчи бўғин ва III гуруҳга иккинчи бўғин чатишма авлодларини киритдик. Ҳайвонларни бир хил озиқлантириш ва асраш шароитида 18 ойлигигача боқдик. Буқачаларга тажриба давомида жами сарфланган озиқа гуруҳларда тегишлича: 3008,4; 3051,8 ва 3083,4 озиқа бирлигига тенг бўлган. Истеъмол қилинган озиқанинг гуруҳларда мутаносиб тарзда: 1,2 фоизини сут; 51,8-52,3 фоизини яшил ва ширали; 21,2-21,3 фоизини дағал; 25,2-28,8 фоизини кучли озиқалар ташкил этган.

Қорамолларнинг тирик вазнини аниқлаш, уларнинг ўсиш ва ривожланишини кузатиб боришда ва гўшт етиштиришни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам биз, тажрибадаги буқачаларни тирик вазнини аниқлаб, қуйидаги 1-жадвалда келтирдик.

Ушбу 1-жадвал маълумотларининг таҳлили шундан далолат берадики, тажриба бошида, яъни ҳайвонларнинг 3 ойлигида тирик вазн бўйича фарқ жуда кичик бўлган ва II гуруҳдаги яъни биринчи бўғин буқачалари ўз тенгқурлари I ва III гуруҳдаги буқачалардан тегишлича: 3,0 ва 2,0 кг устиворликка эришган. Аммо, кейинги ўсиш ойларида тирик вазн бўйича фарқ ошиб борган. Хусусан, 9 ойлигида улар ўз тенгқурлари, I ва III гуруҳдаги буқачаларни мос равишда: 5,6 кг ($P<0,05$) ёки 2,9 фоиз ва 13,1 кг ($P<0,05$) ёки 7,2 фоиз ортда қолдирган.

1-жадвал

Тажрибадаги ҳайвонларнинг тирик вазнининг ўзгариши, (n=5)

Ҳайвонларнинг ёши, ой ҳисобида	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	X±Sx	Cv,%	X±Sx	Cv,%	X±Sx	Cv,%
3	85,0±4,1	6,0	87,9±1,6	5,4	84,9±4,4	6,9
6	132,9±5,8	6,3	137,6±4,4	7,9	134,1±5,1	7,7
9	182,9±4,8	8,4	196,0±4,3	7,6	190,4±3,6	8,1
12	255,1±3,6	7,6	277,5±6,1	6,8	268,9±3,7	7,6
15	337,1±3,6	7,4	362,0±2,8	7,4	352,1±5,6	7,6
18	420,4±4,4	7,6	451,0±5,8	6,9	436,4±6,9	6,9

II ва III гуруҳ буқачаларини бу кўрсаткич бўйича фарқи охиригиси фойдасига 6,0 кг ($P<0,05$) ёки 3,2 фоизга тенг бўлган. Буқачаларнинг 12 ойликдаги тирик вазни бўйича фарқи, II

гуруҳ ҳайвонлари фойдасига шунга мутаносиб равишда: 22,4 кг ($P < 0,01$) ёки 8,0 фоиз ва 8,1 кг ($P < 0,05$) ёки 3,0 фоиз бўлган. Таҷрибанинг кейинги ўсиш даврида яъни 15 ойликда, бу фарқ тегишлича: 24,94 кг ($P < 0,01$) ёки 7,8 фоиз ва 9,9 кг ($P < 0,05$) ёки 2,8 фоизни ташкил этган. Таҷриба охирида яъни 18 ойликда барча гуруҳлардаги буқачалар катта тирик вазнга эга бўлишган. Бунда, II - гуруҳдаги ҳайвонларда бу кўрсаткич 451,0 кг бўлиб, улар ўз тенгқурлари I гуруҳ буқачаларини 30,6 кг ($P < 0,01$) ёки 7,3 фоиз орқанда қолдирган бўлса, III гуруҳдаги тенгқурлари эса 14,6 кг ($P < 0,05$) ёки 3,3 фоиз ортда қолдирган. Ўсишнинг бошқа кўрсаткичлари: мутлок, нисбий, ўсиш коэффициенти ҳамда ривожланиш кўрсаткичлари ҳам ўрганилиб, гуруҳлараро фарқ аниқланди.

Биз, ўз тадқиқотларимизда назорат сўйимни буқачаларнинг 18 ойлигида ташкил қилдик. Бунинг учун фермер хўжалигида сўйишдан бир кун олдин ҳайвонларни озиклантиришни тўхтатдик. Бу даврда уларнинг тирик вазни гуруҳларда шунга мос равишда: 420,4; 451,0; 436,4 кг га тенг бўлган. Қуйидаги 2-жадвалда таҷрибадаги ҳайвонларни сўйим кўрсаткичлари келтирилган. Жадвал маълумотларини тахлили шундан далолат берганки, барча гуруҳлардаги буқачаларни сўйимдан олдинги тирик вазни юқори даражада бўлган.

2-жадвал

Таҷрибадаги буқачаларни 18 ойликдаги сўйим кўрсаткичлари, ($n=3$)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг	414,4±5,1	444,5±4,1	431,9±4,3
Майдаланмаган гўшт оғирлиги, кг	221,3±4,1	240,0±5,8	230,6±5,9
Гўшт чиқими, %	53,4	53,9	53,4
Ички ёғ хомашёсининг оғирлиги, кг	16,4±0,03	16,9±0,02	15,6
Ички ёғ хомашёсининг чиқими, %	4,0	3,8	3,6
Сўйим оғирлиги, кг	237,7±4,0	256,5±3,9	246,2±5,2
Сўйим чиқими, %	57,4	57,7	57,0

Бир кун оч сақланганда буқачалар мутаносиб равишда: 4,0; 6,5; 4,5 килограммдан тирик вазн йўқотишган. Шунинг учун ҳам уларни сўйишдан олдинги тирик вазни камайган. Бу кўрсаткич, II гуруҳдаги биринчи бўғин чатишма буқачаларда 444,5 кг бўлиб, улар ўз тенгқурлари I гуруҳ буқачаларини 30,1 кг ёки 7,3 фоиз ва III гуруҳ буқачаларини 12,6 кг ёки 2,9 фоиз ортда қолдирган. Аниқланган фарқ статистик жиҳатдан ишончлидир. Майдаланмаган гўшт оғирлиги бўйича гуруҳлар орасидаги фарқ шунга мутаносиб равишда: 18,7 кг ёки 8,6 фоиз ва 9,4 кг ёки 4,1 фоизга тенг бўлган. Гўшт чиқими деярли бир хил бўлиб, гуруҳларда тегишлича: 53,4; 53,9 ва 53,4 фоизни ташкил этган. Ички ёғ хомашёсини мутлок кўрсаткич ҳисобида, II гуруҳдаги буқачаларда кўп бўлиб 16,9 кг га тенгдир. Бу эса ўз тенгқурлари, I ва III гуруҳдаги буқачалар кўрсаткичидан 0,5 кг ёки 3,0 фоиз ва 1,3 кг ёки 8,3 фоиз ортда демакдир. Сўйим оғирлиги бўйича ҳам II гуруҳдаги буқачалар, ўз тенгқурларига қараганда тегишлича: 18,8 кг ёки 7,9 фоиз ва 10,3 кг ёки 4,2 фоиз юқори кўрсаткичга эришган. Сўйим кўрсаткичини фоиз ҳисобида ифодаланиши гуруҳдаги ҳайвонларда мутаносиб равишда: 57,4; 57,7 ва 57,0 га тенг бўлган.

Демак, сўйим кўрсаткичлари барча ҳайвонларда талаб даражасида бўлган. Бунда, II гуруҳдаги биринчи бўғин чатишма авлодлари, ўз тенгқурлари соф зотли қора-ола ва иккинчи бўғин чатишма авлодларига нисбатан ижобий кўрсаткичларга эришишган.

Юқорида таъкидлангандек, гўшт маҳсулотига тўлиқ баҳо берганда, уни морфологик таркибини ўрганиш муҳим ўрин тутади. Биз имконият ва шароитдан келиб чиққан ҳолда таҷрибадаги ҳайвонларнинг гўштини морфологик таркибини ўргандик ва қуйидаги 3-жадвалда келтирдик.

Иккига бўлинган гавдани совутиб, уни ўнг бўлагини дастлаб мускулни суякдан, кейин эса мускул тўқимасини ички пайдан, бириктирувчи томирлардан, айрим бўлақларда учрайдиган сочдан ажратдик. Совитилган ярим гавданинг оғирлиги, II гуруҳ буқачаларида 119,4 кг ни

ташқил қилган. Бу кўрсаткич бўйича улар ўз тенгқурлари, I ва III гуруҳ буқачаларини тегишлича: 9,4 кг ёки 8,5 фоиз ва 3,8 кг ёки 3,3 фоиз ортда қолдиришган.

3-жадвал

Тажрибадаги буқачаларни ярим гўштнинг морфологик таркиби, (n=3)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Совитилган ярим гўштнинг оғирлиги, кг	110,0±0,91	119,4±1,39	115,6±2,10
Шу жумладан: лаҳм гўшт, кг	88,0±0,40	96,4±0,61	92,6±0,56
Суяклар, кг	19,7±0,03	20,7±0,04	20,4±0,03
Бириктирувчи тўқималар, %	2,0±0,01	2,1±0,01	2,2±0,01
Техник йўқотиш, кг	0,3±0,01	0,2±0,01	0,4±0,01
Истеъмол қилинадиган қисми, %	81,6	82,4	80,1
Истеъмол қилинмайдиган қисми, %	18,4	17,6	19,9
Гўшторлик коэффициенти	4,5	4,7	4,5

Лаҳм гўшт миқдори ҳам, II гуруҳ буқачаларида тенгқурларига қараганда мос равишда: 8,4 кг ёки 7,1 фоиз ва 3,8 кг ёки 4,1 фоиз кўп бўлган. Ярим гўштни истеъмол қилинадиган қисми барча гуруҳларда юқори бўлиб, тегишлича: 81,6; 82,4 ва 80,1 фоизни ташқил қилган. Гуруҳларда, 1 кг суякка тўғри келадиган гўшт салмоғи мутаносиб равишда: 4,5; 4,7 ва 4,5 кг бўлган. Ушбу кўрсаткичлар талаб даражасида бўлиб, ҳайвонларни жадал равишда озиклантирилганлигидан ва парваришланганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, соф зотли қора-ола зотига мансуб буқачаларнинг ва ушбу зот сигирларини голштин зотини насли буқалари билан сунъий уруғлантириш натижасида олинган ҳар хил генотипли чатишма авлодларини ўсиш, ривожланиш, бўрдоқиланиш кўрсаткичлари ва гўшт маҳсулдорлигини таққослаб ўрганганда, организмда кам бўлсада гетерозис ходисаси рўй берганлигини таъкидлаш мумкин. Биринчи бўғин чатишма буқачалари юқорида қайд этилган кўрсаткичларни барчаси бўйича устиворлик қилишган. Бунинг сабаби ушбу генотипли буқачаларнинг истеъмол қилган озикасини ҳазмланиш коэффициенти юқори бўлиб, организмда модда алмашиш жараёни жадал кечган. Улардан олинган гўштнинг салмоғи, сифати ва истеъмол даражаси юқори бўлган. Сут йўналишидаги қорамолларни сўқимлашда бу омилларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Адушинов Д.С., Устимов Е.М. Мясная продуктивность черно-пестрого-голштинского молодняка. //Зоотехния. 2002. № 4. с. 21-22
2. Гетеков О. и др. Мясная продуктивность помесного молочного скота на Северном Кавказе. //Молочное и мясное скотоводство. 2004. №8.с.5-7.
3. Зеленев Г.Н. Появление мясной продуктивности и пищевые достоинства говядины у скота различных генотипов. //Зоотехния. 2014. №8. с.20-21.
4. Кахаров А.К. ва бошқалар. Буқачалар гўшт маҳсулдорлигини шаклланиш хусусиятлари. //Зооветеринария. 2013. №10. 28-31 б.
5. Нарбаева М.К. Продуктивность голштинских черно-пестрых пород и их помесей в условиях южной зоны Узбекистана. Автореф. дисс. канд. с-х наук. Ташкент. 2012. 21 с.
6. Усанова Ф. ва бошқалар. Ҳар хил генотипга мансуб чатишма буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги. //Зооветеринария. 2015. №1. 26-27 б.
7. Шевхужаев А.Ф.и др. Мясная продуктивность бычков разного генотипа в зависимости от технологии производства говядины. //Зоотехния. 2015. №3. с. 23-25.

СИГИРЛАРНИ СОҒИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланишнинг сут сифатига таъсири

*Амиров Ш.К., Эгамбердиева З.К.
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти*

Аннотация. Аҳолини сифатли сут ва сут маҳсулотларига бўлган талабини таъминлашда, сигирлардан соғиб олинаётган сутнинг сифати муҳим аҳамият касб этади. Сут саноатига етказиб бериладиган хом ашёнинг сифатини яхшилашда сигирларни соғиб олишдаги санитария - гигиена талабларига жавоб берадиган, иқтисодий тежамкор замонавий технологияларни қўллаш лозим. Бу тадбир хўжаликларнинг иқтисодий кўрсаткичларига ижобий таъсир қилади. Мақолада сигирларни икки хил технологияда соғиш усулининг сут сифатига таъсири тўғрисида маълумотлар берилган.

Annotation. Technological aspects significantly affect the conduct of dairy cattle breeding on an industrial basis. One of these aspects is the morphological and functional features of the udders of cows. The main morphological and functional features of udders for Kizil-chul and Kara-ala breeds in the Samarkand region of the Zeravshan valley.

Калит сўзлар. Сут, санитария - гигиена, экология, Арча, УДМ-200, замонавий технологиялар, соғиш, лактан, давлат стандарти, микроб, нордонлик, соматик хўжайра.

Кириш. Ҳозирги кунда сут қорамолчилигида сифатли хомашё сут ишлаб чиқаришда ечимини кутаётган муаммолар борки, уларни бартараф этиш чора -тадбирларини ишлаб чиқиш ва илмий асосланган натижаларни амалиётга жорий этиш, аҳолини сифатли сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашдек муҳим масалага ойдинлик киритади.

Сут саноатини сифатли хомашё, яъни санитария - гигиена талаблариг ажавоб берадиган сут билан таъминлаш нафақат, зоотехникавий ва технологик балки, иқтисодий, экологик ва ижтимоий аҳамият касбэтади. Бундай муаммони ечимини топишда сифатли маҳсулотлар етиштириш жараёнларига иқтисодий самарали технологияларни жалб этиш билан эришиш мумкин. Сут қорамолчилиги ривожланган хориж давлатларида сигирларни боғламасдан асраш усулини қўллаш билан уларни соғиш залларида соғиб олиш истиқболли технология эканлиги исботланган.

Сигирларни соғишни соғиш залларида ташкил этиш куйидаги афзалликларга эга: биринчидан - меҳнат харажатлари тежаллади; иккинчидан - сутни ҳисобга олишга қулайлик яратилади; учинчидан - санитария - гигиена жихатидан юқори сифатли сут соғиб олишга шароит туғилади.

Тадқиқотлар мақсади: икки хил технологияда соғиб олинган сутнинг санитария - гигиена ҳолатини ўрганиш.

Тадқиқот манбаи ва усуллари. Тадқиқотлар, Навоий вилояти Навоий азот ОАЖ га қарашли чорвачилик мажмуаси № 519 цех ҳамда, Самарқанд вилояти Пайарик туманидаги “Самара-унум” фермер хўжаликларида олиб борилди. Сигирларни соғиш Навоий вилоятидаги хўжаликда 12 бош сигирни соғиш “УДМ-200” ускунасида, Самарқанд вилоятидаги хўжаликда “Арча” типли ускунасида амалга оширилди. Тажрибадаги сигирларда ойида бир марта назорат соғим ўтказилди ва соғиб олинган сутнинг санитария - гигиена ҳолати ўрганилди. Тажрибадаги сигирлардан соғиб олинган сутнинг санитария - гигиена ҳолатига 13264 - 88 давлат стандарти талаблари бўйича баҳо берилди. Сутнинг тозалик гуруҳи рекорд асбобида филтрлаш усулида, сутнинг нордонлиги, ундаги соматик хўжайралар сони Лактан 1,4 - ускунасида, сутнинг бактериялар билан ифлосланганлик даражаси редуктаза намунаси орқали аниқланди. Сутнинг Ph кўрсаткичи нордонликка нисбатан аниқланди (П.Кугенв, Н, Барабаншиков, 1984). Сутнинг органолептик хусусиятларига сезги органлари орқали баҳо берилди.

Тадқиқот натижалари. Сутнинг санитария - гигиена ҳолатига кўп омиллар таъсир қилади. Сигирхонанинг тозалик ҳолати, сигирнинг тери ва жун қопламаси, елинни тозалаш тартиби, соғиш ва сутни сақлаш аппаратлари ва идишларнинг тозаллиги, озиклантириш шароити ва бошқаларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Фермада фаолият кўрсатадиган

хар бир мутахассис буни билган ҳолда, сутнинг санитария-гигиена ҳолатига салбий таъсир қилувчи омилларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширишни билиши керак. Чунки, хомашё сутнинг сифати уни қайта ишлаш жараёнларига ва сутдан келажакда тайёрланадиган маҳсулотларининг сифатига бевосита таъсир кўрсатади.

Навоий вилоятидаги хўжаликда сигирлар соғиш залига киритилгандан сўнг, елини идишда тайёрлаб кўйилган дизенфекцияловчи эритмада артилди ва елин уқаланди, сўрғичлардаги дастлабки алоҳида идишга соғилди, сўнгра стаканлар кийдирилиб, соғиш бошланди. Соғишнинг охирида соғувчилар елинни уқалаб, қолган сутни соғиб олишди. Соғиб олинган сут флягаларга йиғили, соғилган сут филтрловчи материал ловсан орқали. Сут флягаларда совутиш хоналарида совутилди.

Самарқанд вилоятидаги “Самара унум” хўжалигида сигирлар соғиш залига киритилишидан олдин дизомат (дизенфекцияловчи модда эритмали) дан ўтказилди, сигирларнинг елини илиқ дизенфекцияловчи эритмада пистолетлар орқали ювилиб, сўнгра елин дизенфекцияловчи салфетка билан артиб олинди ва елин уқаланди, дастлабки сут алоҳида идишларга соғилиб, стаканлар елинни сўрғичларигаўрнатилди ва соғиш ишлари бошланди. Соғиш охирида соғувчилар яна елинни уқалаб, қолдиқ сутни соғиб оладилар. Соғилган сут қувур орқали тўғри цистернага тушади ва унда тезда 4-6 ° С ҳароратгача совутилади. Арча русумли ускунада соғиш бир қанча афзалликларга эга. Елиндан сут келиши тўхтаганданок, стаканлар автоматик равишда сўрғичлардан ечилади, бу куруқ соғишни олдини олиб, елинни яллиғланишдан асрайди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, турли ускуна ва технологияларда соғилган сутнинг санитария - гигиена ҳолати турлича кўрсаткични намоён этган. Ҳар иккала хўжаликда ҳам соғувчилар соғиш технологиясига тўлиқ риоя қилган. “УДМ-200” соғилган сутга нисбатан “Арча” русумли ускунада соғиб олинган сут сифати, яъни санитария - гигиена кўрсаткичлари устун эканлиги маълумотларда ўз ифодасини топган.

Сутнинг тозалик гуруҳини аниқлаганимизда ҳар иккала хўжаликда ҳам бу кўрсаткичлар давлат стандартининг биринчи гуруҳ талабига мос келди, яъни сутда механик ифлосликлар кузатилмади. Шунингдек соғиб олинган сутнинг нордонлиги 18⁰T ва 17⁰ Тернерни ташкил қилди.

1- жадвал.

Турли соғиш ускуналарида соғилган сутнинг Санитария - гигиена кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Соғиш жараёнини амалга ошириш	
	“УДМ -200” да	“Арча” ускунасида
Сутнинггуруҳи	I	I
Сутнингнордонлиги, °T	18	17
Сутнинг актив нордонлиги, Ph	6,5	6,6
Сутдаги бактериялар сони, минг/мл	300	100
Сутдаги соматик хужайралар сони, минг/мл	250	100

Сутга турли бактерияларнинг тушиши ва кўпайиши натижасида уни физик - кимёвий сифати, органолептик хусусиятлари, сақлаш давомийлиги қисқаради. Соғиш ускуналарида қолган ёғ ва оксил қолдиқлари бактерияларнинг ривожланиши учун қулай муҳит ҳисобланади. Соғиш ускуналарида қолиб кетган сут, у ерда оксил - ёғ қаватини ҳосил қилади. Улар йиғилиб, қаттиқлашади, натижада кулранг ёки сариқ, ёқимсиз хидли қотишмага айланади. Бунга “Суттоши” (молочная камень) дейилади, бу миллиардлаб микробларнинг манбаи демакдир. Шу ўринда сутнинг микроблар билан ифлосланганлик даражасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Соғиб олинган сутнинг микроблар билан ифлосланганлик даражаси ўрганилганда “УДМ-200” ускунасида соғиб олинган сутнинг таркибида микроблар сони “Арча” русумдаги ускунада соғиб олинган сутдагига нисбатан 1 мл сут таркибида 200 000 дона кўплиги аниқланди. Буни соғиш технологияси ва ускунасидаги фарқлар билан изохлаш мумкин. Чунки, биринчи хўжаликда сигир елини дизенфекцияловчи моддада намланган латта билан ювилсада,

ташқи муҳит орқали сутни бактериялар билан ифлосланиш ҳолати кузатилди. Иккинчи хўжаликда сигирлар елини биринчи марта дизенфекцияловчи модда билан ювилиб, иккинчи марта дизенфекцияловчи салфеткада артилиши, соғилган сутнинг ташқи муҳит билан алоқасиз равишда совитувчи цистернага тушади, бунда ташқи муҳитидаги микроблар сутга тушмайди. Сут зудлик билан совутилиши натижасида бактериялар сутда ривожлана олмайди. Шундай бўлсада, ҳар иккала хўжаликда соғиб олинган сут давлат стандарти бўйича I - навли сутга қўйилган талабга тўлиқ жавоб бери.

Ҳозирги кунда ривожланган хориж давлатларида хомашё сутни таркибидаги соматик хўжайралар сонига алоҳида эътибор қаратилган. Бу кўрсаткич нафақат сутнинг санитария - гигиена кўрсаткичини белгилайди балки, сигирнинг физиологик ҳолатини ҳам баҳолаб беради. Сутдаги соматик хўжайралар йиғиндиси - сут безларинингалвеолалари, сут йўллариининг эпителий хўжайралари шунингдек, организмда ҳимоя вазифасини бажарувчи лейкоцит хўжайралар ҳисобидан шаклланади. Сут таркибидаги соматик хўжайраларнинг бактериялардан фарқи шундаки, улар соғиб олинган сут таркибида кўпаймайди. Унинг миқдори сигирнинг индивидуал хусусияти ва физиологик ҳолатига боғлиқ равишда кенг оралиқларда тебранади. Энди тукқан сигирлар сутини таркибида соматик хўжайралар сони кўп бўлади, сабаб бу вақтда сигир елинини турли инфекциялардан ҳимоя қилиш учун иммунтизимнинг шаклланиш даври кечади. Сигир турли касалликлар билан оғриганда, айниқса мастит билан касалланганда сутнинг таркибида соматик хўжайралар сони кескин кўпайиб кетади. Бундай сут истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади. Шуларни ҳисобга олиб, биз изланишларимизда иккала хўжаликда соғиб олинган сутнинг таркибидаги соматик хўжайралар сонини аниқлашга ҳаракат қилдик ва куйидаги натижаларни олдик. Навоий вилоятидаги хўжаликда соғиб олинган 1 мл сутнинг таркибида соматик хўжайралар сони, Самарқанд вилояти хўжалигида соғиб олинган сут таркибидагига нисбатан 150 минг/мл кўп бўлганлиги аниқланди. Шундай бўлсада, ҳар иккала хўжаликда соғиб олинган сутнинг таркибидаги соматик хўжайралар сони меъёрда бўлганлигига гувоҳ бўлдик. Давлат стандартига биноан биринчи навга қабул қилинадиган сутнинг 1 мл да, соматик хўжайраларнинг сони 300 000 та ни ташкил этиши белгиланган.

Хулоса. Тажрибаларда ҳар иккала хўжаликда сигирларни соғиш технологиясига тўлиқ риоя этилмоқда. Шу боис, тажрибадаги сигирлардан соғиб олинган сут, 13264 - 88 давлат стандарти томонидан хомашё сутга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради.

Сигирларни соғиш технологиясига амал қилган ҳолда, замонавий “Арча” русумли ускуналаридан фойдаланиб, залларда соғиш, сутнинг санитария - гигиена ҳолатига ижобий таъсир этади. Бунда соғилган сутнинг таркибида микробларнинг сони кескин камаяди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Василенко Н. Как снизить уровень соматических клеток. Ж. Животноводство России. 2013, стр. 50-51.
2. Верхоломов Е. Знаете ли вы как эффективно очистить молоко без личных затрат? Ж. Животноводство России, март, 2014. стр. 36,
3. Ибрагимов Ю, Хафизов И. Сутчилик фермаларида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича тавсиянома.
Ж// Зооветеринария, №4, 2011 й, 37-41б.

УДК: 636.085+591.1

КЛЕТЧАТКАНИНГ СТРУКТУРАВИЙ ФРАКЦИЯЛАРИ МИҚДОРИ ВА УЛАРНИНГ ҲАЗМЛАНИШДАГИ РОЛИ

Кузиев М.С. СамДУ катта илмий ходим-изланувчиси;
Ражамурадов З.Т. СамДУ профессори, биология фанлари доктори;
Хўжанова М.А. СамМИ ассистенти;

Аннотация. Кавшовчи ҳайвонларни қиш мавсумида озиклантириш рационининг асосини ташкил қилувчи дағал озуқалар таркибидаги клетчатканинг структуравий

фракцияларини (целлюлоза, гемицеллюлоза ва лигнин) миқдори аниқланди. Ушбу фракцияларнинг рационни ташкил қилувчи озукалар таркибидаги ўзаро нисбати ортиб кетадиган бўлса, барча бошқа тўйимли моддаларнинг ҳазмланишини пасайтириб юборади.

Оқибатда ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги пасайиб, турли касалликларга чалинувчан бўлиб қолади. Шу боис, дағал озукалардан иборат қиш мавсумига мўлжалланган озикланиш рационларини тузишда албатта клетчатка фракцияларининг нисбатини инобатга олиш ва рацион таркибидаги миқдорини назорат қилиш лозимлиги ҳақида мулоҳазалар келтирилган.

Summary. The article presents certain data on the structural carbohydrates of dietary fiber (cellulose, hemicelluloses, lignin) that make up winter rations of ruminants. It is indicated that the increase in the ratio of the latter leads to a decrease in the digestibility of all the nutrients that make up the diet.

As a result, the growth and productivity of them sharply decreases, and the animal organism becomes susceptible to various diseases. Proceeding from this, when forming winter rations from roughage, careful organization is necessary, reading the ratio of the raw protein fraction of feeds and compulsory monitoring of the amount of these fractions of dietary fiber in the diet.

Калит сўзлар; дағал озуқа, рацион, клетчатка, клетчатка фракциялари, структуравий углеводлар, целлюлоза, гемицеллюлоза, лигнин, кавшовчи ҳайвонлар, маҳсулдорлик ва ҳақозалар.

Key words. *Roughage, ration, fiber, fraction and fiber, structure of carbohydrates, cellulose, hemicelluloses, lignin, ruminant animals, productivity at all.*

Кириш. Кейинги йилларда, мамлакатимиз аҳолисини экологик жиҳатдан соф, чорва маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосига катта эътибор берилмоқда. Маълумки, ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириш, уларни табиий чидамлилигини таъминлаш, энг аввало озиклантиришда фойдаланилаётган рацион таркибига кирувчи озукаларнинг кимёвий таркибига ва уларнинг биологик қийматига боғлиқ.

Шу боис, қўйилган муаммони ижобий ечимини топиш учун хужаликлар имкониятида бўлган озуқа воситаларидан янги биотехнологик усулларни қўллаш ёрдамида, улардан самарали фойдаланиш ҳисобига мавжуд ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириш имкониятларини топишга ҳаракат қилдик.

Мамлакатимизда мавжуд чорва молларини маҳсулдорлигини оширишнинг энг қулай йўли, чорва моллари озиклантириш рационларини деталлаштирилган озикланиш нормалари асосида ташкил қилиш эканлиги маълум. Аммо, хўжаликларнинг иқтисодий ночор аҳволда эканлиги, доимо ҳам бунга имконият беравермайди.

Шу боис, мавжуд озуқа воситаларидан эса янги биотехнологияларни қўллаш ҳисобига тўйимлилиқ қийматини ошириш, маҳаллий озукалар таркибида қийин ҳазмланиувчи ва бошқа тўйимли моддаларининг истеъмол қилинишига ҳамда ҳазмланишига салбий таъсир кўрсатувчи хом клетчатка ва унинг структуравий фракциялари миқдорини камайтириш ҳисобланади.

Қиш мавсумида ҳайвонлар рационини асосий қисмини дағал озукаларнинг мураккаб углеводлари ташкил қилади, яъни, рациондаги барча тўйимли моддаларнинг 60 дан 90 % гача бўлган қисмини структурали углеводлар яъни клетчатка ва унинг структуравий фракциялари (целлюлоза, гемицеллюлоза ва лигнин) ташкил қилади.

Целлюлоза-катта молекуляр оғирликга эга такрорланувчи бирикмалар - целлюлобиозлар ҳисобланувчи (100 - 4000 бирликдан иборат) мураккаб полисахариддир.

Гемицеллюлоза структураси жиҳатидан целлюлозага ўхшамайди. Унинг асосий мономер-кислан ҳамда глюкоза, галактоза арабинозалар ҳам учрайди. Гемицеллюлоза целлюлозани инкрустациялайди (2,5).

Агарда целлюлоза билан гемицеллюлозани бир-бири билан қиёслайдиган бўлсак, гемицеллюлозанинг катта қоринда ҳазмланиши бир мунча паст, аммо йўғон ичакларда бу ходисанинг акси кузатилади.

Клетчатканинг ҳазмланиш даражаси жиддий даражада озукалар таркибидаги лигниннинг миқдори билан узвий, чунки клетчатка лигнин билан бириккан бўлади. Одатда, лигнин бактерияларнинг таъсирига жуда чидамли ва у билан бириккан целлюлозанинг парчаланишига қаршилик кўрсатади.

Лигнин, углеводлар синфига кирмайди. У ароматик бирикмалар полифеноллар қаторига киради ва хом клетчатканинг 12-14,5 % ни ташкил этади, ниҳоят овқат ҳазм қилиш трактида ҳазмланмайди. Аммо целлюлоза лигнин билан у ёки бу даражада бирикганлиги боис унинг ҳазмланиши лигнинланиш даражаси билан тескари боғлиқликка эга ($r = 1,5$)

Дағал озуқаларнинг таркибида лигниннинг кўп ёки кам бўлиши мазкур озуқаларнинг ҳазмланиш даражасига ўз таъсирини кўрсатади, чунки лигнин клетчатка компонентларининг бир-бири билан инкрустациясини кучайтиради ва натижада клетчатканинг ҳазмланидиган компонентларининг ҳазмланишини пасайтиради(5,6,8).

Клетчатка фракциялари орасида лигнин умуман ҳайвонлар организмида ҳазмланмайди ва ҳазм жараёнларига салбий таъсир кўрсатади, шунинг учун кавшовчи ҳайвонларнинг қишки озуқа рационини тузишда рацион таркибидаги клетчатка фракцияларининг миқдорини инобатга олган ҳолда тузиш мақсадга мувофиқдир (2,4).

Шунинг учун биз, тадқиқот ишларимизда лалмикор ва суғориладиган майдонларда етиштириладиган бошоқлилар йиғиштириб олинганидан кейин майда шохли ҳайвонларни қиш мавсумида кўшимча озиклантириш мақсадида фойдаланиладиган сомон ва далада табиий ҳолда ўсадиган бошқа дағал озуқаларнинг (янтоқ, каррак, шувоқ ва дала пичани) ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинишини, ҳазмланишини ошириш ҳамда ушбу жараёнларга бевосита ўз таъсирини кўрсатадиган асосий озик компонентларидан бири бўлган клетчатка ва уни фракциялари (целлюлоза, гемицеллюлоза ва лигнин) нинг ўзаро нисбатларини аниқлаш бўйича текширишлар олиб бордик.

Материаллар ва усуллар. Қиш мавсумида кавшовчи ҳайвонларни озиклантиришда кенг фойдаланиладиган дағал озуқалар таркибидаги умумий клетчатка миқдори ва уни ташкил қилувчи айрим фракциялари улушини аниқлаш учун - каррак (*Cousinia resinosa*), янтоқ (*Alhagi pseudalhagi*), шувоқ (*Artemisia diffusa*), кузги юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum*) сомони, баҳорги майса ўсимликлар ялтирбош-*Bromus tectorum*, читир-*Malcolmia turkestanika*, лолақизғолдоқ- (*Palaver pavoninum* пичани) лардан объект сифатида фойдаланилди.

Уларнинг кимёвий ва зоотехникавий таҳлили умум қабул қилинган усуллар бўйича (1,4,7), клетчатка ва унинг фракциялари эса (9,10,11) бўйича, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтининг “Юқори молекуляр бирикмалар кимёси” илмий лабораториясида бажарилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Маҳаллий ҳудудларимизда қиш мавсумида кавшовчи ҳайвонларни озиклантиришда кенг қўлланиладиган, табиий лалми ва суғориладиган майдонлардан йиғиштириб олинган, дағал озуқаларнинг асосини ташкил қиладиган ўсимлик турлари кузги буғдой сомони, каррак, янтоқ, шувоқ ва дала пичани кабилар таркибидаги тўйимли моддалар миқдори, уларнинг йиғиштириб олиншига, озиклантиришда қўлланиладиган вегетатив аъзоларига, ўсиш шароитига, йиғиштириб олиниш пайтидаги етилганлик фазасига, сақлаш шароитларига ва бошқа факторларга қараб клетчатка фракцияларининг нисбатлари турлича бўлади.

Дағал озуқалар таркибидаги клетчатканинг айрим фракцияларини аниқлашимиз учун ўсимлик наъмуналари маҳаллий Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги “Тиниқ сув” ф/х яйловларидан йиғиб олинган ва ғарамларга бостириб қўйилган дағал озуқалардан олинди ва лаборатория таҳилининг натижалари қуйдагича кўриниш олди (жадвалга қаранг).

жадвал

Озуқалар клетчаткаси таркибини ташкил қилувчи структуравий углеводларнинг миқдори, %.

т/р	Озиқаларнинг номи	Структуравий углеводлар, %		
		Целлюлоза	Гемицеллюлоза	лигнин
1	Каррак	30,26	32,6	15,6
2	Янтоқ	32,17	35,6	17,3
3	Шувоқ	31,06	32,3	17,6
4	Буғдой похоти	33,50	39,5	18,9

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб тўрибдики, барча ўрганилган дағал озуқалар орасида бўғдой похода яъни сомонда хужайра деворларини ташкил қилувчи клетчатка фракциялари юқори даражада бўлади: - целлюлоза - 33,50%, гемицеллюлоза - 39,5% ва лигнин - 18,9% ни ташкил қилса, бу кўрсаткичлар каррак таркибида энг кам миқдорни ташкил қилди ва мос ҳолда целлюлоза - 30,26, гемицеллюлоза - 32,6% ва лигнин -15,6% ни ташкил этди. Шунинг ўзидан кўриниб турибдики, киш мавсумида барча турдаги хайвонлар сомонга нисбатан карракни кўпроқ истеъмол қилади.

Айнан юқоридаги углеводлар таркибига эга бўлган озуқалар билан алоҳида алоҳида озиклантирилган пайтда эчкилар томонидан озуқаларнинг қуруқ моддасининг истеъмол қилиниши ва ҳазмланишининг бир - биридан тўбдан фарқ қилишини кўзатдик.

Олинган маълумотларга кўра, каррак ва шувокда гемицеллюлозанинг миқдори 32,3 ва 32,6 % ни ташкил қилган бўлса, янтоқ ва сомонда бу кўрсаткичлар ўзаро мос ҳолда 35,6 ва 39,5% ни ташкил қилиши аниқланди. Юқоридагиларга мос ҳолда каррак ва шувокнинг истеъмол қилиниши 87,0 ва 78,0 ни ташкил қилган бўлса, янтоқ ва бўғдой сомонининг истеъмол қилиниши 37,25 ва 50,5% ни ташкил қилди.

Каррак ва шувоклар истеъмол қилинишининг юқори даражада бўлиши бизнинг назаримизда уларнинг юмшоқ ва таркибининг протеинга бошқа озуқаларга нисбатан бой бўлганлиги билан тушунтирамиз, янтоқ ва бўғдой сомонининг кам истеъмол қилинишини, аввало янтоқнинг тиканли шохларининг оғиз бўшлиғига олинишини қийинлиги ва сомоннинг эса йўғон толали клетчаткасининг катта қорин бўшлиғида узоқ муддат сақланиб қолиши билан тушунтирамиз..

Хулоса. Илмий-хужалик тажрибаларида олинган натижаларга асосланган ҳолда, кавшовчи хайвонларни озикланиш рационларини тузишда дағал озуқалар таркибидаги клетчатка ва унинг структуравий углеводлари -гемицеллюлоза ва лигниннинг улушини юқори бўлиши тўйимли моддаларнинг истеъмол қилинишини ва ҳазмланишини пасайтирса, гемицеллюлозанинг камайиши билан целлюлозанинг улушини ортиши эса, аксинча моддаларнинг истеъмол қилинишини ва ҳазмланишини ошишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Викторов П.И., Методика и организация зоотехнических опытов- М. Агропромиздат., 1991.-с 38-65
2. Воробьева С.В. Физиологическое обоснование потребления сухого вещества рационов крупным рогатым скотом в зависимости от содержания структурных углеводов в кормах: автореферат докт. дисс. - Дубровицы., 2003.-34с.
3. С.В.Воробьева, Методические указания по определению нейтрально - и кислотно - детергентной клетчатки в кормах и биологических субстратах этих фракции в кормлении крупного рогатого скота./ Н.В.Боголюбова, Т.М.Овчинникова. // ВИЖ. Дубровицы. 2007,14 с.
4. Дрозденко Н.П. Химический состав клетчатки различных кормов //Бюлл. науч, работ ВИЖа. - 1984. -в 76. -с.57-59.
5. Духин И.П.,. Содержание кислотно - детергентного протеина, его аминокислотный состав и переваримость/ Маркин Ю.В //Бюлл. науч. работ ВИЖа. - 1986 (1987). - в. 84. - с.79-82.
6. Калашников А.П. Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных/ А.П. Калашников, В.И Фисинин, В.В. Щеглов, Н.И. Клейменов// Справочное пособие. 3-е издание переработанное и дополненное. Москва, 2003.-456с.
7. Овсянников В.Д. Основы опытного дела/ В.Д. Овсянников// М.: Колос, 1976.-303с.
8. Орсков Е. П. Энергетическое питание жвачных животных. Боровск /Перевод с англ. Харитонова Е.Л.// 2003. С. 17-35.
9. Van Soest P.J. Use of detergents in the analysis of fibrous feeds. 4. Determination of plant cell-wall constituents / P.J. Van Soest, R.H. Wine // J. Assoc. Off. Anal.Chem. - 1967. - V. 50. - P. 50-55.
10. Van Soest P.J. Methods for dietary fiber, neutral detergent fiber and nonstarch polysaccharides in relation to animal nutrition / P.J. Van Soest, J.B. Robertson, V.A. Lewis // J. Dairy Sci -1991. - V. 74. - P. 3583-3597.

ОЗИҚЛАНИШ ОМИЛЛАРИНИНГ ҚУЁНЛАР ОРГАНИЗМИНИНГ АЙРИМ ФИЗИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Ражамуродов З.Т., Ҳайитов Д.Ғ., Олимова Ф.Ф.
Самарқанд давлат университети

Аннотация. Ушбу мақолада қуёнларни норма асосида озиқлантириш натижасида қурук моддаларнинг истеъмол қилиниши, организмда ҳазимланиши ва ўзлаштирилиши жараёнида моддалар алмашинуви ўзгариши туфайли қуёнлар организмнинг физиологик ва гематологик кўрсаткичларга таъсири ўрганилган.

Summary. The article contains materials on the consumption, digestion and assimilation of nutrients, their effect on the physiological and hematological parameters obtained when studying the effect of normalized feeding of rabbits on metabolism

Калит сўзлар: қуёнчилик, озиқлантириш, моддалар алмашинуви, ҳазмланиши, рацион, клечатка, ёғ, протеин ва азотсиз экстракт моддалар, қоннинг таркиби

Кириш: Кейинги йилларда бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сингари қуёнчилик соҳасига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Берилаётган эътибор даставвал мамлакат аҳолисини турмуш шароитини яхшилаш билан бир қаторда уларни экологик жиҳатдан соф озиқланиш маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб муаммони қамраб олган.

Қуёнчилик - чорвачиликнинг эндигина ривожланаётган сердаромад соҳаларидан бири бўлиб. Қуёнларнинг серпуштлиги, тирик вазнининг ва репродуктив функцияларини намоён қилиш хусусиятлари бошқа ҳайвонлар турига нисбатан жадал кечиши билан ажралиб тўради.

Битта она қуёндан бир йилда 30 та, ундан кўпроқ қуён боласи, тирик вазнда 60-70 кг гўшт, 25-30 қуён мўйнаси берадиган бўлса, тивит йўналишидаги битта она қуёндан олинadиган қуёнчалар билан бирга 1кг тивит-момиқ олинади. Қуёнларни озиқлантириш ва парваришлаш яхши ташкил қилинган хўжаликларда 1кг ўсиш учун бор-йўғи 3,5-4,0 кг озуқа сарфланади.

Қуёнларнинг гўшти ўзининг жуда юқори тўйимлилик хусусиятлари билан ажралиб туради. Қуён гўшти ўзининг кимёвий, морфо - биокимёвий ва технологик сифатлари билан бошқа ҳайвонлар гўшtidан устунлик қилади. Қуён гўштининг оксили истеъмол қилинганда унинг 90% организм томонидан ўзлаштирилса, қорамол гўштиники фақатгина 62% ни ташкил қилади.

Қуёнчиликнинг муҳимлиги жиҳатдан иккинчи ўринда турувчи маҳсулоти унинг териси-мўйнасидир, у мамлакатнинг мўйначилик ашёсининг каттагина улушини ташкил қилади. Улардан турли мўйнали кийим кечаклар тайёрлаш учун, ўзининг табиий ранги билан ҳам ёки турли қимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар рангининг имитацияси бериб ҳам фойдаланилади. Қуёнларни серпуштлилиги ва маҳсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ривожланишида қуёнларни озиқланишини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эгаллиги мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Қуёнларнинг жадал ўсиши ва репродуктив функцияларининг жадаллик қобилиятини сақлаб қолиниши кўп жиҳатдан уларнинг сақлаш, парваришлаш ва озиқлантириш тартиби ва технологияларига боғлиқ.

Қуёнлар ҳазм ширалари ўзининг ферментатив қобилияти билан бошқа ўтхўр ҳайвонлар ҳазм шираларидан тубдан фарқ қилади ва ҳазмлаш қобилияти юқори бўлиши билан ажралиб тўради.

Озиқлантириш шира ажралишини жиддий даражада оширади [1]. Меъда ширасининг умумий кислоталилиги рН - 0,18 дан 0,35 % гача ўзгариб туради, унинг таркибида эркин хлорид кислотанинг миқдори 0,11 дан 0,27 % гача ўзгаришга учраса, хлорид кислотанинг умумий миқдори 0,10 дан 0,30 % даражасида бўлади. Қуёнлар меъда ширасининг кислоталилиги етарлича юқори бўлганлиги боис, озиқалар таркибидага крахмал ва клечаткани ҳазмлай олмайди. Хлорид кислотаси таъсири остида пепсин ферментининг фаоллашуви

тўфайли, остида озиқалар таркибидаги оксиллар бир мунча мураккаб бўлмаган альбоумозлар ва пептонларгача парчаланеди [7].

Организмда кечаётган моддалар алмашинувининг жадаллиги маълум даражада гематологик ва биокимёвий кўрсаткичларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади [2,4].

Чунки, хайвонлар организми физиологик жиҳатдан нормал ҳолатда бўлганида уларнинг қонидаги эритроцитлар ва лейкоцитларнинг миқдори ҳамда гемоглобиннинг концентрацияси, у ёки бу даражада доимий бўлади, ваҳоланки, бу ҳолат ҳимоя-мосланиш механизмлари билан таъмин этилади [3]. Моддалар алмашинувининг бузилиши, ҳимоя механизмларининг чарчаши ва патологик ҳолатлар натижасида қоннинг таркиби ва хусусиятлари ўзгаради [5].

Озиқалар таркибидаги оксиллар, ёғлар ва углеводлар хайвонлар томонидан озиқалар шаклида организм томонидан ўзлаштирилмайди. Улар фақатгина таркибидаги органик моддалар, уларни ташкил қилувчи структуравий компонентларни ҳолатигача парчаланмаса, яни ферментлар таъсирида қайта ишланмаса сўрилиш жарёни деярлик амалга ошмайди. [6].

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Юқорида қайд қилинганларни инобатга олган ҳолда ушбу илмий ишимизнинг мақсади рацион таркибдаги қуруқ моддаларни ҳазмланишига иссиқ ҳароратнинг таъсирини ва қонининг физиологик кўрсаткичларини ҳазмланган қуруқ модда миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгаришини ўрганишдан иборат бўлди. Тадқиқот ишида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги муаммоларни ечиш вазифа қилиб қўйилади: Илмий ишлаб чиқариш тажрибаларида рацион таркибдаги қуруқ моддани ҳазмланишини аниқлаш; Озиқлантиришдан олдин ва кейин қуёнларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичларини ўзгаришини аниқлаш; Турли ёшдаги қуёнлар қонининг физиологик кўрсаткичларини ҳароратнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда қиёслаш.

Материаллар ва услублар. Гуруҳлардаги қуёнлар ўзларининг йирик вазни, ёши, зоти, жинси ва физиологик ҳолати бўйича бир хилликни ташкил этди. Тажрибаларни жуфт - аналоглар усули ёрдамида бажардик. Тажрибаларимизнинг объекти бўлиб Совет шиншилла зотига мансуб 45, 60 ва 90 кунлик эркак қуёнлар хизмат қилди. Қуёнлар ёшига қараб 3 гуруҳга бўлинди. Тажриба хайвонларини парваришлаш, сақлаш ва озиқлантириш бир хил шароитда амалга оширилади. Қуёнларни тирик вазни тарозиларда $\pm 0,50$ г аниқлик билан тортилиб аниқланди.

Ҳайвонларни клиник ва физиологик кўрсаткичлари эса тажриба давомида эрталабки озиқлантиришдан олдин олинган қон намунасида ўрганилди.

Қон таркибидаги шаклли элементларни:- эритроцитлар ва лейкоцитлар миқдорини Горяев санок турида санаш йўли билан, гемоглобин- Сали гемометрида, умумий оксил-Биурет реакцияси ёрдамида аниқланди. [3].

Олинган натижалар таҳлили. Тўйимли моддаларнинг ҳазмланишига қуёнлар томонидан истеъмол қилинган озиқаларнинг физик ҳолати, тури ва қуёнларнинг ёши ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Қуёнларнинг ёшига қараб озиқаларнинг ҳазмланиш даражаларини ўрганишни гуруҳлар бўйича олиб борилди.

Маълумки озиқаларнинг қуруқ моддаси қатор компонентлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг умумий ҳазмланиш даражаси озиқа қуруқ моддасининг ҳазмланишини эътироф этади. Қуруқ моддани ташкил қилувчи компонентлардан қай бири қуёнлар томонидан яхши ҳазм бўлганлигини ўрганиш бўйича олиб борган кузатишларимизнинг натижаларига кўра қуйидагиларни кузатдик (1- жадвал).

1-жадвал

Қуруқ модданинг айрим компонентларини ҳазмланиш коэффициентлари.

Кўрсаткичлар	Қуёнларни ёши, кун			
	45	60	90	Вояга етган
Қуруқ модда, %.	73,2	71,7	66,5	59,4
Протеин, %	79,5	81,7	76,2	72,0
Ёғ, %.	89,2	86,3	81,5	82,0
Клетчатка, %	14,5	31,7	18,2	21,2
АЭМ, %	83,3	78,6	75,4	67,5
Кул, %	66,4	54,9	39,3	35,9

Рацион таркибидаги куруқ модданинг ҳазмланишини қуйидагича қайд қилишимиз мумкин, тажрибалар давомида қуёнлар томонидан энг яхши ва қўлай ҳазмланган компонентлардан бири, озиқалар таркибидаги ёғ эканлиги аниқланди.

Ундан кейинги ўринларда протеин ва азотсиз экстрактив моддалар эгаллаганлигини кузатдик. Шу вақтнинг ўзида энг юқори даражадаги ёғнинг ҳазмланиш коэффициенти 45-60 кунлик қуёнчаларда қайд қилинди. Қуёнлар уч ойлик бўлганидан кейин бу кўрсаткичнинг ўлчами етарли даражада камайди ва кейинги кузатишлар давомида жиддий ўзгаришларга учрамади.

Азотсиз экстракт моддаларнинг ҳазмланиш даражасининг юқори даражада бўлиши ҳам айнан 45 кунлик қуёнларда кузатилди, икки ойлик ёшга ўтиши билан бу кўрсаткич сезиларли даражада пасайди ва шу боис концентратли озиқалар аралашмасини қуёнчалар томонидан бир мунча кўп истеъмол қилинишига қаршилик сезилмади. Вояга етган қуёнларда эса азотсиз экстрактив моддаларнинг ҳазмланиш даражаси икки ойлик қуёнларга нисбатан 1,1 марта паст бўлиши кузатилди.

Озиқалар таркибидаги хом протеиннинг ҳазмланиши ҳам ёшга боғлиқ ҳолда юқоридагидек тарзда кечди лекин, икки ойлик қуёнчаларда хом протеиннинг ҳазмланиш коэффицентининг 45 кунлик қуёнчаларга нисбатан бир мунча ортишини улардаги қур ичакнинг жадал ривожланганлиги билан ва шунга мос ҳолда копрофагия пайтидаги яхши ҳазмланивчи микробли оқсилларни катта миқдорда истеъмол қилиниши билан тушунтиришимиз мумкин.

Аммо шуни таъкидлаш зарурки, вояга етган қуёнлар ҳар бир бошга бир кеча - кундузда, уч ва икки ойлик қуёнларга нисбатан ўртача 1,5 - 2 марта кўп клетчаткани ҳазмладилар, бу эса бизнинг назаримизда ичаклар симбиозининг целлюлозолитик фаоллигини ортиши, қур ичакнинг ҳажми ва овқат ҳазми тракти бўйлаб озиқалар массасининг ҳаракатланиш тезлигининг пасайиши билан бевосита боғлиқлигидан далолат беради.

Қуёнларнинг озиқлантириш давомида олиб борилган текширишлар натижаларига кўра, тажриба ҳайвонлари озиқлантирилганидан кейин уларнинг клиник кўрсаткичлари - тана ҳарорати, нафас олиш ҳаракатлари ва юракнинг қисқариш частоталари белгиланган физиологик норма атрофида ўзгариб турди. Масалан тана ҳарорати 1,4 даражага ёки 4,0 %, нафас ҳаракатлари частотаси 1,5 мартага ёки 9,2 % ва юракнинг қисқариш частотасининг 3 мартага ёки 4,0 % га ортганлиги кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Норма асосида озиқлантирилган қуёнларнинг клиник кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Қуёнларнинг ёши			
	45	60	90	Вояга етган
Тана ҳарорати, °С	36,0±2,40	36,0±0,20	37,4±2,39	36,8±1,46
Пулс частотаси, марта/дақ	72,4±4,73	73,8±6,12	75,8±6,46	74,9±6,48
Нафас ҳаракати, марта/дақ	18,3±1,19	19,4±2,20	19,8±1,46	19,6±2,42

Тажрибаларда қуёнларнинг физиологик кўрсаткичларини: - тана ҳарорати, юракнинг қисқариш ва нафас ҳаракатларининг озиқлантиришдан кейин маълум даражада ўзгаришга учраши бизнинг назаримизда озиқлантиришдан кейинги қуёнлар организмидаги моддалар алмашинувининг жадаллашуви билан боғлиқ деб тушунтирамиз (3- жадвал).

Қон таркибидаги эритроцитларни кўрсаткичи 45-60 кунлик қуёнларда унчалик катта фарқ қилмади, лекин 90 кунликда эса ошганлиги кузатилди.

Гемоглобиннинг миқдори қуёнларнинг ёшига боғлиқ ҳолда чизикли равишда ушиб бориши 85,08 дан 106,74 г/% гача кузатилди.

Лейкоцитларнинг ўзгарувчанлиги ҳам қоннинг бошқа кўрсаткичларига мос ҳолда ошиб бориши кузатилди.

Қуёнлар қонининг морфологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Қуёнларнинг ёши			
	45	60	90	Вояга етган
Эритроцитлар, млн/мм ³	12,63±0,01	12,12±0,02	14,78±0,01	13,78±1,20
Гемоглобин, г/%	85,08±0,02	90,05±0,91	106,74±0,02	103,40±1,08
Лейкоцитлар, минг/мм ³	6.12± 0,22	6.14± 0,18	7,93±0.34	8,13±2.06

Шуни таъкидлашимиз керакки, ҳар бир зотга, типга, эга бўлган ҳайвонлар ўзларининг индивидуал хусусиятлари билан ажралиб тўради.

Хулоса. Қурук моддани структуравий компонентлардан хом ёғ, протеин ва азотсиз экстрактив моддалар бошқа компонентларга нисбатан юқори даражада ҳазмланади, тажрибалар давомида қуёнлар томонидан энг яхши ва қулай ҳазмланадиган компонентлардан бу озикалар таркибидаги ёғ эканлиги аниқланди.

Қуёнларни озиклантиришни ташкил қилишда рацион таркибини ва унинг ҳайвонлар организмга таъсирини назорат қилиш учун ҳайвонларнинг клиник (тана ҳарорати, нафас ва юрак ўриши частоталари) ва гематологик кўрсаткичларини назорат қилиб туриш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Балакирев Н.А. Цеолиты в кормлении кроликов / Н.А. Балакирев, В.С. Александрова // Кролиководство и звероводство. -М., 1997. №2.- С. 16.
2. Балакирев Н.А. Современное состояние животноводства России / Н.А. Балакирев // Вестник ОрелГАУ.- Орел, 2008. - №5 (14). - С. 30-31.
3. Винников Н.Т. Ветеринарная лабораторная диагностика. //-Саратов; «ФГОУВПО» СаратовскийГАУ»2003.
4. Вакуленко И.С. Методические особенности проведения обменных опытов по кормлению кроликов / И.С. Вакуленко // Нове в методах зоотехн. досл. - Харьков, 1992. - Ч. 2. - С. 91-97.
5. Георгиевский В.И. Физиология с.-х. животных.// М.Колос.-1991.
6. Калугин Ю.А. Физиология питания кроликов / Ю.А. Калугин / - М.: Колос, 1980. - 173 с.
7. Калугин Ю.А. Химический состав двух видов кала кроликов / Ю.А. Калугин, Ю.И. Раецкая // Проблемы пушного звероводства и кролиководства: Сб. науч. трудов. - М., 1976. - Т. 14. - С. 113-119.

УДК: 636.2.637.5

ТУРЛИ КОНСТИТУЦИЯ ТИПИДАГИ СИГИРЛАР ЕЛИНИНИНГ МОРФО-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хушвақтов А., Мусаева И., Сатторов Ф.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация. Ушбу мақолада турли конституция типигади сигирлар елинининг морфо-функционал хусусиятлари таққослаб ўрганилган ва олинган натижалар баён этилган.

Калит сўзлар: конституция типи, маҳсулдорлик, сут маҳсулоти, елин индекси.

Annotation. This article describes the different types of cow's nipple constitution morpho-functional features in the study and comparing results are described

Key words. Type of constitution, milk production, udder index.

Кириш. Ўзбекистон республикаси ҳукумати Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ умуман чорвачиликни шу жумладан қорамолчилиқни ривожлантиришга ҳамда уни ривожланиш истиқболларини белгилашга катта эътибор қаратди. Энг асосийси соҳани ҳуқуқий асослари яратилди. Бунга мисол қилиб, “Наслчилик тўғрисида” ги, “Ветеринария тўғрисида”

ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги Давлат қонунларини, чорвачиликни у ёки бу соҳасини ривожлантиришга қаратилган Республика Вазирлар маҳкамасининг махсус қарорларини, Давлат дастурларини келтириш мумкин. Шу нарсани мамнуният билан эътироф этиш лозимки, юқоридаги расмий ҳужжатларни жойларда бажарилишини назорат қилиш, уни амалга ошириш учун мамлакат Президентининг соҳага оид бўлган 2006 йилдаги 308 ва 2008 йилдаги 842-сонли оламшумул қарорлари дастурил амал бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасида қорамолларни маҳсулдорлик бўйича генетик потенциалини тўлиқ юзага чиқариш учун, бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда уларнинг конституция типлари ва экстерьер тузилишларини таққослаб ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот материаллари ва услублари. Сигирларнинг конституция типларининг сут маҳсулдорлигига таъсирини ўрганишда тажриба учун ўхшашлик белгилари талаблари асосида келиб чиқиши, зоти ва зотдорлиги, конституция типи кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда “Сиёб - Шавкат - Орзу” хиссадорлик маъсулияти чекланган жамиятининг наслчилик фермасида қора-ола зотли сигирларни голштин зотига мансуб буқалар билан чатиштиришдан олинган турли генотипдаги биринчи лактациялардаги сигирларда ўтказилди. Бунинг учун соф зотли қора-ола сигирларидан 10 бош танлаб I гуруҳга, чатиштириш натижасида олинган чатишма сигирлардан 10 бош танлаб II гуруҳга ва иккинчи бўғин авлодларидан 10 бош танлаб III гуруҳга киритилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Сигирларни яқка тартибда баҳолашда уларнинг елинини морфологик тузилиши ва функционал хусусиятлари асосий ўринда туради. Чунки дунёда энг нозик ва зарур бўлган инсон саломатлиги учун асосий вазифани ўтайдиган, таркибида алмаштириб бўлмайдиган 100 дан ортиқ 200 яқин моддаларни сақлайдиган ноёб сут маҳсулоти айнан сигирнинг елинида тўпланади ёки ҳосил бўлади. 1 л сут ҳосил бўлиши учун сигир организмда қанчадан-қанча биологик жараёнлар кечмайди. Энг асосийси сигирнинг бутун интерьер кўрсаткичлари сут ҳосил бўлишига хизмат қилади. Биргина мисол 1 л сут пайдо бўлиши учун юрак 500-600 кг қонни хайдаб бериши лозим. Бекорга сигир организмни тирик фабрикага ўхшатмайдилар. 5-6 соат олдин истеъмол қилган ноорганик моддаларни органик моддага айлантириб, шу вақтнинг давомида сут пайдо қилиши учун қанчадан-қанча муҳим жараёнлар амалга оширилади. Бунинг барчасида елин марказий орган ҳисобланади ва сутнинг миқдори ва унинг сифати қандайдир даражада шу елинга боғлиқ бўлади.

Елиннинг энг муҳим морфологик белгиси унинг шакли ҳисобланади. Елинлар ўз шаклига қараб ваннасимон, косасимон, юмалоқ, эчки ва ибтидоий елинларга бўлинади. Ваннасимон елин ҳажмининг катталиги, олдиги ва орқага қараб яхши ривожланганлиги, елин тагининг текис бўлиши, бўлақларининг тенг ривожланганлиги, сўрғичларининг бир-бировидан маълум бир масофада жойлашганлиги билан ажралиб туради.

Косасимон елин ҳажми катта ҳамда сигир қорнига мустаҳкам бирикканлиги билан ажралиб туради. Бундай шаклдаги елинларда олдинги ва орқа бўлмалар бир-бирига тенг ривожланган бўлиб, сўрғичлари анча кенг жойлашган ва тўғри ўрнашган бўлади.

Юмалоқ елин бироз кичикроқ ҳажмда бўлиб, унинг бўлақлари пастга қараб яхши ривожланган. Лекин, елиннинг танага бирикиш майдони бироз камроқ бўлади. Эчки елин сигир танасига ноқулай бирикканлиги, олдинги бўлақларини орқа бўлақларига қараганда яхши ривожланганлиги, сўрғичларнинг нотекис ва бир-бировига зич жойлашганлиги билан фарқ қилади. Ибтидоий елинни ҳажми жуда кичик бўлиб, уларни бўлақлари яхши ривожланмаган, сўрғичлари бир-бировига эчки елиндан ҳам зич жойлашганлиги билан ажралиб туради.

Ваннасимон ва косасимон елинли сигирларни машинада соғиш самарали ҳисобланади, эчки ва ибтидоий елинли сигирлар машинада соғиш учун яроқсиз ҳисобланади.

П.Собиров ва бошқаларнинг (2003) маълумотига қараганда, қора-ола зотига мансуб 110 бош сигирни 56 бош ёки 50,9 фоизи косасимон, 43 бошни ёки 39,1 фоизи юмалоқ ва 11 боши ёки 10 фоизи эчкисимон шаклдаги елинга эга бўлган. Бу кўрсаткич 110 бош қизил чўл зотли сигирларда тегишлича: 47 бош ёки 42,7 фоиз, 48 бош ёки 43,6 фоиз ва 15 бош ёки 13,6 фоизни ҳамда 103 боши. Швиц зотли сигирларнинг 42 боши ёки 40,8 фоиз, 48 бош ёки 46,6 фоиз ва 13 бош ёки 12,6 фоизга тенг бўлган. Уларнинг сут соғими лактация даврида мутаносиб равишда 2980, 2786, 2252, 2750, 2380, 1900 ва 2450, 2032, 1750 кг ни ташкил қилган. Бу маълумотлар

сигирлар елинининг шакли билан сут соғимини ўртасида бевосита боғлиқлик мавжудлигидан далолат беради.

Илмий ишни услубига биноан биз ҳам сигирларни елинини шакли бўйича гуруҳларга ажратдик. I-гуруҳлардаги сигирларни 6 боши ваннасимон, 4 боши косасимон, II-гуруҳдагиларда бу нисбат 5:5 бошни ташкил қилган.

Биз тажрибадаги барча гуруҳларга мансуб сигирларнинг елинини морфо-функционал кўрсаткичларни ўрганиб, олинган маълумотларни қуйидаги I-жадвалда хавола қилдик.

1-жадвал

Тажрибадаги сигирларнинг елинини морфо-функционал кўрсаткичлари, см

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар			
	I		II	
	$X \pm S_x$	$Cv\% \pm S_x$	$X \pm S_x$	$Cv\% \pm S_x$
Елин айланаси	122,2±0,21	0,56±0,12	124,7±0,10	0,26±0,05
Елин узунлиги	32,7±0,17	1,55±0,34	35,9±0,11	0,90±0,2
Елин эни	30,9±0,21	2,29±0,50	31,9±0,13	1,43±0,31
Елиннинг олдинги қисм чуқурлиги	28,4±0,16	1,89±0,42	28,9±0,04	0,50±0,11
Елиннинг орқа қисм чуқурлиги	30,0±0,16	1,86±0,41	30,8±0,21	2,32±0,51
Елиннинг шартли ҳажми, см ³	3470,5±20,4	2,1±0,46	3603,8±6,11	0,53±0,11
Елиннинг олдинги сўрғичлар узунлиги	8,98±0,012	0,48±0,10	9,01±0,011	0,43±0,09
Елиннинг орқа сўрғичлар узунлиги	8,62±0,015	0,63±0,14	9,60±0,0042	0,56±0,12
Сўрғичлар диаметри	2,39±0,0043	0,61±0,14	2,41±1,13	1,43±0,31
Елин индекси, %	43,4±0,10	0,75±0,16	43,5±0,0038	0,96±0,21
Сут бериш тезлиги, кг/дақ	2,01±0,0037	0,96±0,21	2,30±0,10	0,27±0,06

1-жадвал кўрсаткичларини таҳлили шуни кўрсатадики, барча елинларнинг технологик белгилари сигирларнинг зот ва зотдорлиги бўйича уйғунлашган ва бир-бировидан фарқ қилган. Бунда мустаҳкам конституция типига мансуб бўлган II тажриба гуруҳидаги сигирлар устиворлик қилишган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, елиннинг айланаси бўйича I-тажриба гуруҳидаги сигирлар, ўз тенгқурлари II тажриба гуруҳидаги сигирлардан мутаносиб тарзда 2,5 см ёки 2,1 фоиз, елин узунлиги бўйича 3,2 см ёки 9,8 фоиз, елин эни бўйича 1,0 см ёки 3,2 фоиз, елиннинг олдинги қисм узунлиги 0,05 см ёки 0,2 фоиз, елиннинг орқа қисм узунлиги 0,8 см ёки 2,7 фоиз, елиннинг шартли ҳажми бўйича 133,3 бирликда ёки 3,8 фоиз, елиннинг орқа сўрғичлар узунлиги бўйича 0,98 см ёки 11,4 фоиз, сўрғичлар диаметри бўйича 0,20 бирлик ёки 8,4 фоиз, елин индекси бўйича 0,2 фоиз, сут бериш тезлиги бўйича 0,29 кг/дақ ёки 14,4 фоиз устиворликка эришишган.

Демак тажриба гуруҳидаги сигирларнинг генетик келиб чиқишидан қатъий назар, елиннинг функционал кўрсаткичлари мустаҳкам конституция типига мансуб бўлган сигирларда ўз тенгқурлари нозик конституция типли сигирларга қараганда талаб даражасида экан. Бу эса И.М.Дунин (1998), А.В.Бакай ва бошқалар (2013), М.С.Габаева ва бошқаларнинг (2013) тадқиқотларида голштин зоти бўйича зотдорлиги юқори бўлган сигирлар юқори елин кўрсаткичларига эга бўлганлиги кузатилга ва бизнинг тадқиқотларимиз натижалари ҳам ушбу тадқиқотларнинг хулосаларига мос келиши билан ажралиб туради.

Шундай қилиб елиннинг морфо-функционал хусусиятлари бўйича ҳар иккала тажриба гуруҳидаги сигирлар яхши кўрсаткичларга эришган. Шунинг учун ҳам уларни сут маҳсулоти миқдори юқори бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аширов Б., Максудов И. Турли конституцион типдаги сигирлар сут махсулдорлигининг елин шаклларига боғлиқлиги. //Зооветеринария. Тошкент. 2012. №3. Б. 27-28. (16.00.00.№4).
2. Айсанов З. Определение производственных типов крупного рогатого скота молочных пород. Ж. “Молочное и мясное скотоводство”, №1, 1998, с. 29-30.
3. Алифанов В., Китаев М. Молочная продуктивность коров симментальской породы отечественной и австрийской селекции. “Молочное и мясное скотоводство”, №5, 2010, с. 28-29.
4. Аширов Б. Турли конституция типдаги сигирлар лактациясининг кечиш хусусиятлари. //Зооветеринария. Тошкент. 2012. №5-6. Б. 32-34. (16.00.00.№4).

УДК 636.933.2.082.

ОЛМОС РАНГБРАНГЛИКДАГИ ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАР СУРУВИНИ ЯНГИ ЭКОЛОГИК ХУДУДЛАРДА УРЧИТИШНИНГ СЕЛЕКЦИОН АСОСЛАРИ

Исмаилов М.Ш., Джамбиллов Б.Х., Ибрагимов Б.Б.

Самарқанд қишлоқ хўжалиқ институти

Аннотация. В статье приведены материалы по созданию стада овец алмазной расцветки в новых экологических условиях. Были обобщены результаты гетерогенного и гомогенного спаривания по расцветкам бухарского сура.

Summary. The article presents materials on the creation of herds of diamond color sheep under new ecological conditions. The results of heterogeneous and homogeneous pair-according to the colors of the Bukhara sur.

Ключевые слова. Каракульская овца, спаривание, расцветка, гетероген, гомоген, выраженность, распределение, смушковый тип, ягнята, пустыня, полупустыня

Key words. Karakul sheep, pair, colors, heterogeneous, homogeneous, expression, distribution, sheepskin type, lambs, desert, semi desert.

Долзрблиги. Мамлакатимизнинг чўл ва ярим чўл худудларида асосан қоракўл зотли қўйлар урчитилиб, бошқа зотга мансуб зотли қўйлар бу худудларнинг кескин континентал иқлим шароитига чидай олмайди. Қоракўл зотли қўйлар юқори резистентлик хусусияти билан биргаликда турли ранг ва рангбарангликдаги хусусан 15 ранг, 6 тус ва 30 рангбарангликдаги терилар бериши билан ҳам тавсифланади. Қоракўл терилари товар сифатининг юқорилиги ва унда камалакда мавжуд рангларнинг мужассамлашганлиги туфайли уларга, айниқса оригинал ранг ва рангбарангликдаги териларга, бўлган талаб жаҳон бозорларида жуда юқори. Шу сабабли оригинал ранг ва рангбарангликдаги қоракўл қўйлари бош сонини кўпайтириш ва унинг ареалини кенгайтириш муҳим селекцион ҳамда иқтисодий аҳамият касб этади.

Матариал ва методикаси. Оригинал рангбарангликдаги қоракўл қўйлари сурувини чўл худудларда яратиш учун Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги “Қарнаб ота” қоракўлчилик ширкат хўжалигида, Навоий вилоятининг ярим чўл худидида жойлашган “Нурота” қоракўлчилик ширкат хўжалигидан олиб келинган олмос рангбарангликдаги қоракўл қўйларининг генофондидан фойдаланилди.

Тажриба отаридаги мавжуд кумуш ва тилла рангбарангликдаги совлиқлар олмос рангбарангликдаги қўчқорлар билан жуфтланди. Биринчи ва иккинчи авлоддан олинган, ранги бўйича гетерозигот урғочи қўзилар ўстиришга қолдирилиб, физиологик вояга этгандан кейин яна олмос рангбарангликдаги қўчқорлар билан жуфтланди. Учинчи бўғиндан олинган олмос рангбарангликдаги хайвонлар “ўзи-ўзига” жуфтланди.

Мақсади. Оригинал рангбарангликдаги қоракўл қўйлар сурувини яратиш мақсадида олмос рангбарангликдаги қўчқорларни бухоро зот типига мансуб бошқа рангбарангликдаги совлиқлар билан гетероген жуфтлашдан олинган қўзиларда рангбарангликнинг

ирсийланишини, ирсий константлигини ҳамда оригинал рангбарангликдаги қўйлар сурувни яратишнинг самарали услани ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари. Қорақўл қўзилари гул шакли ва типи, нақши, ранги ҳамда рангбаранглиги бўйича хилма-хиллиги қорақўл териларида такрорланмас зийнат ва ранглар уйғунлигини мужассамлаштиради.

Бухоро сур рангининг гетероген жуфтлашда ирсийланишини ўрганиш учун олмос рангбарангликдаги қўчқорларни кумуш ва тилла рангбарангликдаги совлиқлар билан гетероген жуфтланди. Рангнинг ирсийланиши тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда умумлаштирилган.

Олинган маълумотлардан кўришиб турибдики, биринчи авлодда олмос рангбарангликдаги қўзиларнинг 25,3% ташкил қилиши, уларнинг юқори констанатликка (турғунликка) эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек биринчи авлодда кумуш сур 40,5; тилла сур 23,9; бинафша сур 3,7; қорасур 3,4 ва бошқа ранглар 3,1 фоизни ташкил этди.

Кумуш рангбарангликдаги совлиқларни олмос рангбарангликдаги қўчқорлар билан жуфтлашдан олинган қўзиларнинг 29,1 олмос, 42,7 кумуш, 18,5% тилла, 3,9 бинафша, 3,1 қора сур ва 2,6 фоиз бошқа рангларни ташкил қилди.

Тилла рангбарангликдаги совлиқлар билан жуфтлашда эса 19,6 олмос, 37,2 кумуш, 32,1 тилла, 3,2 бинафша, 3,9 қорасур ва шунча миқдорда яъни 3,9 фоиз бошқа рангларнинг ирсийланиши кузатилди.

1-жадвал

Бухоро зот типидagi сур қўзиларининг рангбаранглик бўйича тақсимланиши,%


Жуфтлаш типи	n	Қўзиларнинг рангбаранглик бўйича тақсимланиши, $\bar{X} \pm S\bar{X}$						
		Олмос	Кумуш	Тилла	Настарин	Қорасур	Бошқа ранглар	
♀ Кумуш ♂ Олмос	x	227	29,1±3,01	42,7±3,28	18,5±2,57	3,9±1,28	3,1±1,15	2,6±1,05
♀ Тилла ♂ Олмос	x	153	19,6±3,21	37,2±3,62	32,1±3,77	3,2±1,42	3,9±1,56	3,9±1,56
Ўртача		380	25,3±2,23	40,5±2,51	23,9±2,18	3,7±0,96	3,4±0,92	3,1±0,88

Олинган маълумотлар, сур рангли қорақўл қўйларини ранги бўйича гетероген жуфтлашдан олинган қўзиларнинг турли рангбарангликларга тақсимланиши, бухоро зот типидagi қорақўл қўйларининг рангбаранглик бўйича мураккаб гетерозиготаликка эга эканлигидан гувоҳлик беради. Бу қонуният бизнинг тадқиқотларимизда ҳам ўз тасдиғини топди.

Рангнинг ифодаланиши рангли қорақўлчиликда асосий селекцион белгилардан бири ҳисобланиб, у қорақўл териларининг товарлик сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлар қаторига киради. Қорақўл териси сатҳида рангнинг аниқ ифодаланиши қорақўл қўзиларининг насл ва товарлик қимматини ошириб, унга эстетик чирой бахш этади. Шу сабабли рангли қорақўл қўйлари селекциясида бу белгига алоҳида эътибор берилади. Олмос рангбаранглигидаги қўйларни янги экологик шароитда урчитиш бўйича олиб борилган тадқиқотларимизда ҳам асосий эътибор рангбарангликнинг ифодаланишига қаратилди.

Олмос рангбарангликдаги қўчқорларни кумуш ва тилла рангбарангликдаги совлиқлар билан ранги бўйича гетероген жуфтлашдан олинган турли рангбарангликдаги қўзиларда бу белгининг ифодаланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар 2-расмда умумлаштирилган.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тажрибадаги қўзиларда сурлик даражасининг аъло ва яхши ифодаланиши олмос рангбаранглигидаги ясси барра типида 100,0 фоизни, қовурғасимон барра типида 95,2 фоизни, ярим доира қаламигул барра типида 93,2 фоизни ва ўсик гул типида 57,1 фоизни ташкил қилади. Кумуш рангбарангликдаги қўзиларда сурлик даражасининг кучли ифодаланиши ясси барра типида 37,9% ни ташкил этиб, бошқа типларда мутаносиб равишда 34,2; 33,3 ва 14,3 фоизни, тилла рангбарангликдаги қўзиларда сурлик даражасининг кучли ифодаланиши ясси барра типида 33,3% кузатилиб, бошқа типларда бу кўрсаткич мос равишда 28,6%, 20,5% ва 12,5%ни ташкил қилди.



Турли барра типли кўзиларда сурлик даражасининг ифодаланиши, %

Рангбарангликнинг кучсиз ифодаланиши кумуш ва тилла рангбарангликдаги ўсик гул типидagi кўзиларда мос равишда 23,8% ва 31,2% бўлиши кузатилди.

Олинган маълумотлар, олмос рангбарангликдаги кўчқорлар сурлик даражасининг кучли ифодаланиш салоҳиятидан, бу хусусият кам намоён бўлиши кузатилган бухоро зот типидagi сур кўйлари урчитиладиган хўжаликларда яхшиловчи сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Хулосалар. Олмос рангбарангликдаги сур кўйлар сурувини янги экологик хуудларда яратишда кумуш ва тилла рангбарангликдаги совлиқларни олмос рангбарангликдаги кўчқорлар билан гетероген жуфтлаш олинган гетерозигот кўзиларни яна олмос рангбарангликдаги кўчқорлар билан жуфтлаб мақсадга мувофиқ рангбарангликдаги кўйлар сурувини яратиш жараёнини жадаллаштириш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Жалменов М. Продуктивно-биологические особенности овец алмазной расцветки. Дисс канд. с-х.н. Самарканд 1992 -121 б.

2. Исмаилов М.Ш., Очиллов Қ.Д., Болтаев А.Ж., Джамбилов Б.Х., Суяров Р.Т. Арабов Т.Н. “Антиқа сур ранг ва олмос рангбарангликдаги қоракўл кўйлари янги экологик шароитда урчитиш” Методик қўлланма. Самарканд 2015.-45 б.

УДК.630.933.2.

ЁППА СЕЛЕКЦИЯЛАШДА ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИДА ГУЛ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Ризаева Д.

Самарканд қишлоқ хўжалик институти

Резюме. Мақолада Қизилқум шароитида урчитилувчи қора рангли қоракўл кўйлари янги ёппа селекциялаш шароитида олинган авлодларнинг гул типларига тақсимланиши ва уларда муҳим белгилардан бири ҳисобланган гул узунлигининг намоён бўлиш даражаларини кўрсатувчи маълумотлар умумлаштирилган. Ушбу шароитда популяция микёсида авлодларнинг 33.8±2.69 фоизи ярим доира, 24.4±2.44 фоизи қовурғасимон, 23.3±2.40 фоизи ясси, 18.5±2.20 фоизи ўсикгул типига мансуб бўлиши, уларнинг ўртача гул узунлиги 27.5±0.29 мм ни ташкил этиши аниқланган ва бу хусусиятларни кўйлари гул типлари бўйича алоҳида селекциялаб сезиларли яхшилаш мумкинлиги исботланган.

Summary. The article summarizes the information about the typical distribution of offspring curls bred by-embracing selection of black karakul sheep reproduced in the Kizilqum conditions, and gives information about the degree of manifestation of the length of the helix. Under these conditions, 33.8 + 2.69% of the offspring are of the type of capillary, 24.4 + 2.44% of the rib type, 23.3 + 2.40% of the flat type, 18.5 + 2.20% of the Caucasian type, the average length of their curls is 27.5+ 0.29mm, and a significant improvement in these properties is confirmed by a separate selection according to the types of sheep's curls.

Калит сўзлар: селекция, авлод, бонитировка, ёппа селекция, популяция, гул узунлиги

Key words: selection, offspring, boning, mass selection, population, length of pattern

Мавзунинг долзарблиги. Барчамизга маълумки, қоракўл кўйлари тенгсиз ҳисобланган турли ранг, рангбаранглик, гул типи ва ассортиментлардаги қоракўл терилари берувчи дунё аҳамиятига эга бўлган зотдир.

Зотнинг қайд этилган хусусиятлар бўйича генетик салоҳияти жуда юқори. Лекин ушбу салоҳиятдан унумли фойдаланиш, унинг қимматли белгиларини юзага чиқариш, намоён бўлиш даражаларини кучайтириш соҳанинг иқтисодий қудратини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот материали ва методологияси. Тадқиқотлар қора рангли қоракўл қўйларида бажарилди. Улардан олинган авлодлар “Қоракўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва кўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш)” бўйича (Тошкент, 2015) баҳоланди.

Авлодларнинг гул типлари уларнинг териси сатҳида мавжуд бўлган гулларнинг шаклини аниқлаш, узунлиги миллиметрли линейкада ўлчаш орқали аниқланди.

Олинган маълумотларга вариацион статистика усулларида (Н.А.Плохинский, 1969) математик ишлов берилди.

Асосий натижалар. Ушбу йўналишда қўйлардан олинган авлодларда муҳим гул сифати кўрсаткичларидан ҳисобланган гул типлари ва гулларнинг узунлиги каби белгиларнинг намоён бўлиш даражалари ўрганилди.

Авлодларнинг гул типлари. Маълумки, қоракўл қўй зоти таркибида 4 гул типи мавжуд бўлиб, уларнинг ярим доира қаламгул, қовурғасимон, ясси типлари қимматли ҳисобланади ва уларни кўпайтириш бўйича селекция ишлари юритилади. Ўсикгул типи эса кам қимматли ҳисобланиб, уларнинг салмоғини камайитириш селекция ишининг асосий вазифаларидан биридир. Шу нуқтаи назардан ушбу кўрсаткич қўйларнинг қимматлилигини кўрсатувчи белги ҳисобланади.

Тадқиқотларда танланган қўйлардан олинган авлодларнинг гул типларига тақсимланиши ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Авлодларнинг гул типларига тақсимланиши

Қўйларнинг гул типлари	Қўйлар сони, бош	Олинган кўзилар, бош	Олинган кўзиларнинг гул типлари, % ($\bar{x} \pm S\bar{x}$)			
			Ярим доира қалам гул	Қовурғасимон	Ясси	Ўсикгул
Ярим доира қалам гул	140	117	46.1±4.61	20.5±3.73	16.7±3.68	16.7±3.19
Қовурғасимон	85	73	21.2±4.78	47.1±5.84	16.9±4.39	14.8±4.16
Ясси	80	64	22.6±5.23	18.7±4.87	43.7±6.20	15.0±4.46
Ўсикгул	68	56	36.8±6.44	10.3±4.06	22.0±5.54	30.9±6.17
Ўртача мувозанатлашган кўрсаткич	373	310	33.8±2.69	24.4±2.44	23.3±2.40	18.5±2.20

Олинган натижалар кўрсатадики, популяция миқёсида ёппасига селекция-наслчилик ишларини олиб бориш авлодларда гул типларининг ўртача кўринишда намоён бўлишини таъминлайди. Бунда ўртача мувозанатлашган ҳолатда ярим доира қаламгул типли авлодлар салмоғи 33,8±2,69 фоизни, қовурғасимон типли авлодлар салмоғи 24,4±2,44 фоизни, ясси типли авлодлар салмоғи 23,4±2,40 фоизни ва ўсикгул типли авлодлар салмоғи 18,5±2,20 фоизни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Жадвал маълумотларини қўйлар гул типлари бўйича олинган авлодларга қараб баҳолашда бошқачароқ ҳолатни кузатиш мумкин. Ярим доира қаламгул типли қўйлар авлодларида шу типга хос қўйлар салмоғи 46,1±4,61 фоизни ташкил этса, қовурғасимон типли қўйлар авлодларининг 47,1±5,84 фоизи қовурғасимон, ясси типли қўйлар авлодларининг 43,7 фоизи ясси типга мансуб бўлиши кузатилдики, бу маълум типли қўйлар ирсиятининг маълум даражадаги мустаҳкамлигини кўрсатади. Лекин бу мустаҳкамлик ёппасига селекциялаш шароитида етарли даражада намоён бўла олмайди ва қўйлар салоҳиятининг гул типлари бўйича 43,7-47,1 фоизини юзага чиқара олади.

Таъкидлаш лозимки, ёппа селекциялаш шароитида биринчи уч типдаги қўйлар ўсикгул типли қўйларга нисбатан (30,9±6,17 %) кам қимматли ўсикгул кўзилар салмоғининг икки баравар камайишини (14,0-16,7 %) таъкидлай олиш имконини беради.

Гулларнинг узунлиги. Ушбу кўрсаткич қўйларнинг ва қоракўл тери маҳсулотининг қимматлилигини кўрсатувчи муҳим белгилардан бири ҳисобланади. Гуллар қанчалик узун бўлса уларнинг тери сатҳида ҳосил қиладиган расми аниқ ҳамда чиройли бўлиши

таъминланади. Ушбу белгининг намоён бўлиши кўп факторларга боғлиқ. Гулни ҳосил қилувчи жун толаларининг узун бўлиши гулнинг узун бўлишига тўсқинлик қилади. Ушбу белгига селекция ишларини олиб бориш гулларнинг калтаишига олиб келади.

Тадқиқотлар давомида ёппасига селекциялаш шароитида авлодларда гуллар узунлигининг намоён бўлиш хусусиятлари ўрганилди. Маълумотлар 2-жадвалда умумлаштирилган.

Тадқиқот натижалари ёппасига селекциялаш шароитида қўйлар авлодларида гулларнинг узунлиги бўйича ҳам мавжуд салоҳиятнинг тўлиғича фойдаланилмаслигини кўрсатди. Ўртача мувозанатлашган катталиги $27,5 \pm 0,29$ мм ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ярим доира каламгул типли қўйлар авлодларида $28,9 \pm 0,29$ мм ни, қовурғасимон типли қўйлар авлодларида $32,6 \pm 0,32$ мм ни, ясси типли қўйлар авлодларида $31,1 \pm 0,37$ мм ни, ўсикгул типли қўйлар авлодларида эса $14,3 \pm 0,6$ мм ни ташкил этиши кузатилди.

Қайд этилган натижаларга кўра қовурғасимон, ясси ва ўсикгул типли қўйлар билан ўртача мувозанатлашган кўрсаткичлар орасидаги статистик жиҳатдан ишончли ($P < 0,001$).

2-жадвал

Авлодларнинг гул узунлиги

Қўйларнинг гул типлари	Қўйлар сони, бош	Олинган кўзилар, бош	Гуллар узунлиги, мм	
			$\bar{x} \pm S\bar{x}$	C_v
Ярим доира калам гул	140	117	28.9 ± 0.29	10.85
Қовурғасимон	85	73	32.6 ± 0.32^x	8.39
Ясси	80	64	31.1 ± 0.37^x	9.52
Ўсикгул	68	56	14.3 ± 0.16^x	8.37
Ўртача мувозанатлашган кўрсаткич	373	310	27.5 ± 0.29	9.55

x) - $P < 0.001$

Хулоса. Ёппа селекциялашда популяция миқёсида авлодларнинг 33.8 ± 2.69 фоизи ярим доира, 24.4 ± 2.44 фоизи қовурғасимон, 23.3 ± 2.40 фоизи ясси, 18.5 ± 2.20 фоизи ўсикгул типига мансуб бўлиши, уларнинг ўртача гул узунлиги 27.5 ± 0.29 мм ни ташкил этиши аниқланган ва бу хусусиятларни қўйларни гул типлари бўйича алоҳида селекциялаб сезиларли яхшилаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва, “Колос”, 1969, 255 с.
2. Юсупов С.Ю., Газиев А. Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва кўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма. Тошкент, 2015, 31 бет.

УДК: 636.2:591.469

ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ШАРОИТИДА УРЧИТИЛАЁТГАН ҚИЗИЛЧЎЛ ВА ҚОРА-ОЛАЗОТГА МАНСУБ СИГИРЛАР ЕЛИНИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Амиров Ш.К.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти.

Аннотация. Сут қорамолчилигини саноат асосига ўтказишда технологик белгилар муҳим ўрин тутди. Ушбу белгилардан бири сигирлар елинининг морфологик ва функционал хусусиятлари ҳисобланади. Мақолада Зарафшон воҳасининг Самарқанд вилояти ҳудуди шароитида урчитилаётган қизилчўл ва қора-ола зотга мансуб сигирлар елинининг машина соғимига яроқлилигини белгилайдиган асосий морфологик ва функционал хусусиятларини ўрганиш натижасида олинганмаълумотлар берилган.

Annotation. To provide the population with milk and dairy products, it is necessary to increase the quality of milk production of cows. To increase the supply of dairy products to the industry, it is necessary to use nanotechnology and energy-saving technologies, as well as sanitary and hygienic technologies in dairy production. These measures are influenced by the economic indicators of the farms. The article discusses two types of technology for milking cows and their effect on the quality of milk.

Калит сўзлар. Зарафшон воҳаси, зот ва зотдорлик, қора-ола, қизилчўл, сигир, сут маҳсулдорлик, елин, морфологик, функционал белгилар, елин шакли, сўрғичлар, янги технология, сутбериш тезлиги.

Кириш. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги габила мизки, қатор омиллар яъни, ирсий хусусияти, зотивазотдорлиги, озиклантириш ва асраш шароити, ёши, тирик вазни, йилнинг фасли, соғишни тўғри ташкил этиш ва бошқалар таъсир қилади. Шунингдек, елин безларининг ривожланганлиги ва фаолияти ҳам сут ҳосил бўлишида катта рол ўйнайди.

Фермер хўжаликларида янги технологияларнинг қўлланилишида сигирлар елинининг машина соғими га яроқлилигини ўрганиш амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади. Зарафшон воҳаси шароитида урчитилаётган турли зотга мансуб сигирлар елинининг морфологик ва функционал хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг манбаи ва услуби. Сигирлар елинининг морфологик белгилари ҳамда функционал хусусиятларини ўрганиш мақсадида “Бешбола” ва “Хамид чорвачилик воҳаси” фермер хўжаликларида I - туғимдаги сигирлардан Польша қора-ола зоти ва қизилчўл зотларидан ҳар гуруҳга 10 бошдан бириктирилди.

Тажрибадаги сигирлар елинидан ўлчамлар олиш сигирларни соғиш олдида ва соғишдан кейин амалга оширилди. Олинган рақамли маълумотларга биометрик усулда ишлов берилди ва натижалар 1 - ва 2 - жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Елидан олинган ўлчамлар, см (соғишгача, $X \pm S_x$).

№	Елин ўлчамлари	Сигирлар зоти		Ўлчамлар фарқи, ±
		Қизилчўл	Қора-ола	
1.	Узунлиги	40,2 ± 0,71	44,1 ± 0,75	+ 3,9
2.	Кенглиги	30,4 ± 1,0	30,1 ± 0,9	-0,3
3.	Айланаси	122,9 ± 1,7	128,0 ± 2,0	+ 5,1
4.	Олд бўлма чуқурлиги	25,6 ± 0,74	28,7 ± 0,61	+ 3,1
5.	Орқа бўлма чуқурлиги	28,9 ± 0,35	34,0 ± 0,82	+ 5,1
6.	Елиннинг ердан баландлиги	64,5 ± 1,0	53,0 ± 0,9	-11,5
7.	Олд сўрғичлар узунлиги	5,5 ± 0,22	6,5 ± 0,24	+ 1,0
8.	Орқа сўрғичлар узунлиги	4,3 ± 0,19	5,4 ± 0,12	+ 1,1
9.	Олд сўрғичлар айланаси	7,6 ± 0,12	8,8 ± 0,17	+ 1,2
10.	Орқа сўрғичлар айланаси	7,0 ± 0,20	8,1 ± 0,14	+ 1,1
11.	Олд сўрғичлар оралиғи	12,0 ± 0,61	14,7 ± 0,71	+ 2,7
12.	Олд ва орқа сўрғичлар оралиғи	11,0 ± 0,63	12,1 ± 0,67	+ 1,1
13.	Олд ва орқа сўрғичлар оралиғи	6,1 ± 0,64	7,3 ± 0,56	+ 1,2
14.	Орқа сўрғичлар оралиғи	9,64 ± 0,64	10,32 ± 0,45	+ 0,68

Ҳар иккала гуруҳдаги сигирлар елинида нуқсонлар учрамади.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қора-ола зотли сигирлар елинининг барча ўлчамлари бўйича қизил чўл зотли сигирлардан устун келган. Бунда энг катта фарқлар, елин айланаси ва орқа бўлма чуқурлигида (5,1 см), елин узунлигида (3,9 см), олд бўлма чуқурлигида (3,1 см) кузатилди. Аммо, елин кенглигида бироз устунлик қизил чўл зотли сигирларда кузатилди (- 0,3 см). Ушбу маълумотлар Польша қора-ола зотли сигирлар елинининг катталигидан далолат беради.

Амалиётда елиннинг ривожланганлик даражасига, сигирни соғишдан сўнгги ҳолатига қараб баҳо берилади. Юқори маҳсулдор сигирлар елини асосан без тўқималардан иборат

бўлади, шу боис сигир соғилгандан сўнг елиннинг ўлчами анча кичиклашади [2]. Тажрибадаги сигирлар елинини соғишдан сўнг кичрайишини кузатганимизда қуйидаги натижалар олинди.

2-жадвал

Елин ўлчамлари, см (соғишдансўнг, $X \pm C_x$).

№	Елин ўлчамлари	Сигирлар зоти		Ўлчамлар фарқи, ±
		Қизилчўл	Қора-ола	
1.	Узунлиги	34,8 ± 0,84	35,3 ± 0,61	+ 0,5
2.	Кенглиги	24,4 ± 0,77	23,2 ± 0,52	-1,2
3.	Айланаси	103,1 ± 2,0	103,2 ± 1,81	+ 0,1
4.	Олд бўлма чуқурлиги	21,2 ± 0,52	23,2 ± 0,41	+ 2
5.	Орқа бўлма чуқурлиги	25,6 ± 0,43	28,9 ± 0,46	+ 3,3
6.	Елиннинг ердан баландлиги	62,1 ± 1,0	56,0 ± 0,78	-6,1
7.	Олд сўрғичлар узунлиги	5,0 ± 0,21	6,2 ± 0,19	+ 1,2
8.	Орқа сўрғичлар узунлиги	4,0 ± 0,18	5,2 ± 0,20	+ 1,2
9.	Олд сўрғичлар айланаси	7,0 ± 0,21	8,4 ± 0,17	+ 1,4
10.	Орқа сўрғичлар айланаси	6,2 ± 0,19	7,8 ± 0,15	+ 1,6
11.	Олд сўрғичлар оралиғи	8,0 ± 0,70	11,6 ± 0,64	+ 3,6
12.	Олд ва орқа сўрғичлар оралиғи	3,0 ± 0,62	3,8 ± 0,59	+ 0,8
13.	Орқа сўрғичлар оралиғи	5,60 ± 0,42	5,21 ± 0,31	+ 0,41

Жадвал маълумотларидан кўринибтурибдики, сигирларни соғишдан кейинги олинган ўлчамларнинг, соғишдан олдинги ўлчамлари орасида анча фарқлар кузатилган. Қора-ола зотли сигирларда елиннинг кичрайиш ҳолати анча жадал кечган.

Кўп олимларнинг фикрича, сигирларнинг елинини морфологик белгиларига баҳо беришда нафақат елиншаклига балки, сўрғичларнинг узунлиги ва жойлашиш ҳолатига ҳам эътибор қаратиш керак чунки, бу узвий боғлиқликни белгилайди.

Меъёрий ҳужжатларга биноан, елинни машина соғимиға яроқлилигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бу, олдинги сўрғичлар оралиғи масофаси ҳисобланади. Сигирлар олдинги сўрғичлар орасидаги масофанинг микдорига қараб учта типга ажратилади:

1. Кенг масофадаги (25 см ва юқори);
2. Ўрта масофадаги (14 - 24 см);
3. Қисқа масофадаги (13 см ва паст) [1:4].

Тажрибадаги сигирларда бу кўрсаткичлар ўрганилганда ва шу кузатилдики, қизилчўл зотли сигирларнинг етти боши (70 %) ўртача типда, уч боши (30 %) эса қисқа масофадаги типдаги сигирлардан иборат бўлди. Қора-ола зотли сигирлар гуруҳида бу курсаткич 40 % кенг масофадаги типда, 60 % ўрта масофадаги типда бўлиб, сўрғичлар оралиғидаги қисқа масофадаги типдаги сигирлар кузатилмади.

Олинган маълумотлар қора-ола зотли сигирлар елинининг машина соғимиға яроқлилигини юқори даражада шаклланганлигидан далолат беради.

Тажрибадаги сигирлар елинининг сўғичлари цилиндр ва конуссимон шаклда эканлиги аниқланди. Сигирларнинг машина соғимиға яроқлилигини аниқлашда елиннинг функционал хусусияти муҳим селекцион белгилардан бири ҳисобланишини унутмаслик керак. Сигирлар елинининг асосий функционал хусусиятлари навбатдаги жадвал маълумотларида берилган.

3-жадвал.

Елиннинг функционал хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Қизилчўл зоти	Қора-ола зоти	Кўрсаткичлардаги фарқ, ±
Бир марталик соғим микдори, кг	9,2 ± 0,75	11,5 ± 0,53	-2,3
Соғиш давомийлиги, минут	5,50	6,10	+ 0,2
Сут бериш тезлиги, кг/мин.	1,67	1,88	-0,21

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қизилчўл зотли сигирлар қора-ола зотли сигирлардан бир марталик соғимда 2,3 кг сут камберган. Сутни соғиб олиш давомийлиги қора-ола зотли сигирларда 20 секунд узокроқ давом этсада, сут бериш тезлиги жадал кечган. Қизилчўл зотли тенгқурларига нисбатан бир минутда 0,21 кг сут кўп ажратган.

Хулоса. Тажриба натижаларидан куриниб турибдики, иккала гуруҳдаги сигирларнинг елинини морфологик ва функционал хусусиятлари машина соғими талабларига жавоб беради. Қизилчўл зотли сигирлар қора-ола зотдаги сигирларга нисбатан бир марталик соғимда 2,3 кг сут кам берган. Қора-ола зотли сигирлар соғимдан сўнг елинини кичрайиш ҳолати, бир марталик соғим миқдори, соғиш давомийлиги, сут бериш тезлиги бўйича устунликка эга бўлди. Шунингдек, бу гуруҳдаги сигирларда, елин айланаси ва узунлиги бўйича ҳам машинада соғишга тўлиқ жавоб бериши кузатилди. Умуман олганда, қора-ола зотли сигирлар елинининг морфологик белгилари ва функционал хусусиятлари бўйича қизилчўл зотли сигирлардан устунлик килади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Задерий Е.И. Форма вымени и сосков скорость молокоотдачи коров как признак отбора //Повышения продуктивности сельскохозяйственных животных полесья и лесостепи украинии. Науч.трудыУСХА - Киев, 1981.С. 34 - 36.

2. Маркина Е.В. Влияние формы верхушек сосков вымени на функциональное состояние молочной железы.// Физиологические, морфологические и биохимические показатели у продуктивных животных: сб.науч.трудов - Ставрополь, 1985. с. 47 - 50.

3. Мустанов Л ва бошқалар. Турли типдаги бушуев зотли сигирлар елинининг айрим морфо-функционал хусусиятлари. Ж. Зооветеринария. №5. 2013.

4. Сборник правовых и нормативных актов к федеральному закону “О племенном животноводстве” / ВНИИ плем, 2000-Вып.1.287 с.

УДК: 636.29:636.083

БАКТРИАН (CAMELIDAE BACTRIANUS) ТУЯЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ШАКЛЛАНИШИ

Исаев Ж.М., Исмаилов М.Ш.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация: Мақолада гўштдор туялар уюрини яратиш юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Гўштдорлик кўрсаткичлари бўйича танланган тажриба гуруҳидаги туяларнинг тирик вазни ва тана тузулиши кўрсаткичлари бўйича назорат гуруҳидаги тенгқўрларидан устунлиги аниқланган.

Калит сўзлар: туялар уюри, бактриан туялар, бўталоқ, тирик вазн, тана тузулиши, ўрқач, ўрқачлар оралиги, ўсиш, ривожланиш.

SUMMARY: The carnal camels information on the results of research carried out on the farms. Go'shtdorlik indicators of camels in the experimental group selected indicators of body weight and body structure of the control group in derogatory priority.

Key words: rotation, Bactrian camels, camel, floc, humps, live weight, body shape, hump, range, growth, and development.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21-апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, дехкон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-842 сонли Қарори, барча тоифадаги хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришнинг ҳукукий, иктисодий ва ташкилий асосини таъминлаб берди.

Чорвачиликнинг барча соҳалари каби, туячилик ҳам сердаромад соҳа хисобланиб, туячиликни урчитиш, мамлакатимизнинг сувсиз чўл ва ярим чўл худудларидаги яйловларини ўзлаштиришнинг асосий омилларидан биридир.

Мамлакатимиз худудининг жами 29,6 миллион гектарини чўл ва ярим чўллар ташкил қилади, шундан 18,4 млн гектаридан фақат қоракўл қўйлари, туя ва эчкиларни урчишиб фойдаланиш мумкин. Ҳазирги кунда мамлакатимизда 18 млн. қўйлар, 50 минг туя ва 2 млн. дан ошиқроқ эчкилар урчитилмоқда. Туялар бош сони бўйича Республикамиз ҳамдўстлик мамлакатлари ичида Қозоғистон ва Туркменистондан кейин учинчи ўринда туради.

Халқимизнинг хусусан чўлда яшовчи аҳолининг озиқ-овқат ҳавсизлигини таъминлашда экологик тоза гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари ҳамда туя жунидан тайёрланган арзон кийим-кечаклар билан таъминлаш мамлакатимиз чорвачилигини ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ййлов чорвачилигининг ажралмас қисми бўлган туячиликни ривожлантириш уларнинг маҳсулдорлик потенциални ошириш, юқори маҳсулдор туялар уюрини яратиш соҳанинг самарадорлигини оширишдаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Бактриан туяларнинг ўсиш жадаллигига боғлиқ ҳолда уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларининг шаклланишини ўрганиш.

Материал ва методлар. Илмий тадқиқотлар Навоий вилояти Конимех туманидаги “Абай” қоракўлчилик наслчилик хўжалигида гўшт маҳсулдорлигини ошириш бўйича шакллантирилган селекцион гуруҳдаги туяларни, уярдаги аналог туялар маҳсулдорлиги билан таққослаб ўрганилди.

Тирик оғирлиги туғилган вақтида 1,0 кг аниқликда бўлган платформали тарозида, 12 ойлик ёшидаги тирик вазни А.Боймуканов ва Д. Боймуканов (2005) усули асосида ёш коэффицентидан фойдаланиб аниқланди.

Жун миқдори, ҳар бир туядан қирқиб олинган жунни 0,1 кг аниқликдаги 10 килограммли тарозида индивидуал ўлчаш ёрдамида аниқланди.

Туяларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, ўрқач оралиғи баландлиги, тананинг қия узунлиги, кўкрак айланаси, қафт айланасини каби тана ўлчамлари ўлчов таёғи ва лентаси ёрдамида туячиликда умум қабул қилинган методлар асосида аниқлаш.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Туяларнинг гўшт маҳсулдорлиги уларнинг тирик вазни кўрсаткичлари асосида баҳоланди. Тажрибадаги туяларнинг тирик вазн динамикаси тўғрисидаги маълумотлар 1- жадвалда қайд этилган.

1-жадвал.

Тажрибадаги туяларнинг тирик вазн кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Тирик вазн, кг			
	Туғилганда		12-ойликда	
	$X \pm S_x$	C_v	$X \pm S_x$	C_v
Тажриба гуруҳи ($n=10$)	44,1±0,80	4,73	288,7±1,1	1,02
Назорат гуруҳи ($n= 8$)	40,4±1,20	4,76	272,9±2,1	1,33

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тажриба гуруҳидаги туяларнинг тирик вазни назорат гуруҳидаги тенгқурлари билан таққосланганда туғилган вақтида назорат гуруҳидаги туяларнинг тирик вазни 0,3 кг юқори бўлиши кузатилиб, 12 ойлик ёшида аксинча бу кўрсаткич тажриба гуруҳидаги туяларда назорат гуруҳига нисбатан 15,8 кг юқори бўлиши аниқланди. Тадқиқот натижаларига кўра, шундай хулоса қилиш мумкинки, мақсадли олиб борилган селекция ишлари натижасида тажриба гуруҳидаги туяларнинг тирик вазн кўрсаткичи сезиларли даражада ошишига эришилди.

Маълумки барча қишлоқ хўжалик хайвонлари каби туяларнинг ҳам тирик вазннинг ўсиши гўшт маҳсулдорлигининг ортиши билан тўғри пропорционал равишда боғлиқ бўлганлиги сабабли, туяларнинг тана ўлчамларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли тажриба ва назорат гуруҳлардаги туяларнинг асосий тана ўлчамлари таққослаб ўрганилди.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мақсадли селекция ишлари олиб борилган тажриба гуруҳида тирик вазн кўрсаткичининг ошиб бориши билан бир қаторда гўштдорликни белгиловчи тананинг асосий ўлчовларида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилди.

Бўталокларнинг туғилган вақтидаги гавда узунлиги тажриба гуруҳида назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 3,4 см устунликга эгаллигини кўрсатди.

Худди шундай тенденция бўталокларнинг 12 ойлик ёшида ҳам сақланиб қолган.

Ўрқачлар орасидаги баландлик ва кўкрак айланасининг узунлиги туяларнинг ўсиши ва тана тузилишининг шаклланишини белгиловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланиб бу кўрсаткич ҳам тажриба гуруҳидаги туяларда статистик ишончли ($P < 0,05$) даражада устунлик қилиши кузатилди.

Туячиликда туяларнинг зотдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири ўрқачлар орасидаги масофа ҳисобланиб, бу кўрсаткичнинг кенглиги билан туялар зотдорлигининг тозаллиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида олинган маълумотларда ҳам бу кўрсаткич тажриба гуруҳида назорат гуруҳидаги тенгқурларига нисбатан 2,6 см узун эканлигини кузатилди, бу эса уярда танлаш ва жуфтлаш усуллари тўғри олиб борилиб, селекция ишларининг самарали юритилаётганлигини билдиради.

Хулосалар. Ўтказилган тадқиқот натижалари тажриба гуруҳидаги туялар тирик вазн, ўсиш ва ривожланиш ҳамда зотдорлигини белгиловчи фенотипик белгиларининг назорат гуруҳидаги тенгдошлар кўрсаткичларидан устун эканлиги ва хўжаликда юқори маҳсулдор туялар уйри шаклланаётганлигини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нарзуллаев Х. Казакевич. Ата-Қурбанов Ф. “Линейнке особенности верблюдов бактрианов мясо-шерстного направления” Чорвачилик ҳамда ветеринария фани ютуғлари ва истикболлари 146-149. Республика илмий-амалий конференцияси. Самарканд 2010 йил.

2. Рахимбердиев Т. А. Казахский бактриан и пути его совершенствования. В сб. трудов КазНИИК «Состояние и перспективы селекционной работы и технологии каракулеводства и верблюдоводства». Ч.П. Алматы, 1993. С. 98-106.

УДК: 619.616.993.129.1

ХАР ХИЛ ГЕНОТИПИЛИ СИГИРЛАРГА МИКРОИҚЛИМНИНГ КАСАЛЛАНИШ ВА МАХСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Хужамов Ж.Н., Пардаев Р. Г.
Самарканд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация: Мақолада сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, микроиқлим кўрсаткичи ва айрим сифат кўрсаткичларининг илмий маълумотлир келтирилган

Калит сўзлар: хўжалик фойдали белги, маҳсулдорлик, мацион, голштин зоти.

Summary. In this article, the information on quality indicators for achieving positive of milk production of Cows were described.

Key words: agriculture usefull marks, productisity, mation, Holstein him.

Кириш қишлоқ хўжалик ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини кўпайтириш, соғлом бузоқ олиш ва уларни асраб, нобуд бўлишини олдини олиш, ветеринария мутахассислари ва олимларининг асосий вазифалари ҳисобланади. Шу мақсадга эришиш учун ветсанитария талабларига ва зоогигиеник қоидаларига тўлиқ риоя қилиш эвазига амалга оширилади.

Ҳозирги даврда Республиканинг турли экологик минтақаларида янгитдан ташкил бўлган чорвачилик фермер хўжаликлари фаъолият кўрсатмоқда. Шу фермер хўжаликлари ҳар хил мослаштирилмаган биноларда, эски лойиҳасиз қурилган, молхона ва айвонлар шаҳар ва қишлоқларда тартибсиз ҳолда жойлаштирилган. Бундай жойлашиш ва ҳар хил турдаги ҳайвонларнинг бир бинода сақланиши, улардан ташқи муҳитга чиқадиган ҳар хил чиқиндилар (гўнг, окова сувлар, ифлосланган ҳаво, микроорганизмлар, ёқимсиз ҳидлар ва бошқалар) экологияни заҳарлаб, аҳоли учун эпидимиологик хавфлар туғдиради.

Республикамизнинг табиий-иқлим шароитларини ўзига хос об-ҳавоси, айниқса баҳор, ёз ойларида ташқи муҳитнинг жазирама иссиқлари ва қуёш нурининг тўғридан-тўғри ҳайвонлар танасига кучли ва салбий таъсир натижасида ёш молларда физиологик ўзгаришлар пайдо бўлиб, иссиқ уриш, униб-ўсиш ва маҳсулдорлигининг пасайиши ҳамда ҳар хил касалликларга чалиниш ҳоллари рўй беради. Бу борада кўпгина адабий маълумотлар мавжуд.(1,2).

Республика чорвачилик фермалари ва хўжаликларида кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари, кузатувлар ва тахлилий маълумотлар натижасидан аниқланишича, ҳайвонлар организми турли экологик иқлим-шароитларини таъсири натижасида маҳсулдорлиги пасайиб, касалликларга чалинишига олиб келиб, иқтисодий зарар етказмоқда.

Шундай қилиб, юқоридаги комплекс факторлардан ташқари, фермалар ва фермер хўжаликлари шароитида моллар касалланишини олдини олиш ва юқори маҳсулдорлигини таъминлаш учун ташқи муҳитнинг оптимал параметрларини сақлаб туриш биринчи даражали экологик аҳамиятга эга. Бу муҳитнинг асосий омилларидан бири микроиқлим кўрсаткичларининг мониторингидир. Микроиқлим параметрларининг бузилишидан ёш ҳайвонлар ўсиши ва табиий чидамлилигининг пасайиши, маҳсулдорлигининг 20-30 % га камайиши илмий адабиётларда келтирилган (3,4).

Ҳайвонларни соғлиғини сақлаш, уларни униб-ўсиши ва маҳсулдорлигини юқори бўлишига бинолар ичидаги мўхтадил ҳарорат, намлик, зарарли газлар ва микроорганизмлар миқдорини меъёрлар даражасида бўлишини таъминлаш нақадар муҳим аҳамият касб этади.

Илмий текшириш материаллари ва усуллари. Тажрибаларни ўтказиш жараёнида ветеринария амалиётида маълум бўлган зоогигиеник, физиологик, технологик, иқтисодиёт ва ветсанэкспертиза усулларида фойдаланилади. Илмий тадқиқотларнинг текширишларига қараб бу усуллар такомиллаштирилади.

Зоогигиеник усуллар ёрдамида сигирхоналар ва буғоз сигирлар сақланадиган биноларнинг ҳаво муҳитини санитария-гигиена томондан баҳоланади ва унинг физиковий хоссалари, температура, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракати, ёруғлик ва кимёвий хоссалари, зарарли газлар (аммиак, карбонат ангидрид, севодород, ис гази ва бошқ.) ва микроорганизмлар миқдори аниқланади.

Ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлиги симобли ва спиртли термометрлар, Ассман ва Август психрометрлари ёрдамида ҳар куни узлуксиз қайд қилиб туриш учун суткалик ва ҳафталик термограф ва гигрографлар ёрдамида ўлчаниб, ёзиб борилади.

Ҳавонинг ҳаракати кататермометрлар, косачали ва парракли анимометрлар ёрдамида, ёруғлик даражалари люксметрлар ёрдамида аниқланади.

Зарарли газлар миқдори УГ-2 (Универсал газанализатори) ёрдамида ҳамда колориметрик усуллар ёрдамида фойдаланилади.

Шартли микроорганизмлар миқдори Петри косачаларидаги озуқа муҳитларига (МПА, МППА, МППДА, МППДБ ва бошқ.) ўтиртириш йўли билан, Кротов аппарати ёрдамида аниқланади.

Молхона ичидаги ҳарорат полдан 1-1,5 м баландликда (диогонал бўйича) ҳар ойда 2-3 кун мобайнида аниқланади.

Физиологик кўрсаткичлар (тана ҳарорати, юрак уриши, нафас олиш ва бошқ.) ҳар ойда бир маротиба тажриба ва назоратда бўлган гуруҳларда (10 бошдан) олиб борилади. Бу текширишлар бир ойда бир маротиба, кунига 3 маҳал ўлчаб борилди. Юрак уруши ва нафас олиши фонендоскоп ёрдамида, тана ҳарорати термометрлар ёрдамида ўлчаниб борилади.

Бундан ташқари, тажриба ва назоратда бўлган (ҳар бир гуруҳдан 5 бошдан) моллардан ҳар ойда бир маротиба қон олиниб гематологик кўрсаткичлари, яъни гемоглобин миқдори Сали гемометрида, лейкоцит ва эритроцитлар миқдори Горяев санок тўридан фойдаланиб, эритроцитлар чўкиш тезлиги эса Панченков аппарати ёрдамида аниқланади.

Технологик (зоотехник) усулларда, ҳар ойда бир марта хўжаликнинг тажриба ва назоратда бўлган гуруҳларидан (10 бошдан), ҳайвонлар вазни тарозиларда ва маҳсулдорлиги эса фермада олиб бориладиган қайдномалар асосида, яъни соғиб олинган сут маҳсулоти ва унинг ёғлилик даражасига, олинган бузоқлар сонига қараб аниқланади.

Бу тажрибалар ҳам Республикамизнинг иқлим-шароити ҳар хил бўлган хўжаликларига, яъни Навоий вилояти ва Самарқанд вилояти хўжаликлари мисолида олиб борилди.

Тажрибалар давомида барча юқорида кўрсатилган зоогиеник ва технологик усуллардан фойдаланиб молхоналардаги микроиқлим параметрларининг 2-та хўжалигининг буғоз ва соғин сигирларига таъсири ўрганилиб, таққослаб борилди.

Тажриба натижалари. Тажрибалар Самарқанд ва Навоий вилояти чорво фермер хўжаликлари фермасидаги буғоз ва соғин сигирлар мисолида олиб борилди.

Тажрибалар давомида икки хўжаликнинг ферма биноларидаги микроиқлим кўрсаткичлари аниқланади. Натижада, Самарқанд вилояти фермер хўжалигидаги фермасининг ҳаво ҳарорати - 12,4-36,4⁰С, нисбий намлик - 20,5-100% гача, ҳаво ҳаракати - 0,02-0,09 м/сек. зарарли газлар миқдори: аммиак-2,0-12,1 мг/м.куб., карбонат ангидрит-0,1-0,4%, микроорганизмлар сони -15-120 минг/м.куб.гача бўлганлиги аниқланди.

Навоий вилояти хўжалиги биносидаги микроиқлим параметрлари қуйидагича бўлади: ҳаво ҳарорати -10,6-37,7⁰С, нисбий намлик -45,8-89,0%, ҳаво ҳаракати-0,08-0,27 м/сек., захарли газлар миқдори: аммиак -3,0-17,0 мг/м.куб, карбонат ангидрит -0,2-0,4%, микроорганизмлар миқдори -30-314 минг/м.куб.гача бўлганлиги аниқланди.

Бундан кўриниб турибдики экологик иссиқ иқлимли Навоий вилоятининг фермер хўжалиги фермасида Самарқанд вилоятидаги фермер хўжалигидаги ферма биносига нисбатдан анча баланд. Бунда ташқи муҳтининг таъсири борлиги кўриниб турибди. Бундай шароитда сақланадиган сигирлар клинко-физиологиясига, сут маҳсулдорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қўймайди.

Икки ферманинг сақлаш, боқиш, озиклантириш рационларини таҳлил қилганимизда, шу нарса маълум бўдиким Навоий вилояти даги моллар озиқа рацион жуда яхши, лекин моллар бир жойда яйратмасдан боқилди. Самарқанд вилояти фермер хўжалигидаги молларнинг рационни ўртача ва яйратиш майдончасидан фойдаланилади.

Натижа шуни кўрсатдики, иссиқ иқлимли Навоий вилоятидаги кузатувда бўлган буғоз ва соғин сигирлар организмга ташқи муҳит ва зоогиеник чора-тадбирларнинг меъёр даражасида эмаслиги, яъни уларнинг моцион олмаслиги, тоза ҳавода умуман чиқмаслиги, бир жойда боқилиши натижасида уларнинг клинко-физиологиясига, табиий чидамлигига, сут ва бола олиш маҳсулдорлигига ва касаллик даражасига салбий таъсир қилишини кузатдик.

Шунинг учун моллар ўз вақтига куйга келмай қайталади, туққанларининг кўпчилигида йўлдошнинг ушланиб қолиш ҳолларини кузатдик. Бу эса маҳсулдорликнинг пасайиши ва пуштсизликни юқори бўлишига олиб келмоқда.

Самарқанд вилоятидаги фермер - хўжалигида эса бунинг аксини кўраимиз. Масалан, бу фермада сут маҳсулдорлиги ўртача 7-8 л., ёғлилик даражаси 3,8 % ни ташкил қилса, Навоий вилоятида бу кўрсаткич ўртача 6,3 л.ёғлилик даражаси 3,5% ни ташкил қилади. Касалланиш даражаси ҳам Самарқанд вилояти хўжалигига қараганда 3-4 % га кўп эканлигини аниқладик.

Бу ердан шу нарса маълум бўлдиким фермаларда ташқи муҳитнинг таъсирини камайтирувчи микроиқлим параметрларини меъёр даражасига келтириш учун зоогиеник чора-тадбирларни ҳар доим, узлуксиз қўллаш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш кераким янги чорво-фермер хўжалиklarини пайдо бўлишини ветеринария санитария талабларини, зоогиеник меъёрларини ҳайвонлар ёшига қараб, технологик жараёнларини ишлаб чиқишни талаб этади. Шу сабабли ҳайвонларга мўтадил микроиқлим шароитларини яратганимизда касалликни даражаси 20-30 % камайганлиги, маҳсулдорлиги 28-30% ошганлиги, агушер- гинекологик касалликлар 15-17 % камайганлиги, туққан сигирларда куйга келиши 60-70 кунни ташкил қилганлиги тажрибалар давомида исботладик.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Акмалханов Ш.А., Мирхидоят М.М. ва бошқ.. Технологические особенности производства молока в Узбекистане. - Ж.. Жив-во.-1987, № 8 с.35-38.

2. Ахмедов Р. Терморегуляция у коров при низкой и высокой температуре окруж. сред. Всесоюзной сове. по физиологии и биохим. жив-х. Тез. докл. 1959-с 82-84..
3. Рўзиев Ш.М., Қўлдошев О.У., Тугалов Б., Организация ветеринарно-санитарных мероприятий в разных условиях влания животноводства. Иккинчи халқаро илмий конференция «Ҳайвонларнинг ўта хавфли касаллигини тарқалиш ва олдини олиш мониторинги» Самарқанд - 2004 г. Ст. 187-188.
4. Рўзиев Ш.М., Қўлдошев О.У., Салоҳиддинова Х.С. Состояние животных в экологических условиях Кызылкума. Меж. Конф. «Прикладная экология и устойчивое развитие» (ПЭУР-2005) Карши 2005 г.

Мундарижа

1.	Hasanov Sh., Sanaev G., Muratov Sh., Hasanova S. Studying the components of agricultural innovation system in Uzbekistan.....	24
2.	Ibragimov G.A. Service provision, problems of service payment and agricultural development.....	25
3.	G`aniev I.M., Pardaev H., The role of higher educational institutes in technology transfer and innovational development of regions.....	29
4.	Ibragimov U., Abbasov F., Alikulov G. The oretical baseof the main financial planning methods in the enterprises.....	31
5.	Eshmuradov U.T. Improvement accounting of process realization.....	33
6.	Abruev A., Pardaev H. Development of the form of agro-cluster in Uzbekistan.....	38
7.	Botirov A.E., Holmirzaev R.M., Togaymurodov E.B. Economic valuation of ecotourism potential of uzbekistan.....	39
8.	Ibragimov G.A., Abbasov F.F., Alikulov G.A. Farm labor arrangements	43
9.	Pardaev Kh., Saidmurodov M. Analysis of land reforms in Uzbekistan: the case of Djizzak province.....	46
10.	Boboeva N.A., Ortiqov T.Q. The basic physical properties of Zarafshan valley's meadow soils saline with magnesium carbonates.....	48
11.	Bobomirzaev P.Kh., Khalilov N., Elmurodova M.A. Optimization of the rate of water recharge of durum wheat in the south of Uzbekistan.....	49
12.	Halmanov N.T. Effect of green manure application on soil fertility, growth, development and yield of cotton in typical sandy loam serozem soil conditions of Uzbekistan.....	51
13.	Shamsieva Sh.B., Zhamoliddinova V.Zh., Ishniyazova Sh.A. Ecologically safe ways of storing agricultural products.....	55
14.	Mashrabov M.I., Khayitov M.A., Kalonov R.M. The changing of phosphate regime under the influence of new complex fertilizers.....	57
15.	Niyazov H.B. Some peculiarities of etiopathogenesis of purulent arthritis of sports horses.....	59
16.	Davlatov R.B., Rasulov U.I., Islamov G.P. Blood-parasitic diseases, a disease condition and executed the necessary measures.....	62
17.	Xushvaktov A., Abulsaidov B., Kaxarov A. Different genotypes storage method depends on the milk yield of cows.....	64
18.	Yakhyaev B., Khaydarov K., Boymatov O. Determing the actual nutritive value of feed - important factor of full animals feeding	67
19.	Анваров Н. А. Особенности модели некоммерческих брендов.....	69
20.	Анваров Н.А. Директ-маркетинг как средство продвижения.....	72
21.	Хошимов Ф.Х., Абдуллаев Б.Н., Қодирова Г. Эффективностьминимализации обработки на эродированных почвах.....	77
22.	Ортиков Т.К. Роль азотных удобрений в формировании гумусного режима почвы.....	80
23.	Останова Л.С. Выделение сортообразцов картофеля к экстремальных условиях Узбекистана.....	82
24.	Равшанова Н.А., Отаёрова Г.У. Формирование структуры урожая маша в зависимости от нормы и схемы посева.....	86
25.	Файзуллаев Б., Омантурдиев Ш., Ахматов Б. Вредоносность бахчевой коровки (<i>Epilachna chrysomelinaf.</i>) в условиях Зарафшанской долины.....	88
26.	Джумабоев С., Умурзаков Э. Технологии выращивания табака типа Вирджиния в типичных сероземных почвах предгорных зонах Узбекистана.....	91
27.	Юсупов А.Х., Шамсиева Ш.Б., Ташманов Р.К. Физико - химические основы дефолианта.....	94

28.	Эргашев И.Т., Таштемиров Б.Р., Пардаев Х.К. Комбинированное орудие для посадки семян фитомелиорантов.....	98
29.	Мусурмонов А.Т., Буронов Н.Т., Арипов А.О. Разработка и внедрение ресурсосберегающих технических средств в садоводстве и виноградарстве Республики Узбекистан	102
30.	Козлов А.Н., Золотых С.В. Исследование механического фильтра тонкой очистки молока Profitmilk.....	107
31.	Пташкина–Гирина О.С., Низамутдинов Р.Ж., Козырев Д.В. Исследование режимов работы теплонасосной установки	110
32.	Нурмихамедов Б.У., Бекназаров А.Ж., Буранов Н.К. Агротехнические показатели работы комбинированного фрезы-рыхлителя.....	114
33.	Шерьязов С.К., Доскенов А.Х., Чигак А.С. Эффективность системы солнечного теплоснабжения	117
34.	Козлов А.Н. Доильная установка с каскадно-петлевой системой молокопровода.....	122
35.	Эргашев И.Т., Ислотов Ё.И., Ходжимамедов А.Т. Результаты полевых исследований комбинированного орудия для посева семян фитомелиорантов....	125
36.	Бобоев У., Мирзаходжаев Ш.Ш. Пахотных агрегат для гладкой безбороздной вспашки с активными и пассивными рабочими органами.....	129
37.	Раззаков Ш.Т., АбдуганиевЗ.А., Йулдошов Ж.Ш. Повышение эксплуатационной технологичности конструкции системы питания дизельных двигателей путем разработки устройства для фильтра грубой очистки.....	134
38.	Раззаков Х.Х. Уплотняющее воздействия ходовых систем сельскохозяйственных агрегатов на почву и их последствия.....	137
39.	Юлдашев Дж.С., Исмоилов Х.Ф., Бекиев М.А. Повышение износостойкости и прочности литого стального уплотнителя методами нанесения твердосплавного покрытия и термической обработки.....	139
40.	Каландаров У.Х., Тияльбов М.У., Каландаров Р.Х. Сверхпрочные и высокопрочные сплавы системы AL-BE-MG.....	142
41.	Мардонов Ш., Азимов Ш. Wolfram mathematica для демонстрации дифференциала волновой функции.....	144
42.	Орипов Г., Орифжонов Д., Орипов Х. Влияние состояния поверхности, температурных условий эксплуатации и толщины плёнки покрытия на его защитные свойства.....	147
43.	Каландаров У.Х., Каландаров Р.Х., Абдурахимов С.С. Продольно-радиальные колебания цилиндрического слоя с вязкой несжимаемой жидкостью.....	152
44.	Избасаров У.К., Каримов М.Г., Каримов Ж.М. Разработка уникальных технологий выращивания растительных ресурсов для изготовления отечественных фитопрепаратов.....	154
45.	Дилмуродов Н.Б. Особенности изменения химического состава костей метаподия в постнатальном онтогенезе у овец гиссарской породы.....	157
46.	Эшбуриев С.Б., Нарбаев К.Н., Эшбуриев Б.М. Групповая профилактика нарушения витаминно-минерального обмена у высокопродуктивных коров.....	160
47.	Даминов А.С., Уроков К. Х. Роль брюхоногих моллюсков в эпизоотическом процессе фасциолёза и парамфистоматоза.....	164
48.	Салимов Ю., Алланазаров Г., Салимова И. Особенности накопления и распределения пиретроидов в организме отравленных ими животных.....	166
49.	Шапулатова З.Ж. Новая технология диагностики пневмоэнтеритов молодняка.....	168
50.	Салимов Б.С., Курбанов Ш.Х., Тайлаков Т.И. Возбудители авителлиноза жвачных.....	171

51. Каримов М.Г., Избасаров У.К., Каримов Ж.М. Применение флоры и фауны Узбекистана для профилактики и лечения механических повреждений и травм лошадей (открытых ран, ушибов и болезней холки)	173
52. Гриценко С.А., Белооков А.А. Алгоритм применения генетических параметров для прогноза мясной продуктивности бычков.....	176
53. Эрматов Ю.А., Бердикулов Ф.Ш. Генетический потенциал современных кур яичного направления.....	180
54. Махмадиёров О.А. Влияние селеновой подкормки на продуктивность пчел.....	183
55. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М. Инновация: турлари ва уларни баҳолаш йўллари.....	185
56. Хамраева С.Н. Аграр соҳада инновацион инфратузилмани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари.....	189
57. Урдушев Х. ОТМда таълим сифатини оширишда талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини ўрни.....	193
58. Siddiqov Z.T., Mustafayev S.A. Fermer xo`jaliklari faoliyatida innovatsion jarayonni boshqarish mexanizmini rivojlantirishda jahon tajribasi.....	196
59. Muratov Sh. A., Hasanov Sh. T., Pardayev H.A., Paxtachilikda resurslardan foydalanish samaradorligi.....	198
60. Саламов И.С., Назарова М.Ш., Казакова З.С. Самарқанд вилоятида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва сотишдаги инновацион имкониятлар.....	202
61. Тагаев А.С., Маджидова.М.Т. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари.....	205
62. Турсунов О.М., Мирзаев Дж.А. Сув хўжалиги тизимида инвестицион лойиҳалар.....	207
63. Nurullayev U.U., Mavlyanov M.T. Qoramollar bosh soni dinamik tahlili.....	209
64. Zubaydullov A.A. Milliy iqtisodiyotning makroiqtisodiy barqarorlik asoslari.....	213
65. Muratov Sh.A., Hasanov Sh.T., Nurullayev U.U. G`allachilikda resurslardan foydalanish samaradorligi.....	216
66. Акбаров Х., Сафарова Л. ОТМларида талабаларнинг ўқув – тадқиқотчилик ишлари ҳақида.....	220
67. Турдиметов Ш.М. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда биология фанини ўқитишда педагогик технологиялар.....	221
68. Раҳимов А.Р., Мўминов К. Органик деҳқончилик - Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг келажаги.....	223
69. Бобомирзаев П.Х., Файбуллаев Ф.С., Худайбердиева Ш.А. Зарафшон водийсини суғориладиган ерларида кузги буғдойнинг селекцияси тадқиқотлари.....	227
70. Мўминова З.К., Шониёзов Б.К., Пўлатов А.А. Эрозияга учраган бўз тупроқларда кузги буғдойни совуққа чидамлилигини ва дон ҳосилини ошириш омиллари.....	230
71. Бозоров К.Ш., Мўминов К.М., Холмурзаев Б.М. Суғориш эрозиясига учраган бўз тупроқларда кузги буғдой ҳосилига шудгорлаш усуллари ва фосфор меъёрларини таъсири.....	233
72. Xodjakulov T.X., Qarshieva U.Sh., Maxamadiyeva A. Kalta poyali bug'doyning qimmatli belgi xususiyatlarni o'rganish.....	235
73. Ҳайитов М.А., Умаров О.Р., Аҳадова Г.С. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш технологияси.....	237
74. Исмоилов В., Ҳамзаев А. Кузги жавдарнинг тупланиши ва поя сонига экиш меъёрларининг таъсири.....	240
75. Атамуродова М. Юқори ҳосил сифатли дон олишда экиш усуллари ва меъёрларининг таъсири	241

76.	Анорбаев А.Р., Худойқулов А.М., Пўлатов О.А. Бугдойнинг илдиз кемирувчи зараркунандалари биоэкологияси ва уларга қарши курашнинг самарали муддатлари.....	244
77.	Эшонкулов Б.М., Облоқулов Ф., Эргашев И.Т. Дунё картошкачилигида генератив уруғлардан етиштиришнинг салмоғи ва баъзи кўрсаткичлари.....	246
78.	Санаев С.Т., Амиров Х.С. Картошкачиликда ўсимталаридан ўстириш.....	249
79.	Нишонов Н.Т., Қулатов Б.Қ., Толлибоев О.М. Картошка голландия навларининг икки хосилли экин сифатида ўсиши, ривожланиши, хосилдорлиги ва уларни ёзги экиш муддатлари.....	252
80.	Луков М.Қ., Лукова И.М. Кунгабоқарнинг янги дурагайларини ўстириш технолгиясининг самарадорлиги.....	255
81.	Пўлатов О.А. Кунгабоқар ўсимлигида оққанот (<i>BEMISIA TABACI</i> GENN.) га қарши паразит энкарзиянинг самараси.....	257
82.	Умирзаков А., Отаярова Г., Ботиров А. Янги ем-хашак экини сильфия ривожланиши ва ҳосилдорлигига экологик омилларнинг таъсири.....	259
83.	Isomov E.E., Ochilov U., Pardayev Y. Samarqand viloyatida introduksiyalanayotgan tikanli artishok (<i>Cynara scolymus</i> L.) ning turli sug'orish sharoitlarida yer ustki organlarning ontogenezi.....	262
84.	Муминов К.М., Махмадиёров Ф., Турдибеков Э. Пахтазорларда тарқалган бегона ўтлар ва уларни йўқотиш тадбирларининг самарадорлиги.....	266
85.	Умурзоқов Э.У., Аҳмедов С.И., Файзуллаев Б. Шумғиянинг (<i>Orobanche</i>) қишлоқ хўжалик экинларига зарарини илмий асослаш.....	268
86.	Ризаев Ш.Х., Негматов Ш.Э. Гербицидларнинг тупроқ микрофлораси ва такрорий экинларга таъсири.....	271
87.	Бобобеков И.Н. Техноген ифлосланган тупроқларда оғир металлар микдори.....	273
88.	Бобобеков И.Н., Турдиқулов А. Жиззах вилояти бўз тупроқларининг агрофизикавий хоссалари ва уларни яхшилаш тадбирлари.....	275
89.	Бекназаров А.Ж., Буронов Н., Раббимов А.Н. Ток кўмгич ишчи органини жойлашиш схемаси ва унга таъсир этувчи кучлар тахлили.....	277
90.	Зулунов З.Т., Бозорбоев Р.С., Зулунов З.З., Сидикова М.Ё. ТТЗ-80.11 трактори кабинасини совитиш мосламаси.....	281
91.	Абдуллаев Д.А., Абдимоминов И.И., Собиров О., Бекназаров Н. Плуг корпусларни таққослов синовларини тахлили.....	283
92.	Махмудов Р., Абдимоминов И., Абдуллаев Д. Дала тахтасини эгат девори билан ўзаро таъсирлашиши.....	285
93.	Худоёров А.Н., Раззақов Б., Юлдашева М., Худоёрова Л. Комбинациялашган агрегатнинг иш кўрсаткичларини аниқлаш.....	288
94.	Дадаходжаев А., Тўрақулов А.Х. Ер текислагич агрегатининг технологик иш жараёнини тахлили.....	291
95.	Абдирахмонов Р.А., Парманова М.Р. Комбинациялашган агрегатнинг ишлаш шароити ва унинг иқтисодий самарадорлиги.....	293
96.	Абдулхаев Х. Пушталарга ҳажмий ишлов берувчи машина юмшаткич панжасининг параметрларини асослаш.....	295
97.	Абдирахмонов Р.А., Собиров Р.В., Абдумаликов У.И. Шарнирли осма механизмининг ҳаракат чуқурлиги текислигини оширишдаги ахамияти.....	298
98.	Дадаходжаев А., Шохимов Ш.Т., Мирзаева З.И. Чизел-культиватор юмшаткич тишларини фронтал жойлаштириш аниқлиги.....	300
99.	Мирзаходжаев Ш.Ш., Мамасов А., Уралов Ғ.И. Комбинациялашган фронтал плугдаги актив ва пассив ишчи органларини ишлашини асослаш.....	303
100.	Абдуллаев М., Рўзиқулов Р., Абдуллаев З. Арид ҳудудлар деградациясини бартараф қилишнинг кичик бизнесга асосланган технологияси.....	305
101.	Маматова М.Н., Салимов Х.С., Аламова Ф.С. Ветеринария соҳасида инновацион технологияларнинг ютуғи.....	308

102. Ибрагимов Д., Эшимов Д., Исломов Х. Жўжаларнинг экспериментал эймериозиди Ампровет 25 препаратини витаминлар билан биргаликда қўлланилгандаги самарадорлиги.....	311
103. Бакиров Б., Бобоев О.Р., Алимов Б.С. Ҳайвонларда кальций-фосфор алмашинувининг моҳияти.....	314
104. Ибрагимов Д., Исломов Х., Хўжанова Л. Жўжаларнинг ўсиб ва ривожланишига витаминли премиксларнинг таъсири.....	317
105. Боймуродов Х., Эгамкулов А., Умаров Ф. Қамашини сув омбори икки паллали моллюскалари фаунаси.....	319
106. Боймуродов Х.Т., Отақулов Б.Н., Саидқулов Ж.Р. Дарёларда тарқалган иккипаллали моллюскалар чиғаноқларининг ўзгарувчанлиги.....	321
107. Боймуродов Х.Т. Қашқадарё сув типларида Corbiculidae оиласи Corbiculina уруғи турларининг тарқалиши	323
108. Хушвақтов А.А., Суёнова З., Кахаров А.К. Голштинлаштирилган қорамоллардан гўшт етиштиришда фойдаланиш.....	325
109. Амиров Ш.Қ., Эгамбердиева З.К. Сигирларни соғишда замонавий технологиялардан фойдаланишнинг сут сифатига таъсири.....	329
110. Кузиев М. С., Ражамуродов З.Т., Хўжанова М.А. Клетчатканинг структуравий фракциялари микдори ва уларнинг ҳазмланишдаги роли.....	331
111. Ражамуродов З.Т., Ҳайитов Д.Ғ., Олимова Ф.Ф. Озиқланиш омилларининг қуёнлар организмнинг айрим физиологик кўрсаткичларига таъсири.....	335
112. Хушвақтов А., Мусаева И., Сатторов Ф. Турли конституция типидagi сигирлар елинининг морфо-функционал хусусиятлари.....	338
113. Исмаилов М.Ш., Джамбиллов Б.Х., Ибрагимов Б.Б. Олмос рангбарангликдаги қоракўл қўйлар сурувини янги экологик ҳудудларда урчитишнинг селекцион асослари.....	341
114. Ризаева Д. Ёппа селекциялашда қоракўл қўйларида гул кўрсаткичларининг намоён бўлиши.....	344
115. Амиров Ш.К. Зарафшон воҳаси шароитида урчитилаётган қизилчўл ва қоразотга мансуб сигирлар елинининг морфофункционал хусусиятлари.....	346
116. Исаев Ж.М., Исмаилов М.Ш. Бактриан (<i>Camelidae bactrianus</i>) туялар маҳсулдорлигининг ўсиш ва ривожланишига боғлиқ ҳолда шаклланиши.....	349
117. Хужамов Ж.Н., Пардаев Р.Г. Хар хил генотипли сигирларга микроклимнинг касалланиш ва маҳсулдорлик кўрсаткичларига таъсири.....	351

**Samarkand Agricultural Institute,
Uzbekistan
Kangwon National University,
Korea**

**International Conference on
"Agriculture, Regional Innovation and International Cooperation"
4-5 May, 2017**

SAMARKAND, 2017

**Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида Жанубий Кореянинг
Кангвон Миллий университети билан ҳамкорликда ўтказилаётган
“Қишлоқ хўжалиги, ҳудудий инновация ва халқаро ҳамкорлик”
мавзусидаги халқаро конференция материаллари тўплами**

Shartli bosma tabog'i – 45,0.

Bichimi 60x84 1/8. Adadi 100 nusxa

«F.Nasimov» XK matbaa bo'limida chop yetildi.

Samarqand sh., Muazzamxon k., 53

